



ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов — кенгаш раиси

Ўрозбой Абдурахмонов	Абдуваҳоб Нурматов
Акрамжон Адизов	Баҳамдулло Нурабуллаев
Эркин Воҳидов	Абдулла Орипов
Туробжон Жўраев	Тўра Саидов
Наим Каримов	Сирожиддин Саййид
Рустам Мирзаев	Йўлдош Солижонов
Тўра Мирзаев	Хайриддин Султонов
Иқбол Мирзо	Рустам Қосимов
Минҳожиддин Мирзо	

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Асад Дилмурод



МУНДАРИЖА

МУСТАҚИЛЛИК – УЛУҒ НЕЪМАТ

Аҳмаджон Мелибоев. Мунаввар туйғулар 3

ҲУРРИЯТ ШУЪЛАЛАРИ

Хусниддин Шарипов. Остонаси тиллодан. Шеър 7

Абдулхай Носир. Эзгулик арки бу. Шеър 8

Абу Бакр. Ватан. Шеър 9

Омон Матжон. Истиқлол шарафи. Шеър 97

Зикрилла Неъмат. Бахтлар бешиги. Шеър 98

Ғайрат Мажид. Юртимнинг ёзи. Шеър 99

Олимжон Холдор. Жаннатмакон. Шеър 120

Малика Мирзо қизи. Истиқлол бахти. Шеър 121

Олим Жўра. Баркамол авлод. Шеър 121

ШЕЪРИЯТ

Мирпўлат Мирзо. Юртим, севдим сени юракдан. Шеърлар 74

Эътибор Охунова.

Бахтимни дунёларга билдиргим келди. Шеърлар 78

Исмоил Тўхтамишев.

Интилдим хурликка тикиб кўзимни. Шеърлар 88

Муножотхон Каримжон қизи. Эзгулик баётлари. Шеърлар ... 90

Озода Бекмуродова.

Заррин ёғдулар-ла безанган йўллар. Шеърлар 103

Беҳзод Фазлиддин.

Жамолинг жилваси жисму жонимда. Шеърлар 106

БИР ДАРАХТ НОВАЛАРИ

Кенгисбой Каримов. Орзуга роз айтар само. Шеърлар 144

НАСР

Исажон Султон. Озод. Роман. Бошланиши 10

Наби Жалолиддин. Вокзал. Ҳикоя 81

Жўра Фозил. Боғ. Ҳикоя 125

ЖАҲОН ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИДАН

О'Генри. Сўнгги япроқ. Ҳикоя 92

НАВОИЙ САБОҒИ

Насиба Бозорова.

“Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут” 100

РОМАН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Исломжон Ёқубов.

Ўзбек романининг маънавий-руҳий асослари 109

ЭҲТИРОМ

Ҳафиз Абдусаматов. Мактуб – қалб садоси 122

ЖАРАЁН

Қозоқбой Йўлдош. Роман ва бугунги ўзбек романчилиги ... 131

Абдулла Улугов. Қиссаларда қалб акси 137

Хуршид Дўстмуҳаммад. Ҳикояларда ҳаёт ва

хаёл ҳақиқати 141

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Йўлдош Солижонов.

XXI аср насри манзаралари. Мавзу, муаммо ва ечим 147

Юрий Борев.

Инсон ҳамда инсоният ҳаётининг олий

мақсади ва маъноси 158

Сабоҳат Бозорова. Бир воқеликнинг уч талқини 164

ЁДНОМА

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Шеърига кўчган шахсият ... 170

ГУЛҚАЙЧИ

Ашурали Жўраев. Ҳажвий монологлар 175

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2011

4-сон

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР ЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри тахририят фикри деб қабул қилинмасин.
Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монетьлик кўрсатилса,
Тошкент – 100000,
«Амир Темури» тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Обуна индекси — 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
«Ўзбекистон» кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99
www.sharqyulduzi.uz
E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
08.08.2011 йил.

Қоғоз бичими 70x108 ¹/₁₆.

Офсет босма усулида тип.

№ 1-қоғозга босилди.

Босма тобоғи 11.

Шартли босма тобоғи 15,4.

Наширёт ҳисоб тобоғи 17,2.

Адади 3435 нусха.

Буюртма № 101-11

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562–рақам билан рўйхатга олинган.
«Ўқитувчи» НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Янгишаҳар кўчаси, 1-уй.

Саҳифаловчи:

Ақбарали Мамасолиев

Мусаххиллар:

Дилфуза Маҳмудова,

Рустам Турсунов

Қутувда: «Ўзбекистон почтаси» бўлимларидан сўранг.

Copyright © «Шарқ юлдузи»



Мустақиллик - улуғ неъмат

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



МУНАВВАР ТҶУҒУЛАР

Ҳар йили, ҳаётимиздаги энг улуғ, энг азиз байрамни нишонлашга тайёргарлик кўрар эканмиз, мустақиллик даврининг тарихга айланиб бораётган яна бир йилида мамлакатимизда, ҳаётимизда, турмуш тарзимизда юз бераётган ўзгаришлар, ши-жоатли меҳнат, ўқиш ва изланиш туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар шодаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу ютуқларга озми-кўпми дахлдорлигимиздан кўнгилда мунаввар тўйғулар уйғонади.

Ҳаёт пайдо бўлганидан бери инсоният эмин-эркин, тўқ-фаровон яшашни орзу-лаб келади. Жамият ривожлангани сари бу орзу янада кенг қанот ёзади. Одамлар бугун кечагидан, эртага бугунгидан мазмунли яшашни, фарзандларини бекаму кўст тарбиялаб вояга етказишни, ўзидан яхши ном, эзгу амаллар қолдиришни ўйлайди. Демократик ривожланиш, миллий тараққиёт йўлини тутган мамлакатларда бундай истакларни рўёбга чиқариш мамлакат миқёсида қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг, ўтказилаётган ислохотларнинг, янгиланиш ва бунёдкорлик режаларининг бош мақсадига айланади.

Янги аср, таассуфки, ҳаётимизга ўзининг шиддатли талотўплари, мураккаб эврилишлари, кутилган ва кутилмаган бурилишлари билан кириб келди. Йигирманчи асрга хос бўлган кўпгина иллатлар, инсоният орзу қилганидек, шу юз йилликда қолиб кетмади, аксинча, қайта куч олиб, хавфли бир кўринишда янги асрга ҳам ўтди. Дунё минтақаларида яна шахсий манфаатлар устуворлик қила бошлади, қуролли, диний, ирқий можароларни қасддан келтириб чиқариш, нифоқлашаётган томонларни бир-бирига гиж-гижлаш ва бунинг оқибатида ўзга ҳудудлардаги табиий бойликларни “манфаатли таъсир доирасига” олиш, нефть конларини кўздан қочирмаслик ҳаракатлари бошланди. Янги мустақил давлатлар мисолида айтадиган бўлсак, “оммавий маданият” ниқоби остида ҳаётимизга, дунёқарашимизга, онг-шууримизга ва ҳатто турмуш тарзимизга турли иллатлар, кўзга кўринмас маънавий айнишлар ёпирилиб кела бошлади. Ахборот хуружлари, ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш учун кураш, турли ғаразли оқимларнинг ғаламисликлари кескин тус олди. “Бу ҳаётнинг шафқатсиз бир қонунияти бор, – деб ёзади Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида. – Яъни, тарихнинг мураккаб ва ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамли-

гини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда, ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши, шубҳасиз”.

Тарихда ҳам, кечаги яқин-ўтмишда ҳам бунга мисоллар кўп. Давлатимиз раҳбари бизни четдан ёпирилиб келаётган “оммавий маданият” ниқоби остидаги маънавий, ахлоқий ва бошқа кўринишдаги айнишларга лоқайд бўлмасликка, дунёда турли мафкуралар, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тортишуви кундан-кунга кескин тус олаётган бир пайтда, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш янада муҳим аҳамият касб этаётганини англашга даъват этади.

Тарихдан шу нарса аниқки, маънавий илдизлари заифлашган халқ энг оддий хавф-хатар олдида ҳам кучсиз ва ожиз бўлиб қолади. Дунёнинг ривожланган ҳар бир мамлакати ўз ташқи сиёсатида, энг аввало, шахсий манфаатларини кўзлаб иш тутади, бу манфаатлар муҳим стратегик чорраҳаларда ўзаро тўқнаш келиб қолади. Иқтисодий, ҳарбий тазйиқни сезиш осон, аммо мафкуравий тазйиқ кўринмас бир офат сифатида халқ, миллат ҳаётига пинҳона кириб келади ва илдиз отади. Иқтисодий тангликни енгиш мумкин, аммо маънавий таназулни енгиш мураккаб вазифа. Бунинг сабаби, бузғунчи кучлар бугунги глобаллашув замонида ўзга бир халқ, миллат маънавиятига қарши кураш бошлар экан, бир қарашда ўта беозор кўринадиган, аммо таъсир кучи ғоят самарали воситалардан унумли фойдаланади. Бунда асосий куч ва имкониятлар ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш, уларни тўғри йўллардан чалғитишга қаратилади.

Истиклолимизнинг дастлабки қадамлари мана шундай мураккаб шароитга тўғри келди. Мамлакат ҳаётида узоқ давом этадиган мураккаб ўтиш даври бошланиб, бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий вазифалар билан шуғулланишга, ички ва ташқи сиёсат йўналишларини белгилашга, жамият ҳаётининг ҳуқуқий, иқтисодий, маданий-маърифий асосларини ишлаб чиқишга, қабул қилинаётган ҳар бир қарорда ягона тўғри ва адолатли ечимни топишга тўғри келди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Кенгашнинг 12-сессиясида (1992 йил, 2 июль) сўзлаган нутқида бу ҳолатни қуйидагича ифодалаган эди: “Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғилган кунидек оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди. Қарз олиш осон, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамининг, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз зарур. Бугун биз хато қилиб кўйсак, фарзандларимиз келажакда яна қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу – катта гуноҳ бўлади. Озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўрнатмайлик, халқимизнинг иззатини жойига қўядиган, унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз керак бўлади...”

Ватан ҳаммамиз учун улуғ ва муқаддас бешик. Неча асрлар давомида аждодларимиз Ватан озодлиги, унинг гуллаб-яшнашини орзу қилиб келганлар. Бу орзу-умид йўлида жон фидо қилганлар. Ватан туйғуси, миллатнинг шаън-шавкати, миллий ғурур ва ифтихор, маданият ва маънавият, одоб ва ахлоқ, шу каби бошқа кўплаб эзгу фазилатлар аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган. Боболаримиз, гарчи жон фидо этиб ҳам озодликка эриша олмаган бўлсалар-да, халқни халқ, миллатни миллат сифатида тутиб турувчи қадрият ва аънаналаримизни, дину диёнатимизни, бетакрор маънавиятимизни кўз қорачиғидек асраб келдилар. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, давлатимиз раҳбари бу неъматларга қайта жон бағишлаш, уларни янада бойитиш, келгуси авлодларга бусбутун етказишни миллий истиқлол ғоясининг ўзак вазифаси сифатида эътироф этди. Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони “Шу азиз

Ватан – барчамизники” шиори остида ягона Ватан тараққиёти, мунаввар келажаги учун масъулият ҳиссини сезиб яшашга чорлаш, юксак фазилатли комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш тарғибот-ташвиқот ишларининг марказига қўйилди.

Истиқлол жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ҳаётда ўзини тўла намоён этиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш, меҳнати самараларидан баҳраманд бўлиш, ўқиш, илм олиш, ҳунар эгаллаш борасида мамлакат Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан унумли фойдаланиш имконини яратди. Собиқ тузумнинг ғайриинсоний чекловларига барҳам берилди. Бунинг натижаси ўлароқ, мустақил Ўзбекистон қисқа вақт ичида моҳият эътибори билан неча ўн йилликларга тенг келадиган юксалиш йўлини босиб ўтди, жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида биз учун энг муҳими – қўлга киритилган, энди оёққа тураётган мустақилликни, мамлакатдаги тинч-тотув ҳаётни, миллатлараро аҳил-иноқликни сақлаб қолиш, иқтисодий тангликка бардош бериш эди. Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган халқчил сиёсати, халқимизнинг ақл-заковати, аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган эзгу азалий қадриятлар боис, биз бу оғир синовларни енга олдик. Кўп нарса ортда қолди. Аммо ўша кезлари ҳаётимизда қандай муаммолар юзага келганини, йўлимизга кимлар ва нималар тўғаноқ бўлганини, собиқ тузумдан бизга қандай мажруҳ мерос қолганини, миллий республикалардаги ўзликни англаш, ўзликка қайтиш ҳаракатини “узоққа бормайдиган шунчаки бир хомхаёл”, дея “башорат” қилган “раҳнамо”ларнинг айюҳанносларини бугунги ёш авлодга вақти-вақти билан тушунтириб туришимиз зарур, деб ўйлайман. Не бахтки, бундай башоратларнинг ўзи хомхаёл бўлиб чиқди. Биз истиқлолимизнинг илк қадамларидаёқ ўз йўлимизни, мақсад-муддаоларимизни аниқ-равшан белгилаб олдик ва бу йўлдан асло оғишмадик.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, эркин, демократик жамият қуриш йўлига ўтганидан бери орадан йигирма йил ўтди. Минг тўққиз юз тўқсон биринчи йил адоғида туғилган фарзандлар бугун вояга етиб, ёнимизга кирди, сифимизга кўшилди. Бундай қараганда, бу – жуда кўп фурсат эмас. Халқ тили билан айтганда, бир йигит ёши. Лекин, тарихнинг ўзига хослиги шундаки, баъзан вақт ҳам воқеа-ҳодисалар шиддати ва моҳиятини, эришилган натижаларни ифодалашга ожизлик қилиб қолади. Сўнги икки ўн йилликдаги ҳаётимиз бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳар қандай ғалаба, унинг натижалари сақлаб қолинган тақдирдагина аҳамият касб этади. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида мамлакат олдида турган тарихий вазифа – мустақилликни мустаҳкамлаш, уни ёмон кўзлардан асраш, одамлар онг-шуурига янги жамият ғояларини сингдириш, халқнинг қадр-қимматини кўтариш, ор-номусини, шаън-шавкати жой-жойига қўйиш эди. Шу мақсадда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлиги остида қисқа вақт ичида миллий тараққиётнинг Ўзбекистонга, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетига хос ва мос янги модели, миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари, соддароқ қилиб айтганда, жамият ҳаётининг олис келажакка мўлжалланган бош мақсад-режаси ишлаб чиқилди. Ўтган йиллар давомида талотўпли даврнинг оғир синовларидан ўтган ва дунё миқёсида тан олинган бу модел, аввало, мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг янги тамойилларига, халқимизнинг куч-қудрати ва интеллектуал салоҳиятига асосланган эди. Бу тамойилларнинг моҳияти ўтиш даврида давлат зиммасига бош ислохотчи деган масъулиятнинг юкланиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя ва ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби ўта мураккаб вазифалардан иборат бўлди. Бугун, дунёнинг кўпгина мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз туфайли ғоят мураккаб муаммолар билан юзма-юз турганида, йирик корпорациялар, концернлар ишчи ўринларини,

ижтимоий ҳимоя пакетларини қисқартиришга мажбур бўлаётганларида, дунёнинг номдор иқтисодчилари, мутахассислар тўқсонинчи йиллар бошида Ўзбекистон ривожланишнинг ғоят тўғри ва мақсадга мувофиқ йўлини танлаганини такрор-такрор эътироф этмоқдалар. Бу масалада муҳим хулоса шундан иборатки, Ўзбекистон энг қийин шароитда ҳам ўз кучи ва имкониятига таяниб иш кўрди. Давлатимиз раҳбарининг “Биз борини асраш ва йўғини яратиш йўлидан борамиз”, деган шиори, маълум шартлар ҳисобига бошқалардан қарз кўтармаслик принципи ўзини тўла оқлади.

Дунё мамлакатлари тарихидан маълумки, чуқур билим ва малакага эга бўлган ёшлар ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам миллат олдида турган энг оғир, масъулиятли вазифаларни ҳал этишга қодир бўладилар. Биз бугун босиб ўтилган йигирма йиллик давр ичида эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, бу ғалабаларда айна шу йиллари тарбия топган, дунёқараши истиқлол ғоялари асосида шаклланган, дунё кўрган ёшларнинг ҳиссаси жуда катта эканини баралла эътироф этамиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари бугун нафақат иқтисодий кўрсаткичларда, айна чоғда, халқимизнинг турмуш тарзида, яшаш шароитида, маҳалла, оила ҳаётида ҳам кўзга ташланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ жойларида маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланаётгани, замонавий инфратузилма шаклланаётгани, ёш оилаларга уй-жой қуриш учун тегишли имкониятлар яратиб берилаётгани, қурилишлар намунавий лойиҳалар асосида олиб борилаётгани, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётгани, жорий йилнинг биринчи чорагида биргина қишлоқ жойларида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида янги 6 минг 300 ишчи ўринлари яратилгани фикримизнинг далили бўла олади.

Бугун мамлакатимизда “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” шиори остида энг улуғ, энг азиз байрамимизга тайёргарлик бормоқда. Шуниси қувонарлики, деярли ҳар куни бепоён Ватанимизнинг турли бурчакларида янги бир иншоот: спорт ёки маданият комплекси, йўл ёки кўприк, одамларнинг оғирини енгил қиладиган бошқа бир иморат ишга тушаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Адабиёт, санъат ва маданият намояндалари, олимлар, устоз-мураббийлар жойларда бўлиб, меҳнаткашлар билан байрамолди учрашувларини ўтказмоқдалар. Вазифа шундан иборатки, байрам арафасида, ундан кейин ҳам мустақилликнинг нечоғли улуғ неъмат эканлигини, бу илоҳий неъматни бунёдкорлик ишлари, шахсий намуна, эътиқод ва садоқат билан изчил мустаҳкамлаб бориш, ёшлар онгига сингдириш, янги авлоднинг маънавий оламини беғубор ҳолда сақлаш зарур. Зотан, бугунги шароитда, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, “инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг Президентимиз томонидан баён қилинган Концепцияси ижтимоий-сиёсий ривожланиш, миллий тараққиёт, халқимизнинг тинч-тотув, фаровон ҳаётини таъминлаш, мамлакатда демократик тамойиллар ва социал адолат принципларига қатъиян амал қилинишини янада кучайтириш борасида узоқ йилларга мўлжалланган дастуруламал бўлиб, бу муҳим ҳужжатни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, таклифларнинг маъно-моҳиятини англаш ва уларни аҳоли турли қатламлари орасида тарғиб қилиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифанинг ижросида ижодкор зиёлилар, айниқса, фаол бўлишлари талаб этилади.

Истиқлол – бизнинг тақдиримиз, буюк келажагимиз, халқимизнинг бахт-саодати, Ватанимизнинг тинч-тотувлиги, гуллаб-яшнаши, фарзандларимизнинг камоли – мангу бор бўлсин!



Ҳуррият шуълалари



**Ҳусниддин
ШАРИПОВ**

Остонаси тиллодан

*Камтар элим экар, ўстирар,
Меҳнатидан ундириб ҳузур.
Дастурхони ётти дўст қилар,
Остонаси тиллодан эрур.*

*Дунёда кўп тиллопарастлар,
Кўндир ҳамон омад овлаган.
Лекин, асло, ҳарбу гаразлар
Кўчамизни чангитолмаган.*

*Чарх ураркан ҳазилкаш ҳаёт,
Кўёш нури, боғлар салқини
Қилар доим шоду эҳтиёт
Диёримнинг дилбар халқини.*

*Қизлар доно, йигитлар ўктам,
Тиллар ширин, чеҳралар порлоқ.
Тарихда кўп гўзаллар ўтган,
Замондошим аммо барнороқ.*

*Таржимаи ҳоли ҳам содда:
“Ундим. Севдим. Кашиф этдим. Қурдим”.
Ақлу санъат сочган зиёда
Яйрамасдан не қилсин юртим?!*

*Бўлгай юрак амри ҳам вожиб, –
Чаманзорга айлангай куртак
Ҳар булоқнинг кўзини очиб,
Ҳар бутуқни авайлаб турсак.*

Умр – мактаб: хавотиририм йўқ,
 Меҳру вафо – дарси бўлади.
 Эртадан ҳам, дўстлар, кўнглим тўқ,
 У муҳаббат асри бўлади.

Эзгулик арки бу

Шаҳар бўйлаб яна кезиб пиёда,
 Ўрда кўпригидан ўтиб муқаррар,
 Ёшлигим излаб-да ҳар тои, гиёда,
 Қуёш масканидан топдим хушхабар.

Хуррият майдони кўкка кўтарган
 Эзгулик арки бу, қаршимда улуғ,
 Саодат қушлари жондай ўраган,
 Парвозга шайланган лайлақлар қутлуғ.

Порлаган осмонга шундай ҳур қараб,
 Гул қўйиб мўътабар она пойига, –
 Арчалар япрогин оҳиста тараб,
 Чух, дедим, миниб-да хаёл тойига...

...Шафақлар юзига сочилиб қони,
 Неча минг донишлар бўлиб-да шаҳид, –
 Юрт шаънин кўкларга кўтарди шони,
 Шу она тупроқни айлаб-да шоҳид.

Шуларнинг руҳига қўйиб қўш устун,
 Бўйи-бастларини айлаб кўп азиз,
 Сарбоним кўтарди шарафлаб бутун,
 Шарафлар диёрин айлаб хўп тўқис.

Зотан, қўёлмаган ҳеч бир жаҳонгир,
 Устун қўёлмаган чорлаб зиёга.
 Эзгулик устунин тиклаб посбон пир,
 Халқимни танитди бутун дунёга.

Мен – битта томири, яраб корига,
 Кифтимга олай деб битта кошинин,
 Келдим-да айланиб бахтиёрига,
 Қўйгандай бўлдим-да битта тошини.



Абдулҳай НОСИП

*Қарасам, минордай ҳар улкан устун,
Бош қўйиб истиқлол дарвозасига,
Кўнглимни айлади тагин-да бутун,
Жўр айлаб истиқбол овозасига.*



Абу БАҚР

Ватан

*Тоғлардек сарбаланд гурурларинг бор,
Ўзингга ишончинг, сурурларинг бор.
Масрурларинг бор, мағрурларинг бор,
Йигитлар виждонига жойланган Ватан!*

*Қадри баланд, кўкси осмонларга тенг,
Тарихи ҳад билмас замонларга тенг,
Бир қарич тупрогинг дунёлардан кенг,
Тупроғи олтинга айланган Ватан!*

*Ўсмиринг беклардек бели букилмас,
Бўйга етган қизинг бек йигитга мос,
Юртбошимнинг меҳри оталарга хос,
Ёшларни парвозга шайлаган Ватан!*

*Тарихда номингни мадҳ этган жаҳон,
Илму маърифатда тенгсиздир ҳамон,
Бугун ўша кунлар қайтмоқда ишон,
Номи жаҳон узра куйланган Ватан!*



наср

**Исажон СУЛСТОН**

ОЗОД

Роман

*Профессор Озод Шарафиддиновнинг ёрқин хотирасига,
суркираб ўсаётган ёш авлод – юртнинг ҳақиқий эгаларига бағишланади*

Муқаддима

Бир хонанинг ҳар тарафига тиниқ кўзгулар ўрнатилган эди. Қирган киши тўрт томонда, ҳатто оёқ остидаю шифтда ҳам ўзининг муттасил аксланаётганини кўрарди. Шунингдек, меъмор бу хонани овозларни ҳам аксланадиган қилиб қурибди: биргина овоз юз хил оҳангда, кучайиб ёки пасайиб такрорланиб қайтар эди.

Бир куни шу хонага ёш бир арслонни киритиб юбордилар.

У ичкарига кириб, ҳамма томондан ўзига сонсиз-саноқсиз арслонлар қараб турганини кўрди. Ваҳшийлик табиати устун келиб, тишларини иржайтирган эди, теграсидагилар ҳам шундай қилишди. Ёш арслон ер тимдалаб, сапчишга тайёрланди ва қаттиқ наъра тортди. Наъраси турли томонларда аксланиб, минглаб арслонларнинг наъраси бўлиб янграб кетди. Шунда ёш арслоннинг ғазаби кўзиди, у энг яқиндаги рақибига ташланди, шу тариқа у ердаги сонсиз-саноқсиз арслонлар билан то ҳолдан тойгунича олишди...

Анча вақтдан кейин хонага қирган кишилар арслоннинг ўз акслари билан жанг қила-қила ҳалок бўлганини кўрдилар. Тўрт томондаги ойналарда эса минглаб арслонларнинг жонсиз жасадлари аксланиб турар эди.

* * *

– Дунё ўз ҳолича сенга ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам келтирмайди. Тегрангдаги рўй бераётган ҳамма нарса аслида ўз фикрларинг, ҳис-туйғуларинг, истак ва тутумларингнинг аксидир. Дунё – улкан кўзгудир, – деди Устоз. – Икки кўзгуни қарама-қарши қўйганимда манзаралар узлуксиз такрорлангани каби, олам ҳам қалбингда ва руҳингда муттасил аксланмоқда. Аслида дунё собит ва ўзгармас бир нарса, муҳими – унинг сендаги аксларидир. Кўзгуларнинг хусусиятлари ҳар хил, ботиқ кўзгу нарсаларни улканлаштириб, қабарик кўзгу кичрайтириб кўрсатишидан хабаринг бор.

– Ҳамма инсонлар кўзгудир ва турли-тумандир, – деди у. – Масалан, илм ва сўз аҳли ботиқ ойнадир. Уларнинг айтганлари – кичикдан улканга, камдан кўпга олиб борувчи йўлларнинг ишоратларидир. Модомики, жонсиз ойнага воқеа-ҳодисаларни акслантириш хусусияти ато этилган экан, жонли кўзгу эгаси уларни истаган мақомига солиб акслантира олади. Дунёда қушлар турли-туман, уларнинг ҳаёт кечириши ва табиати ҳам турфа, халқ ҳудҳуд, кумри, попишак кабиларга навосоз, донишманд, енгилтак каби маъноларни юклаган, булар – қисман акс. Сен сўраган толе қуши, ҳумо қуши ёки жон қуши эса тўлиқ, яъни ҳамма қушларнинг хусусиятини жамлаб, қўшимча мўъжизавий маънолар юкланган аксдир.

– Сен йўл ҳақида ҳам сўрадинг, – деди яна Устоз. – Фалончи йўлга чиқиб, фалон манзилга борди дедилар. Бу гапнинг ортида йўлларнинг манзаралари, табиати, турли-туман кишиларнинг қиёфалари, сўзлари ва тутумлари, тоғлару боғлар, анҳорлару сойлар, чўллару яна турфа томонларга олиб борадиган бошқа катта-кичик сўқмоқлар, қишлоқлару шаҳарлар, кеча ва кундузлар, ҳайратлар ва хавфу хатарлар бор. “Фалончи йўлга чиқиб, фалон манзилга борди”, деган гап дарчага ўхшайди, ундан боқсанг, ортида мен айтган нарсаларни кўра оласан. Дарча зоҳир, ортидагилар ботиндир. Оқибат эса унинг манзилига етишида аён бўляпти. Аслида буларнинг ҳаммаси аксдир. Ўша одамнинг манзилга боришдан кўзлаган мақсади эса айни ҳақиқатдир.

Сен тушуна оладиган қилиб шундай англатдим. Бундан ортиғини эса тасаввуринг кўтара олмаслиги боис англатмаяпман¹. Баъзи кишилар билиб-билмай ҳикмат айтдилар. Умр оқар сувдир, деган ҳикмат донишманднинг гапи эмас, халқнинг сўзидир. Бу ҳодисада донишманд ҳам авомга ўхшаб умрнинг сувдай оқишини кўради дейишинг хато, чунки бу ерда сув – донишманднинг ўзидир. Тегранда айтилган ва айтилаётган ҳар бир сўзнинг орти ана шундай – бепоён маъно эканини, ҳикмат айтган кишилар эса аллақачон маъноларга айланиб кетишганини кўрмайсанми?

* * *

Устоз гапларининг маъзини чақишга уриниб кўрганим сайин ҳақиқатан ҳам турли-туман воқеалар ва ҳатто мисраларнинг ортидаги яширин маъноларга етиш жуда мушкул эканини пайқай бордим. У улкан моҳиятларга устозсиз бир ўзим яқинлаша олармидим? Шу сабаб, ҳайбатли ва мангу маънолар сари йўл олишга ҳайиқиб, болалигимдан бери билганим, ҳикматини англашга қизиққаным энг оддий қисса – тақдир лоласигаю толе қушига етишга аҳд қилган Озод қиссасининг маъноларини акслантиришга уриниб кўрдим. Илк уринишдаёқ дуч келганим мушкулот – ойна бўлиб акслар ҳосил қилиш учун ўзликни унутиш керак экани, ойнадаги энг кичкина хира доғ ҳам аксга соя солиши бўлди. Ўзликнинг кўланкалари теваракни бузиб кўрсатгани боис, тиниқ ва беғараз акс ҳосил қилиш ғоят мушкул эканини англадим.

У ажойиб лоладану ғаройиб қушдан кимлардир аллақачонлар хабар берган эдилар. У хабарлар тупроқ орасидаги дур ёки хазон орасидаги қирмизи чечак бўлиб, турли мушоҳада йўлларига ишора қилар, баъзилари ғам ва андуҳ маконлари-ю ишқ-муҳаббат биёбонларига, бошқалари эса жангу жадал майдонларига йўллардилар. Бепоён маъно даштлари қаршимда ястаниб, шу тариқа намоён бўлар эди.

Илк акс ҳам шу эди: теваракда одатий ҳаёт давом этмоқда, ҳар ер-ҳар ерда кўкимтир тутун кўкка ўрламоқда, турли кишилар кундалик юмушларига уринмоқда эдилар.

БИРИНЧИ АКС

Қишлоқда одатий ҳаёт давом этмоқда эди.

Ҳар ер-ҳар ердан кўкимтир тутун кўкка ўрлар, қий-чув, чақалоқлар йиғиси эшитиларди. Кимдир тандиргами, ўчоқами ўт ёқди. Қайдадир қўйлар баъради; ўн-ўн икки ёшлар чамасидаги болакай бир тўда қўйни ўтлатгани ҳайдаб кета бошлади.

¹ Жалолоддин Румий.

Қуйыроқдағы ховлида чопонининг ўнгири қайириб олган бир киши қуруқ яйдоқ ерга тош таширди.

Бостирма остидағы биқини чандиғли отнинг сағрисиға лой сачраған, олдига бир кучоқ беда ташлаб қўйылған эди. Унинг емиш билан иши йўқ, нимадандир бевозта. Сал нарида шотиси тикка қилиб қўйылған, улкан ғилдирақларига айланасиға темир қопланған, хом теридан ишланған қайишлари осилиб-осилиб қолған кўхна арава кўзға ташланди.

Қирларнинг устида, Учёнғоқда булутлар қуюқлашқан, гоҳ-гоҳ момақалди роқ гумбирларди. Ундан ҳам нарида, Искандар деворининг тепасидағы булутлар эса қоп-қора тус олған, ахён-ахёнда орасида ярқ этиб чақмоқлар яллиғланарди.

Иморат қурилаётган ховлидан нарироқдағы бошқа ховлида бир аёл хом нон тўла саватни кўтариб, тандир ёнига келди. Тандирда олов пасая бошлаган, қизғиш чўғлар чирсиллар эди. Аёл чўғларни курак билан бир ерга уйди-да, устига кул тортди.

Ёмғир исини аңқитиб, сарсари шабада эса кетди.

– Ҳай, овсин, ҳорманг, – кўра ортидан бўй чўзди кўшни аёл. – Патир ёпяспизми дейман?

– Патирга сарёғ қайда, ўзимизнинг нон-да. Болаларим саҳарлаб экинзорга кетишувди, ҳали-замон келқолишади. Нон ёпиб қўяқолай, иссиқ-иссиқ еб олишар дедим. Чарчашгандир, ернинг меҳнати осонми?

– Ҳа-я, тўғри айтасиз, – деди буниси. – Меникилар келишди, шўрва қайнатиб қўювдим, оталарини кутишяпти энди. Отанг келгунча ичволақолинглар десам кўнишмаяпти.

– Вой, барака топишсин, – деди буниси.

– Сўқмоқда биров кўринди, – деди аёл кафти билан кўзини ёруғдан пана қилиб.

– Ким экан-а?

Иккинчиси ҳам синчиклаб қаради-да:

– Озод экан, – деди. – Янгиликни эшитдингизми? Хотинларнинг оғзида дув-дув гап: Ойдин қизга бахт лоласини олиб келаман деб ваъда берганмиш.

– Ҳа-я, Озод экан, – деб тасдиқлади униси. – Ҳа, эшитдим. Аммо ҳали ёш, новда-дай ўспирин-ку, чўққиларга чиқа олармикан? Ростини айтсам, тўйимиздан олдин акангиз ҳам менга ваъда берувди. Шаҳд билан тоққа кетиб, қуппа-қуруқ қайтиб келувди.

– Менинг эрим эса уриниб ҳам кўрмаган, лола чўпчагини қизалоқлигимда бувимдан эшитганман, – деди кўшни хотин. – Учёнғоқнинг нарёғидағы ҳамма нарса ўша ёққа ўтишига тўсқинлик қилаверар экан-да. У ёқларда роса қаттиқ шамол эсармиш. Олдинга бир қадам босиб бўлмас, кўзни очиргани қўймас экан. Ўлсин, қизалоқлигимизда жуда содда бўлган эканмиз-да, овсин?

– Озод ақлли-мулоҳазали, кўп нарсани биладиган ўқимишли йигитча, – деб мақтади уни нон ёпаётган аёл. – Ойдин эса ҳамма келин қилишни орзу қиладиган ажойиб қиз бўлган. Онаси қачон қараманг, “шу қизим туғилди-ю рўзгорим баракага тўлди” деб юрарди, эсингиздами? Келинг, яхши ният қила қолайлик, шояд худойим тақдирларини ўнғласа-да, икковининг ҳам бошига бахт қуши кўнса...

– Ажабмас, ажабмас, – деди кўшни, сидқидилдан.

Шу маҳал тераклар орасида бир қуш “Куёв-куёв, кимга куёв” дея сайрай бошлади. Қўшни хотин пиқ этиб кулиб юборди.

– Ана сизга бахт қуши! Озоддан гапирсак, попишак эшитиб қолди-ку!

– Қизларингизга куёв истаяпти бу қурғур, – деди нон ёпувчи аёл.

– Ҳай, овозингни ўчир, қизларим ҳали ёш! – деб пўписа қилди кўшни аёл попишакка, қуш худди буну тушунган каби жимиди.

– Учёнғоқ тепасини булут босяпти, ҳали яна шамол эсса керак, – деди нон ёпувчи.

– Мен бориб, тезроқ ишларимни қила қолай.

Қўшни жилмайди, у билан хайрлашиб, ховлисининг ичкарасига қараб кетди.

Йўл четидағы маккапоялар орасидан жуда хунук, бадбашара бир кучук чиқиб келди-да, ер искаб, емиш излай бошлади.

Иккита қуш баб-бараварига чарх уриб кўкка парвоз қилди.

Иморат учун тош ташиётган одамнинг тўрт яшар ўғли уйқусидан уйғониб, чиқиб келди.

– Тоғлар устида момақалдироқ гумбурляпти, – деди иморат қураётган одам ўғлига. – Тез-тез юзингни юв, кейин келиб салом бер, бўлмаса ўша ёқдан яъжуж-маъжужлар чиқиб, сени опкетиб қолишади. Уларнинг танаси хол-хол, кўзлари кўк, одобсиз болаларни опкетишади.

Бола бу гапга чиппа-чин ишонди, бориб юз-кўлини ювди-да, кейин чопқиллаб келиб, кўлини кўксига қўйиб салом берди. Отанинг юзига фавқуллодда табассум ёйилиб, “Ваалайкум ассалом”, дея алик олди.

Шамол

Шу тобда кўкда оқ булутлар сузиб бормоқда эди.

Юксақларнинг шамоли уларни сурув-сурув ҳайдаб борар, бир оздан кейин шакли ўзгариб, шиддат билан олдинга интилаётган ёш тойлар тўдаси шаклини олмоқдайди. Самовий бу отларнинг узун ёллари шамолда ҳилпираб, адоқсиз тиниқ кенгликларда роҳатланиб чопишаётгандек туюларди. Ортларидан эргашган қора булутлар тўдаси оғир-вазмин сузар, булар ғоятда кўп ва қат-қат, бағирларида жалаларни олиб келаётган бўлишлари ҳам эҳтимол.

У лола ўша булутлар чиқиб келган жойда ўсса керак, деб хаёлидан ўтказди Озод. Шамол пайдар-пай экин урмоқда, лойқага қоришган ўт-ўлан исини димоққа тутмоқда эди.

Йўл аниқ: Учёнғоқдан ошиб ўтилса, ундан нарида Туз чўлию Ойдинкўл бор. Ойдинкўлдан ҳам нарида яйдоқ биёбон, биёбон ортида эса тошлоқлар ястаниб ётади. Кейин тоғу тош бошланиб кетади, янаям ичкарироқда, икки тоғ орасида сип-силлиқ баланд қоялар бўй чўзган, ўша қояларнинг энг тепасига чиқиб борилса бас. “Тушгача етиб бораман, чўққиларга чиқиб-тушгунимча яна бир оз вақт ўтса, шомга қадар изимга қайтсам керак”, деб ўйлади Озод. Шу маҳал дарахтларнинг баргларини шитирлатиб шамол эсиб ўтди-да, қаршисидаги тупроқ йўлнинг чангини тўзғита бошлади. Уни Озод яхши танир эди – оғоч баргларининг орасида ёки майсаларнинг остида яшириниб ётиб, гоҳо кичкина қуюнчалар ҳосил қиладиган, болақайларнинг кўзларига қум-тўзон сочиб ўйнашни ёқтирадиган беқарор шамол эди у. Ҳозир у Озоднинг олдига тушиб олган, гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб тўзон сочмоқда эди.

Тошкесар

Қуёш кўтарилгани сайин атроф аста-секин жонланмоқда, ўтлар илғар-илғанмас қад ростлаб, нур тушган томонга ўгирилмоқда, кунгабоқарлар лаппакларини қуёшга тўғриламоққа уринишмоқда эди.

Қайдадир бир қуш ҳадиксираб чирқиллади, бошқа томондан ана шундай ҳадик билан бошқа қуш унга жавоб берди.

Энди енгил шабада эсарди. Йўл ёқасида бир киши чопонининг ўнгирини қайириб олиб, қўлида болғасию чўкичи, тош кесмоқда эди.

– Ҳорманг, – деди Озод.

– Бор бўлинг, ўғлим, – деди тошкесар, пешанасининг терларини артиб.

– Иморатга тош кесясизми? – деб сўради Озод.

– Тўғри айтасан, – деди тошкесар. – Анави ерга учта айри-айри уй солишим керак.

Ҳали биттасининг пойдеворини битказолмадим. Ўғиллардан учта, учаловини ҳам уйлаб-жойлаб олсам, кейин бемалол оёғимни узатармидим...

– Ёғоч-чи, етарлими? – деди Озод.

– Менга-ку етади, – деб кулимсиради суҳбатдош. – Аммо кенжам ҳали жуда ёш, унғача тераклар ўсиб қолса ажабмас. Айтмоқчи, отанг қалай, яхши юрибдими?

– Раҳмат, яхши, – деди Озод. – Биласиз-ку, экинзордан бери келмайди. Бугун саҳарлаб ҳам суғоришим керак деб ўша ёққа кетувди.

– Аслида отанг ҳам, мен ҳам бир хил иш билан оворамиз, – деди тошкесар. – Юмушимиз бошқа-бошқа бўлса-да, маъноси битта: болам-чақам деб тиришамиз. Эши-тишимча, тоққа кетаётган эмишсан?

– Ҳа, – деди Озод, тасдиқлаб. – Искандар деворига боряпман.

– Сенга бир гап айтайми? – деди тошкесар. – Бу йўлда хунобадан иборат дарёлар бор, хуноба эмас, балки заҳар-заққум дейилса, янада тўғрироқ бўлар. Тоғлари ҳам осмонга тиғ тортган, бу тиғларнинг барчаси шафқатсиз равишда қон тўкамани деб турибди. Ҳар томонида ўт туташган даштлар ёлқинланиб, осмонга бош уради, Ўрмонлари ҳар хил даҳшатли балолар билан тўла, ундаги ҳар бир дарахтнинг шохи ғамдан, барги эса балодан иборатдир. Осмонда чарх уриб юривчи булутлар киши бошига ёмғир ўрнига тош ёғдиради. Булутларидан чақнаган чақмоқлар оловидан оламга ўт тушади. У ерда бир тун қўниш учун маскан йўқ. Танга мадор берувчи сув ҳам, дон ҳам топилмайди. Минг туман қуш у томонга сафар қилиб, ҳавода минг йил қанот қоқса ҳам, бу йўлни босиб ўтмоғи ва мақсадига етмоғи маълум эмас¹... Хуллас, манзилга етгунингча шунга ўхшаш кўп нарсаларни кўрасан. Лола десанг, у лолани деб фиғон чеккан кишилардан, бахт қуши десанг, уни дея ғуссага чўмган одамлардан хабар топасан. Йўлда яна нималар борлигини айтиб ўтирмай, ўз кўзинг билан кўрарсан... лекин билиб ол, у ёқда энг яқин ҳамроҳинг – шамол бўлади... – Кейин овозини пасайтириб, шивирлади: – Илк қирга чиққанингда ҳаммаёқни энлаб кетган чечакларни кўрасан... шунда уларга қараб “Ассалому алайкум, эй аҳли маъни” деб кичқир.

– Хўп, – деди Озод. – Аслида сиз айтган шамолнию тевақадаги ҳамма нарсани болалигимдан бери танийман. – Кейин кулимсираб қўшиб қўйди: – Ўзимизнинг жайда-ри шамол-да у.

Қўшни аёллар

Янаям тепароқда, ҳовли адоғидаги тандирга бир аёл ланғиллатиб ўт ёқмоқда эди. Тандир ёнидаги саватда зувалаларнинг оппоқ чети кўриниб турар, кул тушмасин деб, аёл уларнинг устига йўл-йўл дастурхон ёпибди. Сал нарида, кўра ортида яна бир аёл – қўшниси жилмайиб қараб турарди.

– Яхшимисиз, Озоджон, ҳозир сизни гапириб турувдик, – деди нон ёпаётган аёл. – Умрингиздан барака топинг, кўз тегмасин, икковингизнинг бошингизга ростдан ҳам бахт қуши қўнсин.

– Тандир қаттиқ қизибди, – деди Озод. – Нонингиз куйиб кетмасин тагин.

– Ичини кечаги шамол тозалаб ўтибди, – деди аёл, тириш юзига фавқулудда хотиржамлик иниб. – Ўлсин, олови қўлимни куйдирди. Болаларим далада ҳозир, ҳали-замон қайтишади. Чарчашгандир, келишса, иссиқ-иссиқ еб олишар. Хамиртуришини кеча онангиздан олувдим, нонларининг мағзи жуда ширинлигига ҳавас қилувдим. Тоққа кетяпсиз экан, мана бу иссиқ нонни олинг, дармон бўлади.

Узумзорлар эгаси

Йўлнинг чети бепоён узумзор эди. Ишқомлар орасидан ўрта ёшли, сочлари оқарган бир киши чиқиб келди. У узумзор эгаларидан бири бўлиб, сарвати беҳисоб, лекин не ёзиққи, фарзанди йўқ, шундан кўп изтироб чекади, дер эдилар.

Озод салом берди. Узумзорлар эгаси босиқ ва паст овозда алик олди, кейин:

– Йўл бўлсин, ўғлим? – деб сўради.

– Тоққа кетяпман, – деди Озод.

– Лола... – деди сарватлар эгаси, ўйланиб. – У ерда ғувиллаб эсаётган шамолдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бўм-бўш кенгликларни кеза-кеза, ҳориб-чарчаб қайтиб келмасайдинг деб кўрқаман.

¹ Ҳазрат Алишер Навоий.

– Қайдам, одатимиз шунақа-ку, – деди Озод. – Ҳеч бўлмаса, урфимизни адо этиб қўяман, йўқса, кейинчалик “уришиб ҳам кўрмагансиз”, деган маломатга қолиб кетмай тагин.

Узумзорлар эгаси ўйланиб қолди, сўнг бош ирғади.

– Бир одам айтган эди, – деди ўйланиб. – Лоланинг ҳикматини ўша киши англаганмикин, деб ўйлайман. Аслида Искандар девори йўқ эмиш-да, тиккасига чўзилиб кетган тор, тойғоқ сўқмоқ бормиш. Минглаб одамлар ўша сўқмоқдан тепага интилармишлар. Сен-ку битта ўзинг бормоқдасан, улар эса, худди тоғлардан селдай тушиб келадиган яъжуж-маъжужлар каби, ёппасига ёпирилган эмишлар... Бир-бирини туртиб-суртиб, итариб-суриб юқорига интилармишлар, гоҳо тепароқдагиси пастдагисини бошига тепиб қулатиб юборармиш, у дод-вой солганича пастга – тубсиз жарликларга учиб кетармиш.¹ Бу ҳикояни эшитганимда айтгучига чиппа-чин ишонганман, ука. Сабаби, биласанми... ҳаётнинг ўзи шунақа. Сен айтган лола жуда юксакларда, унга интилувчилар беҳисоб. Ана шунинг учун ҳам унинг қошида одам боласининг қадр-қиймати йўқолиб кетади... – Шундай деб, кўшиб қўйди. – Менимча, у ёқда армону пушаймондан бошқа ҳеч нарса йўқ. Аммо йўлингни тўсмайман, шояд, кишилардан эшитганинг барча ҳикоятлардан тамомила ўзга, баҳайбат бир ҳақиқатга эришарсан деб умид қиламан. Мабодо эришсанг... ўша ерда, чақмоқларнинг сурони остида мени ҳам бир дуо қилиб қўй, шояд Худойим бир фарзанд берса...

– Ҳа, англадим, – деди Озод. – Мен борақолай.

– Йўлинг ойдин бўлсин, – деди узумзор эгаси.

Ойдин деган сўзни эшитганида Озоднинг қалби бир зум ёришди, у жилмайиб қўйди.

Кўр киши

Сўқмоққа етар-етмас, ҳассасини тикирлатганича пайпасланиб бораётган яна бир киши кўринди.

Озод салом берди.

– Ваалайкум ассалом, – деди кўр киши. – Йўл бўлсин, болам?

– Искандар девори тарафга, – деб жавоб берди Озод.

– Ҳа-а, Учёнғоқ томонга экан-да, – деди кўр киши. – Эшитдим, эшитдим... У ерда, қоя лабида бир тўп наъматак бўлар эди, шамолда чайқалиб ўсар эди... ҳалиям турип-тими?

– Билмадим, – деди Озод. – Эътибор берганим йўқ, балки тургандир.

– У бир бекнинг наъматаги эди², – деди кўр. – Ҳалиям чайқалиб турган бўлса керак, ўша ёққа ўтиб қолсанг, хабар олиб қўярсан. Айтмоқчи, йўлингда бир мажнунтолни ҳам кўрасан, у оддий толлардан эмас, тинмай кўз ёши тўккани тўккан³. Уларни дуо қилиб ўт, ҳар ҳолда, савобга зор бўлсалар ажабмас.

– Хўп, – деди Озод. – Ўзингиз-чи, қаёққа кетяпсиз?

– Отамнинг ёнига, – деди кўр киши. – Бугун саҳарлаб отам “Ўғлим, бир иморат қурдим, ёғочлари бақувват, ўзи пишиқ, келсанг ўзинг ҳам кўрасан, кейин айвонда бир-галашиб чой ичамиз”, деди. Қумғонда бир чой дамлай, таъми жуда бошқача бўлади.

– Отангиз қаерда? – деб сўради Озод.

– Сен бораётган томонда, – деди кўр. – Лекин шахдинг тезроқ экан, болам, борақол. Мен пайпасланиб, еру осмондаги овозларга қулоқ солиб, секи-ин кетавераман.

– Ҳа, айтмоқчи, Учёнғоқда, оёқ остингда бир чиғаноқни кўрасан, – деди чол, яна.

– Олиб қулоғингга тутсанг, денгизнинг шовуллашини эшитасан. Ундан ҳам нарида тумшуғида ёнғоғи билан бир қарға тош устида кўниб ўтирган бўлади. Билсанг, – эгилиб шивирлади чол, – ёнғоқнинг ичида мағиз эмас, дур бор, қарғани чалғитиб, дурини олсанг, у ҳикматли сўз айтади.

– Теваракни кўрмайсиз-ку? – деб сўради Озод. Кейин ўйланиб туриб, қўшиб қўйди: – Назаримда, ҳечам кўр эмассиз.

– Бир маҳаллар кўрар эдим-да, ўғлим, – деб жавоб қилди чол.

¹ Улугбек Ҳамдам.

² Ойбек.

³ Миртемир.

* * *

Хуллас, шу топда юқоридан қараган кишининг назарида мана шундай манзара намоён эди: тепа сари ўрлаб кетган майда тошли сўқмоқ, иморатига тош ташиётган одам, тандирга олов ёқаётган аёл, пайпасланиб бораётган кўр чол ва нигоҳи мусаффо ёш бир йигитча – Озод. Нариди, қуйироқда бир тўда бола-чақа буталар орасида ўйнамоқда эдилар. Баъзи уйлардан кўкимтир тутун самога ўрлар, ҳар ҳолда кимдир ўчоққа олов қалар ёки кир ювиш учун сув иситар эди.

Дарахтзор

Қишлоқ тугаган жойдан эски дарахтзор бошланган эди. Озод ана шу дарахтзор орасидан ўтиб борди.

Бу ерда дарахтлар бетартиб ўсган, кўпчилиги қари бўлиб, қуруқшоқ оч-жигарранг пўстлоқларидан нам кетган, ҳар жой-ҳар жойи қуриган, эзғиланса кукунга айланарди, таналари улкан-улкан, баъзи ерлари ғовак эди.

Бир дарахт танасида кўзи кўр ёғоч қурти истиқомат қиларди, ҳозир у ёруғликдан баҳра олгани чиққан, лекин қай бир савқи табиий ила Озоднинг яқинлашганини сезиб, шоша-пиша ўзи кемайиб очган йўлкавагага кириб яширинди.

Йигитча унинг иланг-биланг тор йўлчасидан хавотир ила қочишини кўз олдида жонлантираркан, кўрқувини ҳам сезди-да, кулимсираб кўйди.

Дарахтзор чайқалар, шовуллар эди. Товушлар ёш новдалардан ва барглардан чиқар, қуруқшаган ва қуриган шохлар қуруқ, ингичка овоз чиқарар, шабада уларни силкитиб ўйнарди. Йигитча дарахт таналарини ушлаб-сийпалаб кўрди. Кекса дарахтларнинг баъзилари жуда юксакларгача шохлаган, илдизлари бу баҳайбат танани маҳкам тутиб тура оладиган даражада чуқур, аммо баъзиларининг тана пўстлоқлари кўчиб, яйдоқ танаси очилиб қолган... чандиқлари ҳам бор, кўлга ғўдириш бўлиб тегарди; ёш-яланг баъзан ўйноқлик ёхуд шўхлик юзасиданми, исмларини танага ўйиб ёзгандилар, бундан ташқари, қай бир укувсиз боғбон урган болта чандиқлари ҳам борийди.

Теваракни ўзгартирувчи ҳайбат шамоллари эганида бу кексаларнинг баъзилари қарсиллаб синиб тушган, улкан таналар ҳавонинг босимида чидаёлмай, ёшроқ дарахтларнинг шохларини синдира-синдира йиқилган эдилар... шох-шаббаларининг синиқлари теварақда сочилиб ётар, орасида қушлар ризқ излаб чирқиллашарди.

Қулаганига анча бўлган, шохлари яланғочланиб қолган бир дарахт танасидан шундай сас келмоқда эди:

*Воҳ, яланг шохларим қиличдай кескир,
Бир япроқ қолмаптур шивирлайтурғон..¹*

Қачонлардир қулаб кетган ҳайбатли оғочларнинг таналари эса сассизу жим, тўзон чанглари уларни аллақачон энлаб-қоплаб олган эди.

...Бултурги эски шохчалар қирсиллаб синар, оёқ остида намлик кўпаймоқда, чунки сал нарида булоқ бор эди, бутун бу боғ ана шу булоқдан сув ичарди – булоқ қадимий, тупроқ қаъридан қайнаб-милтираб оқиб чиқар, суви эса хуштаъм ва илиқ эди. Булоқдан оққан сув ёйилиб-ёйилиб, ариқча ҳосил қилган эди.

Озод, ариқ лабида елкасига чаён боласи миниб олган тошбақани кўрди.

Бундан завқи келиб кулимсиради, ҳар ҳолда, бу махлуқчалар кўзига ариқча улкан дарё бўлиб кўринаётган бўлса ажабмас, чаён эса, сувдан ўтиш учун тошбақанинг елкасига миниб олибди. Тангри таоло яратган жонзотларнинг одам завқини келтирадиган бу тарз биродарликларига мисол кўп эди: гоҳо ўтлоқда ўтлаб юрган сигирнинг елкасига қушлар кўниб олар, ўғри қарға кўзи билан ўйнашар, гоҳо азалдан бир-бирига душман мушук билан кучук боласининг ёнма-ён офтобда тобланаётганини кўрса бўларди.

¹ Шавкат Раҳмон.

Қон

Мана шу ерда Озод бегона бир исни туйди.

Бу – куюқ, ачимсиқ, турғун, ер бағирлаб туриб қолган, ҳали-вери кўтариладиганга ўхшамайдиган оғир ҳид эди. Йигитча ис бўйлаб бораверди, эски шох-шаббалар оёқлари остида яна синди, мана, из йўлакчасига чиқиб олди – бу ерда ис ингичка чизиқ бўлиб анқимоқда эди.

Йигитча энгашиб, шох-шаббалар орасини пайпаслаб кўрди – ис, хиёл намиққан новдалар орасидаги ҳўл бир нимадан келмоқда эди.

Озод унинг қон эканини пайқади.

“Отамнинг қони оқиб-оқиб, шу ергача келибди”, деяётгандай эди кимдир.

Ҳа, қайдандир ингичка чизиксимон қон оқиб келган, у ҳали янги эди. Йигитча шу из бўйлаб кетаверди – дарахтзор тугади, қирлар бошланди, қон ана шу ердан оқиб келган, у ерда яна бир булоқ кўз очган, ер қаъридан отилиб чиққан бу кичкина мўъжизада нима учундир қон таъми бор эди.

Из

Қон Учёнғоқ тарафдан оқиб келгани аниқ эди. У томонда баъзан отларнинг тақаланган туёқларининг тарақлаши, тошчаларнинг шиқирлашлари эшитилгандай бўлар, кимлардир борга ўхшарди, йигитча уларнинг кимлигини билишга қизиқарди. Баъзан гўнғир-гўнғир овозлар ҳам эшитиларди, кимлардир ўзаро гаплашардилар. Шу боис ҳам у иккиланмади, қон изи бўйлаб бораверди.

Икки қуш

Йигитча сўқмоқдан одимларкан, боши узра икки қуш қанотларининг товушини эшитди, булар боягина, тандирга нон ёпаётган аёл билан гаплашиб турганида тиккасига кўкка кўтарилган ўша қушлар эди.

- Бу йигитча ким? – деб сўради биринчи қуш, шеригидан.
- Шу ерга келиши тақдир қилинган бир банда, – деб жавоб берди иккинчи қуш.
- Бу маконга келишининг боиси нима? – деди биринчи қуш.
- Тақдир лоласию бахт қуши сари бораётир, – деб жавоб берди иккинчиси.
- Бундан болага хайр борми? – деб сўради биринчи қуш.
- Бизлар шу ергача кела оламиз, у ёғига ўта олмаймиз, – деди иккинчиси.

Йўл кўрсатувчи

Теварак овозларга тўла бошлади. Қирга чиқиб борганида, шабада юз-кўзини яна сийпалаб ўтди. У илиқ ва ёқимли эди.

- Олға, олға, – деб шивирлар эди шабада, дўстона шивир ила.
- Мен сени танийман, – деди Озод, ҳайрон бўлиб.
- Мен ҳам сени танийман, – деди шивирлагувчи. – Бахт қушини истаб йўлга чиққанингдан буён ортингдан эргашиб келмоқдаман. Тош кесаётган киши билан, тандир бошидаги аёллар билан гаплашганингни кўрдим, гапларингни ҳам эшитдим. Бундан буёғига сенинг йўл кўрсатувчинг – менман.
- Лекин беқарорсан-ку? – деди Озод. – Бу беқарорлигинг билан қанақа қилиб йўл кўрсатасан?
- Мен ҳаволарни янгилаб, асрларни тўзғитгувчиман, – деди шамол. – Бу ерда мендан бошқа йўл кўрсатувчи йўқ. Қон изи бўйлаб келган сен эмасмисан?
- Ҳа, менман. У кимнинг қони? – деб сўради Озод.
- У қон аллақачон ерга шимилиб, устидан узумлар ўсиб чиққан, меваларини қушлар еб бўлишган, – деди шамол. – Ҳозир у жонлана бошлайди.
- Лекин қирларнинг орасида сийрак тумандан бошқа нарса кўринмаяпти, – деди Озод.

– Ёғоч курти ҳам ҳеч нарсани кўрмасди, лекин келганини билди-ку? – деб эътироз билдирди шамол.

Йигитча тўхтади. У ҳозир Учёнғоқнинг қоқ марказида эди.

– Ҳозир кўрадиган нарсаларининг ҳаммаси аксдир, – деб шивирлади шамол. – Бир маҳаллар бу сўқмоқдан аравага қўшилган бир от ўтган эди. Кўряпсанми?

Озоднинг кўз ўнгида икки четида баланд ўт-ўлан ўсган сўқмоқ бино бўлди. Ўтлоқларнинг йўлга туташ жойлари эзғиланган, майсалари синган, яқиндагина ёмғир ёғиб ўтган эди...

Учёнғоқнинг олдидан йўл ҳам ўтган эди, у ҳозир йўқолиб кетган бўлса-да, йигитча уни аниқ сезди – шамол айтган, бир маҳаллар сағрисига қон ва лой сачраган от ўтган йўл мана шу эди.

Сўқмоқдан йўртиб бораётган от

Сўқмоқ ўйдим-чуқур, араванинг ғилдираги ўт-ўланларни эзиб-янчиб ўтган, изига ёмғир суви тўпланиб, сарғиш-қизғимтир тус олган, шу сатҳ ойнасида ҳам осмоннинг ва кўлмак четидаги тупроқ уюмининг бир қисми акс этарди.

Йул узундан-узоқ, арава ғийқиллар, унга қўшилган қари бир от ҳорғин одимлаб борарди. Меҳнатдан боши чиқмагани шундоққина кўриниб турар, кўлмақлардан эҳтиётлик билан ўтар, биқинида қай бир суворийнинг пошнасида қолган чандиқлари ҳам бор, хуллас, кўпни кўрган от эди бу.

Арава эса жуда кўҳна, ёғочлари ёрилиб-ёрилиб кетган, хом теридан ишланган энли қайишлари вақт ўтиши билан қорайган, катта ғилдираклари ғижирлаб айланар, қолдирган изига лойқа ёмғир суви оқиб тушиб тўлдираар, уларнинг юзасида ҳам осмон хира аксларди.

Наридаги қирнинг усти чечаклар билан қоплангани боис ранго-ранг бўлиб кўринаётган эди. Қиргача масофа анчагина, тепасида бодомлар кўзга ташланади, улар аллақачон гулини тўкиб, яшил япроқларга бурканиб улгуришган. Ҳаво енгил – чунки эрталаб чақмоқ чақнаб, ёмғир уриб ўтган, ҳали-ҳозиргача баъзи япроқларнинг остида томчилар титрарди.

От эгасиз... теварақдаги ўт-ўланга қарамай, хомуш ва руҳсиз йўрғалар, оёқлари-ю ёлларига лой сачраган эди.

Ажабо, лоймиди сачраган?

Яқинроқдан қараган киши лойга қон ҳам аралашганини кўрарди. Отнинг безовта-лигининг сабаби энди тушунарли бўлди – қон иси жониворларни ҳамиша саросимага солиб келган эмасми?

Бироқ қайдан келди бу қон? Кимнинг қони у?

Қирнинг нарёғи қишлоқ эди, у ерда хотин-халаж, бола-чақа борийди, улар юз йиллардан бери шу қишлоқда тинчу осойишта ҳаёт кечирмоқда эдилар. Бугдой экилар, пишганида ўриб олиб нон ёпилар, тупроқдан пахса уриб, уй тикланар, болалар туғилиб-вояга етар... ўсмирлару ёш-яланг ўйнаб-қувнаб улғаяр... қариялар индамайгина жон таслим қилар... от ана шу қишлоқ томон йўртиб бормоқдайди.

“Менинг эгам – деҳқон эди, – демоқда эди от. – Эгамнинг эгаси эса Парвардигор эди.”

“Эгамнинг эгаси, менинг эгамни ўз ҳузурига чорладию эгасиз қолдим,” – демоқда эди от.

“Эгамнинг эгаси ҳамма нарсани кўриб-билиб турувчидир, – демоқда эди от. – Эгамга муҳаббат қўйган эдим, у ҳам менга меҳр берган эди. Энди кимнинг содиқ оти бўлай?” – деб бормоқда эди бу от.

– Кўряпсанми? – деб шивирлади яна шамол.

– Ҳа, кўряпман, – деди Озод, ҳайрат ичра.

– Отлар қавмининг авлоддан-авлодга ўтиб келадиган ҳикматлари бор, вақти келганида хабар топарсан, – деди шамол. – Лолага эришишни осон деб ўйлаганмидинг?

Бундан буёғига кўрадиганларинг ақлингни шоширади, балки шаштингни ҳам сусайтирар, ортингга қайтиб ҳам кетарсан... Чунки эндиликда ҳодисаларнинг бошқа юзларини кўра бошлайсан. Юрақол мен билан! – деб шивирлади у.

Теварак унинг тўлқинланиши натижасида пайдо бўлган товушларга тўлди, кўзга кўринмас ҳар бир тўлқини “Юр, юрақол” деб шивирлар эди.

Кучук

... Ўтлар орасидан оч, озгин, юнглари ҳўл, жимитгина бир кучук чиқиб келди-да, эгасиз от ортидан қингайиб анча қараб турди.

У боягина кунгабоқарлар орасида тимирскиланиб юрган ўша кучукча эди.

Кучук қон исини туйди, бурнини ерга теккизгудай қилиб искаб-ғингиб кетаверди, лойлардану кўлмақлардан ўтди, ҳар замонда тўхтаб, ҳавони ҳам искаб кўрарди – йўқ, ис ҳали қуюқлашмаган, аммо ўзига тортарди, унда қон исидан ташқари тер ҳамда от ҳиди бор, ўлим иси ҳам сезилмоқда эди.

Учёнғоққа етганида, туйқусдан тўхтаб қолди.

Учёнғоқ тагида жасадлар бор эди. Бири эллик ёшлардаги кучли ва бақувват кишининг, бошқалари бир неча ўспириннинг жасадлари бўлиб, улар бетартиб ётишар, юраклари суғуриб олинган эди.

Кучукни тўхтатган нарса жасадлар эмас, балки нотаниш кимсалар бўлди. Оппоқ бу кимсалар жасадлар устида муаллақ турар, оёқлари ерга тегмас эди.

Кучук ўтиш мумкин бўлмаган ғалати чегарага келиб қолганини пайқади, ғингиб-озорланиб ерга ётиб, мўлтираганча ортга тисарила бошлади, шу тариқа ўн-ўн беш қулоч тисарилиб борди. Кейин тўхтаб, яна майит ётган тарафга жавдиради.

Дарҳақиқат, у кўрқиб кетган, эгаси томон боришга ботинолмай, шундай демоқда эди:

“Эгамни ёв ўлдирди. Кўзимни очганимдан бери унга шоён садоқатда бўлдим.”

“Энди эгам қолмади. Эгамнинг эгасигина қолди”.

“Мени бу кўйга солган ҳам, бундан чиқарувчи ҳам эгамнинг эгасидир.”

– Бу оддий кучуклардан эмас, – деди шамол, шивирлаб. – Бир куни унга бир одам рўпара келди-да, хунуклигидан таъсирланиб, “Мунча бадбашара кучук экансан”, деди. Шунда кучук тилга кириб: “Эй одам! Нақшни айблаяпсанми, наққошними?” деб сўради. Шунда уни маломат қилган киши нодонлигидан хўнг-хўнг йиғлаб, ўз йўлига кетди...¹ Бу кучукни йўлинг давомида кўп марта кўрасан, кимлигини ҳам англарсан балки, – деб шивирлади у.

Қушча

Шу маҳалда битта қушча тиккасига кўклардан тушиб келиб, тошлару харсанглар узра гир-гир айланиб, тинмасдан “Қуёв-куёв, кимга куёв” деб сайрамоқда эди.

Учёнғоқ

Энди Озод қирнинг тепасида эди. Юқорига кўтарилган сари сўқмоқ сийрак туман аро кўздан йўқолиб борган, шу боис уч қирнинг орасини қоплаган оқиш парда остида ҳеч нарса кўринмас, катта харсангларнинг учлари қорайиб кўзга ташланарди, холос.

– Бу ерларни нега Учёнғоқ дейишларини биласанми? – деб сўради шамол. – Бир куни бир қарға ёнғоқ чақиш учун осмонга кўтарилди, ёнғоғини ташлаган эди, у юмалаб чуқурчага тушди. Мен чуқурчани кум билан кўмдим. Ёмғирлар ёғиб, тупроққа нам ўтгач, бир мағиздан учта ёнғоқ ниш уриб чиқди. Бу воқеалар ана шулар барқ уриб кўкариб, илк мевасини тукканида рўй берган. Қара, қарға ҳам шу ерда, ёнғоқлар ҳам.

– Ҳозир улар йўқ, аллақачон чақмоқ уриб ёндирган, – деди Озод. – Демак, камида юз йил аввалги нарсалар экан.

¹ Нуҳ алайҳиссалом.

– Ким айтди уларни йўқ деб? – деди шамол. – Ана, қирнинг учида учаласи ҳам шохларини ёйиб турибди-ку? Истасанг, қарғанинг ўзидан сўра.

– Қарға нима ҳам дерди? – деди Озод. – Унинг феълени яхши биламан, ёнғоқ ўғирлашдан бошқа иши йўқ.

– У кўп нарсани кўрган қуш, – деди шамол, шунда Озод унинг сасининг ўзгарганига эътибор қилди: шамолнинг товуши энди катта кишиларнинг овозига ўхшаб қолган, мактабда дарс берувчи кекса муаллимнинг гапиришини эслатарди. – Попишакдан, худхуддан, кумридан ҳам узоқ яшашини билмайсанми? Қир ортида кўриниб турган анави тоғлар ортида эса яъжуж-маъжужларнинг макони бор. Уларнинг юзлари қора, кўзлари кўк, танаси хол-хол. Минг йилдан бери тоғни кемириб ташқарига чиқишга ури-нишади. Оч, қўрқинч юҳо улар. Баъзан бир-бирларини еб ҳам қўйишади. Бир куни қандайдир сабаб билан кичик бир тўдаси озодликка чиқишга муваффақ бўлди. Дарахт остида ётган кишилар уларнинг илк қурбонлари, сўқмоқдан кетаётган от эса ўша кишилардан бирининг улови. Қарға буларнинг барини кўрган, англадингми?

– Сенинг кимлигингни билмасдан, гапларингга қандай ишонай? – деди Озод. – Билганим шуки, ўтларнинг орасида яшириниб ётасан, ёш болаларни кўрқитасан, одамларнинг кўзига тўзон сочиб қочасан.

– Бу кўрганларингнинг ҳаммаси тўзон, – деди шамол. – Бўлиб ўтган воқеалар, ходисалар, тарихлар ва кишилар тўзон бўлиб ётадилар бу ерда. Мен ҳозир бирига пуфлайман, шунда у ўрнидан туриб, ўзининг кимлигини айтади.

Ва у, чирпирак бўлганча, ичида хас-хашақлар қўшилиб айланаётган қуюн ҳосил қилди. Қум ва тўзон тикилиб Озоднинг кўзларини ачиштирди, салдан кейин очганида, сал нарида эски тўнининг барларини қайириб олиб кетмон чопаётган озгин бир кишини кўрди.

ИККИНЧИ АКС

Ота

“Бу одам сира тиним билмай юмушга урингани уринган, – деб эсди шамол, ҳорғин-ҳорғин сасланиб. – Тоғларнинг қор ва музлари орасидан оқиб келган совуқ сувни экинзорига буради, йўлидаги кесакларни яланг қўллари билан очади. Тепасида эса мен ҳуштак чаламан, эски хасларни учириб, тўзонларни айлантириб бошидан сочаман.

Экинзор четидаги тол остида лойдан ясалган, бир чети кўчиб тушган эски ўчоқ бор, чўғлари аллақачон сўнган, куллар устида қаққайиб турган қора қумғон узра айланаман, қумғон ҳуштак чала бошлайди.

“Ҳа-аҳ!” деб кетмон уради бу одам. Кетмон катта, оғир, дастасининг қўл теккан жойлари силлиқланиб-қорайиб қолган.

Толнинг شوҳидаги сарғимтир-қизғиш бир қуш унга термилиб, сайрамасдан индамай туради.

“Ҳа-аҳ!.. Яна келдингми? – дейди олтмишларни қоралаб қолган озгин, чайир бу одам. – Ҳар куни келиб шу толга қўниб ўтирасан, нон увоқ берсам емайсан, сув тутсам ичмайсан... Қанақа қушсан ўзи?”

Қуш индамайди. Нигоҳи маъноли-маъноли, индамай термилади холос.

“Ҳа-аҳ!” – кетмон тиғи офтобда ялтирайди. – Рангу тусингдан ҳаётдалигимда орзу қилганим толе қушига ўхшаркансан, аммо мунча озгин, мунча афтодаҳолсан?”

Қушга гапириш раво кўрилмаган, сайрамайди ҳам.

“Сенга осон-да, – дейди деҳқон. – Худойим ризқингни оламга сочиб қўйган, учиб-қўниб, ердаги буғдойними, сомонними териб есанг бас. На уйинг бор, на рўзгоринг, на бола-чақанг...»

Бир дам тин олади, кафтини кўзига соябон қилиб, қуёшга қарайди, бир нимани чамалайди. Кейин яна юмушга уннайди.

“Ҳа-аҳ! Худойим ўзи яратган махлуқларнинг ризқларини тупроқнинг бетига сочиб ташлагану одам боласига “ана энди шу тупроқ ичида ўралашиб, умрингнинг охиригача ризқингни теравер” деган. Бир амаллаб ризқингни чиқарсанг, шунгаям кўз тикканлар бор. Ҳаммининг ёзуғи шу!

Ҳа-аҳ! Одам боласи тупроқдан бино бўлади, тупроқдан ризқини териб ейди, охир-оқи-бат яна шу тупроққа кириб, йўқ бўлиб кетади. Барча мана шу ғалати юмуш билан овора.

Ҳа-аҳ! Найлайн, болаларимни боқишим керак... Узумзор эгаларига ўхшаб бит-мас-туганмас сарватларим бўлмас... уларнинг узумзорлари бепоён, беҳисоб, ботмон-ботмон ҳосил олишади. Менинг бор-йўқ сарватим – қари отам, аёлиму болаларим. Ҳозир отам уйда, айвонда ётгандир... Ўрик кесганимизда катта шох оёғини эзиб тушган эди, шундан бери юришга қийналарди. Неча йиллардан бери юмушим шу: ҳар куни учта нон топардим, отамга, аҳли аёлимга, болаларимга берардим¹... Отам ҳар куни дуо қиларди, “ота рози – Худо рози” деб саҳарлаб яна экинзоримга жўнардим.

Ҳа-аҳ! Билмадим, сен қанақа қушсан, аммо найлайн, бошимга бахт қуши қўнарми деган эдим... қўнмади-да!

Бир маҳаллар бола эдим. Уйимизда молларимиз, қўйларимиз бўларди. Ўроқ-қопимни олиб, ўт ўргани далаларга кетардим. Шиддатим танамга сиғмас, меҳнат чарчатмас, намчил тупроқ устига ётиб олсам нами суюгимга ўтмас эди... осмонга қараб ётиб ширин-ширин хаёллар сурардим.

Шамоллар оппоқ булутлардан отлар сурувини бино қиларди, улар кўм-кўк осмон кенгликларидан уюр-уюр чопар эдилар.

Тезроқ катта бўлиб-улғайсайдим, ота-онам етишолмаган орзуларга эришардим дер эдим. Тандиру ўчоқ бошидан келмайдиган, рўзғор юмушларидан ортмайдиган она-изорим ниҳоят роҳату оромга қовушса, мени дуо қилиб, алқаса дер эдим. Назаримда, ҳамма иш менинг учун осон, мен қилолмайдиган иш дунёда йўқдай эди.

Бахт қуши дедим-а? Ўша маҳаллар унинг қайдадир қанот қоқиб учиб юрганини, олисда бўлса ҳам гапларимни эшитишини билар эдим.

“Келақол, – дер эдим хаёлан. – Сенга қанчалар зор эканимизни биласан-ку? Ахир, ҳаммамиз меҳнату машаққат ичидан ўтиб боряпмиз-ку? Топган-тутганимизда баракат йўқ-ку? Ёзу қиш тинмасдан меҳнат ичида хор бўляпмиз-ку? Мен вояга етяпман, ортимдан сингилларим улғайиб келишмоқда... Отам шуларни ўйлаб, пешанаси тиришганича узоқ-узоқ ўтириб қолмоқда-ку? Онам ўчоқ бошидан бери келмай, енгини кўзига босиб унсиз-унсиз йиғламоқда-ку? Учиб келсангу элу юрт устида бир қанот қоқсанг кифоя, шунда шояд турмушимиз ўнгланиб кетса... Ахир, бир қанот қоқиб ўтсанг бас-ку?..”

Йўқ... келмади бахт қуши! Юртда бир бизнинггина эмас, ҳеч кимнинг бошига қўнмади у кароматли қуш.

Ҳаёти дунёда саккизта фарзандим борийди. Қариндошларим йўқ эмасу аммо жи-гарларимнинг бари ўзлари билан овора, бошимга қийин кун тушса қарашадиган ким-са йўқ эди. Ҳа майли, болаларим кўп бўлсаю уларга ўзим бош бўлсам, ўтирғизволиб насиҳатлар қилсам, одоб ўргатиб, тарбия берсам, барини бошини бирлаштириб, кейин кетсам, хотиржаму жим, дер эдим.

Ўғилларим кўп бўлишини истасам-да, лекин худойим етти қизу биттагина ўғил берган эди, холос.

Ҳа-аҳ! Бутун сулоламиз билан мана шундай уриниб-бериниб меҳнат қилиб келганмиз. Кўникиб кетган бўлсам-да, бу аҳволимнинг бир куни ўзгаришидан, рўзгоримга мўл-кўлчилик, сербчилик келишидан умидланар, у сербчилик ўзимнинг сулоламдан эмас, Мингларнинг сулоласидан келсайди деб орзу қилардим...

Чунки, ёруғ дунёда эканимда икки кўча наридаги Мингларнинг қизини келинликка мўлжаллаб қўйган эдим. Исми Дилором эди, гулнинг новдасидай, икки бети лола эди.

Шу қизни келин қилолсам, уруғи менинг уруғим билан чатишсаю ундан яна бир халқ бино бўлса, дердим. Бу қиз бизга чатишса, тақдирлару қисматлар ўзгариб кетади деган илинжим борийди. Болалигимда орзу қилганим бахт қуши энди шу қизнинг тим-солида ўғлимнинг бошига қўнсайди, деб хаёл қилардим.

Чунки, ростми-ёлғонми... Дилоромни Минглар Ойдинкўл соҳилидан топиб олган, дер эдилар. Ҳақиқатни бир худо билади, бироқ, ўша маҳаллар Мингларнинг аёли иккиқат бўлиб, айнан туғиши яқинлашганида сувга чўкиб ўлган эди, Ойдинкўл тубсиз,

¹ Халқ матали

аёл бояқишни у тубсизликлардан топиб бўлмади, боласини туғиб улгурганмиди-йўқми, буниям ҳеч ким билолмади... бироқ Минглар хотинини излаб чиққанида, сув бўйида ойдай бир чақалоқни топиб олгани овоза бўлди. Адашмасам, ўшанда ҳаммаёқни пайҳон қилиб, бир кечаю бир кундуз шамол эсган эди... оғироёқ хотин шамолли кечада Ойдинкўлга нимага борган экан, деган савол ҳам очиклигича қолиб кетди. Ўша кеча Ойдинкўл денгиз каби долғаланган, тўлқинлари кўкка сапчиган, балиқлари сувларнинг туб-тубига кириб кетган эди. Дилором деб ном бердилар чақалоққа. Теварак тўла синган ўтлару шохлар, у эса гулларнинг ичида ётган эди. Минглар айтдики, овозини эшитиб тепасига бормаганимда, уни ҳам гул деб тахмин қилган бўлардим, шунақа гўзал, шунақа чиройли гўдак эди.

Бу чақалоқнинг дунёга келишини яна бир воқеага боғлашганини ҳам эслайман. Минглар у маҳал бақувват, чайир, ўктам йигит эди, мана шу аёлига фотиҳа қилинганида қоялару ўнгирлар оша бориб, тақдир лоласини узиб келган, дейдилар. Одамлар ўшанда лолани кўришдан умидвор бўлиб Мингларнинг уйи олдига йиғилишди. Бироқ, ҳориб-чарчаб, нечундир ўзгариб-ёши улғайгандай бўлиб қайтиб келган Минглар ҳеч кимга кўрсатмади. У мўъжизани балки эрта-индин тўйига тайёргарлик кўриб ўтирган келинчаккина кўрган бўлса не ажаб? Мингларнинг никоҳидан кейин ҳам лолани биров кўрмади, аммо бу оила ғоят саришта, ували-жували, қутли-баракатли бўлиб чиқди.

Қайдам, лола туфайлими ёхуд Дилором боисми... Мингларнинг рўзғорига шунақанги ризқу баракот ёғилдики, асти қўяверасиз. Озгин сигирлари семириб, оламжаҳон серқаймоқ сут бера бошлади, оғочлари шу қадар кўп мева тугардики, шохлари эгилиб-синиб кетай, дерди.

Мингларнинг рўзғорига барака ҳар томондан ёғилаверди – буғдой экса, сув излашининг кераги йўқ – суғориш маҳали шамоллар кўзғалиб, ёмғирлар ёғар, экинлари кўкариб-яшнаб ўсаверарди.

Минглар айтардики, ҳой мусулмонлар, мана шу қизалоқда бир гап бор. Ростини айтсам, Худо шу қизалоқни берганидан кейинги ҳаётим фақат саодату фаровонлик ичида ўтмоқда.

Яна айтардики, воллоҳи, менга бир нима бўлса керак. Чунки ҳаётимдан, умримдан мингдан-минг розиман, юрагим тобора яхшиликка тўлиб бормоқда.

* * *

Хуллас, шу қизни келинликка орзулаб юрар, орзуимга етишишимга бир баҳя қолган эди. Минглар билан қуда-анда бўлиб, фотиҳа ўқилиб, нон ҳам синдирилган, энди тўйни ўтказиш қолган эди, холос... Тўсатдан Искандар деворининг ортидан ёв чиққани ҳақида хабар келди. Кимдир ўша куни тоғда экан, қояларнинг дарз кетганини, у ердан ёвнинг ёйилиб-оқиб чиққанини кўрибди.

Танаси хол-хол, кўзи кўк, юзи қора бу махлуқлар кўп замонлардан бери тоғнинг ортидаги ўнгиру пучмоқларда урчиб-кўпайиб ётади дер эдилар. Эшитишимча, одам боласининг гуноҳларидан бино бўлган эмиш. Яна бир хусусияти – ўтириб олган кишига тегмас, шу хусусияти билан кучук қавмига ҳам ўхшаб кетармиш. Питир-питир қилиб чопиб келаётган кучук келбатли бу махлуқлар гўдайиб турган кишини ўша заҳоти ўраб опкетар, опкетилган кишини биров қайтиб кўрмас, чангал урган жойи битмас, яра ўрни тузалмас, хуллас, чиқиб келиши кўрқинч уйғотувчи ярамас бир қавм эмиш улар.

Аслида-ку, элга ёпириладиган бошқа тур ёвлар ҳам анчагина. Масалан, ёз ойлари қайдандир булутдай босиб чигиртка келиб қолар, ерда, ариқларда, уйларда, далаларда, йўлларда бижғиб ҳамма ёқни шитирлаган овоз тутар, яшил неки бор – барини бирдай еб битириб, кейин учиб кетарди. Ёки шира деган ёв ҳам бор эди, ризқ чиқарадиган ҳамма нарсага ёпишиб, қуришиб ташларди. Лекин буниси бошқача – ақллироқ, тузоққа тушмас, қаттолроқ эди. Аслини айтсам, ёш болалигимдан бери катталар фарзандларини ана шу ёв билан кўрқитишар, одобсиз болаларни опкетиб қолади деб тарбия беришар эди. У жонзотларнинг қайдан бино бўлганига бировнинг ақли етса экан? Кучукдан сал каттароқ бу махлуқчаларни эсимни таниганидан бери кексаларимиз яъжуж-маъжуж дер эдилар.

Ёв хабари келганидан сўнг, лаънатга йўлиққур Муртад тирноқларини ғажий-ғажий менинг еримнинг ёқасидан ўтди, ўтар экан, “Ҳорманг” деб қўйди... пешанамдан теримни сидирганча ортидан индамай қараб қолдим. Аммо ростини айтмоқдаман: ўшанда Муртадга ўлим тилаганим, “дунё юмалоқ, Худо билгувчидир... қилмишларинг албатта ўзингга урсин”, деганим ҳам рост.

Ёв дарахтларнинг буталарнинг орасидан питир-питир ўтиб келди, барининг кўзи кўк, юзи қорамтир экан, ҳаш-паш дегунча устимга ташланишди... Нима бўлганини англаёлмадим, бир маҳал кўзимни очсам, яна шу даламдаман... Кимдир айтдики, энди қиёматга мана шу ердасан, ўт ўрасан, ер чопасан, сув очасан... ҳаёти дунёда нимаки қилган бўлсанг ўша билан андармон бўласан.

Баҳорий жалалардаю кузги ўтлоқларда... совуқларда... мана шундоқ... ҳалиям меҳнатдан бошим чиқмай юрибман энди.

Ўша қуш ҳар куни келиб бошим узра айланади... ўзимга ўхшаган хароб, озғин, бечора қуш у. Кўзида мунчоқ-мунчоқ ёш, рўзгоринг узра ҳам айландим, дейди менга. Ғуссали-ғуссали чирқиллайди, “эндиям айтмайсанми, қандай қушсан ўзи” десам, жавоб бермайди. Ҳикматига менинг ҳам ақлим етмайди... Толе қушим сенмасмидинг, деб сўрайман. Кўзидан мунчоқлари дув-дув тўкилади, зорланиб-зорланиб чирқиллайди, агар бахт қуши сен бўлсанг, нега мунча афтодасан, деб сўрайман...

Йўқ, деб жавоб қилади устимдан елиб ўтгувчи хабарчи шабадалар, у бахт қуши эмас, қисмат қуши, жон қушидир...

* * *

– Отамга ўхшаб кетар экан бу киши, – деди Озод, ўйланиб. – Қуш эса... бекорга толе қуши дейишмагандир, бу кишининг толе қуши шудир? Ҳеч ҳаёлимга келмабди: у қушдан отам ҳам хабардормиди? Ёнида ўсиб-улғайибману орзу-армонлари бормиди, бўлса қанақа эди деб ўйлаб кўрмабман...

– Бу кишилар сенинг ким эканингни, қаёққа бораётганингни биладилар, – деб шивирлади шамол. – Лекин бўйинларини бўйинтуруқ каби ўраб олган қисматларини ўзгартира олмайдилар. Агар мақсадингга эриша олсанг, ҳамма қисматлар ўзгариб кетишини ёдингда тут. Мабодо эришсанг, биргина сўз билан шу тақдирларни ўзгартира оласан.

– Айтилган сўзлар аллақачон моддийлашиб бўлди, шакл ясади, теваракни ўзгартирди ва айтувчининг ҳаётининг моҳиятини белгилаб берди, – деб давом этди шамол. – Билиб қўй, одам боласи умри давомида беҳудаю беҳисоб сўзлар айтади, бироқ айтган сўзларининг бошқа нарсаларга айланишини билмайди. Ҳар бир айтилган сўз албатта бир шакл олади. Шу тарз айтилган лафзлардан Учёнғоқ бино бўлди, кўряпсанми?

Дарҳақиқат, теграда шу тоб от йўртиб ўтган, ёмғирдан кейин ўтлари томчиларнинг залворидан эгилиб-эгилиб қолган сўқмоқ ва экинлари пайҳон қилинган, сарғайган улкан япроқни эслатадиган экинзор аниқ қиёфа касб этган, ҳув нарида элас-элас бўлиб Учёнғоқ кўринар, бўлак жойлар эса ҳануз сийрак туман остида бўлиб, у ерда остида яна бошқа нарсалар борлиги аниқ эди.

– Лекин сен ҳам сўз айтмоқдасан-ку? – деб сўради Озод.

– Мана, истаган нарсаларингни кўрдинг, энди қолганларига ҳам назар ташла, – деди шамол. – Ҳув наридаги ўша кишининг зурёди, исми Эран. Разм сол-чи, у ҳам сенга ўхшармикин?..

Ўғил

...Сал пастроққа бир қаранг. Курмаклару печаклар гуллаб-ўсиб ётган далани кўряпсизми? Ҳаёти дунёдалигимда мен мана шу ерларда ўт ўриб юрар эдим.

Қандайдир қуш юқорилаб-пастга шўнғиб, иланг-биланг учади. Уни танимайман. Қушларнинг кўзи митти, маъносиз бўлади, ушлаб олсангиз, бир-икки питирлаб, қўлингизда жим ётаверади. Кўзлари олайиб кетади, кафтингизда юракчасининг дук-дук ураётганини сезиб турасиз...

Уйимизда сигир-қўйларимиз бор, уларни боқишим керак. Шу сабаб, ҳар куни қуёш чиққач, ўроқ-қопимни олиб, мана шу далага келаман.

Ўтлар турли-туман, лекин қалин ўсмаган, бўйлари ҳам паст. Ораларидан сигиру қўйларим ёқтириб ейдиганларини танлаб-танлаб ўришим керак.

Ажриқ бўй чўзмайди, ётиб-энлаб ўсади. Илдизига яқин жойи оқимтир тусда, эзсангиз, қирс этиб суви чиқади. Курмак тикка ўсади, пояси қўлни тилиб-кесиби юбориши ҳам мумкин. Униям илдизи оқиш, патак бўлади.

Курмакнинг суви тахир, ажриқники янада ачқимтироқ. Сабаби, курмак сувлироқ жойда ўсади, ажриққа эса барибир, дуч келган жойда униб кетаверади.

Оч-сарғиш қанор қопимнинг ямоқлари бор. Уни онам ямаб берган. Қопни буклаб, белбоғимга қистириб олганман. Ўроқни тупроққа тиқиб-тиқиб оламан, тиғи ялтирайди. Тиғи совуқ, дастаси илироқ. Дастасида темир михлари бор, тиғнинг ўзаги ёғоч орасига пона каби кирган, улар ҳам совуқ.

Эрталаб тупроқ ҳам совуқ, намчил бўлади. Кейинроқ илий бошлайди.

Осмон топ-тоза, тиниқ. Лекин бир хил тусда эмас. Уфққа туташ жойлари оқаринқираган, кунботар тарафи қорамтироқ. Қоқ тепам кўм-кўк. Осмоннинг қуёшга яқин қисми ҳам оқимтир.

Бу далани ёқтираман. Наригаги тошлоқда жилға оқади. Тошлар устида битта мажнунтол ўсган, барглари шитирлайди. Ингичка энсиз япроқчаларига шира тушган, ҳаммаси кўзёш тўкаётганга ўхшайди. Илдизи ёнидан печаклар ўсиб чиққан, бу ўт тошлар орасига ҳам томир отаверади. Печакларнинг узун таналари толларнинг шохларига чирмашиб кетган.

Бу мажнунтол тагида баъзан ёши улуг бир одам ўтирган бўлади. У жуда олислардан, нима учундир йиғлаб-йиғлаб келади, соясида тин олади¹. Шунда мажнунтол унинг елкаларига, бошига кўзёшларини тўқади... Узоқ ўтиради, кейин ҳорғин-ҳорғин қадам босиб, қуёш ботадиган тарафларга жўнаб кетади.

Тонг отгач, тушгача шабада эсади. Тонг отганида кунчиқар тарафнинг осмонида шафақ яллиғланади, кейин тобора оч қизил ранг олиб, ёришиб борса, кунботар тараф анчагача қорайинқираб туради.

Тошлоқ орасида жилдираб сув оқади, лекин балиқчалар кўринмайди. Сув устига эгилган шохлар орасида битта ўргимчак тўр тўқиб олибди. Ўргимчак ёш, ранги оч сарғиш, ўзи шахдам. Бу – дарахт ўргимчаги. Сув ўргимчаги ҳам бор, лекин у кўпроқ ариқлар ва тургун сувлар устига ин қуради, оқар сув устига курмайди. Сабаби, жилғанинг шабадаси бўлади. Оқар сув устида нам кўпаяди, ўргимчак ақлли: ин курс, тўри намиқиб қолишини билади.

Қуёш нури тушмайдиган соя ерларда оч зангор тусли зах бор. Қуруқ ерларнинг тупроғи қорамтир-кулранг. Қатор ўсган тутларнинг кавакларидида қуш полапонларининг бошчалари кўриниб туради. Чумчуқнинг полапонининг тумшуғи сариқ, теграсида қизил ҳошияси бўлади. Лекин ҳозир кўриб турганим мусичанинг боласи эмас, у кавакка тухум қўймайди. Кавакка саъва билан какку ин қуради.

Қизилиштон эса дарахтларни тумшуғи билан тўқ-тўқ эткизиб уради. Уни отам дурадгор дейди. Тумшуғи темирдан қаттиқ, дарахт танасини тешиб қўяди. Чунки, ичида ёғоч қурти бор, у – қизилиштоннинг емиши. Фақат, пўстлоқ билан ёғоч орасига яшириниб олган ўлжасини қандай сезганига ақлим етмайди. Қурт, қушдан кутулиш учун дарахт танасидаги йўлкавагидан шоша-пиша қочса-да, қизилиштон уни барибир топиб олади.

Лапанглаб учадиган яна бир қуш бор, уни пўкка дейдилар. Пўкка аслида кўкқарға, уни тоғам отиб келарди бир маҳаллар. Зовурларнинг қамишлари орасида потирлаб бир неча қулоч масофага учиб борадиган сув товуғини қашқалдоқ дейдилар. У товудан кичикроқ, ранги қора бўлади. Иккаласиниям гўштини еса бўлади. Мусичанинг гўшти ҳаром. Сабаби, у мусулмон қуш. Қолганлари кофир қушларми? Номаълум, лекин мусулмон қушнинг гўштини еган одамнинг мияси айниб қолади, дейдилар.

Зовур ёқасида ўсган қари толлардан бирининг қавагида бойқуш бор, уни бойўғли деймиз. Нимага бойўғли дейишларини билмайман. Бойнинг ўғли шунақа хунукми ё? Сариқ кўзларини чақчайтириб қарайди, томоғи лиқиллаб туради. Бойўғли киши умри-

¹ *Миртемир.*

ни шунақа қилиб санар эмиш. Шу боис уни ёқтирмайдилар, одамнинг қолган кунини санайдиган куш яхши куш бўлармиди? У, катта бўлишига қарамай нимагадир товушсиз учади.

Сойнинг баъзи жойларида сув саёз, сувнинг ости майда тош қуми – зиғирқум. Юрсангиз, оёққа хуш ёқади. Зиғирқум устида митти балиқчалар аниқ кўринади, бирданига сузиб кетишади улар, шунда сув ости қуми тўзғийди, зарралари аста-секин ўз жойига чўқади. Бу ерда қармоқ ташлаб, балиқ тутса бўлади.

Қармоқда тутилган балиқнинг сим тешиб чиққан томоғидан оч-қизғиш қон сизиб чиқади. Дарров жон берақолмайди, пақирга сувга ташлаб қўйсангиз нозик қон ҳалқалари пайдо қилиб сузишга уринади, аммо сузиши равон эмас, аранг қимирлайди, тезроқ ўлишини истайману ўлдиришга қўрқаман.

Мана шу ерларда юра-юра, қопимни ўтга тўлдираман. Ўроқнинг тигини пастга қаратиб, ўт ичига текиб қўяман. Тутнинг новдасини синдираман, пўстини шилиб ажратаман, пўст қайишқоқ, ости сувланиб туради, ялаб кўрилса таъми ширин бўлади. Тутнинг новдасининг пўстлоғи билан қоп оғзини бойлайман. Ажриқнинг ўткир иси анқиб туради қопдан. Уни елкамга оламану оғирлигини сезмайман – балки ўрганиб кетгандирман?

Тошли йўл қизиган. Баъзи ерлари ёрилиб-ёрилиб, ажриқ бош кўтариб чиққан. Ажриқ тошни ёриб юборган жойларидан бошқа ўтлар ҳам бош кўтарган. Бири типпатик ўсибди, шокилалли ўт экан у. Бу ўтнинг отини билмайман, иси ҳам сезилмайди. Ажриқ эса ғалати гуллайди, учта ёки тўртта шохлайди, шохларида майда қум зарраси каби заррасимон мовий гулчалари бўлади.

Тош устида ўсган ажриқлар гуллабди.

Ке-е-етаман, уйга қараб.

Осмонга булут чиқади. У Ойдинкўлнинг устида пайдо бўлади. Аввал ёйилиб, сийрак туман ҳосил қилади, кейин қуюқлашиб, шакл олади. Булутлар кўпая боради.

Бир маҳал қарасам, тойчоқлар тўдасига айланади, кишнашлари эшитилмайди аммо самоларда чопиб-чопиб боришади.

* * *

Анча олисда тоғлар кўринади. Ҳозир ёз, бироқ чўққиларидаги оқ қорлари эриманган, куёшда ялтирайди. У томонлар совуқ бўлса керак. Баъзан шабада тоғдан эсиб, муздай ҳаволарни олиб келади. Шунда тоғнинг совуқлиги эсимга тушади. Ҳайбат шамоллари ўша ёқдан эсадилар. Улар жала булутларини ҳайдаб келишади. Жалалар мазза бўлади. Қуйганида ҳамма ёқ шовуллайди, шу шовуллашларга қўшилиб, қаттиқ қичқиргим келади.

Уйимизга етиб келаман. Дарвозамиз сариқ тусда, тахталарининг оралари очилиб-очилиб қолган. Тавақасини итарсангиз, қаттиқ ғирчиллайди. Ёнда қўшнимизнинг гуваляк девори. Офтобда қизиган бу деворга доим ниначилар қўниб олишади. Кесаклари орасида гоҳо чаён ҳам бўлади дейдилар, лекин сира кўрмаганман.

Бобом айвондаги сўрида ётади. У қари, тўқсон ёшда, оёғи оғрийди. Ёзда ҳам ранги ўчиб кетган қора банорас тўнини елкасига ташлаб олади.

Ҳовли саҳни қаттиқ, тошдай. Тупроғи шиббаланиб кетгани учун шунақа. Бостирма остида кулранг сигиримиз менинг келганимни сезиб бўкиради. Қорним очди, демоқчи. “Ҳа ўл”, – дейман. – Салқинда ётасану бўкирасан яна!” Бостирманинг бир устунни – беҳи, нарёғи гуваляк девор. Бостирма ёғочларининг бир учи девор устида, бошқа учи беҳига кўндаланг қўйилган саррофга маҳкамланган. Устига ғўзапоя босилган, ғўзапоя шохлари осилиб-осилиб туради. Беҳи тубига қопимни ағдараман, шунда ичидан чумолилар ўрмалаб чиқишади, ўтга қўшиб даланинг чумолиларини ҳам олиб келган бўламан. Булар уйимиздаги чумолиларга ўхшамайди, уйдагилар хонаки, булар эса шиддатли, тезчопар, бошлари катта ва қаттиқ, чаққан жойи қизариб, анчагача ачишиб оғриб туради. Ўтларнинг иси теваракни тутиб кетади, бир қучоқ олиб, молнинг олдига ташлайман. Ҳайвон бўйинини чўзиб, ғарч-ғурч чайнай бошлайди, шошганидан оғзининг четидан бир тутамни чиқиб қолади, бошини силкита-силкита ўтларни ямлайверади. Яна бир қучоқ ўтни қўйларга бераман. Қийишқ пақирда сув опкелиб тутаман, сигир ғўлқ-ғўлқ қилиб ичиб олади.

Вужудимда ҳориш ҳис қиламан. Аммо чарчоқ йўқ. Уйга қараб юраман. Бостирма йўлагидан келаверишдаги илк кулба бобомники, у кичкина, ерга қамиш, қамиш устидан кигиз солинган, адоғида думалоқлаб қўйилган тўшаклар бор, уларни онам йиғиб қўйган. Ланг очиқ эшикдан яққол кўриниб туради. Кейингиси – бизнинг уй. Ундан кейингиси – меҳмонхона. Бу ерга атлас кўрпачалар солинган, ипак иси келади. Деворга миҳ қоқиб. парда илинган. Тўрда меҳробда кўрпалар тахланган, улар ҳам атласдан, буларнинг бари меҳмонлар учун. Ҳаммаси янгидай турипти. У ерга кирсам, онам койийди. Меҳмонхонанинг ислари бегона, ёқтирмайман. Ҳамма нарсаси янги бўлгани учун киргим келмайди. Ошхонадаги ёғоч қутидан нон оламан, йўл-йўлакай чайнаб, бобомнинг олдига жўнайман.

Бобом кираверишдаги айвондаги сўрида уззукун ётади. У жуда кўп нарсаларни билади. Қирнинг устидаги ёнғоқларни қарға эккан дейди. Гапларига чиппа-чин ишонман, бир куни атайлаб бориб, ўша қарғани кўриб келаман деб ният қилиб қўяман. Шамол эсганида, ёмғир ёққанида дуо қилади. Булар Худонинг неъматлари, шамол дарахту ўтларни чанглантиради, ёмғир эса жаннатдан ёғади дейди. Лекин, мени кўп койийди. Дастурхонни тоза жойга қоқ, бефаҳм, дейди. Тирноқ олсанг остонага кўм, яъжужмаъжуж келганида ўсиб чиқиб, йўлингни тўсади, дейди. Сахарлаб юлдуз сўнмасидан дарвозани очиб қўй, дейди.

...Ҳайбати бир дунё отам бобомнинг олдига келганида ёш боладай бўлиб қолади. Оёқларини ювади, уқалайди, яхтагини алмаштиради. Бобом отамни ҳам кўп койийди...

У юришга жуда қийналади, чунки бир маҳаллар ўрик кесишганда катта шохи оёғидан босиб тушган, шу жойи қаттиқ оғрийди. Куннинг сояси менинг бўйимга тенглашибди, демак, аср вақти кирибди. Энди қиладиган ишим – бобомни таҳорат олдиришим керак.

Уни суяб, таҳоратхонага олиб бораман, обдастада илиқ сув олиб келаман. Бобом белбоғини ечиб елкасига ташларкан, мени койийди:

– Таҳоратхонага чап оёқ билан қиради, қулоқсиз! Чап билан кириб, ўнг билан чиқасан!

– Хўп, – дейман, бошимни эгиб, музтар бўлганга соламан ўзимни. Бобом атайлаб қилганимниям билади, “Ҳаҳ, бетаъсир”, дейди. Кейин эшик ўрнига осиб қўйилган қанор қопни қайириб ичкарига қиради. Ихраб-сихраб таҳорат ола бошлайди. Мен унинг чиқишини кутиб тураман.

...Осмондаги тойчоқлар бир сурув бўлиб само далаларига кетиб боришмоқда. Олдиндагиси оппоқ, ёш, дуркун от. Ёллари узун-узун, ҳилпираётгандай. Кўкларнинг шамоли оқ булутлардан маҳобатли бир арава ясайди, кейин иккала отни опкелиб унга қўшади. Ортидаги тойчоқлар уларга эргашишади.

Теракларнинг барглари шилдирайди. Таналари булутдай оқ, баҳорда пичоқ билан биттасининг пўстини кесганман, бир ойча суви оқиб тургану кейин одамнинг кесилган жойига ўхшаб қорайиб қотган, ярасининг ўрни битиб, жигарранг чандиқ бўлиб қолган.

Тол қавагида бойўғли истиқомат қилади. Уни болалигимдан бери биламан, томоғини қимирлатиб, катта сариқ кўзларини тикиб ўқрайиб тураверади.

Дўнгга ниначи келиб кўнади. Бунинг тури кўп. Энг кучлиси – катта кўк бошли ниначи. Дириллаб учиб юраверади, чарчамайди, камдан-кам кўнади. Бошқалари кичкина, тутиб олсангиз, катта оғзини очиб, бармоғингиз терисини тишлашга уринади, одамнинг қитиғини келтиради. Унинг думидан ушлаб оламан. Ниначи шаффоф тўр-тўр қанотларини дириллатиб, учишга уринади, шу маҳал бобом чиқиб келади, ниначини қўйиб юбораману олдига чопаман.

Бобомнинг қўлларидану тирсакларидан чак-чак сув томади. Тирсакларининг териси осилиб қолган, эти суяқдан ажраган.

Маккапояга олиб қўйган белбоғини олади-да, ҳафсала билан юз-қўлини артади. Кейин қовоғини солиб, менга қарайди.

– Салом қани, бефаҳм?

– Ия, – дейман эсимдан чиққанига илжайиб. – Ассалому алайкум!

Бобом алик олади. Биргалашиб сўрига қайтиб борамиз. Бобомнинг жойнамози эски, оёқ, тизза, тирсак ва бош тегадиган ерлари оқариб қолган. Жойнамозни қиблага

тўғрилаб солиб бераман. Бобом эгилиб-туролмайди, тик турган ҳолида қулоқ қоқиб, сано айтади, кейин қолганини ўтириб давом эттиради.

Жухорилар орасидан товуқ қақолайди. Ялт этиб бобомга қарайман. Бу товушни бобом ҳам эшитади, аммо қовоғини уйганча намозида давом этаверади. Катталарнинг ўзларича тевааракка парво қилмай намоз ўқишини кўп кўрганман. Менга бувимнинг намози кўпроқ ёқар эди. Кичкинагина бўлиб қунишиб, мусичадай бўлиб намоз ўқирди. Бобомга ўхшаб, мени “бефаҳм” демасди. Бобомнинг намозида ҳайбат бор, бувимники хокисор эди...

Шу маҳал чаённи кўриб қоламан. У думини гажак қилиб бобом сари ўрмалайди.

– Чаён! Бобо, чаён!

Бобом ўсиқ қошларини чимиради, аммо намозини бузмайди. Чаён бобомни чақиб олса-я?! У ям-яшил, сариқ эмас, кўзимга катта бўлиб кўрингани билан ҳали ёш бўлиб чиқади, бориб жойнамознинг шолчадан кўтарилиб турган жойига кириб кетади. Бобом намозини битиради, кейин салавот ўқийди, дуо қилади. Шундан кейингина:

– Нимага бақирасан? – дейди. – Қани чаён?

– Жойнамознинг тагида, – дейман у кириб кетган жойни кўрсатиб.

Бобом ҳайиқмасдан жойнамознинг четини қайиради, остидаги чаён нишини кўтаради.

– Бор жойинга, имонинг йўқми? – дейди бобом чаёнга. – Келиб келиб намоз ўқиётган одамга даф қиласанми, аҳмоқ!

Кейин менга қараб:

– Оловкуракни опке, – дейди.

Оловкурак ўчоқни бошида. Чопиб бориб опкеламан. Бобом чаённи оловкурак билан қисиб олади, менга беради-да, “Ариққа оқизвор”, дейди. Ҳовли адоғига бораману уни сувга оқизворгим келмайди, ариқнинг нарёғига ирғитаман. Чаён ўтлар орасига кириб кетади, у ерда тошбақанинг боласини кўраман, ушлаб олгим келадию чаёндан кўрқаман, ортимга қайтаман.

– Кўрқмас экансиз-а! - дейман бобомга, фахрланиб.

Товуқ яна қақолайди.

– Худонинг қудратини кўр, – дейди бобом. – Эй одамлар, тухум қилдим, олинлар, увол бўлмасин, деб чақиряпти, – дейди бобом. – Бор, тухумини олиб, нонсаватга солиб кўй.

Томорқадан синглимни эргаштириб онам чиқиб келади. Уст-боши тупроқ, экинларни чопиқ қилган бўлса керак. “Вой, чоп, тандирга қара, ноним ачиб кетмасин,” дейди шоша-пиша. Синглим ортидан эргашади, у доим онамнинг кўйлагини ушлаб юради. Тандир ёнига бораман, олов ёниб бўлибди, иссиқда жимирлаб ҳовур кўтариляпти.

Онам чанг тушмасин деб йўл-йўл дастурхонга ўралган зувалаларни саватга солиб келади-да, нон ёпа бошлайди.

Шунда олма шохига бир қарға келиб кўнади-да, синглимга қараб қаттиқ қағиллайди. Синглим кўрқиб, чириллаб йиғлаб юборади.

Онам “Вой ўлай” деб унга қараганида, косовга илашиб чиққан бир чўғ кўйлагига тушиб, тутай бошлайди. Синглим эса қаттиқ кўрққани учун баттар чириллайди. Онаминг кўйлаги бир муддат тутаб, кейин лов этиб аланга олади. “Она-а, ёняпан”, деб бақираман. Онам чопиб боряптию бир оловга, бир синглимга қарайди. Лекин тўхтамайди, синглимнинг олдига етиб боради, унга ҳеч нима қилмаганини билганидан кейингина оловни ўчиришга уринади. Обдастадаги сувни олиб, уст-бошига сепиб юборади.

– Эсимни чиқарвординг-ку, онанг чўри, – дейди онам, укамни бағрига босиб, эти куйганидан юзини буриштириб.

Бостирмада турган от кишнайди. Аслида, бор бисотимиз еримизу шу битта отимиз холос. Бечорани тойчоқлигидан бери аравага кўшамиз, тупроқ, хазон, қоп-қоп буғдойу сомон ташиймиз. Елкасини, биқинини тери қайишлар қийиб юборган, аммо итоаткор, ювош от бу.

Нарироқда шотиси бўйинтириғи билан тиккайтириб кўйилган эски арава турибди. Филдираклари катта-катта, айланасига темир қопланган, ёғочлари ёрилиб-ёрилиб кетган, қуриб турсин деб отам уни қуёшнинг тиғига судраб обориб кўйган.

“Отангни ёнига бориб келақол, қорни очгандир”, дейди онам. Тугунчага битта жиз-зали нон билан беш-олтита ёғли қурут солиб беради, уни олиб далага жўнайман. Жиз-зали нон жуда ширин бўлади, йўл-йўлакай тугунчанинг четини очиб, ушатиб-ушатиб ейман.

Отамни бор-йўғи битта қўк тўни бор. Узоқдан экинлар ичида куйманаётгани кўринади. Тўннининг елкаси илма-тешик бўлиб кетган. Отам озғин, буғдойлар эса бўлиқ.

Тол шохида бир қуш қўниб ўтирган бўлади. “Ҳа, ҳалиям шу ердамисан?” деб қўяди отам унга. Бу қуш узоқлардан, тоғу тошларнинг ортидан учиб келади. Бошидаги қизғиш патлари тож каби товланади, аммо ғамгин қуш у.

Отам овқатланиб бўлгач, икковимиз ўтоққа тушиб кетамиз. Мендан кейингилар – сингилларим, улар ҳали кичкина, меҳнатга ярамайди, онам билан майда-чуйда юмушларга уннаб ўралашишади. Рўзгорнинг меҳнатчиси – отам икковимиз.

...Эсимни таниганимдан бери билганим – шу меҳнат. Отам билан омоч тортиб, шудгор қиламиз, маккаю жухориларни ўрамыз, қоплаб тегирмонга ташиймиз, узумларни узиб, сотгани баққолга берамиз, сабзиларни оламыз... гўнг тўплаб ўраларга кўмамиз, қирқилган узум занглари ёқиб, қулини аралаштирамыз... Бу меҳнатнинг адоғи кўринмайди. Гоҳ-гоҳ қишлоқда тўй бўлиб қолади, кимдир кимгадир уйланади, тўйлар ҳам ғарибгина ўтади, одамлар тўй паловида гўшт сероброқ бўлса, кейинчалик анчага довура мақтаб-тамшаниб юришади. Ҳамманинг уйида ишқом бор, теракнинг ёғочидан қилинган, иссиқда бу ёғоч оқариб қолади – оппоқ-оппоқ ишқомларда қизил-қора-очашил узумлар осилиб туради, одамлар ари еб кетмасин деб уларни бўзлатта билан ўраб чиқишади. Тўйларда яйраймиз, кейинчалик эса янги келин-куёвнинг ҳам оҳори кетиб қолади гўё... кун ўтган сайин хиралашиб, элга қўшилиб бораётгандай туюлади... келиннинг оқ юзлари, куёвнинг чақноқ кўзлари туссизлашади... улар ҳам меҳнатдан бош кўтаришмайди... келиннинг ер чопаётганини, меҳнатга кўмилиб кетганини кўраман... ҳамма-ҳаммаси ҳайбатли бир савол бўлиб бошимга келиб осилиб тураверади: одам боласи дунёга нимага келади ўзи?

Отамни ҳам кўп ўйлайман. Отам ҳам бир маҳаллар мен каби бола бўлган, ариқларда чўмилиб ўйнаган, бобом билан экинзорда меҳнат қилган, вояга етиб улғайгач, рўзгор қуриб, бола-чақа кўрган, яъни бизлар туғилганмиз, бизларни катта қиламан деб яна меҳнатга кириб кетган... Бизлар улғайганимиз сайин отам қартая борган... энди бу ёзуқ бизнинг пешанамизда давом этмоқда. Мен ҳам бўй чўздим, мен ҳам тенгимни топиб уйланишим, отамни боқишим, болаларимни улғайтиришим керак.

Яъни, кунига учта нон топишим керак! Биттасини ўзим есам, иккинчисини қарзимни узишга, учинчисини эса қарзга беришим керак!

Бу ўйлар юрагимни эзади, тўғриси айтсам, осмонда учиб юрган қушларга, ҳайвонларга, оппоқ тойчоқлардай сузиб бораётган анави булутларга ҳавасим келади – шуларнинг тақдири бизникидан осон-ку, деб ўйлайман. Бир қушга, бир юмронга ниям керак бўларди? Ризқи шундоққина йўлларида сочилиб ётибди... отамга қийин-да дейман.

Ўт юларканман, гоҳ-гоҳ бошимни кўтариб қишлоққа – Минглар буванинг уйига қараб-қараб қўяман. Бу ердан уйдаги кишилар кўринмайди, тераклари кўринади холос, аммо ўша ерда осмонларнинг маликаси бўлмиш бир қиз борлиги туфайли кўзимга бошқача туюлади.

У – адл қоматли, чақмоқдай бир қиз. Чақмоқдан бино бўлган! Чақмоқнинг чиройлилигини, кўклардан ерга отилиб тушишини, куйдириб-кул қилишини кўрганмисиз? Дилором ана шундай гўзал ва шиддатли! Кўзлари юлдуз-юлдуз. Қошлари қалдирғочнинг қанотиға ўхшайди.

У, бизнинг пастроғимиздаги Минглар буванинг қизи.

Онаси у туғилганида Ойдинкўлга чўкиб кетган, Дилором қиз – етим қиз ака-укаларининг, амма-холаларининг қўлида қолган. Ака-укаларнинг ҳар бири ўзининг кўйида – Дилором иштиёқда тинчимаган ҳар ким ака-укаларнинг кўнглини овлаш пайида юради. Уни келин қиламан, деган хотин-халаж ҳам “айланаин, қоқиндиқ” дея Дилоромнинг амма-холаларига гирдиқапалак бўладилар.

Табиийки, ҳар кимдан уни ўзимча қизғонаман. Тинимсиз эзувчи юмуш ичида шундай қолиб кетармикинман дейману юрагимнинг бир чети ёғдуланиб туради – йўқ, бир уни бу заҳмат тугайди, тақдирим ўзгаради.

Чунки, аниқ биламан – Дилором туфайли ҳаётим ўзгариб кетади.

Сабаби – шу қиз туғилганидан бери Минглар буванинг уйидан барака аримайди. Сигирлари шунақа мўл сут берадики, Минглар бува ортганини қўни-қўшниларга тарқатиб чиқади. Совлиқлари беҳато эгиз туғади. Дилоромнинг қўли теккан экинлар гуркираб ўсади, ҳосили шиғил-шиғил бўлади.

Ўзим ҳам уни кўрсам кучга тўламан, енгиллашаман, завқим келиб бир қичқирсам, осмон акс-садо беради.

Кечалари узун-узун хаёллар сураман. Дилоромга муҳаббатимни сўйласаму у рози бўлса дейман. Айтадиган гапларимни хаёлимда юзларча марта такрорлайман. У рози бўлса, онам бориб эшигининг тагини супуриб келса, отам билан амакиларим уйига борсалар, нон синдирилиб, фотиҳа қилинса, кейин... тоғу тошга жўнасам, қирдан, жардан, чангалзорлардан ўтсам... Искандар деворига тирмашиб чўққиларга чиқиб борсам... тақдир поласини топсам, десамки: *“Шу кимсасиз маконда, чақмоқларнинг остида битта ўзинг кўкка бўй чўзибсан. Яна бир қанча вақт ўтгач, бошқа ҳамма чечаклар каби йўқликка юз тутасан. Кел, рози бўлақол, ёнингга беҳудага келганим йўқ. Элимда мени оламда тенги йўқ севгилим кутмоқда, келажакда иккимиз Танғримнинг исми ва хоҳиши ила оила қурамиз, турмуш бошлаймиз. Ҳеч кимсага фаровонлиғу саодат бахш этмасдан, шу хусусиятингни ўзинг билан олиб кетишга қандай чидайсан? Бандингдан узишимга изн берақол, токи ортимга қаддим тик, бошим озод қайтай, сени бўлғуси жуфтимга тортиқ қилай, сен боис бир оилага кут-баракат ва бахт-саодат кириб келсин!”*

Бу гапларимга унинг қўнишига ҳам ишонаман. У – ақлли гул, ўшанда теварагидаги кўриқчилари йўл бўшатишларига ишончим комил.

Ана шундан сўнг бизлар бахтли ҳаёт кечириб, мурод-мақсадимизга етамиз!

Лопадану бахтдан яна кимлардир хабар берадилар. Ҳар баҳор келганида қирдаги бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллайди. Кўклам элимга Дилором бўлиб, гул очиб-кўркланиб кириб келади. Қаршисига бораман-у, ундан “Бахтим борми?” деб шивирлаб сўрайман.

Кимдир жавоб беради:

*Юзларимни силаб-сийпалаб,
Бахтинг бор, деб эсади еллар
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор, деб кушлар чийиллар.¹*

Ажабо, ўша маҳал бошқа сасларни ҳам илғай бошлайман. Ерда хазонлар орасидан униб чиққан битта майса ҳам баҳорни мен каби соғинган бўлиб чиқади.

*Қишнинг ёқасидан тугиб, сўради сени,
У ҳам ёш тўкдию чекилди нари.
Сени излар экан бўлиб шаббода,
Сен юрган боғларни қидириб чикди.
Топмай сабри тугаб, бўрон бўлдию
Жарликларга олиб кетди бошини.
Фарҳод тоғларида дарагинг сўраб
Сойларга кулатди тоғнинг тошини...²*

Қирлар эса қизғалдоқлар билан тўлади, чечакзор бўлади. Кимнидир излаб юрган баҳор шабадаси остида биттаси нолон-нолон чайқалиб ўксинади:

*Бунӣ ҳаёт дерлар, унутма асло,
Бир кун очиласан, бир кун сўласан.*

¹ Ҳамид Олимжондан

² Зулфиядан

*Қалбимда-ку, фақат сен эдинг танҳо,
Қабрим устида ҳам ўзинг бўласан.
Сен бизнинг севгидан хотира – байроқ,
Лола, лолажоним, лолақизғалдоқ...¹*

Ажабо, қайси лоладан баҳс этаётир бу киши? Тушунолмаيمان, аммо икки қиз-ғалдоқнинг бир-бирига интизорлигидан ақлим шошади.

* * *

Отам тинмай кетмон уради. “Ҳа-аҳ!” деб урганида тупроқ бўрсиллаб ағдарилади. Дарахт шохидаги қуш сайрамасдан жим боқади отамга.

Эй болаи нодон, отанинг қандай зот эканини қайдан билардинг, дейдилар кексалар. Онанинг кимлигини қайдан ҳам билардинг? Дунёнинг бор сарвати она қадамининг битта изига арзирмиди? Эй ўғлон, онанга, онанга, онанга, ундан кейин отанга яхшилик қил! Ажабо, она отадан ҳам муборакми деб ҳайрон бўлсам, кулимсираб тушунтирадилар: “Шунчалар мукаррам бўлган онанг отангнинг измида эканини кўрмайсанми, болам? Билиб қўй, отага тик боқиб, сўз қайтариб бўлмайди, юрганида ундан олдинга ўтиб кетиб бўлмайди, отадан аввал таомга қўл узатиш мумкин эмас, қаршисида қўл қовуштириб, бўйин букиб туриш шарт, қошида қаттиқ овоз билан гапириш мумкин эмас! Отанинг сўзи қонун, унга сўз қотишнинг ўзига хос йўсини бор... Шу сабабдан ота рози – худо рози деб айтадилар, мана бу ўғит ҳам ота зотининг улуғлигидан баҳс этмаяптими?

*Эй кўзумнинг шамъию ҳам нури дийдам равшани,
Одамий имонга етмай ҳеч вақт бўлмас ғани,
Мардумозори қилиб бўлма Худони душмани,
Осмонга етса бошинг қилмағил мовумани,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.*

Болаларим, рўзғорим деб тиним билмайдиган, ўзи емай болаларига едирадиган, ўзи ичмай ичирадиган отамнинг кимлигини шундан кейин англагандай бўламан. Яна айтадилар:

*Дини имонинг билан урсанг бу йўлда дасту по,
Зўри бозинг бирла етсанг ўттиз уч минг хонақо,
Осмондин тушса Исо, қилса ҳаққингга дуо,
Муршидинг Хизри замон бўлса бўлломас раҳнамо,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.*

Балки отанинг салобати улуғ бўлгани, кўп нарсани ичига зиммасига олиб, умрини болаларига бағишлагани учун ҳам бу сўзлар айтилгандир? Онамнинг рози бўлиши жуда осон, арзимаган нарсага ҳам кўзида ёши билан алқаб-дуо қилаверади, отам эса кўп ҳолларда индамайди, бош ирғаб қўяди, холос. Онамнинг йўриғи бошқачароқ, отамга айтолмайдиган гапларимни онамга бемалол айтавераман. Лекин, онангнинг иззати отангдан юз чандон улуғ демоқдалар-ку? Нима учундир, ҳар нарсанинг бошида ота бўлгани ҳолда, онага янаям зиёда иззат кўрсатиш талаб қилинмоқда-ку? Ҳа, ҳақиқатан ҳам ғалати чарх бу: болага “онангни иззат қил” дейилса, онага “эганга бўйсун” дейилмоқда, ўғил эрта-бир кун улғайиб, ўзи ота бўлгани маҳал, онасига кўрсатган иззат-эҳтиромининг ўз жуфтидан қайтганига шохид бўлса, қиз турмуш қурганида, хўжасига кўрсатган эҳтиромининг аксини боласидан кўрмоқда... Шу сабаб ҳам онасини умри охиригача елкасида ташиб юрган бир одамдан, она ризоси учун сарватлардан воз кечган ўғилдан баҳс этардилар. У одам “Онамнинг олдидаги қарзимни узолдимми?” деб сўраганида, шундай жавоб бўлар эди: “Онангнинг сен учун чеккан бир кунлик заҳматининг қарзини ҳам узолмадинг”. Кексалар бундай ҳикматларни оддий тарзда, ривоят айтиб тушунтирар эдидар. У ривоятларда қушлару ҳайвонлар сўзлар, тош-

¹ Муҳаммад Юсуфдан

лар тилга кирар, маънолар кутилмаган тарзда бир-бирига боғланиб қоларди. Гўё яна бир дунё бор, у дунёда сўз айтмайдиган биронта жонзот йўқ, у ердаги ҳамма нарса тимсол-у, барчаси инсонга хитоб қилувчи маъноларга айланган эдилар.

Онанинг айтганларини қулоқ қоқмай бажариш шартлигини билар эдим. Чунки отам ҳам шундай эди – бувим тириклигида нима деса хўп деб, айтганини қиларди. Бувим қартайганида юролма қолди, шунда отам уни неча бора қўлларида кўтариб ташқарига олиб чиққанини, елкасига ёш боладай ортмоқлаб, томорқаю дарахтзорларни айлан-тирганини кўрганман. Ўшанда бувим “мени эски беҳининг тагига олиб бор”, деб хархаша қилган, отам олиб борганида қари оғочнинг остида ўтириб роса йиғлаган эди.

“Эй отамнинг беҳиси,” деб дарахтга муружаат қилган эди бувим.

“Сен ҳам қартайиб-чуриб кетипсан-ку, отамнинг беҳиси? Шохларинг менинг қўлларимга ўхшаб қопти-ку? Танангда отамнинг қўлларининг тафтини сезар эдим-ку, отамнинг беҳиси? Тафтинг сўнибди, мева тугарга ҳолинг қолмапти, чўкиб кетипсан-ку? Илдизларинг очилиб-очилиб қопти, сув ичарга ҳолинг қолмапти... Мен ҳам сенга ўхшаб чуриб бормоқдаман, айт-чи, сен олдин йиқиласанми ё мен?”

Ҳазонлар орасида чириб, жигарранг тусга кирган бир мевани топиб олиб, ёш боладай суюнган, юпка пўстини арчиб ташлаб, ичидаги ширин таъмли бўтқани бармоғи билан айлан-тириб, худди сумалак ялагандай ялаб, суюниб кетган эди. “Кичкина қизалоқ эдим-да ўшанда, – деган эди, тиришларга тўла хаёлчан юзига тўсатдан эслаганидан бахтиёрлик ифодаси балқиб. – Мана шу Озоддан ҳам кичкина эдим. Бирам тез чопардимки... Ё тавба! Сарвинисо билан чириган беҳиларни топиб олиб ичини ялар эдик, жуда ширин бўларди... Вой ўлай, Сарвинисоям кетиб қолди-ку...” деб бирданига яна йиғлаб юборган эди.

Ажабки, сал шўхлик қилсам койиб берадиган отам, бувимнинг бундай хархашаларига лом-мим демас, не деса қулоқ қоқмай адо этарди. Кечалари ёнида ўтириб чиқар, оёқларини уқалар, ювар, таом келтириб оғзига тутар, кампир баъзан хархаша қилиб емайман деб туриб олар... гоҳо йиғлар ҳам эди. Отам улкан сабру тоқат билан шу хизматида давом этарди. Бувим оламдан ўтганида отам ёш боладай хўнг-хўнг йиғлаган, мен ҳам ҳали нима воқеа рўй берганини идрок қилмасдан туриб, ўз-ўзидан қўшилиб йиғлаб юборган эдим. “Вой онам, фариштам онам”, деб йиғлаган эди отам, улкан кафти билан пешанасига ура-ура. – Вой дуоғўйим онам! *Кирсам, доимо жойнамоз устида дуо қилиб ўтирган бўларди. Тасбеҳининг ипи узлиб кетган экан, оналарини ипга тизаман дебдию жойнамознинг устида жонини бериб қўяқолибди онам!..* Бутун дунё битта қадамингга арзимас эди, вой меҳрибоним, изингни қайдан топай энди?..”

* * *

Ҳаёти дунёда эканимда олам мана шундай ғалати маънолари билан теварагимда гуллаб-жўш урар, онгимга бир нималарни тинмай уқтирарди.

Кўрганим барча нарсалару воқеалар: майсаларнинг униб-ўсишлари, кўкларда чопиб бораётган тойлар, инларидан бошчаларини чиқариб қараб турган полапонлар, турли-туман гуллаётган чечаклар, сув узра тўрини ёйган ўргимчаклар, тошбақанинг елкасига миниб олган чаён боласи – ҳамма-ҳаммаси хаёлимни бошқа томонларга етаклаб кетарди.

Сувлар шарқираб оқар, осмондаги булутлар бағирларида қўлларни оҳиста суздириб келиб, авайлаб ёмғир қилиб ёғдирар, шамоллар уларни қайларгадир суриб кетардилар. Тупроқ кўпчиб-жўшиб, саноксиз хазиналарни бағридан чиқариб юборар, турли-туман мевалару ўтлар етила бошларди. Гоҳ-гоҳ булар ўзларининг азалий юмушларини адо этишдан бош тортиб ҳам қолишарди. Шаррос жала қуйиб, бўтана селлар келар, йўлидаги дарахтлару уйларни ағанатиб-йиқитиб сурон солиб ўтиб кетарди. Гоҳ қутуриб, ҳайбат солиб, ҳамма нарсани учириб-юлқилаб зўр шамоллар эса бошлар, кечагина майин ёмғирларни олиб келган булутлар қуюқлашиб, қоп-қора ораларида кўзни оладиган олов чақмоқлари ярқираб кетарди. Гоҳ эса минглаб тур ўт-ўлангаю жониворга ватан бўлган ер жунбишга келарди, нима сабабдандир устидагиларни бағридагиларни отиб юборишга уринарди. Шунча ҳодисалар орасида шамолларга ҳавас қилар эдим, дов-дарахтни силкитиб, қиру даштлар устида шунақа

озод, шунақа ҳур учгим келарди, сувларга айлансаму шарқираб оқсам, чақмоққа айлансаму теваракни ёритиб, кўкларнинг бағрини тилиб, булутларнинг пардаларини йиртиб юборсам дер эдим... гоҳо ўзимни шуларга айлангандек ҳис қилар, шунда тепадан қараганимда жимит уйчалар, ғимирлаб юрган кишилар, экинзоридан чиқмай меҳнат қилаётган отам, тандиру ўчоқ бошидан бери келмайдиган онам, тош кесаётган киши, маккажухорилар орасидан емиш истаб чиқиб келган кучук... бари нималарнингдир тимсоли бўлиб кўринар, бир шиддат урсаму умрларининг мушкулларини осон қилсам дер эдим!..

* * *

... Шунақа ажойиб хаёллар ичида юрардим. Кунлар-ойлар ўтиб, ниҳоят, бир куни отам амакиларим билан бориб, Дилором иккимизга нон синдириб фотиҳа қилиб қайтишди.

Ўша кунлари туш ҳам кўрдим. Ажаб, Дилором Ойдинкўлда сузиб юрармишу ойга айланиб қолганмиш. Осмондаги ой аслида унинг акси эмиш, теварагида кумуш балиқлар жилоланармиш. Мен кўлнинг соҳилида, икки ёнимда икки арслон, ёлларини силаб ўтирган эмишман.

Ҳадеб уни кўргим келаверарди. Ҳали никоҳ ўқилмаган бўлса-да, фотиҳа қилиндикку деб, ахийри боққа чиққанида, иш билан машғул каби ёнига борганим ҳам эсимда.

Ё, Оллоҳ! Қадамидан тўхтаса, оғочларнинг новдалари секин-мулойим бўлиб, у томон эгилишар, мевалар оёқларининг остига тўп-тўп тўкилар, ризқ илинжида чопиб юрган чумолию ҳашарот йўл бўшатар эди.

Рўмолини ияги остидан бойламаган, дол бойлаган, қадди тик, бошчаси озод... озод-озод қарар эди менга.

– Эй ой юзли, – дедим унга, ўшанда. – Сен туфайли ҳаётим ўзгариб кетганини биласанми? Авваллари ўзимнинг ким эканимни билмас эдим. Исмининг Эранлигию ота-онамга ўғиллигимдан бошқа хусусиятим йўқ эди. Умримга билдирмай кириб келдинг, ҳаётим чечак очди, дунё гулга бурканди, бўйим етти газ ўсди гўё. Сен туфайли бошқа аҳамият касб этдим. Кучу қувватим беҳад ортиб, танамга сиғмас бўлди. Истасанг, шамол бўлиб учаман, истасанг, ёмғир бўлиб боғинга ёғаман... Мана шу тоғларнинг ортида, қояларнинг учида бахту саодат лоласи ўсади дейдилар. Истасанг, ўша лолани олиб келиб кўлларингга тутаман. Фақат гапларимга ишон! Кеча бола эдим, ўйнаб-кулиб ўсган эдим. Бугун эр етилдим, эран бўлдим. Буларнинг ҳаммасини менга ишонишинг учун, тақдирингни мен билан боғлаганингга шубҳа қилмаслигинг учун айтмоқдаман.

Шу гапларни айтаркан, кўлларидан тутгим келди... У эса буғдойнинг битта сомонини олиб, ерга ташлади.

– Ўртада чегара бор, – деди у. – Бундан ўтиб бўлмайди. Ўтилса, дунё бузилиб кетади.

Шу маҳал тепамизга ўша қушча келиб, яна “Куёв-куёв, кимга куёв” дея сайради.

Дилоромнинг юзлари дув қизарди. Қушчадан уялди у.

Тоғни урсам талқон қиладиган кучим бору мана шу сомон парчасидан ўтгулик қувватим йўқ эди.

Дилором менга бир қараб, ота уйига йўналди, мен эса қирга чиқиб кетдим, қуюн оёғим остида ўралашди. Қир ўзининг гўзалликларига ўзи бурканиб олиб, латофатини кўз-кўз қилди. Ҳув тепада Учёнғоқ кўринди.

Аниқ эсимда: битта қарға тумшуғида ёнғоқ донаси билан тиккасига самога кўтарилди.

Осмондаги тойчоқлар сурув-сурув бўлиб ортимдан эргашишди.

Тепадан қаралса, қиру қишлоқ орасидан ҳам Дилором кўринаётгандай эди – ажабки, атрофдаги ҳамма нарсанинг орасидан унинг сиймоси балқиди, гуллар ҳам, анвойи ислар ҳам уни тамсил эта бошлади.

Нишадан ўтиб, тутзорлар ёқалаб Муҳаммад аканинг бедазорига жўнадим.

Муҳаммад аканинг бедазорида бағримни ерга бериб ётавердим...

Жилдираб оқаётган сувга энгашган ялпиз шохчасига бир капалак келиб кўнди. Сувнинг жилдирашида ялпизнинг шохчаси чайқалди... бир маҳал капалакнинг қанотига сув сачради, ҳўл қанотини кўтаролмай сувга қулаб тушидю оқиб кетди...¹

Уйимиздаги бойўғли шу ерга ҳам учиб келган экан, энди ёнғоқнинг қавагига кириб олибди, ўша ердан туриб яна менга ўқрайди.

* * *

Отамни ёв ўлдириб кетганида мен ҳовузнинг ичида, тозалаётган эдим. Ҳовуз суви камайган, оч бақалар елкамга, бошимга ўрмалаб-ўрмалаб чиқишар... сувилоннинг боласи билагимга ўраларди.

“Отангни ёв ўлдирди... қони оқиб-оқиб, шу ергача келди”, деди туйқус биров.

Ҳовуздан чиқиб, ингичка из бўлиб оқиб келган қонни кўрдим... отамнинг қони бу... из бўйлаб еримизга етиб борганимда на ёв бор эди, на от... отам эса ер тишлаб ётган экан.

Отам эккан экинлар пайҳон-пайҳон, тупроқ билан битта бўлиб кетибди.

Ёвга нима эди экинни пайҳон қилиб? Ризқ эди-ку, ўзи ўсиб-униб ётган эди-ку?

Ёвга нима эди отамни ер тишлатиб? Ризқининг бошида, ердан тортиб-чиқариб юрган эди-ку?

Ичимда алашим тошиб келди, шунда орқа тарафимдан биров елкамга оғир, залворли кўлини кўйгандай бўлди.

“Ота?!” – деб шартта ўгирилдим, йўқ, отам мана-ку, тилини тишлаб ётипти-ку, келган отам эмас, от экан, қайтиб келиб, елкамга бошини кўйган экан!

Ёв... отамни ўлдиргани бир бўлди, еримни – ризқимни пайҳон қилгани бир бўлди, бир ёқда онаму укаларим... Эй Худо, қишлоқда... Дилором бор-ку?

Ичимдан бир шидду шаҳд кўтарилиб келди. Назаримда онам, сингилларим, Дилором – буларнинг барининг қиёфалари бирлашиб, ёв қаршисида ҳимоясиз турган қушчаларга айланиб қолдилар.

Йўқ-йўқ! Ёв Дилоромни деб келган бўлса-чи? Йўлида учрагани боисгина бошқаларни ер тишлатаётган бўлса-чи? Ахир, Дилором боис теварак ризқ-баракотга тўлди, у боис ҳаёт марҳамату сафога фарқ бўлди... балки ёв ҳам шу марҳаматдан умидвордир?

Шу маҳал чақмоқ чақиб, ёмғир ҳам қуя бошлади.

Онгимда бир нима ярқ этди... нимадир очилди!

Шовуллаб ёққан ёмғиру чақмоқ остида мана бундай деб қичқирдим:

“Осмонлардан қуйилиб, ерларни суғорувчи ёмғирлар билан қасам!

Кўкларни ёриб-титратувчи ва ерларга санчилувчи чақмоқлар билан қасам!

Уйилиб-мингашиб келувчи булутлар ва уларнинг бағридаги раҳматлар билан қасам!

Ҳаммангизнинг шаҳдингиз менинг ичимдадир – шохид бўлингизким, мана шу шаҳд ила Дилором учун ёвга қарши бормоқдаман! Бори ҳикматларни яратган Танграм ҳақи, ҳаммангиз менам рози бўлинг!”

Даст ўрнимдан турдим, оёғим остида бир қизғалдоқ қоқ белидан қирс этиб синди, шу ҳолича ҳам мени тўхтатмоққа уринди:

Дардим дарё бўлиб оқизмас мени,

Сени қандай асрай, кўзи қаролиқ?...²

* * *

– Бу маконда ҳам лоладан баҳс этилмоқда, аммо маънолари тамомила бошқа, – деди Озод. – Айтилганларнинг бари ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтган воқеаларми?

¹ Муҳаммад Юсуфдан

² Тилак Жўрадан

– Ҳар қадамингда қурту қуш, ўт-ўлан бир-бирига интиқ эканини кўрганинг камми? – деди шамол, шунда мавжларида яна донишмандона оҳанг таралди. – Қушларнинг зору интизор сайрашини эшитмадингми? Янги барқ урган чечакларнинг ҳид таратишлари уларнинг гапиришлари эмасми? Сен баҳорни кўрмоқдасан, у ҳаммаёқни ана шундай жўштириб, туғёнларга солмаяптими? Умумий бир баҳор дедим, куз ҳам умумий келади. Аслида баҳорнинг ичида ҳам куз бор, истасанг, умр кузига етиб келган бир кишини кўрсатай сенга. У ҳадсиз-худудсиз узумзорлар эгаси, ёнида арслони ҳам бор, эзгин-эзгин кезади боғларини...

Узумзорлар эгаси

...Ҳеч ортингизга назар ташлаганмисиз?

Тунлари бехос уйғониб, атрофга қулоқ солганмисиз? Тун пардаси остида осойишталик ҳукм сураётганига ишонч ҳосил қилгач, кўнглингиз барибир ўрнига тушмай, елкангизга тўнингизни ташлаб ҳовлига ҳам чиққандирсиз?

Ойнинг оқиш нурлари дарахтларни, қорайинқираб кўринаётган барглариною меваларини оқиш ёғдуга кўмиб, оҳиста эланади. Тупроқ илиқ ва майин, ёғдуланаётгандай кўринади. Осмонда ой тўлибди. Шарпангизни сезган қайсидир бир қуш безовталаниб потирлаб дарахт шохидан учади. Шунда “бу қушни ҳам безовта қилдим”, деган ўй дилингизга келгандир? Майин шабада юзингизни силайди. Илғар-илғанмас тун бағрида ҳаёт мудрамаётганини, бир қанча жонзотлар нималар биландир машғуллигини ҳам пайқайсиз. Неча-неча йилларингизни бағрида ўтказганингиз эски ўй сокин ва жим мудрайди, бўғотларига, сувоқларига термиласиз, ҳовли адоғида отангиздан қолган бир уй-бир даҳлизли иморат ҳам мудроқ остида. Бу томонидаги сиз қурган уй баландроқ, бақувватроқ... отангизнинг уйи эса анча чўкиб қолибди. Ота ва она ана шу уйда яшаб дунёдан ўтдилар... Битта сиз бедор, битта сиз шарпа каби ҳовлини кезмоқдасиз.

Шунда... ўтмишингизнинг овозларини ҳам эшита бошлайсизми? Кўп йиллик яшаб ўтилган умрингизнинг сўқмоқлари, қоялари, ўнгиру жарлари... воқеалар уларнинг бағрида ўсган буталар каби униб чиқаётганини, шамоллар каби етилиб эсаётганини кўра бошлайсиз. Кейин умрингизни ўйлайсиз, ахир, умр мана шу гўша устидан еллар каби эсиб ўтибди. Сиз ҳам дунёнинг устидан шамол каби елиб ўтиб кетибсиз.

Ишонинг, қирқ деган остонадан ҳатлаб ўтган кишининг тунлари шундай бўлмасдан иложи йўқ. Қирқ – ғалати ёш. Қирққача тобора кучга тўлиб борасиз, вужудда арслон шиддати жўш уради, қадамларингиздан ўт чақнайди, ботинингизда бузғунчи бир қудрат пинҳон эканини билиб турасиз, ҳамма нарса осон, ҳамма нарса кўлингиздан келади, ҳамма нарса қаршингизда эгилиб бўйсунди, гапингизга қулоқ солади, солмаса мажбурлайсиз, ўзингиз эгиб оласиз... қирқдан кейин эса, туйқусдан... арслон қувватининг озя бошлаганини ҳис қиласиз.

Ой нурлари остида эса жим кезинади, бир арслон!

Ёғду орасидан қандай чиқиб келишини кўряпсизми? У ҳануз баҳайбат, ҳануз қувватга тўла, бироқ шиддати қани? Кучга тўла пайдор панжалари тупроқда энли, чуқур излар қолдирмоқда, ёллари силкинмоқда, бўйнида, биқинида чандиқлари бор... у баҳайбат, сокин-осойишта қадам ташлаб келиб, шундоққина ёнингизга чўкади. Ёлини силанг уни. Куч-қудрат тимсоли бўлмиш бу арслоннинг ёши ҳам сиз билан тенг! Истаган жонзотни кучли панжалари билан тилка-пора қилиб ташлагувчи бу жонзот ҳам сиз каби бедор кезмоқда.

Бир маҳаллар у ҳам сиз каби бола эди. Мурғаклигингизда, ой нурлари уйқудаги тупроқ узра эланганида, нур капалагига айланиб қошингизга учиб келарди, у билан қувнаб уйнар эдингиз. Илиқ қумлоқларда сизга қўшилиб қум сочарди, улғайганингизда, балоғат тўлқинлари вужудингизни жимирлатиб оқа бошлаганида, у ҳам сиз билан бирга боғларни завқу шавққа чўмиб кезиб чопарди.

Эй мана шу хонадоннинг арслони, нега бедорсиз?

Арслон жим кезинади. Гўё армону ғуссалар йўқ, гўё ҳамма нарса бадастур, саранжом... Дарахтлардан тунги қушлар самога кўтариладилар. Қанот қоқишларидан пайдо бўлган эпкинларда шохларнинг япроқлари, ерда ўсган гулу райҳонлар силкинишади.

Уларнинг умри жуда қисқа, қуш умричалик ҳам эмас. Бепоеён ястаниб ётган ҳаёт кенгликлариди гоҳ-гоҳ чечак-чечак яшнаган ва сўлган қувончу шодликларга ўхшайди улар.

Ой ёғдуси яшаб ўтилган умрингизни ҳам ёритиб юбормаяптими? Бевовталигингиз балки шундандир? Ой ёғдуси ёруғ ғуссага ўхшамайдими? У умринг шодлигу севинчлари билан бирга, қорайиб турган армон ва пушаймон жарликларини ҳам ёритмоқда. Афсус қоялари қоп-қорайиб кўкка бўй чўзиб турибди. У сиз билган табиатдан ўзга, ҳозир у ерларда шамол эсмайди. Ҳамма нарсани майин ёритувчи ёғду эланади, холос.

Баҳайбат арслон ҳам ойга, ҳам ортга боқади. Кўзларида инсоний маъно кўринмайди. Улкан бошини панжалари устига қўяди. У сизни танийди, сиз ҳам уни танийсиз. Сиздан фарқ қилиб, у хотиржам, сокин ва осойишта. Фақат, сиз нега қайғулисиз?

Осмонни қора булутлар қатма-қат энлаб-бостириб кела бошлайди. Ҳали замон очиқ кенгликлардаги ойнинг юзини тўссаям ажабмас. Пайдар-пай шабада эсиб, қанотида илганмас шивирларни олиб келади:

Қайдан келаётир уюр-уюр ғам?...¹

* * *

“Орзуларим... орзуларим бисёр эди, – деб ўйлайди дарахтзорлар оралаб жим кезинаётган бу одам, тўнининг барини қовуштириб, оғир-оғир қадам ташларкан. – Отанам меҳнат ичра ўтдилар, умрларининг сўнгида бир зурёд иззат қилганчалик иззат-ҳурматларини қилдим. Акаларимнинг хизматиға қўл қовуштириб турдим, отамдан қолган улугим, ота ўрнига отам деб хорлик қанотимни паст тутдим, укаларим ўқимасин деб юрак-юрагимдан беминнат қанотим остига олдим, лекин... қани мен кутган хушбахтлик? Қайда, қайда хато қилдим?” деб кезинади бу одам.

Дарахт шохидаги қуш қанотларини ёзади, шунда патлари юлингани, чандиқлари оқаргани кўринади.

Хатолар ва адашишлар... Агар хато қилмасайдим, бугун бундай бўлмас эди деб ўйлайди у. Ҳаётимда бир нечта катта хатоларга йўл қўйдим. Ўша хатолариму гуноҳларим воқеаларга айланиб, ҳаётимни ўзгартириб юборди. Баъзан натижани кўраману сабабни топмайман, лекин бу натижа ўша – ўзим ҳосил қилган сабаб туфайли бунёд бўлганини биламан. Қанийди ортга қайтолсам, қанийди ўша хатонию гуноҳни содир қилган манзилга етиб борсам! Қанийди мўъжиза юз берсаю айнан ўша ердан – хато содир бўлган жойдан ҳаётимни яна бошласам... бугунги куним бошқача бўлмасмиди... деб хаёл қилади бу киши.

Пушаймон ва афсус ёмон нарса. У ҳеч нимани ўзгартирмайди. Кўзни ёшлантиради, дилни аччиққа тўлдиради, хўрсиниқлар пайдо қилади. Улар одамнинг қалбида илон сингари яшайдилар. Киши ўз пушаймон ва афсусларини ҳеч кимга айтмайди, ҳатто ёнгинангизда умр кечириб юрган кишининг қалбидаги турфа пушаймонлару афсусларидан беҳабар... бир куни, мана шундай баҳор кечасида, қийғос гуллаган ўрик остида... ўпкаси тўлиб кетганини сезиб қоласиз. Улкан гавдали бу киши ёш боладай ҳиқиллаб йиғлайди. Кошқийди у хатоларни қилмасайдим... кошқийди дақиқаларим қийматини, яқинларим қадрини ўшанда билсайдим деган армон кўз ёшларини пайдо қилади.

Ой ёғдуси орасидан чиқиб келган арслон улкан бошини панжалари устига қўйганича, бу кишига сассиз боқади. Дарахтдаги қуш ҳам ҳайрон-ҳайрон қарайди. У – мана шу одамнинг бахт қуши эмасмикин? Бахт қуши бўлса нега афтода, нега жовдираган, нега патлари титилган, нега ночор?

Ой. Дарахтлар орасидан унсиз эланаётган ёғду. Бошини панжалари устига қўйиб, жим ва сокин боқаётган арслон.

У киши, ниҳоят, арслоннинг ёнига келади, ўтириб ёлларини силайди, кейин дағал гавдасига суянади. Пешонасидаги тиришлари янада чуқурлашади. Ҳавода нимадир кезиб юрибди: ажабо, афсусми ё армонми у?

Етиб келган жойим шу, дейди у чуқур ўй ичида. Етиб келганим... умримнинг йилларини берганим... шу уй, шу мулку сарват... Бу орада мени улғайтирган сувлар оқиб ўтиб кетди, устида мен ўйнаб ўсган дарахтлар қартайди...

¹ Шавкат Раҳмондан

Хаёллар қуони уни чирпирак қилиб ўз гирдобига олиб кириб кетади. Ой нури арслоннинг ёлларидан оҳиста оқиб тушади, тупроқ устида туриб қолади.

– Сен-чи? – деб сўрайди киши арслондан. – Сенинг ҳам армонларинг, афсусларинг йўқмиди?

Арслон жавоб бермайди. Ўрнидан қўзғалиб, узумзорлар сари йўл олади.

– Қаёққа кетяпсан? Сенга жуда ўрганиб қолувдим, – деди қирққа кирган бу киши. – Эй неча йиллик сирдошим, ҳамдамим-биродарим, қаёққа?

У арслоннинг изидан эргашади. Юра-юра ҳовли адоғига борадилар. Кўз етгүлик жойгача ястаниб кетган узумзор мудрамоқда. Жимир-жимир ой ёғдуси ўзига чорлайди.

У арслоннинг кўзларига тикка қарайди. Арслоннинг қорачиқлари кенгаяди, нигоҳи руҳини ўғирлаб олади. Қайдадир кимдир нола қилади. Ажаб, нималар рўй берди шунда?

Шу тариқа ўтмиш воқеалари орасидан ўтиб бораётганларини сезади киши. Ён-верида бир ойна тоғидай бўлиб яшаб ўтилган умр юксалган, ойна тоғи ичида зуҳур этган манзараларга қараб, умрнинг лаҳзаларини илғаб олса бўлади. Қувончлару севинчлар гул очиб, чечак ёзган, ёшликнинг сурури кичкина қушчалар каби парвоз қилади, булбуллару қумрилар чах-чах уради, узоқларда хатолар ва адашишларнинг қоялари бўй чўзиб туради.

Арслон мана шуларнинг орасидан одимлайди. Ёллари қадамига монанд тўлқинланади.

Бу кўраётганларим ўзимнинг умрим-ку, дейди киши ҳайратланиб. Тўсатдан вужудда чарчоқ ҳис қилмаётганини, томирларида қон энгил ўйнаб оқаётганини, юрак уришини ҳис қилмаётганини пайқайди. Одимлари энгиллашади, қўлларига қараб, терисининг ажинсиз, тоза, тиниқ эканини кўради.

Мана, адашишлар ва хатоларнинг манзиллари, бошланғич нуқталари. Қайда хато қилган эдинг, эй бедор зот? Қай бир адашишинг армонингга сабабчи бўла қолди? Мана бутун умринг, лекин хато қайда? Айтилган бир сўздами? Содир этилган бир ишдами? Ўйлаб-ўйланмаган бир қарордами? Бундан йигирма йил кейиндаги манзилда, ой нурига кўмилган ҳовлида сени кезишга солган воқеаларнинг бошланғич нуқталари ихтиёрингда, истасанг ўзгартир, истасанг бошқа шакл қур, токи қирқнинг манзилида уйқунг ўчмасдан, ўзинг яратган боғнинг фароғати ичида сокин ва осойишта кез...

Агар... ҳамма орзуларим рўёбга чиққанида борми, бугунги куним бошқача, тамомила бошқача бўларди, дўст, дейди у арслонга.

Дўст дедим-а?... Қани дўст, қани яқинлару биродарлар? Кўнгли бўш отаю шафқатли онадан тарқалган фарзандларнинг бари узоқда, турли жойларга анор доналари каби сочилиб кетишган, у доналардан бошқа анор буталари ўсиб чиқиб, мева ҳам солиб улгуришган. Қадим ой нур сочади холос, у ҳам тиккадан ўтиб, кунботарга оғиб бормоқда, ҳализамон қарама-қарши тарафда тонг бўзариб, қуёш бош кўтарса ажабмас. Аммо... ниманинг қуёши? У уфқдан ҳар кунги одатий қуёш кўтарилади деб кафолат бера олади?

* * *

Бизни узумзор эгалари дер эдилар... дейди у, санқир экан. То қирларгача ястаниб кетган кенгликлардаги ҳамма боғлар бизники эди. Дуркун-дуркун, шигил-шигил узумларнинг бари қирмизи тусда бўларди. Бошқа турларини ҳам экиб кўрганмиз, лекин негадир униб-ўсмаган. Бу депарада бошқа қизил узум йўқ, узумимизнинг таърифи узоқ-узоқларга кетган эди.

Боғимиз беҳисоб ҳосил берса-да, ҳувиллаган дилимда катта бир армон ўргимчакка айланиб ўрмалар, тўр қураб, тўрига ўзимни илтириарди. Чунки, заволлиман эдим мен. Ана шу бойликларнинг ичида ўралашиб, чиқолмай юрган одам эдим. Бойликлар бевафодирлар, у ўргимчакка ўхшайди, чалғитади, ҳаётингга тўрини ташлаб, сени кутиб ўтиради, дер эди отам. Бойликнинг жони бормики, вафо қилса? Чалғитади дегани рост эканки, тобора ичига кириб кетаверар экансан. Гоҳо ҳаммасидан воз кечиб, дарвишликни касб этган подшоҳ каби¹ бошимни олиб тоғу тошларга кетгим келарди-ю...

¹ *Иброҳим Адҳамдан*

...кетолмасдим!

Кетсам ҳам... қаён борардим? Оламнинг қаерига борманг, шу одамлар, шу ҳаваслару ҳирслар... уларни кўрмаслик учун ёруғ дунёдан ўзга маконларга кетиш керак.

Сурув-сурув қўйларим орасида айланиб юриб, шуларни ўйлар эдим. Бу сурувларга умримнинг неча йилини бердим экан? Бу қандай савдоки, умримнинг йилларини сурувларга алмаштирибман? Ботмон-ботмон ҳосилларимни кўрсам ҳам ҳаёлимга шу фикр келарди. Очиғи, ҳаётимдан кўнглим тўлмас эди, бир томондан, бу роҳатлардан айрилиб қолишдан ҳайиқсам, бошқа томондан, ҳаётим ўтиб бораётгани, бир куни бу сарватлар менга керак бўлмай қолишини... демакки, бошқа бир сарват тўплашим кераклигини сезгандай бўлардим.

Шундай ўйларга тобора ғарқ бўлиб борарканман, ҳаётимнинг зулматлари ичра нур толасидай бўлиб Дилоромнинг қиёфаси товланарди. У малакда бир сир бордай туюларди. Сирким, ҳайбатли, рост бир сир.

Чунки, аниқ билардим: Дилоромда наинки баракот, балки каромат ҳам бор эди. Унинг ўтар ерларида нима сабабдандир ҳар нарса жонланиб кетар, жўшар, ўтлар бўлиқ-бўлиқ бош кўтарар, оғочлар қийғос-қийғос гуллар, оламжаҳон мева тугар, буни кўриб ҳайратдан ёқа ушлар эдим.

Тоғларнинг ортидаги ёв шу кизни деб чиқади, дер эди отам. Асли, унинг нима эканини биров билмас эди. Чийиллай-чийиллай, тоғнинг тепасидан селдай оқиб тушиб келади дейишарди. Ўлиши жуда қийин, фақат бошига урибгина ўлдириш мумкин эди. Ер тишлаб, питирлаб ётгани ҳам сал ўтмай дик этиб ўрnidан туриб, яна чолиб кетаверармиш. Зувиллаб келармишу чангалига тушган одамнинг кўксини ёриб, юрагини суғуриб олар эмишлар. Юқолиги шу қадарки, ўлимтик узра кўниб ўтирган ўлаксахўрларни ҳам ғажиб ўтиб кетавераркан. Унинг қачон пайдо бўлишиниям биров билмайди. Макони тоғларнинг ортида, кундузи ҳам қоронғилик ҳукм сурадиган ўнгирилларда деб тахмин қилардилар, аммо у ёққа одам боласининг ўтиши қийин, типпа-тик жарликлар, тиканзору чангалзорлар кўп у йўлда.

Ғалати ёв эди бу. Уни яъжуж-маъжуж десалар-да, аслида яъжужлар бошқа, қай бир исёни туфайли ақлу имондан бенасиб қолган одам болалари эканини билардим. Бу ёв яъжуж эмас эди, хусусияти ўзгачароқ бўлиб, баъзи кишиларга даф қилар, баъзиларга эса тегмасдан ёнидан ўтиб кетаверади, дер эдилар. Йўқса, Дилоромни қайдан билишади? Унинг марҳаматларидан қай тарз умидланишади?

Умрим бўйи тўплаганим сарватларимни Мингларга берсаму Дилоромни никоҳимга олсам... у билан бирга ҳаётимга поклик, озодалик, ёруғлик кириб келадигандай туюларди, ахир! Ҳаётимда етмаётган – Дилором эди. Дилором билан бирга эт-тирноқ бўлсаму мандан ҳам бир зурёд қолса дер эдим. Ҳа, мен тирноққа зор бир банда эдим. Зурёдни нега тирноқ дейдилар, биласизми? Тирноқ эт орасидан қандай ўсиб чиқса, зурёд ҳам ана шундай ўсиб чиқади. Бу аёл дунёга келтирадиган ўғлоннинг зурёдидим бўлишини шундай орзулар эдим-ки!.. Мана шу иш амалга ошса, юрагимни эзиб турган хатолариму адашишларим ўнгланадигандай, умрим зиёга ва осойишга тўладигандай эди...

Воллоҳи, бу қиз одам боласи эмас, малак эди! Одам боласида бунақа фусун бўлмайди. Бу фусун хушбўй тутун каби ўралиб-чирмалиб, кўзлардан ичкарига – дилларга кириб борар, афсунлар, мойил қилар... ҳайиқтирар эди.

Аччиғимни келтириб, Мингларнинг теракларидида бир қуш тинмай “Куёв-куёв, кимга куёв?” дея сайрагани сайраган эди. Милтиқ олиб отиб ташласаммикин десам, эл-юртнинг маломатидан чўчирдим, аммо қачон шу кўчадан ўтсам мени масхаралаб сайрагани сайраган эди.

... Буларнинг бари бир ҳаёл, аслида шом қўна бошлади юрагимнинг далаларига... кечки шудринглар эса аллақачон тушиб бўлди, энди улар майсаларда эмас, қароқларда тизилмоқдалар.

Дилоромнинг менга насиб қилмаслигини аввалданоқ билардим. Шу орада у қирқларнинг уруғидан бўлган Эранга фотиҳа қилиндию орзуларим чил-чил бўлди-кетди.

Фотиҳа нима бўпти дерсиз? Фотиҳада Яратганнинг исми тилга олинган, энди орада Унинг исмининг ҳайбати бор эди – у исмдан ҳатлаб ўтиб бўлармиди?

Фотиҳанинг ёвга нима алоқаси бор, билмадим, аммо шундан сўнг тоғларнинг бошидаги девор ёрилганидан, яъжуж-маъжужларнинг юрт сари оқаётганидан дарак келди.

Ажабо, қишлоқда ёвга тик қарайдиган биров қолдимикин? Хаёлимга бир ўй келди: яъжуж-маъжуж келиб, шу йигитни ўлдириб кетсайди... шунда бор мулку сарватимни садақа қилиб, Дилоромга эришимга йўл очилмайдими? Шу ўй юрагимга илондай ўралиб олди: мабодо Эран ўлса... мабодо қайтиб келмаса... ўша малакнинг, Дилоромнинг боши очиқ қолса... ёруғликларга, дилқушлиқларга элтувчи йўл мана шундай – Эраннинг ўлими орқали очилмайдими?

Эраннинг ўлимини орзуладим ўшанда. “Эй Тангрим, сарват бердинг, аммо фарзанд бермадинг. Ироданг туфайли Дилором Эранга фотиҳа қилинди. Мен ҳам бир банданман, энди эраннинг жонини олгину Дилором деган бандангни менга насиб айла”, деб ёлвордим. Бир одамнинг ўлими туфайли фароғатга эришиб бўлмаслиги ақлимга келмади. Ёв айнан Эраннинг ҳалокати боис бу ерларга кириб кела олишини англамабман, ақлимни ғафлат босибди. Буни анавилар экинларнинг, дарахтларнинг орасидан лип-лип этиб, питир-питир қилиб этиб келишганида тушундим...

– Сенга ҳар ким ўзининг армонларидан айтса, ҳечам ажабланмайман, – деди бу одам. – Бадавлатлик молу сарватдан эмас, оила ва муҳаббатдан бўлишини англаб етган кунимдан бери жоним ўртанади. *Яна бир гапни айтиб қўй: аслида сен бораётган томонларда ҳеч қанақа лола йўқ.* Бироқ бошқа нимадир бор, ўшанга етишингдан умид қиялман. Утинчим шу – агар ҳақиқатан ҳам тақдирларга бахту саодат бахш этадиган бир ҳикматга эришсанг, мен заволлининг ҳақиқага бир дуо айла, эришолмасангу у ёқлар ҳақиқатан ҳам бўм-бўш бўлса, у ҳолда қайтишингда ломим демасдан ўт!..

– Булар оддий кишилар, яъни авом, – деди шамол. – Авом кўрган нарсаларни олим бошқа нигоҳ билан кўради. Авом тошни кўрса, олим тошнинг ичидаги қудратни илғайди.

– Қизик... – деди Озод. – Ҳамма ёвдан сўз айтмоқда... Ким у ёв?

– Сени воқеалар орасидан ана шундай олиб ўтаман, болам, – деди шамол, шунда саси яна отасининг овозига ўхшаб қолди. – Ҳар воқеани кўрганингда бир даража юксаласан. Олдинга разм сол: тошли сўқмоқдан бир кўр киши кетиб бормоқда, ёвнинг кимлигини сенга ўша зот англата олади. Ҳозирча эса... Учёнғоқ деганимда, сен фақат битта ёнғоқни кўрганингни айтдинг. Ваҳоланки, у ерда бир мағиздан учта дарахт униб чиққан эди.

– Ҳа, тўғри айтасан, – деди Озод.

– Яна кимдир бу ерда қизғалдоқларни кўрган эди, хабарини бериб улгурди, – деди шамол. – Бошқа биров эса қизғалдоқлар ўрнида лолазорни кўрганини айтди. Сен ҳам шу маконга қадам қўйдинг, айт-чи, нималарни кўрмоқдасан?

– Мен ранго-ранг очилган чечакларни кўряпман, – деди Озод, йўлнинг давомига қараб. Бўрсиллаган тупроқдан турфа гулли дала чечаклари бош кўтарган, қирларга доғур энлаб кетган эди.

– Бир маҳаллар бу ерда урушлар бўлган, қонлар тўкилган, – деди шамол. – Элиннинг ёшу қариси ёвга қарши оёққа отланган. Уруш нималигини сен қайдан ҳам билардинг? У – даҳшатли ҳодиса, одам болалари бир-бирининг қонини тўкишидан жамики махлуқ кўрқувга тушади, табиийки, у маҳал лола бировнинг эсигаям келмас эди. Келган ёв ҳам бошқа эди, бироқ у ҳам роҳат-фароғатни кўзлаб келган эди. Бу чечаклар ўша сўқишда ҳалок бўлиб кетган аждодларининг тупроғидан униб чиққан.

– Гапларинг ростга ўхшайди, – деди Озод. – Чечаклар тигиз ўсибди, уларни босиб ўтгани кўзим қиймаяпти.

– Фалончи тоғлар сари сафар қилди, йўлида бир-бирига айнан ўхшаш ҳодисаларни кўрди. Бир йўлда бир нарсанинг учта аксини кўриб бўлмайдими, демак, юрилган йўл – йўл эмас, бошқа нарса, дейилди-ку? – деди шамол. – Модомики эндигина йўлга қадам қўйган, кўзи эндигина очилган бўзбола экансан, у ҳолда сирини ўзим ошкор қила қолай. Сен ҳол тилининг нима эканини билмасмидинг? У ҳолда бу ерда ўсган чечакларнинг аслида чечак эмаслигини ҳам биларсан? Айт-чи, эрталаб туриб, юз-қўлингни ювгач, илк қиладиган ишинг нима эди?

Озод ўйланиб қолди. Саҳарлаб турганида ота ҳам, она ҳам аллақачон уйғонишган бўлар, Озод уларга ювуқсиз кўринишдан ор қилиб, нигоҳини ерга тикканча сув бўйига бориб юз-қўлини ювиб келар, сўнгра эса...

– Саломдан гапиряпсанми? – деди у ҳайратланиб. – Илк қиладиган ишим – отам ва онамга салом бериш эди!

Шамол қониқиш билан тўлқинланди.

Шунда Озод иморат кураётган кишининг ўғитларини эслади. Чечакзорнинг шундоққина ёнига борди, пўрсиллаган юмшоқ тупроқ оёғи остида эзилди. У қирга қадар энлаган майсаларни титратиб, қаттиқ қичқирди:

– **Ассалому алайкум, эй аҳли маъни!**

Бироқ теварақда ҳеч нима ўзгармади, Озоднинг овози шамолнинг тўлқинлари аро ютилиб кетди.

– Энди гапимни эшит, – деди шамол, шунда гувиллаши ҳайбат ва виқор касб этди. – Булар – ўша кишиларнинг ҳурмат-иззати туфайли бино бўлган майсалардан бошқа нарса эмас. Сен маъно оламига эндигина қадам қўймоқдасан. Бу оламда ҳар кун кўриб-билиб юрган нарсаларингни яна кўрасан ва хаёлингга келмаган маъноларидан ҳайратга тушасан. Манзилнинг олиб борадиган йўлларда, агар сабр-тоқатинг етса, чечакларнинг остларидаги майда томирларигача кўрасан, нима эканини ҳам англайсан шояд. У йўлларнинг адоғида яна янги маъно манзиллари очилади, имонсизлар, мардудлар ва муртадлар ва ҳатто хаёлингга ҳам келмаган шарпалар чиқиб келадилар. Ҳозир эса фурсатинг жуда кам, ҳув анави кетиб бораётган кишига етиб олишинг зарур, шу боис, тезроқ қадам бос!

Узоқда бир киши ҳассаси билан пайпаслана-пайпаслана тоғлар томонга кетиб бормоқда эди.

– У ким? – деди Озод, ҳамроҳининг айтганларини адо этаркан.

– Қулоқ тут-чи, нималар деяпти экан? – деди шамол ва бир айланиб, унинг ҳабарини олиб келди:

*Тақдир сўқмоғида бошин эгиб жим,
Бир кимса кетмоқда, билмайман у ким.
Агар у сен бўлсанг, ёнингга борай,
Агар у мен бўлсам, тезроқ кел, дўстим...¹*

– Мен буни олдин ҳам эшитганман, – деди Озод, ҳайрон қолиб. – Бу бир шоирнинг шеъри эди.

– Демак, ўша шоир ҳам уни кўрган экан, – деди шамол. – Мана, қанақа сўқмоқдан илгарилаётганингни ҳам билиб олдинг. Билиб қўй, одам боласининг айтган сўзларига юзлаб гувоҳлару шоҳидлар бор теварақда, Атрофдаги жами махлуқот одам боласи нима сўз айтар экан, деб илҳақ бўлиб туради. Бундан фақат маҳрамлар мустасно, холос. Улар сенинг суйганингга айтадиган гапларингга ҳаё қилиб, қулоқларини ва кўзларини беркитадилар. Яна бошқа маҳрамлар ҳам бор, улар Парвардигорларига сўз айтадиган кишилардир. Гапларини Тангридан бошқа ҳеч ким эшита олмайди... Кетиб бораётган кишининг ким эканига келсак... – у енгил бир тўлқин урди. – Ер юзидаги нарсаларнинг аслини оддий кўз билан кўриб бўлмаслигини билгач, ўз кўзига ўзи мил тортган кишидир...

¹ Абдулла Орипов.

Кўр кишининг ҳикояси

- Улар кўр кишининг қошига етиб борганларида, шамол бир мавж уриб, салом берди.
- Ваалайкум ассалом, – деб алик олди у. Озод унинг юзлари тириш ва озгин эканига, лекин чеҳрасидаги донишмандона хотиржамликка эътибор берди.
- Демак, лолани излаб кетаётган бола шу экан-да? – деб сўради кўр киши.
- Рост айтдингиз, эй муҳтарам, – деб жавоб қилди шамол. – Лекин сизнинг хикматларингизга етиб боролмас керак деб кўрқаман.
- Ҳа, майли, ёнимда бир оз юра қолсин, ўзимизнинг қорақўзлардан экан, – деди у. – Зотан, аср вақтига ҳам яқин қолди.
- Сизни қишлоқдан чиқаверишда кўрган эдим-ку, бу ёққа қандай келиб қолдингиз? – деб сўради Озод. – Отамнинг олдига кетяпман, қайноқ чой дамлаб берай дегандингиз-ку? Мен эса, назаримда ҳечам кўр эмассиз дедим, эсладингизми? У ерда кўрганимда қария эдингиз, бу ерда эса қувватга кирибсиз, қадамларингиз ҳам шаҳдамлашибди. Лекин сўқмоқда тошлар кўп экан, хоҳласангиз, қўлингиздан тутиб етаклаб юрай?
- Киши кулимсиради, шамол эса Озоднинг қулоқларига шивирлади:
- Уни кўрмайди деб ким айтди сенга? У кўрган нарсаларни бошқа ҳеч ким кўролган эмас. Одоб сақлаб ёнида бораркан, гапларига индамай қулоқ сол.
- Хўп, – деди Озод ҳам, суҳбатдошининг қадамларига мослаб одим отишга ури-наркан.
- Бу ерларда ястаниб ётган ҳамма нарса сўздан иборат, болам, – деди кўр киши, бамайлихотир. – Йўлингнинг атрофида нимаики кўрсанг, ҳаммаси сўздир. Билсанг, одам боласининг аввали ҳам, охири ҳам сўздану маънодан иборат. Дунё тамомила тесқари, деган гапни эшитганмисан? Бу ҳам сўз, аммо ҳақ сўздир, чунки кун келиб, олам тамомила йўқ бўлиб кетади, шунда фақат айтилган сўзлару уларнинг маънолари қолади, ана ўшалардан янги дунёлар бино бўлади.
- Фалончи ҳаёти давомида тош кесиб, иморат қурган эди, деб эсланган одамни кўрдигими? Вақт кўзи билан қарасанг, бир неча юз йилдан сўнг на иморат қолади, на қурувчи. Иккиси ҳам сўзга, маънога айланиб кетадилар. Шунда “Фалончи бир иморат қурган эди, худо ундан рози бўлсин”, – дейилади.
- Айтилган сўзлар маъноларига кўра шакл олади, дейилгани ҳам рост. Исботини айтайми? Икки киши бор эди, бири имон келтирди. Калимаи шаҳодатни айтиши билан келажаги мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди. Ваҳоланки, имон келтиришидан олдин унинг охирати – абадий уқубат эди. Биттагина сўз айтди, умрининг охиридаги дўзах жаннатга айланди. Иккинчиси эса терс калима айтди, умрининг охиридаги жаннат жаҳаннамга айланди. Сўз билан тақдирлар ўзгаришини кўряпсанми?
- Аслида сўз ҳечдир. У – бағридаги маъноси туфайли ҳайбат касб этди. Уларга ирода жамлагувчи Тангримнинг ўзидир. Яъни, оламда гапирмайдиган нарса йўқ, ҳаммаси ўзининг ҳолидан хабар бериб туради, аммо одам боласигина сўзларга маъно жойлайди. Шу боис, бошқалар учун ҳам сўз айта олади, унга Тангри маъно бахш этгани учун дуога айланади. Авом ҳам, олим ҳам ана шу сабаб дуога интилади. Бировдан яхшилик истаса, мени дуо килинг дейди. Дуо эса тақдирни ўзгартиради. Баҳайбат бир шакл олиб, осмон тоқига етиб боради, сўнг ҳодисага айланиб, яна ер юзига қайтади.
- Қарғиш ҳам тақдирни ўзгартиради. Сўзнинг қудратини ана шуларга қараб англаб ета оласан.
- Бизгача беҳисоб сўзлар айтилди. Уларнинг ҳаммаси ўз жойига бориб ўрнашди. Бир киши бор эди, унинг айтган сўзлари ўзи учун гулу гулзор бўлди. Бошқа бир кишининг айтган сўзлари эса жаҳаннам махлуқларига айланиб кетдилар – энди улар ўз соҳибларини кутмоқдалар.
- Авом ҳам, олим ҳам сўз айтди. Авомнинг сўзи заиф, олимники салмоқли эди. Шу сабаб авомнинг хатоси кичик, олимники ҳалокатли бўлди.

* * *

Сен ёв ҳақида сўрадинг, мен эса сўзу маънодан баҳс этдим.

У ёв инсонларнинг сўзларидан пайдо бўлган, деб тахмин қиламан. Ҳайвон жинсидан десам, балки хатодир. Чунки ҳайвонда ҳикмат ва баракат бор. Ахир, қўрангдаги қўйларингнинг далолатларига боқмадингми? Аслида у, гўштидан озиқланишинг ва сутини ичишинг учун яратилгани боис сенга бўйсундирилган. Ҳайдасанг, индамай бориб қўрага киради, оёғини бойласанг, бўйнини итоат ила тутиб беради. Ҳа, ана, бирини сўйдингу гўштини кўни-қўшнинг билан тановул қилдинг дейлик. Қолганлари эса ерда ўсиб ётган сон-саноксиз ўтларни еб, ўз-ўзидан кўпайиб юраверишади. Яна кутсанг – болалайди, ризқинг ўз-ўзидан ортиб боради. Битта буғдой донаси йигирма-ўттиз мисли кўпаяди. Битта уруғдан чиққан олма бемисл кўп ҳосил беради, ҳар бирининг ичида яна шунча баракот жойлаб қўйилган уруғлари бор – уни эксанг, яна шунча ҳосил оласан.

Тангрим ҳайвоноту набототга ана шу хислатларни берди, одам боласига хизмат қилсин деди. Биронтасига сўз айтиш ҳуқуқини бермади, аммо ҳол тилига мушарраф айлади. Маъно сўзини айтиш инояти одамда бўлгани учун ҳам сўз айтолмайдиган бошқаларни уларга бўйсундирди.

Ҳайвоноту набототга жавобгарликни ҳам бермади – булар йўқлик оламларидан сасиз-садосиз келиб туғилдилар, кўпаядилар, одам боласига хизмат қиладилар, ўзларининг шакллари, тузилишлари, ҳаётлари билан ақлларга хитоб қиладилар ва яна йўқлик оламларига сасиз-садосиз жўнаб кетадилар. Вазифалари шу билан ниҳоя топади.

Бундай ажиб, бундай муқаррам одам боласига – коинотда ўхшаши йўқ тенгсиз яратиғига – ўзи истаган тарзда сўз айтиш ҳуқуқи бериб қўйилган одам боласига, ўша сўзлардан ҳосил бўлувчи ёвни бежиз яратдимми?

У ёв сўз ва маъно айтиш неъматидан маҳрумлиги маҳрамларга аён, албатта. У гапиролмас, ҳайвон мисол товуш чиқарар, инграр, лаззатланар, аммо сўз айтиш ҳуқуқи олиб қўйилган, табиийки, даражаси ҳайвондан ҳам пастга тушган эди. Гуноҳлардану гуноҳ пайдо қилувчи сўз ва маънилardan бино бўлган бу махлуқот энди ўз яратувчисига ёвлашиб турмоқда эди.

Яна тахмин қиламанки, одамлар ножоиз бир сўз айтганларида Қоф тоғи узра момақалдироқ гумбурлаши – яна бир ёв болалаганининг далолати эмасмикин? Жоиз сўз айтилганида чақнаган чақмоқдан ёвнинг яна бир боласи ўлдимикин, деб ҳам ўйлайман.

Англаяпсанми? “Худо ҳамма гуноҳларни кечираверади”, деган гапдан пайдо бўлган ёв аллақачон кишилар орасида ўрмалаётганини сезяпсанми? “Отанг адолатсизлик қилса, унга қарши сўз айта оласан”, деган гапдан бино бўлган ёвни-чи? Номаҳрамга бузуқ ният ила назар ташлашдан туғиладиган ёв-чи? Сен тоғ ортидаги махлуқлардан хавотирга тушдинг, лекин ўзинг ҳосил қилаётган ёвларинг теварагингда изғиб юрганидан хабаринг борми?

Бир тоифа кишиларнинг тақдирига ана шундай ёвларнинг пайдо бўлиши учун хизмат қилиш ёзилган бўлса не ажаб? Бошқа бир тоифа эса у ёвни танигани учун ўзга кўриниш олмоқда. Ёвни билганлар кўп эмасми элингда? Улар ҳаёти дунёдан ўтиб кетмадиларми? На қўллари теккан дарахтлар қолди, на излари тушган йўллар. Тупроққа қўшилиб тамомила йўқ бўлиб кетган бўлсалар-да, қолдирган маънолари шуурингда қалқиб, сени огоҳлантириб турмаяптими? Сирот дейилди, аслида сиротдан ҳозир, айни дамда ўтиб бормаяпсанми? Нафсингнинг тиканлари ипдан ингичка, қиличдан кескир бу кўприк остида улкан нишларини сен томон чўзиб турмаяптими?

Балолар сўз боис пайдо бўлди дедик. “Амал-чи?” деб сўради биров. Амалнинг боши ҳам сўздир, аммо тилга чиқмаган, шуурингнинг ич-ичида ҳосил бўлган сўздир. Кимдир уни фикр деб атади, чунки у жавҳарга боққан эди. Фикрни ким кўрдию ким эшитди? Фикру хаёлнинг ҳаракатга келиши, теваракка таъсир ўткази бошлаши учун сўзга эҳтиёж туғилмадими? Қолаверса, аввалги замонларнинг одамлари айтган сўзлар

ўзларининг бошига бало бўлиб келганини яхши биласан-ку? Ҳалок бўлиб кетган шаҳару қишлоқларнинг хабарлари сенгача етиб келди-ку?

Эй болам, бу ёв айтилган сўзлару қилинган гуноҳлар туфайли ёпирилиб келаётганини кўрмаяпсанми?

* * *

Мен ўз сўзимни айтиб бўлдим, энди шом тарафга қараб бормоқдаман. Кўрнинг кўрдим деганига ҳалиям ишонмайсанми?

Билиб ол, кўзи очиклар жуда кам нарсени кўрадилар. Ер тубларида ўрмалаган бир қурт кўрганчалик кўролмайдилар.

Билки, сен кўраётган нарсаларнинг моҳияти тамомила бошқадир.

Одамлар ҳузурларида сочига гилос донасини тақиб ўйнаб юрган қизалоқнинг қайдан келганини идрок қилмайдилар. Мени лаҳадга қўйиб, тепкилаб-тепкилаб қўмади деб умид билдиргани ўғлининг қайдан келганини билмайдилар. *Сен арслон деб ўйлаб кўрққанинг нарса у болачаларнинг кўзига капалак бўлиб кўринишидан, улар ўша капалакнинг қанотларидан ушлаб, учириб ўйнашларидан хабаринг борми?* Бу кичкина ишонувчан жонзотлар, агар бир иш буюрилса, чопқиллаб бориб адо этиб келишади, койиш эшитишса кўрқишади, ҳайбат қилинса, ўпкалари тўлиб йиғлай бошлашади, бироқ сал ўтмай ҳаммасини унутиб, улкан бир меҳр билан яна ота-онасига талпинишади. Ҳали ота ҳурматию она иззатининг нима эканидан беҳабар ҳолларида, уларда намоён бўлаётган бу улкан таслимият нечун кўрқитмайди?

Одамлар ҳузурларидаги зурриёдлари-ю қошидаги заифаси Тангри амри боис бўйсуниб турганини ва унинг томонидан бериб қўйилган бир омонат эканини идрок қилмайдилар.

Жўжиқлар то балоғатга етгунларигача Аллоҳнинг фаришталаридан ҳам устун эканликларини биласанми? Улар бошқаларга ўхшаб ризқим қаердан келар экан деб ўйлашмайди, молу дунёга меҳр қўйишмайди, қимматбаҳо тошларни тўптош қилиб ўйнашади, қуш каби учириб юрган ниначисини олиб қўйсанг, хархаша қилиб дунёни бузишади... кишилар бу ҳолларни билимсизликка йўядилар. Ўзлари-чи? Ўзлари шу даражага ета оладиларми?

Улар мана шу ҳоллари ила: “Эй отам, эй онам! Қалбинг меники каби шаффоф бўлмагунча, дунё ҳавасларидан мен каби узоқ бўлмагунингча жаннатга дохил бўла олмайсан”, даяётганларини илғамаяпсанми?

Бу фариштамонанд болакайлар отанинг адлу фазл қанотлари остида эканини, уларга айтганлари ҳар бир сўздану тутумдан масъул эканларини-чи? Зурриёдлар ва заифалар ота боис жаннати ёхуд дўзахи бўлишларини-чи?

Бу мушкулотнинг қай даражада оғир эканини фаҳмляпсанми? Ҳузурингда, агар биру бор жонини олмаган эса, отанг ва онанг бор. Улар тинмай сени дуо қилиб турмоқдалар. Уларнинг ҳам бора-бора дунё жилваларидан кўнгил узишганини, бола каби бўлиб қолишганини кўриб, тафаккур қилмайсанми?

Йўлда сенга Эран дейилди, қани эран? Уни ёв ўлдирди дедилар, қани ўлгани?

Бир куни бир одам бармоғидаги қимматбаҳо узугини тушириб қўйди. Уни аллақачон кимдир топиб, олиб кетган эди. Аммо йўқотган киши ўша жойда гир-гир айланиб, юм-юм йиғлаб тупроққа бош ураверди. Уни оқил дейсанми?

“Эгам эранга ...кўзи очиклигида, бедорлигида махсус бир шакл кўрсатди, бу ё арслон, ё қолпон ва ё олов шаклидир. Тангри буларни унга бу оламдан эмас, балки ғайб оламининг шакллари эканини билдириш учун кўрсатди. Худди шундай, ўз сура-тини ҳам улугъ гўзаллик ичра – боғлар, бўстонлар, наҳрлар, ҳурлар, қўшиқлар, таомлар, шароблар, хильатлар, буроқлар, шаҳарлар, уйлар ва бошқа турли-туман ажой-иботлар ҳолида намоиш қилди. Тангри уларни бунинг кўзига кўрсатиб тасаввур эттирди ҳамда шу тариқа кўрқувнинг Аллоҳдан бўлганлиги ҳақиқати ҳосил бўлади. Ишонч Тангеридандир. Бутун ором ва мушоҳадалар ҳам ундандир. Шу боис эранларнинг кўрқуви халқнинг кўрқувига ўхшамайди...”¹

¹ Жалолиддин Румий.

* * *

Яна сен, Дилором ҳақида ҳам сўрадинг.

Ойдинкўл ёқасида дунёга келган Дилоромнинг ҳикмати билишни истайсанми? Унда эшит: Дилором Эранга никоҳланса, улардан қиймати икки олам хирождан ҳам баланд Имон деган бир боланинг дунёга келиши башорат қилинган эди. Ойдинкўл ҳам, Дилором ҳам, Эран ҳам шу бола учун яратилган эди. Бир сўзи билан бутун бу тупроқларга, зору интизор кишиларга, йўлингда сенга ҳикмат сўйлаётган барча-барчага мубораклик бахш этадиган, ҳаммасига эга чиқадиган ўша ўғлоннинг иззати туфайли эди у кароматлар. Кимдир кимнидир севди, муҳаббатда куйиб-ёнди дейдилар, бу куйиб-ёнишдаги Тангрининг иродаси тамомила бошқадир. У зот инсон наслининг давом этишини истагани учун ҳам бандаларига ана шу куйиб-ёнишни мукофотга айлантириб ҳадя қилди.

Бу тупроқларда янаям тўғриси биладиган бир киши бор, агар изидан қувиб етолсанг, ўшандан сўра! У – дунёнинг устидан ҳаққа мисол ҳаққалаб ўтиб кетган зотдир. Сўзларига боқ, одам боласи айтишга журъат қилолмайдиган сўзларни айтмоқда:

*Онқадар нурга тўлибман осмонга сиғмадим,
Тоқи аршу курсию лавҳу жинонга сиғмадим.*

*Жаннату кавсар манам, ҳам дўзаху сақар манам,
Бир ўзумдурман бу дам, ҳафт осмонга сиғмадим.¹*

* * *

Одамлар орасида Дилоромни орзу қилмаган, унинг шарофатидан баҳраманд бўлишни истамаган бирон киши бормиди?

У малак ҳар каснинг орзуси эди. Уни мен ҳам орзулар эдим.

Орзулар ўзгариш хусусиятига эгадирлар. Шу сабаб, у аввал орзуим, кейин ҳавасим, сўнг армоним бўлди. Ундан ҳам кейин эса пушаймоним, ҳасратим, надоматимга айланиб, тақдиримнинг кенгликларига тош қоя каби бир ўзи қолиб кетди.

Билсанг, ҳаётимизнинг кунлари қушларга айланиб, тоғларнинг ортига, жаннатмакон водийларга учиб кетадилар.

Дилором ана ўша ёқлардан келган эди.

Дилимнинг туб-тубида кўр махлуқларга ўхшаган надоматларим бор... улардан баҳс этсам, биров маломат қилмас деган милт-милт умидим бор.

Юрагимнинг тублари – денгизнинг тублари кабидир. У ерда орзуларим ва истакларим наҳанглар каби сузиб юрадилар. Етишиб бўлмас туйғулар чиғаноқлар шаклига кирганлар – бирини олиб қулоғимга тутсам, ўша орзу-ҳаваслардан сўйлай бошлайди.

Билсанг, ҳавасда армонга айланиш хусусияти бор. Армон ҳам шундоқ қолмайди, у афсусга, афсус пушаймонга, пушаймон ҳасратга, ҳасрат эса надоматга айланади. Орзу кабутар бўлиб ер юзидан парвоз қилса, армон қумри каби чах-чахлайди. Афсус тутун жисмидан бўлади, аччиқ тутун каби ўраб келади қалбни. Пушаймон саффо жинсидан, надомат эса захардир. Бир-биридан само ва замин каби узоқ нарсалардир булар.

Жаннатмакон водийлар дедим... балки жаннатларнинг водийларидандир? Қайдам, у ҳақиқатларни кўришдан ожизман. Тасаввурим басирлик сўқмоқларида қоқилиб-суқилиб йўл излайди, барибир ўз сўқмоғини тополмайди.

Дилором ҳақиқатан ҳам онадан туғилганмиди ёки уни шамоллар опкелиб, Ойдинкўл соҳилига авайлаб қўйиб кетишганми? Улар – бепоён кенгликларнинг фаслларни ўзгартирувчи ҳайбат шамоллари эмасмиди? Ўша ойдин кечада, майсалар бу чақалоқнинг дудоғига шудринглари тугишмаганмиди? Бу чақалоқнинг каромат эканини биров билди, биров билмади, бироқ Мингларнинг тақдири ўзгариб кетганидан кейин, ҳамма гап нимадалигини тушуниб қолди.

Сен ҳам англаяпсанми? Дилором – тақдирларни ўзгартирувчи эди.

¹ *Бобораҳим Машраб.*

Эй ёронлар, бир мард бормики орангизда, мени ўлдириб, кулимнинг ярмини да-рёга, қолган ярмини тоғу тошга сочиб ташласа? Унга эришиб бўлмаслигини аввал-бошдан билган эдим, неки гўзаллик бор – бари Дилоромга интилаётганини ҳам кўриб турардим... Мевалию мевасиз дарахтларнинг шоҳлари силкина-силкина Дилором-га интилишарди, сув ёқасига келса, балиқчалар сузиб ёнига келишарди, ҳайвонлар оёғига бошларини суйкаб эркаланишарди, у бор жойда ҳамма ўзининг қисматидан рози бўлиб қоларди: майса майсалигидан, ёмғир ёмғирлигидан, куш кушлигидан.

Уни кўрсам ўзлимим эсимдан чиқар, худ-бехудлимимни фарқолмас даражага кел-лар, унга фарқ бўлиб кетардим! Унинг зухуротларинию мўъжизаларини янада теранроқ кўрай дея кўзимга мил тортган эдим.

Ҳозир аниқ биламан: агар Дилором юрагимнинг қоронғи кенгликларидан пола каби униб чиқса-ю, “Тургин ва кўзингни очгин” деса, кўзларим яна кўра бошлайди. Аммо шу ҳолимда, кўзим очиклигидан кўра кўпроқ нарсаларни кўраётганим учун ҳам Тангрим-нинг кўриш иноятига қайтишдан йироқман.

Эй болам, сенга яна бир гап айтаман.

Билсанг, тупроқ турли-турли, қатлам-қатламдир. Тупроқдан кейин майда тош қатлами бошланади, ана шу қатламларнинг ҳар бирида бир дунё одам ётади, сен ҳозир фақат юза қисмини кўрмоқдасан, холос.

Янада чуқурроқ тушилса-чи?

Яна ҳам чуқурроқ тушилса... тупроқларнинг қатламлари тобора қалинлашиб-зичлашиб боради, ниҳоят, тошлар қисми ҳам тугагач, мутлақ қоронғиликларнинг туб-сиз дарёлари бошланади. У ер ости дарёларида ёруғ дунё нималигини билмайдиган ғалати махлуқлар яшайдилар. Улар ҳаммасининг кўзи кўр.

Билиб ол, ана шу дарёларнинг тубларидан ҳам инсон боласининг овозлари келади. Элас-элас инграшлар, ожиз оху фарёдлар...

Ундан ҳам тубда нима борлигини билмайман, ер ости дарёларининг тубларида янада ҳайбатли сирлар бор. Улардан хабар топган одам боласи чидаёлмайди деб тах-мин қиламан. Уларни билиб олган одам боласи бошқа нарсага... балки туби йўқ дарёларнинг кўр махлуқларига айланиб кетса ҳам ажабмас.

Яна бир нарсани айтайми? Шулар ҳам Дилоромни билишади, унинг иноятини орзу қила-қила азобланишади.

Ана шу ҳодисотларнинг энг устида истиқомат қилади одам боласи. Уйим-жойим, болам-чақам, юртим-тупроғим деган жон зоти борки, шу кичик қатламда – тубсиз да-рёларнинг устидаю бепоён осмоннинг остида, кичкина юзада ҳаёт кечиради. Сўнгра кимлардир уларни ё кўкларга – кўм-кўк самоларнинг нарёғига ёхуд ер остига – қора дарёларнинг тубига мажбуран олиб кетадилар.

Ҳа, агар янада чуқурроқ тушилса... хоинлар, мардудлар ва муртадларнинг макон-лари бошланади.

Менинг ҳассам Мусо пайғамбарнинг ҳассаси каби, уни тошга урсам – тош ёрилади, кишилар жонланади, улар ҳам йиғлаб-сиқтаб, ўз надоматларидан айта бошлайдилар. Шулардан бири – Хоин. Унинг ҳам айтари бор, истасанг ўзинг тингла – зеро, мен унинг сўзини тинглашдан безорман.

Озод яна бир оз кутди, лекин бу киши бошқа сўз айтмади, аксинча, йўл ёқасидаги тош устига ўтириб, ҳассасини Озодга узатди. Озод уни олиб, бутага суяб қўйди.

– Чарчадингизми? – деб сўради Озод.

– Ҳа, болам, жуда узоқ йўл босдим, ҳоридим, – деди суҳбатдоши, ниманидир мулоҳаза қилганча. – Айтдим-ку, асрга яқин қолди деб. Бир оз тин олақолай. Сен эса йўлингда давом эт, менинг манзилим шу ерда.

– Ҳассангиз оғир экан, – деди Озод. – Хоҳласангиз, уни мен кўтариб юрай?

– Маъқул сўз айтдинг, – деди суҳбатдоши кулимсираб. – Ҳассакашим бўларкансан-да?

– Сизга ҳассакаш бўлиш шарафдир, Тангрим сиздан рози бўлсин деб айт, – деди шамол.

Озод унинг айтганларини такрорлади.

– Унда гапимга қулоқ сол, – деди кўр киши. – Шамол тўғри айтди – чўққиларга яқинлашганинг сайин даражанг ортиб бораверади. Сенга сўзининг нима эканидан беҳудага баҳс этдимми? Айтар сўзинг оламни ўзгартирар даражага етсанг ҳам ажаб эмас. Шуни билиб қўй, болам: тегранга мубораклик мақомини бера оладиган сифатинг бор, бу сифат худонинг махлуқлари ичида фақат сенгагина ато этилган. Йўлингда нималарга ва кимларга муборак деган мақом беришингни яхшилаб мушоҳада қил. Борақол, болам, мен энди бир оз тин олай.

– Шамолнинг менга айтган гапини қаердан била қолдингиз? – деб сўради Озод.

– Бир маҳаллар элингдан бир одам сафарга чиққанида, қурту қушлар, ўту майсалар “У келяпти” деб севишиб, муттасил бир-бирларига хабар бериб турган эдилар, – жавоб қилди кўр киши. – Чунки ҳаммаси ўша кишига интизор, манзилга соғ-омон етиб боришини исташган эди.

Шундай деб, у қўлларини дуога очди. Озод бу киши дуосини тугатгунича кутиб турди, кейин унга қўшилиб юзига фотиҳа тортди-да, йўлида давом этди.

* * *

Қайдадир ўша таниш қуш яна “Куёв-куёв, кимга куёв” деб сайрай бошлади.

– У киши бир хоинни тилга олди, – деди Озод. – Қанақа хиёнат эди у?

– У зот хоинларнинг ҳам турфаларини билар эди. Лекин ҳозир энг мудҳишдан, яъни эркакнинг эркакка хиёнатидан баҳс этди, – деб жавоб қилди шамол. – Зотан, ўша хиёнат маконига ҳам етиб келдик. Мен ҳозир Дилором исмини айтиб эсаман, шунда у ўрнидан қалқади. Бошқа исмларни танимайди, фақат Дилоромни билади, холос.

Хоин ҳикояси

Бу одамнинг ўзи кўринмас, фақат овози келмоқда эди. Овозки, дарду изтиробга тўла эди.

“Бу ерда биров Дилором исмини тилга олдимми? – демоқда эди у. – У исмни айтган ким? Ундан хабар келтирган ким?”

Тўхтанг! Модомики исмини тилга олдингиз, демакки, тақдирдан ҳам хабардорсиз! Модомики хабардорсиз, унда менга ҳам хабарини берсангиз-чи!?

Ер қаърида шилимшиқ бир нимага ўралиб-ўралиб ётганимга эътибор қилманг. Саккизоёқ каби бир нималар ўсиб чиққан танамдан, улар илонлар каби ўраб, ўзимни тишлаб-чақадилар. Бўйнимда қорайиб-қорайиб кетган чандиклар, илонлар ўша жойлардан ўсиб чиқишган. Булар ҳам сизни чалғитмасин, чунки бари шаклдир, мазмун эса юрагимнинг туб-тубида, булар чақишининг захри у ергача етиб бориши маҳол.

Кимлигимни билмоқчимисиз? Мен Дилоромни деб дунёга келиб, Дилором туфайли ҳалок бўлган бандаман.

Бунда ҳар ким ҳар нарса дейди, мен учун Дилором... гулдан бино бўлган хилқат эди. Қоши қаро гул эди, кўзи қаро гул эди.

Кулса, гул ёғиларди оғзидан, йиғласа – дур!

Юзи шойи атиргулнинг рўмоли каби оч пушти эди. Гапирса, ҳаволар майин тўлқинланиб кетгувчи эди.

Қадам босган еридан ҳам гул унарди, гул!

Бир боқса, етар эди менга. Ўзимни фидо қилиб, оёқ остларига ясланардим, тупроқ бўлар эдим. Истаса, ёмғир бўлиб ёғар эдим устларига... уйларига... кўчаларига... тупроқларига...

Нетайким, Дилоромнинг мен билан иши йўқ, ўз мағрурлигига ўзи мустағриқ, бош-часи адл, қомати тик... кўзчаларида истеҳзою ғурур! Ёнимдан ўтарди-кетарди, худди ғумайнинг ёхуд янтоқнинг ёнидан ўтган каби.

Эранга фотиҳа қилинганида мен учун еру кўк қоронғилашгани рост. Йиғлай-йиғлай, қоқилиб-суқилиб ўнгирларда юрардим, юрган жойларимнинг ўнгирлар эканини ҳам энди-энди эсламоқдаман.

Тоғларнинг тоши дарз кетиб, ёв чиқиб келганида ич-ичимдан ёввойи қувонч бош кўтариб келди. Севинчимдан йиғлаб юбордим!

Кулар, йиғлар, яна йиғлар, яна кулар, ўз сочларимни ўзим тортқилаб, тирноқларимни ғажиб, ўз ҳолимни ўзим англаёлмай, изтироб булутларидан отилган ғусса чақмоқлари остида тентирар эдим¹.

... бир маҳал ёвнинг қир сари оқиб келаётганини кўриб қолдим.

“Тўхтанг! – деб қичқирдим ёвга, жунуним зиёда бўлиб.

Ёв тўхтамади.

“Эй Нангримнинг махлуқлари, сўзимни тингланг!” деб қичқирдим, улар оқишда давом этаверишди.

“Эй бадбахтлар! – дедим сўнгра. – Биламан, сиз Дилоромни деб келмоқдасиз!”

Ана шунда ҳаммаси турган жойида қотди. Менга кўк кўзларини бақрайтириб-бақрайтириб қарашди.

“Сўзимни тингланг! Мен Дилоромни севувчи бир одамман! – дедим, шу сўзимдан ич-ичимдан хўрлигим келиб. – Нима учун келаётганингиздан биргина мен хабардорман. Эй жаҳолатнинг болалари, анави қирнинг остидан ўтманг, учига қараб йўл солинг. У ерда Дилоромнинг эгаси – Эран бор. Пастдан йўл солсангиз, тепангиздан харсанглар ёғилади, ўтар йўлларингиз тамоман беркилади, агар у ерга чақмоқ тушса, тошлар эриб-битиб, яна бир Искандар деворига айланади. Тепадан йўл солинг, у Эран сизнинг ҳам, менинг ҳам йўлимни тўсувчи баттолдир!” – дедим хўнг-хўнг йиғлаб.

Мана шу хунук махлуқлар ҳам ҳолимни тушунишди, тегмасдан, тепага қараб ўрлаб кетишди. Даф қилишганида ҳам барибир эди – Дилоромсиз ҳаёт ҳаётими менга? Ёв тепага ўрлади, мен ортимга қайтдим. Қайтаётганимда ҳам кўзимнинг ўнгида Дилором, қошларини чимириб-чимириб қараб тураверди..

Қилмишимни Дилором қайдан била қолди? Ёв қирнинг тепасига – Учёнғоқ тарафга сурон солиб кетганидан икки соат ўтди, икки соатда Эран бурда-бурда бўлиб кетгандир дейману ичимда кўрқув ва титроқ... бир маҳал қарасам, Дилором... юзлари атиргул, қомати тик, қошлари камон, кўзлари юлдуз... ўзи ҳам юлдуздай бўлиб сўқмоқдан отилиб келмоқда... Дилором деб қошида тиз чўкканим ҳамоно дилимни ўраб-чақиб турган илонлар зумда эриб-йўқ бўлиб кетди, юрагимга қўшиб ҳаётимни ҳам бахту саодат ўраб олди. Шу маҳал йўқликдан бир арслон чиқиб келди, улкан панжаси билан юзимга бир урди... миямда чақмоқ чақнади... “Дилором?!” дея тупроққа оға бошладим, арслон яна панжа урди... ажабо оғриқни ҳам сезмасдан, суйганимга термилган кўйи жонимни Жабборга топширдим...

“Эй бадбахт, – дедилар менга. – Бир заифани деб бошқа кишини ўлимга йўллайдими мўмин деган?”

Дедим: “Сиз нимани ҳам билардингиз? Уни деб битта кишини эмас, бутун ер юзининг инсонларини ҳам ўлимга йўллашга рози эдим, дунёда мену у қолса етарли эди”.²

Дедилар: “Сен бир кўрқоқ, овозингни чиқаришга ҳам ҳайиқадиган бола эдинг... йигит бўлиб кўксингни кера-кера, тоғдай бўлиб, елдай бўлиб ёвга қарши борсайдинг, шон-шарафга бурканардинг, хоин ҳам бўлмасдинг.”

Дедимки: “Мен ундоқ бўлолмас эдим. Йигитни ишқ хор қилади, ишқимдан сизни устун қўя олармидим? Юрагимдаги Дилором севгиси шиддатимни суғуриб олиб, ўрнини эгаллаган, осмонда ҳам, ерда ҳам, ўнгадоу тушда ҳам уни кўрардим, холос.”

Яна айтдимки: “Шуни билиб олинг – менинг муҳаббатим сизнинг бутун урушларингиздан устун туради. Муҳаббат янги инсонларнинг дунёга келишига сабаб бўлади, сизнинг урушларингиз эса дунёдаги инсонларни ўлдирди. Муҳаббат яратувчи, уруш

¹ Алишер Навоийдан.

² Ҳазрат Алишер Навоий.

– хароб қилувчидир. Бутун дунё биттагина одамнинг ўлдирилишига хирож бўла олмайди.”

Айтдилар: “Афсуски, ўрнимиздан қалқиб, сени жазолай олмаймиз. Йўқса яна-да парчалар, парчаларинга ўт қўйиб ёқар, кулингни кўкларга совурардикки, зарранг ҳам қолмасин бу ерларда!”

Айтдимки: “Ошиқнинг қисмати шу. Мен зотан ёқилиб, кул бўлиб бўлганман – сизнинг жазоингиз уни олдида нима бўпти?..

* * *

– Энг кўрқинч адаштирувчи – инсон муҳаббат деб атайдиган нарсадир, – деди шамол. – Ҳар кимни расволиқ ичига отиб-итқитиб, хўрликка қориштириб-ўзгартириб юборувчидир у. Мендан ҳам кучлироқ шиддат билан тақдир узра эсиб, руҳиятларни чирпирак қилиб учиргувчидир. Мен дунёни қандай тўзонга буркасам, у ҳам руҳларни ана шундай тилга киришга мажбурлайди, унинг босими остида инграмаган, тилга кирмаган ҳеч нарса йўқ!

– Дилором ким ўзи? – деди ҳайратланиб Озод. – Бунда ҳар ким Дилоромдан баҳс этади...

– Ўзидан сўра, – деб гувиллади шамол, у нима учундир безовталанмоқда ва асабийлашмоқда эди. – Ана у, Дилором, боши эгик, тош қотган ҳайкал у!..

Дилором ҳикояси

Менинг бу маконимда ёмғирлар ёғади, қорлар музлайди. Кейин яна ёмғирлар ёғиб, музлар эрийди... шунда кимдир тепамга келади.

“Ой қизим, бир оз сабр қил. Оз қолди, бир оз сабр қилсанг, Эранинг ўрнидан туради”, дейди...

“Қара, – дейди, – у ухляпти. Уйғотиб юборма, ўрнингдан қимирлама”.

“Озгина кут... жуда оз қолди... бир қумғон сув қайнагунча сен ҳам уйғонасан, эганг ҳам,” дейди.

Шу ҳолимча тураману тушлар ҳам кўраман, тушунарсиз, маъносига идрок етиши кийин, ғаройиб тушлар.

...Теп-текис, кимсасиз маконларда ёлғиз ўзим теваракка мўлтирайман. Кичкина махлуқчалар теграмни ер бағирлаб ўраб олишган. Бари бечора, кўкимтир кўзчаларида адоқсиз ғуссаю ёлвориш... пойимга ястанган кўйи музтар-музтар, мунгли-мунгли, илтижولي-илтижولي термилишади...

Либосим қорамтир... ён-веримда қора булутлар қуюқлашади, ораларида чакмоқлар етилади. Агар шамол эссайди, яшинлар тоғу тош бағрини тилиб санчиларди, бағирларидаги сувни жала қилиб ёғдирарди... Бутун бу сассиз макон қутуриб-елиб эсувчи ўша халоскор шамолга интизордай. Кўкнинг бир уфқи очиқ, ўша ерда улкан ой осилиб туради, агар шамол эсса, унинг майин ёғдусини ҳам сочиб-учириб кетадигандай туюлади.

Қимир этгани ҳолим йўқ, аммо Эранга жуда-жуда интизорман. Вужудимнинг ҳар бир зарраси уни истайди, интиқланади, интилади. Мени унга, уни менга яқинлаштирадиган шамолда тақдирим ўзгариб кетишини, жуда узоқ вақт шу қорамтир маконда турганим мазмун касб етишини, ҳаётим янги ва ажойиб маъноларга тўлишини ич-ичимдан сезаман. Сезаману теваракни ҳаракатга келтирадиган ўша шамолнинг қандай ва қай йўсинда қўзғалишини билолмайман, билмаслигимдан ва ночорлигимдан баттар изтироб чекаман...

Эй одамлар, ёруғ дунёда менинг исмим – Дилором эди. Бир қишлоқда яшардим, меҳрибон отаму мушфиқ онаминг бағрида эркаланиб вояга етган, вояга етгач эса, худойимнинг ҳукмию пайғамбаримизнинг қавли ила ўзим туғилиб ўсган элнинг Эран деган ўғлонига фотиҳа қилинган эдим.

Ўша кезлар ҳар куни ёруғ-ойдин тушлар кўрардим.

Кимлардир тепамга келарди, юзларини кўролмасдим, чунки ҳаммаёқ нурга тўлиб кетган бўларди, кўзларим қамашарди. “У шу аёлдан дунёга келади” дердилар. “Унинг исми Имон бўлади. Икки дунё хирожи унинг олдида бир хасчалик қийматга эга эмас” дердилар. Коса тўла сут берардилар, тўйиб-тўйиб ичардим... Кейин ўзимни Ойдинкўлнинг соҳилида кўрар, гуллар орасида ётган бўлардим. Ҳатто ҳавонинг илиқлигини ҳам сезиб турардим...

Кўчаларда, сўқмоқларда юрганымда мўъжизалар юз бераверарди. Йўлларимда учраганлар тушларимда яна такрорланарди: олма егим келса, олманинг ўзи шохини эгар, баланд ўтлар, чангаллар мен келаётганимда йўл бўшатишарди. Айнан ўша олмани тушимда яна кўрардим, шохини эган дарахт тушимда менга салом берар, ўтлару майсалар ҳам мен ҳақимда шивирлашаётганини эшитардим.

Ўнгда эмасу тушда... ана шу юрган йўлларимда икки ёнимда икки баҳайбат арслоннинг ҳамроҳ бўлиб бораётганини ҳам кўрардим, ҳар ҳолда, булар менинг кўриқчиларим эди.

Бир қушча ҳам бор эди, тепамга келиб “Куёв-куёв, кимга куёв” деб сайрар эди. Ўзимча “ўчир овозингни, ҳаёсиз!” деб пўписа қилардим. Қайда... пир этиб ғойиб бўлиб кетарди-ю, салдан кейин яна пайдо бўлиб, яна беҳаё сайрашини кўймасди.

Фотиҳа қилинган куним еру кўкни гулдиратиб бир садо келди. Менга айтилдики:

“Аёлнинг эгаси – эридир. Икковининг эгаси – Парвардигордир!”

“Эй аёл! Парвардигорингга қандай бўйсунсанг – эганга ана шундай бўйсун!”

“Ҳамда икковингиз ҳам унга ибодат қилингиз!”

Ҳа, мен Тангримнинг муборак бир иродасига муносиб кўрилган эдим, шу сабаб ҳам ҳаётим жуда енгил, оромбахш, қисқа туюларди. Назаримда, умрим шиддат ила ўтадигандай, тез орада Тангримнинг жаннатларига кетадигандай эдим.

Аллоҳнинг исму азамати ила фотиҳа қилинганим... оқсоқолларимиз рўмолимни Эранга берганлари кеч... ажойиб бир туш кўрдим. Туш аро туш кўраётганимни ҳам библиб турдим.

Хобимда Ойдинкўл намоён бўлди! Ажабо, у тирик эмиш, ўзининг кўллигини ҳам билармиш, кўл ичида сузиб юрганмишману ўзимни ой деб хаёл қилармишман. Сувида сузиб юрганымдан Ойдинкўл бахтиёр эмиш. Жисмим ой каби ёғду таратармиш, бу ёғдуда теграмдаги балиқлар кумушдай ялтирармиш. Тепадаги ой жуда пастга тушган, кўл узатса етгудай яқин эмиш...

Теварагимдаги ҳамма нарса менга интиқ, мени севар, мени иззат қилар экан. Тоғларнинг ортида бир ёв бормиш, у ҳам менга интизор эмиш. Қилмиши одам болаларига душманлик бўлган бу жонзотлар олдимга келганларида мушукболадай ер бағирлаб эмаклар, мулойимлашиб, изларимни кўзларига суртармишлар.

Айни тушларни Эран ҳам кўрипти. Мен Ойдинкўлда эмишману ойга айланиб қолганмишман. Осмондаги ой аслида менинг аксим эмиш, теграмдаги кумуш балиқлар ёғдумдан жилоланармиш. Тоғларнинг ортидаги ёв чиқишга уринаётганмиш, ҳализамон зилзила рўй берармиш... Эгам кўлнинг соҳилида, икки ёнида иккита арслон, ёлларини силаб ўтирганмиш..

Булар аслида арслонлар эмас эдилар. Кимликларини тахмин қилишга кўрқаман.

Бу ишларнинг ҳикматсиз бўлмаётганини, яратган эгам ҳамма нарсани кўриб-билиб турганини, унинг истагисиз ҳеч нарса рўй бермаслигини билар эдим.

... Ўша тонгда ҳам булутлар куюқ эди. Саҳарлаб тоғлар устида момақалдироқлар гумбирлади, чақмоқлар кўзни олгудек чақди. Теваракни тўлқинлантириб шамоллар эсди. Бир маҳал анави қушча яна келиб, бошим узра айланиб “Куёв-куёв, кимга куёв” деб чирқиллаб сайрайверди.

Тўлиқиб-тўлиқиб сайради. Эзилиб-эзилиб сайради.

Сайрамай кўювдинг-ку, сенга нима бўлди?

Нималар деяпсан, ер юткур?

Нега менга куёв истаяпсан, бехосият? Куёвим бор-ку менинг!

Ё нимадир рўй бердимми! Эранимга бир нима бўлдимми?

Юрагим ич-ичигача музлаб кетди!

“Куёв-куёв, сенга куёв!” – деб, қушча пириллаб учди, ортидан эргашиб боравердим.

Учёнғоқда одам қолмаган эди – ҳар ер-ҳар ерда жасадлар кўзга ташланарди. Учёнғоқ остига бир кучук яқинлашиб келмоқда эди, тўсатдан у бир нимадан ҳуркиган каби ортига тисарила бошлади, анча жойгача шундай сурғалиб борди, кейин ўгирилиб, ура қочди. Пастроқдаги сўқмоқдан эса эгасиз бир от кетиб бормоқда эди, аравасининг ғийқиллаган овози шу ергача келиб турарди.

Қушча учди-учди, тепа сўқмоқда келаётган Хоиннинг чўзинчоқ боши устида айланиб чирқиллайверди.

Бу одам анчадан бери мени пойлаб юрмасмиди? Калтак еган итдай қарашларидан, мендан мужда кутаётганини, менда кўнгли борлигини сезмасмидим?

Хоин эди-да! Унинг хиёнати менга ваъда қилинган ажойиб дунёларни бузиб-хароб айлағувчи фалокатга ҳам айланиб улгурган эди!

Хиёнатнинг ҳам даражалари бўлармикин? Омонатга хиёнат не эканини биласиз-ку? Бошқа бировга фотоҳа қилинган қиз ҳам омонат эмасми? Бу одам эса янада мудҳишроғига жазм этган, ажабо, эркак эркак хиёнат қилмоқда эди!

Эраним ўлдимми? Ёвни Эранимга сен рўпара қилдинми?

Бутун бир қишлоқда сенгина қолдинми, худобехабар? Сену менгина қолдикми?

Хоин яна итдай мўлтираб боқди кўзларимга.

“Сенсиз дунё менга ҳаром”, демоқ истади.

“Дунё сен билан ҳаром!” – дедим унга.

Эй бадбахт, Эран ким эди, биласанми?

Бошимнинг тожи эди, юлиб олдинг-ку?

Сен боши бойлиқ қизнинг кимлигини биласанми?

Келажакда боши бойлиқ қизнинг отаси ҳам, онаси ҳам, қавму қариндоши ҳам Эрани бўлади. Дунёю жаҳони бўлади!

Ризқи ҳам ўша бўлади – худои таоло аёлнинг ризқини эгасидан беради.

Боши бойлиқ қиз отасигаю хожасига мўлтиллаб туради. Шулар қулса, кўнгли ёришади, шулар хўмрайса, юраги зимистон бўлади.

Сен мени ризқимдан, отамдану онамдан, қавму қариндошимдан, бошимдаги тожимдан, ёруғлигимдану зимистоним, бахтимдану жаннатимдан айирдинг-ку, қирилиб ўлгур!

У қаршимда мўлтиллаб тураверди.

“Нима қилай, ахир, севаман-ку?” деди.

Шу маҳал Ойдинкўл бўйида кўрганам ўша арслон пайдо бўлди. Улкан панжасини ёйиб Хоиннинг бошига бир урди, бақувват чангаллари бўйинининг томирларини тилиб ўтди, у миқ этмасдан ерга қулади, шундаям кўзи менда – ҳануз ўша мўлтираш!

Арслон яна панжа урди, эзғиланган ҳашаротга ўхшаб титраб-типирчилаб қолди Хоин. Танасидан илонлар ўсиб чиқди, улар Хоиннинг ўзини қақиб-тишлай бошлашди.

“Ана шу ерда сасиб-бижғиб ёт!” дедим, сўнг тепага – Учёнғоққа қараб йўл солдим.

Учёнғоқда қишлоғимнинг ўспиринлари – райҳон-райҳон, жамбил-жамбил бўлиб ер тишлаб ётар эдилар. Булар ҳам ёвга қарши чиқишган, аммо заифликлари боис ҳалок бўлиб кетган эдилар. Янги узилган райҳоннинг титрашини кўрганмисиз? Ана шундай – райҳонлардай, жамбиллардай титраб-титраб жон таслим қилган эди ўспиринлар.

Райҳонларнинг орасидан, жамбилларнинг орасидан Эраннинг жасадини излаб топдим – тоғдай бўлиб юзтубан ётган экан.

Оқсоқолларимиз унга беришган рўмол – менинг рўмолим бўйнида эди, терини артаман деб, бўйнига ўрабди уни.

Терларини артибди ҳам – ҳали излари қуриб улгурмабди.

“Эй, туринг” дедим – турмади.

“Эй, мен келдим, туринг” дедим – яна турмади.

“Бу нима ётиш, – дедим, – Ориятингиз осмондан ҳам баланд эди-ку, ётаверасизми? Бу энди нима қилади демайсизми, қалқинг ахир”, – дедим.

“Шундай, ташлаб-ташлаб кетаверасизми”, – дедим, яна турмади.

Шу маҳал қир томондан сурон эшитилиб, ёв кела бошлади.

Шунда айтдимки: “Эй худойим! Эй эгамнинг эгаси! Белгиланган тақдиринг юз берди. Келажакда мен учун қурган барча дунёларинг хароб бўлди. Энди ёлғиз ўзим қолдим, бу ёқда эса ёв келмоқда-ку!..”

Бир ёмғир ёғарди... бир чақмоқ чақардики... ёмғирнинг остида чақмоқдан титраб-титраб, Тангрим билан гаплашар эдим.

“Мен нима қилай энди, эй эгамнинг эгаси?” – демоқда эдим.

Лойларни сачратиб-сачратиб, бўзрайиб-бўзрайиб келмоқда эди ёв! Укаларимни, жиянларимни, оғаларимни ер тишлатиб, мен сари тишларини иржайтириб келмоқда эди ножинс!

“Эй худойим, бир нима қиласанми-йўқми? Юрагимда номусу ориятим бор, дилимда имоним бор... Имонимнинг ҳимоячисини ўлдириб қўйдинг-ку?”

Яна кўзни кўр қилгудек чақмоқ чақнади, салдан кейин момақалди роқ шундай гум-бурладики, еру кўк уваланиб кетгандай бўлди назаримда.

... Кейин нима бўлганини англаёлмадим... бирданига теварак сокин бўлиб қолди. Турай десам, қалқишга мажолим йўқ... эгам ётипти қонига беланиб, жанозасини ўқишга бир одам йўқ..... Ана шундай, бошида туравердим-туравердим.

Ёмғирлар ёғди, қорлар музлади, кейин яна ёмғирлар ёғди... музлар эриди... шунда кимдир тепамга келди.

“Ой қизим, бир оз сабр қил. Оз қолди, бир оз сабр қилсанг, эганг ўрнидан туради” деди...

“Қара, – деди, – эганг ухляпти, уйғотиб юборма, ўрнингдан қимирлама”.

“Озгина кут... жуда оз қолди... бир қумғон сув қайнагунча сен ҳам уйғонасан, Эранинг ҳам” деди.

Шунда қарасам, ёв етиб келибди, барчаси теграмни мушукболалар каби ер бағирлаб ўраб олишипти, бари бечора, кўкимтир кўзчаларида адоқсиз мунгу ғусса... пойимга ястанган кўйи музтар-музтар, мунгли-мунгли, илтижולי-илтижולי термулишмоқда менга...

– Биласанми, бир қумғон сув қайнагунча нима бўлади? – деб сўради шамол.

– Йўқ, – деди Озод.

– Қиёмат бўлади, – деди шамол. – Қиёмат ким учундир бир қумғон қайнагунчалик вақтдан сўнг қойим бўлади, ким учундир яна минглаб йиллар ўтса эҳтимол.

– У яна ўша сирли тушининг ичида ҳозир, – деди шамол яна. – Ҳар йили шу маҳалда ўзини тоғу тошлардан ҳам юксақдаги сассиз маконда кўради. Гулбарглари тўқ-кулранг, гулкосалари қорамтир, ойнинг ёруғида гулчанглари майин аксланади.

– Лолами? – деб сўради Озод ҳайрон бўлиб. – Лоладан баҳс этяпсанми?

– Кимсасиз кенгликларда, совуқ эпкинларда бир ўзи титраб-титраб туради, – деди шамол. – Пойига турли махлуқлар ясланадилар.

– У олисда-ку, – деди Озод ўйланиб. Сўнг сўради: – Сен нега қиёмат кунидан баҳс этдинг? Буларнинг орасидаги боғлиқликни англаёлмадим.

– Қиёмат кунини мен қайдан билай? – деди шамол. – Кошкийди, кўрсам у кунни! Бироқ Тангри иродаси билан тамомила йўқ бўлиб кетаман.

– Ҳеч нарса йўқ бўлмайди, деган ҳам сен эдинг, – деб эътироз билдирди Озод.

– Қара, аср вақти кира бошлади, бу бошқаларга ўхшамаган бир аср, – деди шамол. – Борлиқнинг сиру асрорларини очиб юборадиган хусусияти бор унинг. Тоғда эканинда унинг ҳайбатинию улканлигини кўролмайсан, узоклашсанг у бутун виқорию улканлиги билан уфқни тўсиб намоён бўлади. Ҳозир ортинга ўгирилиб бир қара. Кимдир ўзининг туғилиб ўсган элу юртини, тошу тупроқларини дилором деб атади. Қара-чи, ростдан ҳам Дилороммикин?

Озод шамолнинг айтганини қилди. Дарҳақиқат, узунасига чўзилиб кетган қишлоқ жимит уйлари ва яшил экинзорлари билан бор бўйича намоён бўлган, икки тарафида оқаётган икки наҳр аро малохат ичра товланиб, нозланиб-сулувланиб, чиройли бўлиб кўринмоқда эди. Дарахтлар чайқалар, устида булутлар сузар эди.

– Сенинг бунчалар ёйилиб эсишингни билмаган эканман, – деди Озод. – Демак, бир вақтнинг ўзида ҳам бу ерда, ҳам элу юрт устида ҳам эсмоқдасан. Айт-чи, бошқа сўқмоқдан юрганимда нималар бўлар эди? Учёнгоқ бошланган жойда ҳар томонга кетган сўқмоқлар бор эди-ку?

– Жангу жадаллар маконига борар, тамомила бошқа кишиларни ва бошқа ҳодисаларни кўрар эдинг, – деди шамол. – Лекин бу тупроқлар неча йиллардирки тинч ва осойишта, у маконларга ўзларининг хос кишилари киргани маъқул. Яна бир гап айтайми? Модомики, теварақдаги ҳар бир нарса одам қонидан кўрқиши ҳақида гап бораётган экан, шуни ҳам билиб қўй, у қонлар аллақачон тупроққа шимилди, ўрнида узумлар ўсиб чиқиб, мева солди... У боғларга кимлардир келиб, эга чиқдилар. Узумзор эгалари ўз узумларининг нега қизил эканидану нега гуркираб ўсишидан беҳабарлар, аммо чўлтоқ, чала-ярим руҳлари ўз аслига интилишини тушунолмасдан гоҳ худ, гоҳи беҳуд умр кечирадилар. Гоҳ кибру туғёнга кетадилар, гоҳ малулият ичида тунларни тонгларга улаб чиқадилар. Шу ҳолларида умрларининг, наслларининг давом этишидан, қуримаслигидан умидланадилар. Ўша узумларни сотиб даромад кўрадилар, кибр меваларининг аччиғини тотиб кўрмасдан, ўзларини жаннат ичра дея хаёл қиладилар.

Атрофга жимлик чўқди.

– Энди ҳақиқатни тингла, – деди шамол, кейин. – Бу кўрганларининг барчаси адашишдир! Модомики Тўғри йўл кўрсатилган экан – зеро, у жуда аниқ ва равшан қилиб билдирилган эди, – одам боласининг бир-бири билан жанг қилишига ҳайрон қолмаган махлуқ йўқ дунёда. Келувчи ҳам тўзон илинжида, кетгувчи ҳам. Булар оддий ёвлар, тупроқнинг устидагию остидаги нарсаларга эга чиқиш учун келмоқдалар. Маконларнинг ҳақиқий эгасинию ҳақиқий ёвнинг кимлигини билганлар жуда оз бу ерларда!

Ёв ҳикояси

Биз тоғу тошларнинг ортларида тентираб юрар эдик-ку? Эслаш шарофатидан маҳрум эдик-ку? Нечук бу ҳол рўй берди?

Бизлар бу ерларда кимлигимизни, нима учун яратилганимизни эсполмасдан тура-миз. Ҳамма нарсани кўрамиз, англаймиз, аммо бори билганларимизнинг ибтидосини эсполмаймиз.

Далаю қирларга ёйилиб яшаётган одам болалари бизларнинг душманимиздир! Улар роҳату фароғат ичида умр кечиришади, еру мулкларни эгаллашади, қалдирғоч сингари лой-чўп ташиб уйлар қуришади, тўп-тўп бўлиб кезиб юришади, беҳисобу бесаноғу беҳуда сўзлар айтишади. Ана шу айтганлари ўзига кушанда бўлиб қайтиб келишининг тимсоли сифат турамыз тоғ ўнгирларида, тубсиз қоронғиликлар ичида. Орамизни тўсиб турган нарса – мана шу тоғ. Бу тоғни одам боласи Қоф тоғи деб атайди. Шунинг чўққиларининг уст-устларидан туриб боқамиз уларга.

...Бир куни бир одам боласи бир ножоиз сўз айтади, у гуноҳга айланади – шунда тоғ дарз кетади. Яна бир сўз айтади – дарз кенгаяди. Кейин эса дарз ёриққа айланади. Ана шу ёриқ очилса бас – орасидан шувиллаб ўтамиз биз. Ер юзига ёйилиб-ёйилиб кетамиз, булардан ўчимизни оламиз, бўйинларидан эгиб-эгиб, ўзимизга бош эгдирамиз.

Ер юзидаги ҳар махлуқнинг бир кушандаси бор. Яшнаб-бўй чўзган бир дарахт ниш урмасидан аввал унинг танасини емирадиган қурт бино бўлган. Мева пишса, уни чўққидиган қуш аллақачон яралган. Бир тош бино бўлса, уни емирувчи сув албатта мавжуд. Биз эса одам боласини емирувчимиз.

Қачонки булар йўлларидан тойсалар, қаршимиздаги тоғ увалана бошлайди. Аммо мана чиқдик, деганимизда, Тангри таоло яна бир бандасини бино қилади ораларида. Ўша банд туғилганида ер юзи титрайди, зилзила бўлади, чақмоқлар чақади... Ер юзида рўй берадиган зилзилаларнинг сабабини одам боласи қаердан ҳам биларди? Шу зилзила туфайли тоғ яна қайтадан битиб қолади.

... Яна кемира бошлаймиз қояларни.

Одам боласи неъматларнинг сараларини ейди. Биз эса дуч келган нарсани еяверамиз. Одам боласига ҳаром-ҳалол деган чекловлар бор, бизга йўқ. Одам боласига гуноҳ-савоб деган неъматлар берилган, бизда гуноҳ ҳам, савоб ҳам йўқ!

Шу қадар кўп неъмат берилганки буларга... қисматимиздан жаҳлланиб-ғазабга тўлиб кун кечирамиз бизлар.

Булар биздан шу қадар кўрқишадики! Ўзлари содир қилган нарсалардан кўрқиб-қочиби юришларидан янада жаҳлланамиз!

Шояд, бир кун йўллар очилса-ю буларнинг барини ер тишлатсак... ўйлаб-ўйламай айтган сўзлари боис мана шундай ҳақир қисмат ила дунёга келганимиздан қаҳру ғазабга тўлиб, яна чўққилар узра ўрлаб кетамиз – яна кину адоват ила боқамиз буларнинг туриш-турмушларига...

Тоғнинг нариги томонида бошқа бир водий бор, у ерда ҳам ер титрайди... нима учун титраётганидан одам боласи яна беҳабар, биз эса биламиз. Тез орада у ердан ер юзидаги ҳеч қайси жонзотга ўхшамаган, патлари юмшоқ, мулойим бир жонзот чиқиб келади. Бу жонзотнинг чиқиши – қиёматдан далолат бўлади.

Инсон боласи қиёмат нима эканини билмайди, биз биламиз. Тангри таоло ер юзида қиёматдан кейинги шаклларга шу дунёда ишора бериб қўйган. Тупроқларнинг тубларида ўрмалаган бир қуртдан одамга нима наф? У кимнингдир қиёматда ана шундай кўринишда бўлишидан дарак бермоқда. Тупроқларнинг кавакларидаги кўзсиз мингоёқ-чи? Денгизлардаги саккизоёқлар-чи? Зўрға имиллаб юрувчи қуртлар, осмонларда учувчи қушлар-чи? Одам боласининг қиёматдаги даражаларини кўрсатиб турувчи бу махлуқлар қилар ишларини қилиб бўлиб, йўқ бўлиб кетдилар. Биз ҳам йўқ бўлиб кетамиз. Жаннат насиб қилмаслигидан жаҳлимиз чиқиб, одамни душман тутамиз. Бир марта жаннатдан маҳрум этилган эди, шояд яна бир марта маҳрум бўлса деймиз. Бизни мардуд дейдилар, асл мардуд – одам боласининг ўзидир. Жаннатдан рад этилиб кетмадими у? Унгача ер юзида биронта мардуд бормиди?

Ораларида мардудлару муртадлар ҳануз бор... бошларида, теграларида олов ёниб туради, у оловни биз кўрамиз, одам боласи кўрмайди.

Ана шулар ҳам оқибатини билиб-билмасдан сўз айтадилар, айтадилару кибру ҳаво ичида керилиб-керилиб юрадилар. Аввалу азалда муборак эдик, гуноҳларимиз афв этиладию яна жаннатга кирамиз, деб ўйлайдилар.

Бетиним... бетиним хато қиладилар!

Улар барибир мукаррамдирлар. Сабаби – ота-боболаримиз унутган бир сўзни биладилар. Кексалари, эркагу аёллари янги туғилган чақалоқларининг қулоғига ўша сўзни айтиб азон чақирадилар, юрганларида ҳам, турганларида ҳам ўша сўзни айтадилар.

Биз ўша сўзни унутиб қўйган қавмимиз. Ҳамма сўзларни уларнинг маъноларини биламиз, биргина ўша сўз унутилган, холос.

Унутиш нималигини сиз қайдан ҳам билардингиз? Унутиш – тамоман йўқ бўлишдир. Кимдир у сўзни айтгани тақдирда ҳам эслаёлмас даражада унутишдир. У сўзни барча маъноларини ўзгаришлари билан қўшиб унутишдир. Унутиш – йўқ бўлишдир.

Ичимизни ғазаб кемиради... биз эса тоғни кемирамиз.

Қавмимиздан баъзилар тоғ тепасидан сакраб ҳам кўрган – чўққилар шу қадар баландки, ерга етиб бормасдан парча-парча бўлиб кетишган.

.. Бир куни тоғ қаттиқроқ титради, инсон боласи катта бир гуноҳ қилди, кичкина дарз очилди. Саноксиз қавм ана шу ёриққа ўзини урди. Озгина бир қисм ташқарига ўта олди, кейин тўсатдан тошлар кўчди-ю пастдаги бошқа қавмдошларимизни ҳам кўмиб, дарз ери яна ёпилди.

Яна зилзила бўлди, тоғ қайтадан битди.

Энди умидимиз ўша – ташқарига чиқиб олган озгина қавмдошларимиздан.

Ана шу тарз тоғ ортида... қиёматни кутиб, гала-гала турамиз биз...

Ташқарига чиқиб олган қавм ҳикояси

Қисматимизнинг ўзгариши хабарини бизга шамол олиб келди.

Эй жаҳолатнинг болалари, деди шамол. Тақдирингизни ўзгартирадиган бир банда дунёга келди. Жонингиз борича чопинг, ҳалок бўлиб кетмасингиздан қошига етиб борингу ҳаққингизга дуо қилишингизни сўранг – унинг дуоси ила охиратингиз ўзгарса, не ажаб?

Йўлингизда бир қанча кишиларни кўрасиз. Улар – сизни ана шу дуо соҳибидан тўсувчи кимсалар, яъни душманларингиздир.

Билингни, йўлингизда ҳар киши бежиз қаршингизга чиқмайди.

Ўнгирлардан ўтганингизда, ёйилиб оқаётган бир оқар сувни кўрасиз. Сувда тошбақа сузиб бормоқда, унинг устида эса чаён бор. Буларга тегмасдан ўтинг, токи чаён албатта ўз ажали билан ҳалок бўлсин.

Янаям нарида тупроқ ва тош орасида денгиз чиганоғини кўрасиз. У денгизлардан ва тўлқинлардан баҳс этади. Унинг сўзларини тингламасдан ўтинг – у сўзлар сизга аталган эмас.

Яна нарида кўр бир кишини кўрасиз – бу одамга ҳам тегманг. У одам боласи кўрломайдиган нарсаларни кўрган, нималарни кўрганини билсангиз, ер қаърининг бошқа махлуқларига айланиб кетасиз.

Яна илгариласангиз, экинзоридан чиқмай меҳнат қилаётган бир деҳқонни кўрасиз. Уни ўлдириб ўтинг – деҳқон сиз туфайли мақтул мақомига эришсину уқубатдан ҳалос бўлсин.

Ундан нарида узумзорлар орасини кезаётган бир кишини кўрасиз. Уни ҳам чавақлаб ўтиб кетаверинг – у беҳуда сўз айтувчилардан бири. Сизнинг аянч қисматингиз ана шундайлар боисдир.

Яна – тинмай тош-тупроқ ташиб, болаларига иморат тиклашга уринаётган бир кишини кўрасиз. Ундан кейин эса елкалари илма-тешик бўлиб кетган баҳайбат бир одамни, ундан нарида тандирга ўт ёқаётган аёлни ҳам кўрасиз.

Буларнинг бари йўлингизда учрайдиган ишоралардир, шуларни кўрганингиздан сўнггина ҳалоскорингизга етишасиз.

Йўлингизнинг бошида икки киши пайдо бўлади. Булар сизнинг ёрдамчиларингиз, улар сизни асосий душманингизга олиб борадилар. Иккиси ҳам ҳалоскорингизнинг исмини айтиб қақирадилар. Бирининг исми – Мардуд, бутун оламини рад этган жон эгасидир, у албатта ҳалокатга маҳкумдир. Иккинчиси – Хоин, ўзининг туғёнларига ўзи ғарқ бўлган кишидир. Зотан ғарқ бўлгандир, унинг ўлими сизнинг ихтиёрингизда эмас. Ҳақиқий душманингиз – эрандир, унинг арслонлари ҳам бор. У эран сизнинг ҳалоскорингиз билан Тангрининг исми аъзами айтилиб фотиҳа қилингандир. Бутун қавмингизни биргина сўзи билан яқсон қилар қувватга эга бир фарзанд шулардан дунёга келиши ирода қилинди.

Илк бошда шулардан ўтиб олсангиз, иноят насиб қилса эҳтимол.

Шунда, агар қисматингизда бўлса – ҳалоскорингизга етишасиз. Унинг қаршисида ҳамма нарса таъзим қилиб-эгилиб туради. Сиз уни илк кўришдаёқ таниб оласиз: исми Дилоромдир, шарафлиги – дунёга келтирадиган фарзанди боисидандир. Ўша фарзанд боис сизга марҳамат кўрсатиши мумкин, фурсат шудир. Туғилажак фарзанддан эса марҳамат кутманг – унинг тақдирига эгалик битилгандир. Дунёнинг эгаси кимлигини йўлларингизни тўсган Искандар тимсолидан биласиз.

Ниҳоят, етиб борсангиз – узоқлардан туриб ер бағрига ясланинг, қошига эмаклаб, таъзим қилиб сурилиб боринг. Айтган сўзини Тангри тинглайдиган аёл – ўшадир. Ҳаққингизга бир сўз айтса, зилзила рўй беради, булутлар сурилиб келиб, чақмоқлар чақнайди, бутун қавмингизнинг тақдири ўзгариб кетади.

Ҳаққингизга дуо айласа.... балки қизғалдоқларга айланиб кетарсиз? Рангингиз тўқ, қулранг-қорамтир, бахмал каби товланувчи, кимсасиз кенгликларда ёлғиз-ёлғиз ўсувчи чечакларга? Тақдирингиз ҳам ўзгарар – сизга етишган ва моҳиятингизни англаган кишиларга бахту саодат келтириш учун хизмат қила бошларсиз?

Ва шунда, балки – яратилишингиздану ҳаётингиздан тамомила рози бўларсиз?

Мабодо бу орада ажалингиз етса, – зотан етганини дарҳол англайсиз, “Тангрим сендан рози бўлсин”, деб нидо қилинг, билсангиз, бу сиз учун яхшидир. Тангрим ҳаммамиздан рози бўлсин!”

* * *

– Айтилган сўзлар аллақачон моддийлашиб бўлди, шакл ясади, теваракни ўзгартириб, айтувчи ҳаётининг моҳиятини белгилаб берди, деганингнинг маъноси шу экан-да? – деди Озод ўйланиб. – Сўзнинг шунчалар хатарли эканинию маъноларнинг ажали қай тарз юз кўрсатишини ҳеч тасаввур қилмаган эканман.

– Ҳой бола, – деди шамол, дағдаға билан. – Ажалнинг нима эканига фаросатинг етмасдан, ундан баҳс этишга қандай журъат этдинг? Билиб қўй, у йўқ қилувчи эмас, балки ўзгартирувчидир. У ҳам Тангримнинг бир махлуқидир, минг турли қиёфаси бор, даражаю мақомларни, мазмунлару шаклларни ўзгартирувчи яратиларининг биридир. Мевани узиб олишинг унинг ажалими? У ҳолда мева ҳалок бўлмади, балки ризққа айланди. Ширин ёки аччиқлиги, ранги ва таъми унинг мазмунидир. Аслида сен бир мевасан, аммо мазмунинг нима? Аччиқмисан, ширинмисан, шифомисан, захармисан? Мен янада чуқурроқ мисолларни айтган бўлардим, аммо ҳали ёш эканинг боис уларни англаб етолмайсан. Ажалнинг ҳикмати ҳам шу сабабдан сендан йироқдир. Қара, қуёш уфққа оғиб бормоқда, соялар узайиб, булутларнинг ости қизариб, аср вақти кириб келмоқда.

Аср вақтининг ҳикояси

– Сен айтган аср вақти кирди, – деди Озод. – Учёнғоқдаги товушлар ва саслар тобора пасайиб-пасайиб, ахийри эшитилмай қолди.

– Аср вақти нима эканини сен қайдан билардинг? – деди шамол. – Бу вақтда ҳар нарсанинг овози ўчиб кетади, ҳатто тақдир қалами ҳам ёзишдан тўхтайдди.

Шамол энди кучлироқ ғувилламоқда эди.

– Шиддатингнинг боиси нима? – деб сўради Озод.

– Уч мен билан энг юксакларга, булутлару чақмоқлардан ҳам тепага, азалий тоза маконларга! – деб ҳайбатланди шамол. – Ер юзининг ҳақиқатларини кўриб бўлдинг, энди осмон ҳақиқатларини кўр!

– Бу кўрганларим ҳақиқат эмасмиди? – деб сўради Озод.

– Буларнинг бари юза ҳақиқатлар, – деди шамол. – Сен ҳануз ҳодисаларнинг ташқи қатламни кўрмоқдасан, холос.

– Гапинг балки тўғридир, – деди Озод. – Бироқ сонсиз-саноксиз кишилар шу қатлам узра яшаб-умр кечириб, ўтиб кетмоқдалар.

Шамол жавоб берди:

– Мен бир одамни кўрганман. У чуқур тубида эди, чуқурда чаёнлар ва илонлар бор бўлиб, азоб беришар эди. Бир неча йилдан буён мана шу уқубат ичида қийналарди. Бир куни кимлардир келиб, уни чуқурдан чиқардилар, майин майсалар унган, кўм-кўк сувлар шарқираб оққан жойга олдилар.

– Бу рамзни тушундим, – деди Озод. – Мен янада чуқурроқ қатламни кўрмоқчиман.

– Румуз шундай нарсаки, у кетганлар учун эмас, дунёда қолганлар учун румузидир, – деди шамол. – Кетганлар учун асл нарса бошқа, сен яна хато қилдинг.

– Хатоим нимада? – деди Озод.

– Румузнинг остида ҳикмат бор, – деб жавоб берди шамол. – Сен ўша ҳикматнинг ҳам тубига боқ. Фитратингнинг пардалари остидаги яна бир парда очилса, тамомила бошқа ҳодисаларни кўра бошлайсан. Сенга қон ҳақида гапирганим эсингдами? Айтган эдимки, у қон аллақачон ерга шимилиб бўлди, ўрндан узум ўсиб чиқиб, қизил мева солди. Яъни, қон мева бўлди, мева ерга тўкилди, кейин яна тупроққа кўшилди, ундан бошқа мева униб чиқди, тушунапсанми? Яратилишинга боқсанг-чи!

– Яратилишимни биламан, – деди Озод. – Мен биргина сўз билан дунёга келганман.

– Сен у сўзни дунёга келмасингдан аввал ҳам билардинг, аммо унутган эдинг, – деди шамол.

– Ал-мисоқни назарда тутяпсанми? Унда билиб қўй, – деди Озод, ишонч билан.
– Мен мисоқдан аввал ҳам бор эдим. Денгизнинг тубида, бир чиғаноқнинг ичидаги гавҳар эдим.

Денгиз тубидаги чиғаноқнинг ҳикояси

– Мана ўша чиғаноқ, – деди шамол. – Унга қулоқ тутсанг, денгиз сувларининг шовуллашини эшитасан.

– Бу ерда денгиз нима қилсин? – деди Озод. – Тошлоқ жойга қаердан келди чиғаноқ?

– Дунёга келганинг кечагина эди, ниманиям билардинг? – деди шамол. – Бир маҳаллар бутун ер юзини сув босган эди, ўшанда мен неча кунлаб тўлқинлар узра эсанман. Ҳеч қаерда қуруқлик нишонаси йўқ, бутун дунё фақат сувдан иборат эди. Мана шу ерларда ҳам осмон баравар сув бор эди, холос. Ол чиғаноқни, қулоғингга тут, шояд у ҳам бирор сўз айтса.

Озод чиғаноқни олди.

Учи ингичкалашиб борган, ҳалқа-ҳалқа бўлиб бирлашган сариқ-оқ хошиялари бор бу чиғаноқнинг ичи бўм-бўш эди.

– Бир куни унинг ичига битта қум зарраси тушиб қолди, – деди шамол. – У маҳал чиғаноқ тирик эди. Қум зарраси жонини қийнади, чиғаноқ йиғлай бошлади. Томчилар зарра атрофини ўраб қотди. Шу тариқа зарра атрофида дур ҳосил бўлди. Чиғаноқнинг жони тинчиди. Лекин ичида нима борлигидану нима юз берганидан ўзи беҳабар эди. Оламдаги барча денгиз ва конларда нимаики бор бўлса, юзлаб ўшанча нарсалар мана шу чиғаноқ ичида мавжуддир. Унинг маънолар денгиздаги дурлари худди кечаси жилва қилаётган юлдузларга ўхшайди. Ёқутлар эса кечки пайтдаги шафаққа, балки тонг пайтида энди ёйилиб келаётган қуёш нурларига монанд. Уларни сен дуру гавҳар дема, балки ҳодисалар тоши дегин, бу тошлардан заифу нотавонларнинг боши ёрилгусидур.¹ Қулоқ сол унга, ўзинг эшит!

Озод қулоқ тутди. Чиғаноқнинг денгиз шовқини орасидан шундай сас келмоқда эди:

*Бўлдум фано мен туффроғ ичинда,
Бир дона эрдим, минг дона бўлдум.*

*Бир қатра эрдим, чўмдим денгизга,
Кирдим садафга, дурдона бўлдим...²*

– Қани денгиз? – деб сўради шамол.

– Билмадим, мен денгизни кўрмаямман, – деб жавоб берди Озод.

– Денгиздай тўлқинланган, бир томонга сурон солиб оқиб бораётган издиҳомничи? – деди шамол. – У денгизнинг ичидаги битта дур – шу. Истасанг, бошқаларини ҳам топасан. Ҳатто шулар ҳам сенинг тақдирингдан хабардорлар.

Бир оздан сўнг типпа-тик турган бир киши кўринди. У қўл қовуштирганча қолган, пешанасини тириштириб ниманидир зўр бериб ўйламоқда эди.

– Энди бу кишининг ҳолини кўр, – деди шамол. – Бу билимли бир одам эди. Тангри таолодан ўлими яқинлашганини билдиришини сўраб, илтижо қиларди. Бир куни умрининг сўнги келганини Тангри унга сездирди. Шунда у сафар олдидан видео намозини ўқишни ихтиёр қилди.

Сўзини унутган киши ҳақида ҳикоя

– Бу – шу кишининг охирги ибодати, – деди у. – Ўлим олдидан икки ракаат видео намозини ўқишни ният қилди, азон ва такбирини айтди, қўл қовуштириб, ибодатини бошлади-ю санони унутиб қўйди. Шу ҳолда турибди, лекин ҳарчанд уринса ҳам санонинг сўзларини эспай олмаяпти.

¹ Фаридиддин Аттор.

² Бобораҳим Маишраб.

- Бу ким? – деди Озод.
 – Сўзини унутган киши, – деди шамол. – Кетар чоғда айтар сўзини эсдан чиқарган одамнинг ҳоли қанақа бўлишини биласанми? Қара, қаттиқ уринганидан пешанаси тиришиб кетипти. Шу ҳолида у жуда ҳам бахтсиздир.
 – Эслай олармикин? – деди Озод.
 Шамол жавоб бермади.

Тошкесар ҳикояси

Яна бир одамни кўрдилар, у тошларни кесиб, уй қурмоқда эди.
 – Бу тошкесар дунёдан ором ва фароғат излаган эди, – деди шамол. – Бир куни йўлда кетаётиб, деҳқоннинг ҳосил тўплаётганини кўриб қолди. Кечасию кундузи болға уриб, чўкич тикирлатиб тош кесганим-кесган, ҳаётим фақат машаққат ичида ўтяпти, деб ўйлади у. Деҳқон эса турли-туман, мўл-кўл ҳосил олибди, энди маза қилиб янаги баҳоргача ором олиб ўтиради. Қанийди деҳқон бўлиб қолсайдим! Иттифоқо, тўсатдан деҳқонга айланди. Экинзорида қовун-тарвуз, буғдой-арпа мўл-кўл етилган эди, бари-ни тўплаб, ғамлаб олди-да, роҳат-фароғатда яшай бошлади. Бир куни яна йўлда кетаётган эди, узумзор эгасининг уйига кўзи тушди. Иморат муҳташам, ичкарида хурматли кишилар чақчақлашиб ўтирар эдилар. Ҳақиқатан ҳам, тинмай меҳнат билан овораман, деб ўйлади у. Узумларга қарамасанг ҳам ўзи ҳосил бераверади. Қанийди узумзор эгаси бўлсам! Шу тариқа узумзорлар эгасига айланди. Узумлар беҳисоб мева тургар, кишилар келиб кўтарасига савдо қилиб, ўзлари узиб-тўплаб кетаверар эдилар. Тошкесар янада роҳат-фароғатда яшай бошлади. Бир куни ёмғир ёғиб сел келди-да, узумзорларини яксон қилиб, уйларини бузиб ўтиб кетди. Узумзор эгасида ҳам ҳаловат йўқ экан-ку, деди тошкесар. Ундан кўра сел бўлиб қолганим яхши эмасми? Ва селга айланиб, қутуриб шиддат ила кетди. Оқа-оқа бир жойга етганида қаршисидан катта қоятош чиқди, қанча уринмасин, уни қўзғатишга кучи етмади. Мана ҳақиқий ҳаловат эгаси, деди тошкесар. Қанийди қоятош бўлсам... Ва у қоятошга айланди. Ҳақиқатан ҳам метин-мустаҳкам қоятошга ҳеч нима таъсир қилмас эди, у ҳақиқий оромга энди етишганини ҳис қилди-да, чуқур уйқуга кетди. Бир маҳал пойида нимадир рўй бераётганини сизди. Сиртқи қобигини кимдир тикирлатмоқда, нимадир ўзгармоқда эди. У пастга қараб, тубида қўлида болғасию чўкичи билан қоятошни кесаётган бошқа бир тошкесарни кўрди...

– Мана, ҳозир болаларим роҳатда яшасин, дея тошдан иморат тикламоқда, – деди шамол. – Фикри-зикри шу ишида, шу боис вақти жуда кам, сўз қотишга имкони йўқ. Юмуши жуда кўп, умрининг шоми яқинлашганини билгани боис, улгураманми-йўқми, деган ҳадик билан кечалари ҳам ишида давом этади. Бир куни охири тошни ҳам кўйиб, пешанасидаги терини артаман деб бошини кўтаради-ю атрофида ҳеч нарса йўқлигини кўради. Ҳамма ёқ теп-текис, осмонда қуёш сўнги бор ётоғига бош қўяётган, юлдузлар сўнг бор милтираётган, Ой сўнг бора тўлишган маҳал. Ҳали замон зилзила рўй беради-ю қурган иморати ер билан яксон бўлади. Ўша маҳалда нарироқда тўкилиб кетай, деб турган илма-тешик бир кулбани кўради. Кулба атрофида турли-туман баҳайбат ҳашаротлар қаторида юзлари қора, кўзлари кўк, танаси хол-хол махлуқлар бир нимани кутгандай айланиб юрадилар. “Қани менинг иморатим? Бу кулба қайдан келди?”, – дейди у ҳайрон бўлиб. “Умринг бўйи қурган иморатинг асли шу, – дейилади унга. – Анави махлуқлар эса – сенинг беҳудага айтган сўзларинг, сени дунёда чалғитган истагу хоҳишларинг, яъни сенинг ёвларингдир!” Махлуқлар ер остидан чиқиб кела бошлашади, улар шу қадар кўпки, сал ўтмай уфққа қадар энлаб кетади. “Айт! – дейилади унга раҳм қилиниб. – Форат бўлиб кетмасингдан ўз сўзингни айт! Ҳозир қиёмат рўй беради, ер юзидаги сўз айта оладиган охири одам сенсан!”

– У ҳам ҳозир не деярини билмасдан турибди, – деди шамол. – Бу ваҳшат сабаб, билган сўзларининг ҳаммаси эсидан чиқиб кетган.

Буви ҳикояси

Нарироқдаги бир кулба ичида бир кампир ерда сочилиб ётган тасбеҳ доналарини териш билан банд эди. Унинг кўзлари аллақачон нурсизланган, бармоқлари қалтирай-қалтирай, садаф доналарни тўплаб бўлган, энди қийнала-қийнала ипга тизмоқда эди.

– Бу зот, ҳар куни саҳардан шомга қадар болаларини узундан-узоқ дуо қилар эди, – деди шамол. – Ёмғирлар, қорлар, дўллар ёғар, бўронлар эсар, у эса мана шу машғулоти ни ҳеч қанда қилмасди. Айтган сўзлари ҳодисаларга айланиб ер юзига қайтар, гоҳ арслонга айланиб болаларини кўриқласа, гоҳ шабадага айланиб зурёдининг юзларини сийпалар эди. Бир куни вақт-соат етди, Қобиз деб аталмиш ажал фариштаси жонини олишга келди. Бу маҳалда кампир барчанинг ҳаққига дуо қилиб бўлган ва тасбеҳ ўгира бошлаган эди. Қобиз бир қанот урди, шунда тасбеҳнинг ипи узилиб, доналари сочилиб кетди. Кампир бундан изтиробга тушди, пайпасланиб доналарни излай бошлади, шунда Қобиз сездирмасдан жонини олди, кампир нима юз берганини ҳатто сезмай ҳам қолди.

– Бу бувим-ку? – деди Озод, сесканиб, кейин овози титраган кўйи чақирди: – Бу вижон?

– Овозингни эшитмайди, – деди шамол. – Неча йилдирки, мана шу ҳолатда – тасбеҳ доналари билан андармон. Қачонки, – деб бирдан яна шиддат урди шамол, – сўнги тасбеҳ донасини ҳам ипга ўтказиб, кўнгли тинчиб, илк ҳамд калимасини айтгани он қиёмат рўй беради.

Онанинг сўнг акси

Янаям нарида бир аёлни кўрдилар, у тандирга тинмай ўт ёқар, олов кучайгандан кучаяр, тандир ичи қип-қизил ланғиллаган чўғ бўлиб, чўғлардан бири аёлнинг кўйлагига илашган, ҳозир у тутамоқда эди. Теварак эса гулу гулзор, дарахтлар шиғил мева туккан, узоқларда олтиндан бир қаср ярақлар, анвои майсалар ўсган тупроқ орасида дурлар ялтирар эди.

– Бу аёл эса қиёмат яқинлашаётганини билди, – деди шамол. – Лекин, маҳшар бошланмасидан олдин нон ёпай, болаларим оч қолишмасин, деган ўйда тандирга олов қалади. У ёққан олов оддий эмас, кимни куйдиришини билади, аёлни энди ҳеч қачон куйдирмайди!

– Унинг сўзлари қани? – деди Озод.

– Боғни кўрмаяпсанми? – деди шамол. – Боласини эркалаб айтган ҳамма сўзларидан мана шу боғ яратилди. Тупроқ орасидаги дурлар унинг боласининг куйдиришларидан тўккан кўз ёшларидир. Боғ ичидаги қаср эса, хўжаси етказган озорларга қилган сабри туфайли бино бўлди, – бирданига шамол яна кучлироқ шиддат урди: – Билиб кўй, сўзлар айтилди, шакл олди, осмон тоқига етиб бориб, қисматга айланди ва ер юзига қайтди. Энди бу қисмат ҳеч қачон ўзгармайди!

Отанинг сўнг акси

Янаям нарида баҳайбат бир кишини кўрдилар. Ёмғирлар, дўллар, қорлар ёғар... елкаси дўлу музлардан илма-тешик бўлиб кетган, турли ваҳший ҳайвонлар оёқ-қўлларини тишлар, у шу тарз букчайиб, ердаги буғдойларни тўплаб олмоққа тиришар эди.

– Бу одамнинг болалари бамайлихотир ўйнаб юришибди, аёли ҳар кунги юмуши билан овора, – деди шамол. – Қара, оила тинч, бежавотир. Бу улкан зот, ўзи илма-тешик бўлиб кетганига қарамай, болам-чақам, оилам деб шу қисматга бардош бермоқда.

– Унинг сўзи қаерда? – деб сўради Озод.

– У ўз сўзини айтиб бўлган, – деди шамол. – Лекин болалари айтмагунча ҳосиласини кўролмади. Отанинг ороми учун болалари ва аёли ўз сўзларини айтишлари керак.

– Отам-ку... – деди шивирлаб Озод. – Эй шафқатсиз! Ахир, отам-ку бу?

– Энди отанинг кимлигини билдингми? – деб гувиллади шамол. – Эй одам боласи, онанинг қандай зот эканини англадингми?

– Мен бу зуҳуротлардан кўрқяпман, аъзойи баданим титраяпти, – деди Озод. – Уйга қайтиб, тўшакларга ўраниб ётгим келяпти.

– У ҳолда еру кўкларни титратиб, “Эй, тўшакларига ўраниб олган одам”, деган садо келишидан кўрқмайсанми, нодон? – деб ҳайқирди шамол.

Мағрибий

Қишлоқдан ўнгирлар томонга букик гавдали, чўтир юзли, чироқ кўтариб олган бир киши кетиб бормоқда эди.

– Буни Мағрибий дейдилар, – деди шамол. – Энди ўз маконига қайтиб кетмоқда. У жуда кекса, аммо яна минглаб йиллар яшаса эҳтимол.

– Нима учун ёруғ кунда ҳам чироқ тутиб кетмоқда, олимларданми? – деб сўради Озод.

– Кошкийди, кундузи чироқ тутиб ақлларни ёритишга уринувчи олим бўлса! – деди шамол. – Қўлидаги чироққа боқ, у – сеҳрли. Бу чироқ энди Мағрибийга бемисл куч ва қудрат тақдим этади, у – илм тилсимларининг чироғи.

– Мағрибийнинг қўлидаги чироқни билар эдинг-ку? – деди шамол. – Унинг тилсими ота-боболарингга очилган эди. Уларнинг барини Мағрибий олиб кетмоқда. Бу чироқ аввалги асрларда орангиздан бир зоти улуғ бобонгга насиб этди, мана шу чироқ нури туфайли еру кўкларни фазодан кўрди ва айтдики, Тангримнинг яратган макони нақадар улкан экан, лекин баҳри муҳит ортида яна бир қуруқлик борлигини тафаккур кўзи билан кўрдим¹. Бошқа бири эса, фазодаги юлдузлар ўз сирларини очганларидан хабар берди². Яна бири Тангри берган касалликларнинг тилини билдиришини сўраган эди, унинг қошида ҳар бир хасталик ўзининг яратилишидан ва ажалидан баҳс эта бошлади³, у ажални эса одам боласи шифо деб атади. Ана шу сирли чироқ қадимдан бери шу ерда эди, аввал ҳам айтганимдай, сен тарих ва келажакнинг бир ерда ётганини кўрмоқдасан. Мағрибийнинг ким эканини билдингми?

– Мен у ривоятларни ҳаётда бўлмаган воқеалар деб юрардим, – деди Озод.

– Унда Заҳҳок ҳам бўлмаганми? Пахлавонлару девлар майда-чуйда болаларнинг хархашаларини чалғитиш учун ўйлаб топилган нарсалармиди? Ақлу шуури етук кишилар беҳудага уларнинг маъноларига умрларини сарфлаганмидилар? Чилтанлар, Ғавсул-Ғиёс эртақмиди? Билиб қўй, уларнинг кимлигини пайқаганлар бор орангизда. Мағрибий ҳикоятда сен эътибор бермаган бир жиҳат бор. Ривоятда сен билан тенгдош болакайдан баҳс этилмаганмиди? Мағрибий сирли чироқни ҳийла билан олиб кетганида, болакайнинг бармоғида сеҳрли узук қолиб кетган эди-ку? Булар жуда қадимий маънолардир, Мағрибий унутиб қолдирган узук келажакда не ҳодисаларни бунёдга келтиришини ҳали ҳеч ким билмайди!

– Мен ҳозир қаердаман? – деб сўради Озод.

– Сен билган ерлар ортда қолиб кетди! Қаршингда туз чўлини кўрмоқдасан, лекин соғ-омон ўтишингга кўзим етмайди.

УЧИНЧИ АКС

Туз чўли

– Бу чўлни биламан, – деди Озод, қаршисида бино бўлган яйдоқ, кимсасиз чўлга тикилиб. – Нега қумлари оқиш, тўзонли? Нега ўт-ўлан ўсмайди?

– Агар одамлар унинг хусусиятини билсалар, келиб шу тузларга ўзларини кўмиб шифо истаган бўлур эдилар, – деди шамол.

¹ Абу Райҳон Беруний.

² Мирзо Улуғбек.

³ Абу Али ибн Сино.

- Бу кум эмасми? – деди Озод.
- Йўқ, кум эмас, – деди шамол. – Туз бу!

Озод ортига қаради – ортда Учёнғоқ, унинг ортида эса қадрдон қишлоғи қолиб кетган эди. Олдда эса, узоқ-узоқларда қорамтир бир нима текис кўкка бўй чўзган, унинг ортидан бошқа қояларнинг учлари бўй кўрсатиб турар, чўққиларнинг оқ қорларию кўкимтир музлари қуёшда ярқиради.

Озод ёнгинасидаги саксовулнинг шохини ушлаб кўрди – шох илвираб турган экан, туйқусдан ушланган жойидан қирс этиб уваланиб кетди. Озод унинг ҳам аллақачон туз бўлиб қотганини кўрди.

– Саксовул-ку? – деди ҳайрон бўлиб. – Лекин шакли қолибди, холос, ўзи эса бошқа нарсага айланиб кетибди.

– Тўғри айтасан, – деди шамол. – Неки бор – ҳаммасини емириб, ўзига қўшиб олади бу туз. Унга на тош, на ўт-ўлан, на тирик жон бардош бера олади. Шу боис, бу теварақда на гиёҳ бор, на жонзот.

– Лекин сен нарсаларнинг маъноларидан гапирдинг, – деб эътироз билдирди Озод. – Мен бу чўлда маъно кўрмайман.

– Тангри таоло уни бежизга яратди дейсанми? – деди шамол. – Аслида, бу тузнинг менгагина кучи етмайди, холос. Тепасидан менгина елиб ўта оламан. Худонинг бошқа барча махлуқларини ямлаб-ютиб юборади. Унга қоришиб кетганлар ўз борлиқларини йўқотсалар-да, жонлари тузлар аро ҳилвираб-озорланиб тураверади.

– Мен бу чўлга маъно беришдан ожизман, – деди Озод. – Лекин, модомики бундан ўтиш лозим экан – билиб қўй, албатта ўтаман.

Шундай деб Озод олдинга бир қадам қадам қўйгани он, тиззасигача кумга ботиб кетди.

– Яна бир қадам қўйсам, ҳалок бўламан-ку? – деди ҳайрон бўлиб.

– Бошқа йўл йўқ, – деди шамол. – Билиб қўй, бу оддий кум эмас!

Нарёғи қаттиқроқ бўлсайди деган илинжда яна бир қадам босган эди, энди белигача ботди.

– Ёрдам берсанг-чи, – деди Озод. – Йўқса, бу алфозда ростдан ҳам ҳалок бўламан.

– Мен бор-йўғи ожиз бир шамолман, – деди ҳамроҳи. – Бахтинг чопмасаю бу чангалдан чиқолмасанг, у ҳолда алвидо дейишдан бошқа чорам йўқ. Лекин қулоқ солсанг, балки туз орасидан ҳам бир садо эшитарсан?

Тузларнинг орасидан ҳам ўша Озодга таниш ўша садо келмоқда.

*Ҳеч оқил ўзини аҳли касофат айламас,
Бу гиёҳи талхни ҳеч ким зироат айламас,
Ким падарозордур, Аҳмад шафоат айламас,
Бандаи мўмин амонатга хиёнат айламас,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани...*

– Мен бу ҳикматни биламан, – деди ҳайрон қолиб Озод.

Бу гал шамол жавоб бермади. Тузлар тўзони орасида ҳануз ўша сас ҳавопанар эди:

*Мунда келдинг, кулли донишларни хотирдан унут,
Кўзни ёши бирла ҳар соат тегиримонлар юрут,
Боғи ҳирсингни муҳаббат оташи бирла қурут,
Бандаи собитқадам бўлсанг падар амрини тут,
То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани.¹*

Туз одам

Шу маҳал тузлар орасидан биров бош кўтарди, ортидан бошқалари ҳам қалқдилар.

– Қайт ортингга! Қайт ортингга! – деб шивирларди улар. Ҳар тарафга туз сочилмоқда эди. – Бизнинг ҳолимизни кўрганинг бас эмасми? Кирма бу маломат ди-

¹ *Бобораҳим Машираб.*

ёрига, қайт ортингга – ота-онангнинг қошига, хорлик қанотингни паст тут, кўзингнинг косасини оёқ остларига поёндоз қил! Отанинг кимлигини сен қаердан ҳам билардинг? Онанинг кимлигини қаердан ҳам билардинг?

– Маломат диёри? – ҳайрон бўлди Озод. – Кимлар булар?

– Ота-оналарини ранжитган, қариндош-уруғлик ришталарини узган, ҳеч кимга нафи тегмай ўтган кишилардир, – деб жавоб қилди шамол. – Бу ерда ўзларини-ўзлари маломат қилиб ётишгани учун ҳам маломат диёри демоқдалар.

Озод типирчилаб, қум кишанидан чиқишга уринар, ажабки, ҳаракат қилгани сайин тобора ботиб борарди.

– Мен кўрқяпман, – деди Озод. – Қандай қилиб чиқаман бу кишандан?

– Имдод сенга кўклардан етмоқда, – деди шамол. – Қара, кушлар учиб келишмоқда.

Озод бошини кўтариб, кўкни булут каби энлаб учиб келаётган саноксиз кушларни кўрди.

Ҳаял ўтмай улар етиб келиб, пастлаб айланиб уча бошлашди. Ҳар бирининг тумшуғида биттадан кичкина тош бор эди, кушлар тошларни Озод турган жойга ташлаб ўтар ва яна кўкка парвоз этардилар. Сал ўтмай, Озоднинг тевараги майда тошлар билан тўлди, Озод тошчалар узра кўксини бериб ётиб олди, туз қумининг ютиши тўхтади.

– Нима синоат рўй берди? – деб сўради у. – Нега бу кушлар тош ташиб келдилар?

– Англамадингми? – деб ғувиллади шамол. – Райҳонлар орасига дастурхон қоққанларингни, нон увоқларини қурту кушлар еб кетсин деб дуо қилган кезларингни эсламадингми?

– Ўша кушларми? – ҳайрон бўлди Озод.

– Ўша увоқлардан ризқланган кушлар! – деб жавоб берди шамол. – Уларнинг ҳар бири тош ташлаганида, “Сендан Аллоҳ рози бўлсин”, деб самога кўтарилди. Буни ҳамма эшитди, биргина сен эшитмадинг, холос.

– Улардан ҳам Тангрим рози бўлсин, – деди Озод, мутаассир бўлиб. – Лекин қум устига чиқиб олганимдан бир фойда кўрмаяпман. Тошлоққа етиб олиш учун яна анча йўлни шу туз узра босиб ўтишим керак, у мени яна ўз домига тортиб кетади деб ҳайиқяпман. Шамол жавоб бермади. Озод зўр бериб ўйлай бошлади.

“Демакки, бу – эшитувчи, кўрувчи қум экан, – деб ўйлади у. – Модомики, сўз тақдирни ўзгартирар, нарса ва ҳодисаларнинг асли бошқа экан... у ҳолда, бу қум нима сари бораётганимни ҳам билиши керак! Ҳар ҳолда булар – қумнинг иши эмасдир? Атрофда мана шу воқеаларни содир этаётган яна кимлардир бор бўлса, ажабмас...”

Ва деди:

– Эй қум! Агар бутун тутумлариму одобим ила отамнинг менга берган тузу тарбиясини бир марта бўлсин оқлаб-ҳалоллаган эсам, отам бутун умри давомида бир мартагина, бир онгина мендан рози бўлган эса – хусусиятингни ўзгартир ва қаттиқ ҳолга кел!

Ва у майин тузларнинг оёқ остида қаттиқлаша бошлаганини сездди.

– Эй қум! – деди у яна, руҳланиб. – Агар шу ёшга киргунимга қадар онамнинг мен учун тўккан кўз ёшларининг биргина томчисини, саҳарлару қоронғи кечаларда устимда термилиб ўтирганларининг биргина онини оқлай олган бўлсам – хусусиятингни ўзгартир ва мени қўйиб юбор!

Қум янада дағаллашди, лекин ҳали Озоднинг қутулиб чиқиши учун етарли эмас эди.

– Эй қум, – деди у, шамолнинг гапларини эслаб. – Агар бугунга қадар дўстларимгаю элимга зарра нафим теккан бўлсаю мени мамнун бўлиб беғараз дуо қилган бўлсалар – ўзгар ва чангалингни мендан узоқ тут!

– Бу кам! Етарли эмас! – деб бирдан тўлқинланди шамол.

– Эй қум, – деди Озод, ниҳоят, ўйланиб. – Гапимни эшит! Мен севгилим учун Лолани олиб келгани кетмоқдаман. Лекин, ҳаёт бўйи фаровонликда яшашдан ҳам кўра, уни олиб келганим он севгилимнинг кўзларида чақнагувчи яна бир чақинни – бахтиёрлик ва севинч чақинини кўриш учун кетмоқдаман. Лола бахш этадиган бахт ҳақида ўйлаганим ҳам йўқ, севгилимнинг қувончи бутун бу бахтдан ортиқроқ мен учун. Лолада бошқа ҳикматлар ҳам борлигига

умид қиялпман. Агар ўша ерда топадиганим ҳикмат ҳақиқатан ҳам дунёнинг энг асосий тамали эса – мени қўйиб юбор ва ҳеч кимни ҳеч қачон доминга тортма!

– Яна, яна! – деб гувиллади шамол.

– Эй маломат диёри, – деди Озод. – Магар сен мени ютиб юбормасанг, нарида эса қоялардан йиқилиб ҳалок бўлмасаму эсон-омон элимга қайтсам, у ҳолда бир қуни севгилим онага, ўзим эса отага айланаман. Бу ерда падаригаю волидасига озор етказганларни чангалинга тутиб турганиниги биламан. Тангрим истагани учун шундай эканинга шак-шубҳа йўқ, аммо, у хоҳласаю оталик бахти менга насиб этса, у ҳолда, мендан бунёдга келадиган фарзандларимнинг барча озорларини, барча шўхликларинию хатоларини ҳозирданоқ авф этдим! Эшит ва шоҳидим бўл: ўзимдан ва севгилимдан дунёга келадиган фарзандларимиздан, ҳали улар дунёга келмаслариданоқ розиман!

Мана шу чоғ Озод халос бўлганини сизди.

Шамол ғир-ғир эсар ва эсишида ҳам севинч борга ўхшарди.

– Сен нега севиндинг? – деб сўради Озод, уст-бошини қоқиб.

– Беғараз деб жуда тўғри айтдинг, агар дилинга ғараз бўлсайди, ҳеч қачон қутулолмасдинг, – деди шамол. – Бу чўлнинг оти аслида Ғараз чўли, ғараз одамни туз каби емиргани боис Туз чўли деганлар. Нариди Ойдинкўл бор, уни ҳам кўрмоқ истайсанми?

– Албатта, – деди Озод.

Ва енгил одим отиб, шамолнинг ортидан эргашди.

Ойдинкўл

Кўлга бораверишда ўтлар қалин ва баланд ўсган, орасида кулранг тусли ўтлар ҳам бор эди, уларнинг ислари ўткир ва кучли бўлиб, кулранг туслиларининг тиканлари ҳам бор, гуллари ёрқин сариқ-оқ тусда эди. Сафсар гулли ўтлар ҳам ўсган, улар нозикроқ бўлиб, гуркираган бошқа ўтларнинг орасида аранг кўзга ташланарди. Ўтлоқнинг ҳар ер-ҳар ерида олмалар бўй чўзган, уларнинг оқ гуллари шундоққина майсалар устига тўкилган эди.

Салдан кейин ўтлар сийраклашди, аммо ранглари тобора яшиллана борди. Тўсатдан кўл бўйига чиқиб қолдилар.

Кўл шишадай тип-тиниқ, шаффоф, соҳилга яқин жойларида олма гулларининг тўкилган гулбарглари оқиш капалаклар сингари сув устида қалқинар, ораларида қорамтир тезсузар сувқўнғизлари зувиллаб сузиб юрарди. Соҳил тупроғининг сувга таш жойида ўтларнинг оқ ва қизғиш томирлари очилиб қолган, улардан хиёл берироқда яшилтоб сув ўтлари ўсган, билинар-билинемас чайқаларди.

– Чиройлими? – деди шамол.

– Жудаям! – деб жавоб берди Озод ва сувга яқинроқ борди.

Сувнинг туби тошлоқ экан, у ерда, саёзликда оқ, чавқар, тарғил ва қизил тарам-тарам тошлар кўзга ташланарди, ораларидаги митти кумушранг балиқчалар бир зум қотиб турар, нима сабабдандир тўсатдан сувости қумини тўзғитиб, тошлар ё ўтлар орасида ғойиб бўлиб қетарди.

Сувнинг бир гўзал мавжи борийди, кичкина тўлқинчалар қирғоққа оҳиста-оҳиста, майин-майин урилмоқда эдилар. Сувнинг зилоллиги ва шаффофлиги шу қадар эдики, тубда сузиб юрган митти балиқчаларнинг ойқулоқларию тангачаларига тушган нурнинг жилоси ҳам аксланар, ҳақиқатан ҳам бу бемисл гўзаллик эди. Соҳилга яқин саёзликларда сув шаффоф тусда бўлса, нарироқда ранги тўқлашиб-кўкимтирлашиб борган, у ерда ҳам узундан-узун сув ўтлари кўзга ташланар, улар нурдан баҳра олмоқ учун тепага интилиб, кўлнинг тубидан сув бетигача ўсиб чиқишган, ранглари оч-яшил, ўрилмаган узун сочларни эслатарди. Кўл катта эмас, нариги бетига ҳам бу қирғоқдаги каби ўтлар ва олмалар кўриниб турарди, мавжлардан намиққан тупроқнинг баъзи ерлари палакса-палакса бўлиб, ўт-ўлани билан кўчиб тушгани боис, бир қанча ерда ўтлар эгилиб, ҳатто япроқлари сувга тегиб-кўмилиб ҳам қолган эди.

– Бу кўлнинг тубида булоқлари ҳам бор, улар ернинг тагидан қайнаб чиқиб туради, – деди шамол.

– Ғўзаллигини! – деди Озод. Йигитчанинг кўзлари нурафшонликка ва самимиятга тўла, ҳозир бу кўзлар завқ ила чақнамоқда эди.

– Балиқлари ҳам бор экан, – деди Озод.

– Бу ерда сузгичлари қизил ойбалиқлар бор, улар кундузлари сувнинг тубларида ётишади, кечаси ой ҳаволагандагина сув бетига чиқишади.

– Ойбалиқ... қанақа бўлади ўзи? – деб сўради Озод.

– Ойга ўхшаган эгик бўлади. Вақти келганида кўрасан – сувда сузгичларини хилпиратиб ой сузиб юрганга ўхшайди. Инсонлар унинг теварагида дам оладилар, болалар чўмилиб ўйнайдилар, кўлнинг шабадаси мавжларни қирғоққа оҳиста-оҳиста суриб, сарин-сарин эсади. Йиллар ўтиб, у қурий бошлайди. Сатҳини қуёш қаттиқ қиздириб, сувларини буглантиради, тепасида кичкина булутлар ҳосил бўладилар ва ёш, дуркун тойчоқлар шаклини олиб, узоқларга сузиб кетишади. Теграсидаги ўт-ўланлар қурийди, ҳозир кўриб турганинг суви қочган ерлар тарам-тарам ёрилади, ёриқларининг орасига тез чопувчи майда қора кўнғизлар ин қуради, ажриқ, курмак ва семизўтлар униб чиқади, кейин улар ҳам сувсизликдан илвирай бошлашади... дуркун таналари сўлади, озади, ингичкалашади, қувватсизланади, сувсизликдан аввал оч-яшил, сўнг сарғимтир тусга киради. Кўлнинг сувига лойқа аралашади, энг аввало зилол сувда сузиб юрган ойбалиқлар, сўнг кўл тириклигининг гувоҳи бўлмиш бошқа жонзотлар ҳам ҳалок бўлишади. Турғун сув тобора қуюқлаша боради, ям-яшил чайқалган сув ўтлари ўрнига бошқа тур ўсимликлар ўсиб чиқади, саёзлашган ерларидан қамиш ва қиёқлар бош кўтаради, пояси қаттиқ бу ўсимликларнинг шохларида ўзга жонзотлар ўрмалаб юришади, уларнинг попилтириқлари ҳар томон учади ва қайда нам бўлса, ўша ерга ўрнашиб яна урчийди, бир куни қарасанг, бу ерда қамишзорни кўрасан, уларнинг тубларида зангори тусга кирган мағзава мисол сув турғун туради, устини бақатўнлар қоплайди. Яна беш-олти йил ўтгач, бақатўнлар ҳам қуриб кетади, қамишлар сувсизликка дош беролмайдилар, теварақдаги қалин, баланд ўт-ўлану олмалар ҳам қурийди, ана шунда мен бу кўлнинг устига туз тўзонларини опкелиб сочаман...

– Мунгли-қайғули бир нарсани ҳикоя қилдинг, – деди Озод. – Лолагаю севгилимга нима алоқаси бор бу кўлнинг?

– Буни бахту саодат кўли деб атаганлари билан, аслида оддий бир кўл, – деди шамол. – Лекин инсон маъноларни англагани боис ҳам мукаррам бўлди. Тангрим ҳар нарсага маъноларни қатма-қат қилиб жойлаб қўйган, истасанг кўрасан, истамасанг йўқ. Энди сенга бир кўзани кўрсатай. У сал нарида, кўлдан хиёл узоқда, қум орасида ётипти. Кўзадан нарида бир бўри ва бир қуш, ундан ҳам нарида эса тошбақа билан чаён ҳам бор. Улар минг йиллардан бери мана шу ердалар.

Кўза

Кўл тугаган жойдан у ёғи тошлоқ эди. Юз одимча юрилгандан кейин Озод ҳақиқатан ҳам ярмигача ерга кўмилиб ётган қадимий бир кўзани кўрди. Шамол бир ғувиллаб унинг ичига кириб, қайтиб чиқди. Кейин изоҳ берди:

– Бир куни бир одам келиб шу кўзанинг ичига қаради-да, “Ичи бўм-бўш экан”, – деди. Иккинчиси келиб кўрди-да, “Йўқ, бўш эмас, чунки ичида ҳаво бор”, – деди. Учинчиси эса айтдики, “На кўза бор, ва на унинг ичи... сиз унга маъно берганингиз учун кўза бўлди, аслида қуму тупроқдан шакл берилган бир нарса эди, холос”, – деди. Бу ерда тўртинчи киши ҳам бор эди, у айтдики, “Моҳиятни кўзанинг ўзидан сўрангиз. Шамол остида ғувиллаши балки унинг ноласи бўлса не ажаб?”

– Тўртинчи киши сенсан, – деди Озод. – Бешинчи киши эса... ҳар ҳолда мен бўлсам ажабмас. У ҳолда мен ҳам нимадир дейишим керакми?

– Истасанг сукут сақла, – деди шамол. – Ҳамда мана бу икки тимсолга боқ.

Бўри билан қуш

– Бу бўри кичик ҳайвонларни тутиб ер, қуш эса дон-дун терар, иккиси ҳам шу тарз ризқланмоқда эдилар. Бир одам келди-да, “Бу бўри ваҳший ва золим экан, қуш эса безарар”, – деди. Иккинчиси айтдики, “Бўрига ваҳший нисбатини беришинг унинг тирик ва ҳаракатланувчи жонзотни ўлдириши боисдир, қушни безарар деганинг ҳаракатсиз ва қонсиз донни егани учунми?” – деб сўради. “Ваҳоланки, дон ҳам тирик бир нарса-ку”, – деди. Шунда биринчиси, “Мен моҳиятни англамаганим учун нодонлик қилдим”, – деб узр сўради. Учинчи киши айтдики: “Бўри ўзининг ваҳшийлигидан, қуш эса безарарлигидан беҳабар, фақат сиз уларга шундай маъно бермоқдасиз”. Тўртинчиси айтди: “Нарсаларга маъно бериш фақат сизга хосдир. Берганингиз маъно боис сўзингиз тингланди. Аслида, фақат Тангри ва унинг иродаси бор, холос. Бу ирода олдида на сиз борсиз, на мен, на бўри, на қуш...”

Яна айтдиларки, у ерда бешинчи киши ҳам бор эди. Унинг сўзидан биз беҳабармиз. Чунки, у сукут сақлаган эди...

Тошбақа билан Чаён

Бу ерда бир ариқ ҳам бор эди. Унда сузиб бораётган тошбақа билан унинг устидаги чаён баҳслашмоқда эдилар. Чаён аллақачон тошбақанинг косасига тикирлатиб ниш уриб бўлган, буни тошбақа сезиб, энди маломат қилмоқда эди.

– Дарҳақиқат, ишинг яхшиликка ёмонлик қайтаришдан бошқа нарса эмас, – дер эди Тошбақа. – Ҳозир сени сувга чўктириб ҳалок қиламан.

– Эй нодон, – деди Чаён. – Менинг нишим илдам ингичка, қилдай заиф бўлса, қанча уринсам ҳам бу қаттиқ тошга ўтмаслигини билатуриб шундай деясанми? Мабодо ўтсаю ҳалок бўлсайдинг, умринг бўйи оғир тошни ортмоқлаб юрганинг эвазига мукофотга эришардинг, нишимдан ҳалок бўлганинг учун эса, мазлум мақомини олардинг. Менинг ишим – захрим билан ҳалок қилиш, аммо бу туфайли маломат қилинмайман, чунки белгиланган тақдирим – шу. Аслида, яхшилик қилиш учун ниш уришга ҳаракат қилдим, сен эса маломат қилмоқдасан. Айт-чи, сенга ҳалокат мenden етадими ёки Тангри тарафиданми?

Тошбақа ўйланиб қолди.

– Гапинг тўғри, – деди кейин. – Муборак бир киши нима учун ўзини атайлаб ёвнинг қиличига рўпара қилганини энди англадим¹. Лекин сен ҳам, мен ҳам ғайб маъноларини ифода этиш учун эмас, балки яхшиликка ёмонликнинг оқибати нима бўлишини кўрсатиш учун шу сувнинг ичидамиз. Аслида бу – сув эмас, чунки сен ҳам, мен ҳам маънолармиз, холос. Шу сабабдан ҳам ҳалокатга маҳкумсан. Аллоҳ сендан ҳам, мenden ҳам, тинглаувчидан ҳам рози бўлсин.

Қарға

Узоқ-узоқларда, осмонўпар қоялар силсиласи оралиғида теп-текис, сип-силлиқ Искандар девори кўзга ташланиб турарди. Унга элтувчи сўқмоқ ёқасидаги кекса ёнғоқ шохида бир қарға қўниб олган, тумшуғида ёнғоғи ҳам бор эди.

– Аслида бу қушнинг иши ҳам хабар беришу ўргатишдан бошқа эмас. Бу қавм ўзини жуда муборак деб санайди, чунки ер юзида одам боласи илк бора бошқа одам боласини ўлдирганида, нима қилиш кераклигини қарға ўргатган эди. Ўша воқеа сабаб, булар кеккайишни хуш кўришади, ўзларини жуда доно деб ҳисоблашади. Такаббурлиги боис сўзингга қулоқ ҳам солмайди, сен унинг жаҳлини чиқаришинг керак, – деб шивирлади шамол.

Дарҳақиқат, икковининг яқинлашаётганини кўрган айёр қуш атайлаб тескари қараб турар эди.

¹ *Нажмиддин Кубро.*

– Сен ота-боболаримни, аждодларимни кўрган қушсан, – деб мурожаат қилди Озод унга. – Балки камида минг ёшга киргандирсан? Лекин мен шунча йўллардан ўтиб келганимга қарамай, аввалдан билганларимдан кўра ҳайбатлироқ ҳикматлар йўқлигига ажабланыпман.

Қарға миқ этмади, аксинча, бошқа томонларга зерикиб қараб тураверди.

– Чунки кўрганларимнинг барини болалигимдан билар эдим, – деб давом этди Озод. – Учёнғоқ тепасида учиб юрганнинг кўп марта кўрганман. У ердаги кишилар тақдирларидан норози бўлиб ётишларини ҳам биламан. Шунча ердан ўтиб келганимда англаганим ягона ҳикмат – ҳамма нарсанинг абас экани бўлди, холос. Дилором дейилди, аммо у тирик бўлганида, ҳозир беҳи остида болалигини эслаб кўзёш тўкадиган, меванинг чириган жойини еб севинадиган кекса кампирга айланган бўларди. Ёв дейилди, мен бундан ҳам хатарли ёвларни аллақачондан бери биламан. Балки сен тумшуғингда ҳамма биладиган кўҳна ҳикматни тишлаб ўтиргандирсан у ҳикматининг ҳеч кимга кераги йўқдир?

Қарға Озодга жаҳлланиб қаради-да:

– Эй аҳмоқ! – деди ғазабга миниб, шунда тумшуғидаги ёнғоқ ерга тушиб, тошга урилиб чақилди, ичидаги мағиз тупроқ орасида юмалаб, бир чуқурчага ўрнашиб қолди. – Минглаб ҳикматлардан биттагинаси бўлган лолага етишинг учун сенга қанча зот хизмат қилаётганини кўрмайсанми? У зотларнинг кимлигини қаердан ҳам билардинг? Истак-хоҳишларинг бино бўлиши учун сен кўрмаётган минглаб зотлар йўл кўрсатиб туришипти, ҳалал бериши ё чалғитиши мумкин бўлган ҳодисаларни йўлингдан олиб ташлаб, тўғри маънолар сари йўллашмоқда. Сўз ва ҳикмат айтувчиларнинг айтган маънолари туфайли шу ергача етиб келолганини, йўқса аллақачон ҳалок бўлиб кетишингни англамадингми? Бутун бу босиб ўтган йўлинг ишораларга тўла, улар ўз-ўзидан бино бўлиб қолдими? Сен нодоннинг йўлларинга чиғаноқни ким олиб келди, кўзани ким қумга қўмди, бўри билан қушни ким ёнма-ён қўйди? Аллоҳга қасамки, аҳли маънининг хизматларини англамасдан шу ергача етиб келганимга ҳайронман! Сен бор-йўғи бахтининг ҳикматига етаман деб кетаётган бир нодонсан, холос. Шунга қарамай, ниятинга етишинга хизмат қиладиган маънолар йўлингга атай тўкиб қўйилди, поёни йўқ маънолар денгизидан бор-йўғи битта томчининг ҳикматини зўрға англадинг-у, энди шовқин солишинга ҳайронман!

– Лекин барибир сени чалғитдим-ку? – деб кулимсиради Озод ва мағизни қўлига олди, лекин уни нима қилиш кераклигини билмасдан, у ёқ-бу ёғини айлантриб кўрди. – Мана, ёнғоғингни тушириб юбординг. Аммо ичида дур эмас, оддий бир мағиз бор экан, холос.

– Бефаҳм бандаларингдан ўзинг асрагил, эй Парвардигори олам! – деди Қарға, ҳануз ачиғидан тушмай. – Ёнғоқнинг ичидан дур чиқишини қайдан эшитақолдинг, аҳмоқ? Ақлингни ишлатмайсанми? Дур бўлганида мен қарға эмас, чиғаноқ бўлмасмидим?

Озод ўйланиб қолди. Кейин мағизни чуқурчага яхшилаб жойлади-да, тупроқни шиббалаб-шиббалаб кўмди.

– Хайрият, Танграм сенга шу ишни қилишинга етадиган фаросат берди, – деди Қарға, қониқиш билан. – Нигоҳ сол: Искандар деворининг устида булутлар қуюқлашмоқда. Сал ўтмай чақмоқ булутларнинг бағрини йиртиб юборади, шунда шаррос жала қуяди. Нам мағизгача етиб боргач, бу ёнғоқ ниш уриб кўкара бошлайди. То сен кексайгунингга қадар у баҳайбат дарахтга айланади, меваларининг ичида мағиз эмас, дур бўлсаям ажабмас. Балки ўшанда сенинг ўғлинг ҳам мана шу йўлдан ўрлаб келиб қолар? Ўшанда мен, сен эккан шу дарахт шохига қўниб, ўғлингга сенинг нодонлигингдан бир ҳикоят айтаман!

Шундай деб у қанот қоқди-да, шовилмасдан узоққа – Искандар девори тарафга учиб кетди.

– Осонгина гапимга кўндирдим-ку, – деди Озод, унинг ортидан қараб. – Сен айтганчалик ақллига ўхшамайди у.

– Кўп йиллардан бери биров бу тарафга маъни излаб келмас эди, шу сабаб атай ўзини содда кўрсатди, чунки ёнғоғини тушириб юборадиган даражада ҳайбатли бир гап айтишингни жуда истади, – деди шамол. – Сенга отларнинг ривоятидан баҳс этганим эсингдами? Сафар олис, манзил узоқ, етгунимизча ўша ривоятни тинглаб бор, ундан ҳар бир отнинг хабари бор.

Аравага кўшилган отлар ҳикояси

Баҳор эди. Сафсар, сариқ, қизил гуллар очилган, тошлар орасидан ҳам гуллар ўсиб чиққан эди.

Нарироқда эски ва кўҳна бир арава кўринар, ҳайбатидан оғир ва залворли экани сезиларди. Қорайиб кетган тери қайишлари осилиб турар, бўйинтуруқ ёғочи ҳам ёрилиб-ёрилиб кетган, аммо метин-мустаҳкам эди.

Қир устида икки ёш, дуркун тойчоқ типирчилаб чопмоқда эдилар. Ғайратию шиддати кўкка сиғмасди. Бири бия, бири той, учқургина, оёқлари ингичка, жуда чиройли отлар эди.

Даштнинг сарсари шабадаси ёмғир исини олиб келди. Салдан кейин баҳор жаласи куйиб юборди. Томчилар отларнинг чиройли ёлларида, узун-узун киприкларидаю қопқора кўзларида йилтиради. Жала ботиқларда кўлмаклар ҳосил қилди, уларда пуфакчалар биқирлади. Тойлардан бири чопишдан туйқус тўхтаган эди, иккинчиси ҳам унга қўшилиб тўхтади. Бири энгашиб сув ичди, иккинчиси ҳам шундай қилди. Бия қаттиқ кишнади. Оёқ остида беда ҳам ўсган эди, чимдиб-чимдиб ейишди. Кейин бир-бирларига суйканганларича яна чопиб кетдилар, сал ўтмай қир нарёғида кўздан йўқолишди.

Жала тасир-тусир қилиб чунон қуйди....

Анчадан сўнг улар яна пайдо бўлишди. Той асовроқ ва шиддатлироқ экан, сувулой сачратиб чопа кетди. Атрофни бир айланиб қайтиб келиб, шеригининг рўпарасида тўхтади. Яна бир-бирларига суйкандилар. Той чўзиб кишнади.

Шундан кейин улкан бир кўл ҳар икки отни ҳам аравага кўшди. Иккалови ҳам оғир бўйинтуруқ остига киришди.

Иккита катта, арава шотисига маҳкам михланган бўйинтуруқ буларга катталик қилмоқда эди. Ҳар ҳолда гавдалироқ отларга мўлжаллаган бўлса керак, тойларнинг ингичка бўйинларида маҳобатли кўринмоқда эди. Хиёл ўтиб, ўша кўл отларга қамчи урди, арава оғир ғичирлаб, лойларга қоришган майсаларни эзиб ўрнидан кўзгалди. Бирпасда қир учига чиқиб олишди, қаршиларида бепоён дала намоеён бўлди. Ёмғир тинган, булутларнинг оралари очила бошлаган, даланинг ҳар тарафи ўту майса бўлиб, орасида битта-иккита қизгалдоқ қип-қизариб турарди.

* * *

Ҳар тараф гулу чечак эди. Кунлар тобора исир, ёмғирлар тобора кам ёғар, кун ўтгани сайин ўтларнинг туслари ўзгариб қуруқшамоқда, энди туш маҳаллари иссиқ жазирамага айланиб бормоқда эди. Баҳор адоқлаб, ёз яқинлашаётган эди. Ҳар нарса гулларини тўкиб бўлган, кечаги куртакнинг ўрнида бугун мевалар ва уруғлар етилмоқдайди.

Отлар гоҳо тин олар, арава тўхтар, икковлон ён-вериларидаги ўтлардан чимдиб-чимдиб ейишар, гоҳ тик турган ҳолича мизғир ҳам эдилар. Булар дунёга келишганидан бери айрилишмаган, доим ёнма-ён эдилар, энди эса тақдирнинг иродаси ила кўш бўйинтуруққа қўшилган, аравани ҳам бирга, баб-баравар тортиб боришарди. Теварақда бошқа ҳеч ким йўқмиди? Гоҳо узоқларда яна қандайдир шарпалар кўрингандай бўларди, улар ҳам аравани тортиб бораётган отларга ўхшаб кетарди... ростдан ҳам шундайми, йўқми, билиш қийин эди.

Гоҳо кечалари ўша кўл буларни бўйинтуруқдан озод қиларди. Аввалбошда тутқунликдан халос бўлган тойлар ёшлик шиддати ила у ёқдан бу ёққа чопиб уйнашган бўлса-да, бундай завқибликлар тез орада барҳам топди. Отлар арава ёнидан кетмас бўлдилар. У кўлга ажойиб бир садоқатлари бормиди? Ҳар ҳолда асов, ёввойи бу махлуқларнинг ўша кўлга лом-мим демай бўйсунлишлари ҳайратланарли эди. Аравадан халос бўлишганида улар шу атрофда секин-осойишта ўт чимдишар, кавш қайтаришар... осмон узоқ, ер қаттиқ, олис кўкларда юлдузлар беҳис живирлаган кечаларда баъзан бир-бирларига суйканишар ҳам эди.

Баҳорнинг ёмғирларида кўпчиган тупроқ озғинлашиб қуруқшамоқда, ўтлар ҳам аввалгидай серсув эмас, кўлмак сувлари илиб қолган, ҳар тонг қуёш араваси имиллаб кўк тоқига қараб йўлга тушар, шом манзилига ҳориб-чарчаб етиб келганида қоронғилик чўка бошлар... кунлар ана шу алфозда бирин-кетин ўтар эди.

Бир куни саҳарга яқин бия безовталана бошлади. Бўйинтуруқ қайишлари бўйинини маҳкам қисиб турарди, ҳарчанд уринмасин, халос бўлолмас, аъзойи бадани дир-дир титрар, кўзлари олайиб кетган эди. Ёнидаги той бошини бошига суйкади, енгил кишнади, бу кишнашда ҳамдардлик маъноси борийди. Той йўлдошига нима бўлганини тушунолмаётган эди. Бўйинини чўзиб олган бия ҳам қаттиқ зорланиб кишнади, катта-катта қора кўзларидан ёш оқа бошлади. Йиғлармиди? Отларнинг йиғлаганини ким кўрган? Аъзойи бадани катта-катта тер томчилари билан қопланди, ниҳоят, енгил тортиб, бўйинтуруққа ҳолсиз-мажолсиз осилиб қолди. Ингичка оёқлари дир-дир титрар, бурун парраклари керилиб, қаттиқ-қаттиқ нафас олар, саҳар салқинида нафаси буғ бўлиб чиқар эди. Шу маҳал қайдандир ингичка, шодон кишнаган товуш янгради, иккала от ҳам бўйинларини буриб қарашди: ҳозиргина дунёга келган, териси ҳали шилимшиқ тойчоқ туёқлари қалтирай-қалтирай, шудрингдан нам ўтлар устида тойғона-тойғона зўрға қад ростлаётган эди. Лекин ҳар қадам босганида дадиллаша борарди, ниҳоят, туёқлари ҳануз қалтираганча онасининг қошига келди, бия уни ялади, кейин чўзиб кишнади. Тойчоқ искалана-искалана, онасини эма бошлади.

Той ҳам чўзиб кишнади.

Сарсари шабада ифор исини таратар эди. Юлдузлар живир-живир кўз қисижарди. Шу тариқа икки от учта бўлди.

Энди арава қўшилган икки от олдингидай илгарилар, ортидаги озод тойчоқ эса гоҳ ўйнаб чопиб кетар, гоҳ ерга чўккалаб, кўрққанидан бошини косаси ичига тортиб олган тошбақа боласини искаб кўрар, гоҳ ўтларни чимдиб ер, аммо сабри чидамай, яна шаталоқ отиб чопиб қолар, узоқроққа кетганида бўйинтуруқ ичидаги бия чўзиб кишнар эди, баъзан бўйинтуруқдан чиқишга уриниб типирчиллаганида, қайишлар бўйнига чуқур-чуқур ботар эди.

Аравага қўшилган икки от ва бир тойчоқ ана шу тарз уфқ томон кетиб борар эдилар.

Ёз шу алфозда ўтди. Отларнинг гавдалари чанга ботди, ёллари дағаллашди. Лекин битта ҳолат ўзгармасдан давом этар: улар уззукун бир хилда йўл босижарди. Энди ўтлар баҳордагидай мўл-кўл эмас, кўлмаклар ҳам озайган, отлар анча бақувват тортиб қолишгани боис буни писанд қилишмасди. Гоҳо ўтлоққа чиқиб қолганларида бир оз тўхтар ҳам эдилар. Бия кишнар, тойчоғи чопиб бориб ўтлай бошлаганида булар ҳам аравани судраб ортидан эргашишарди. Бир ўт чимдиб, бир тойчоққа қарар эдилар. Икковининг ҳам ёшлик шиддати анча сусайган, аммо қувватлари ошган эди. Айғирдан куч ёғилиб турарди, қадамлари вазминлашганига қарамай, аравани енгилгина тортиб кетмоқдайди. Орада куз келди, ортидан қиш қиличини кўрсатди. Яна баҳор бўлди, яна кунлар исиди. Ёзнинг адоғида тагин икки тойчоқ туғилганини айтмаса, бу орада айтарли ҳеч қандай воқеа рўй бермади. Энди арава ортидан учта тойчоқ югургилаб, ўйнаб чопар эди.

Вақт шу зайл ўтди. Яна куз келди.

Тупроқни тамоман лойу балчиққа айлантириб эзгин ёмғирлар ёғди. Осмон бир хил қорамтир булутлар билан қопланди. Майсалар сарғайиб, уруғларини сочиб юборишди. Энди отлар кўпинча ёмғирда ҳўл бўлган ўтларни ер, туёқлари тойғона-тойғона аравани тортишда давом этишарди. Тойчоқлар ҳануз ўйноқлашини қўймас, гоҳ тўхтаб, узоқларга қараб қолишарди. Олисларда тоғлар борийди, улар ёзда кўкимтир тусда бўлса, ҳозир қорайиб кўринмоқда эди. Тойчоқлар қоп-қора кўзларини ўша ёққа тикиб қараб туришарди-да, бирданига яна лой сачратиб арава ортидан чопиб кетишарди.

Арава эса ҳануз ўша: эски, кўҳна, катта ғилдираклари бир маромда айланар, гоҳ чуқурга тушганида отлар зўриқишар, қайишлар ишқаланган елкаларининг юнглари тўкилиб, тери ости кўриниб қолган эди. Узоқ бу сафарда иккала от ҳам анча озди, энди елка ва ўмров суяклари туртиб чиқиб турар, айғирнинг ҳам қовуғалари саналиб қолганди.

Кеч кузга борганда далада ўтлар деярли қолмади ҳисоб. Ортидан қиличини кўрсатиб қиш ҳам келақолди.

Энди арава ва отлар кимсасиз яйдоқ даланинг қор босган ўйдим-чуқурлари аро имиллаб кетиб бормоқда эди. Қайишлар ёзнинг жазирамасидаю кузнинг ёмғирларида қорайган, аммо ҳануз пишиқ ва мустаҳкам, “ажабо, қайси ҳайвоннинг терисидан ошланган экан”, деган ўй келарди хаёлга.

Араванинг устига айлангириб темир қопланган, баъзи ерларида михлари бўртиб турган ғилдираклари қолдирган изга ёққан эриган қор суви қорайиб тўпланади, лойга араллашиб, балчиққа айланади. Ғилдираклар сув теккани боис оғир ғижирлаб-ғийқиллайди. Осмонда тунд, кулранг булутлар туриб қолган, улар сузмайдилар. Бу ҳавода не учундир шабада ҳам йўқ, теваракни совуқ эгаллаб, турғун бўлиб олгандай. Бор-йўқ манзара шу – кимсасиз, йўлсиз дала, узоқда ўсган қандайдир баргсиз довдарахт, теп-текис кўрингани билан аслида ўнқир-чўнқир дашт... ва шу даштда аравани ҳануз тортиб бораётган икки от...

Отларнинг катта-катта кўзларида энди мутеълик сезилади. Мудҳиш бир бўйсунуш ила тортиб боришади аравани. Гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг оёғи тойиб, мункиб кетади, ҳар ер-ҳар ерда қор эриб, ичида музлари сузиб юрган кўлмаклар ҳосил бўлган, аммо нима сабабдандир у кўлмаклардан ҳовур кўтарилади – баъзан отлар ана шундай кўлмаклардан сув ичиб олишади. Чап ҳам, ўнг ҳам адоқсиз оқлик, баъзи ерларида бултурги гиёҳларнинг қорамтир учлари тиккайиб чиқиб турган шу макон... майдондаги ёлғиз арава... хўмрайган осмон... бор-йўқ манзара шу, холос.

* * *

Шом маҳали олисда қорларнинг чангини тўзғитиб қанақадир ҳайвонлар пайдо бўлишди. Узоқдан уларнинг қанақа ҳайвон эканини билиб бўлмас эди. Улар учта ёки тўртта, қорни тўзғитиб чолиб келишмоқда эди. Қор сочишидан куён деб тахмин қилса бўларди, чунки гоҳо куёнлар қор устида ана шундай ўйнашади. Лекин отлар бирданига безовталаниб қолишди, эркаги бурнини кериб қаттиқ пишқирди, урғочисининг кўзлари олайиб, бошини яна силтай бошлади. Ортдаги тойчоқлар ҳам типирчилашди, улардан бири ингичка овоз билан кишнаб юборди.

Қор тўзони ва уни ҳосил қилаётганлар яқинлашиб кела бошлашди. Гавдалари куёндан анча катта, ранги ҳам қорамтир эди, шунда уларнинг чиябўрилар экани аён бўлди. Чиябўрилар тўдаси ҳалокатли бўлади. Буларнинг саноғи уч-тўртта эмас, анча кўп эди.

Айғир тери қайишларни узмоқчидай силтана бошлади, қайиш хира йилтираб турган жигарранг тусли терисига чуқур ботиб кетди. Урғочиси ўзини ҳар ён ура бошлади. Ортдаги тойчоқлар кўкка сакрашди. Араванинг битта ғилдираги қанақадир чўнқирга тушиб, хиёл қийшайганча тўхтаб қолди, отларнинг типирчилашларига жавобан у ҳам силтанар эди.

Чиябўрилар етиб келишганда иккала отга ҳам ғайритабиий кувват қуйилиб келди, уларнинг типирчилашларидан арава залворли чайқаларди. Ёш тойлардан бири чиябўрилардан ҳуркиб, ортга қараб чопа кетди. Чиябўрилар тўхташиб, бир аравага, бир лой сачратиб чопаётган тойчоққа қараб туришди-да, гала бўлиб тойчоқ ортидан чопишди. Отлар яна зорланиб кишнашди, айниқса бия жон аччиғида типирчилар эди. Мана, чиябўрилар тойчоққа етиб ҳам қолишди, бири орт томонидан сакраб, сағрисига тишларини ботирди, тойчоқ мункиб кетди. Қолганлари ҳам ташланишганида, атрофни қоронғилик ўраб олди, унинг ичидан тойчоқнинг ингичка кишнаши эшитилди-ю, шу билан ҳаммаёқ тинчиди...

Тақдирга тан берган отлар эртасига яна йўлда давом этишди. Энди арава ортидан иккита той югуриб борар, уларда аввалги ўйноқилигу шиддат сезилмас эди.

Кечга яқин яна гупиллаб қор ёға бошлади. Ҳаммаёқ оппоқ қорга бурканди. Арава ботиб қолди. Ғилдираги тушиб қолган жой анча чуқур экан, отлар ҳарчанд уринишмасин, чиқавермади. Шу совуқ ҳавода ҳам таналарини тер босган, елкаларидан ҳовур кўтариларди. Айғир бутун кучини йиғиб яна бир зўр берган эди, ғилдирак чуқурдан чиқди. Шу маҳал айғирнинг туёқларидан мадор қочди, у бўйинтуруғига осилиб типир-

чилай бошлади. Қаддини тутиб туришга мажоли етмас, лекин шунда ҳам туришга интилар эди. Бия довдираб, қаттиқ кишнади, ортадаги тойлар айғир атрофида айлана бошладилар. Улкан боши лойларга қоришди, узун ёллари балчиққа беланди. Қаттиқ хансирар, нафасининг ҳовури қорни эритарди, озод тойларнинг бири келиб, унинг бошу кўзини ялади, бошқаси ҳам келиб, бўйнига ишқаланди. Айғир қаттиқ пишқириб нафас олди, кейин жимиди.

Арава шу ерда туриб қолди.

Шунда ўша улкан қўл бўйинтуруқни кўтарди, тери қайишларни узди. Бия ҳам халос бўлган эди. У айғирнинг атрофида айланиб искади, кўзларида ҳануз мутеълик ва бўйсунуш ифодаси бор эди. Ажаб, кўз ранги ўзгарган, бир маҳаллардагидай қоп-қора эмас, балки сарғиш-жигарранг тусда, вужудидаги шиддат ва шавқ аллақачон йўқолиб битган эди. Икки биқини чандиқ бўлиб кетган бу от йўлдошининг ёнига чўк тушди, бўйинни бўйнига қўйди.

Кеча жимжит эди. Тойчоқлар аҳён-аҳён пишқиришарди.

Бу тунда яна нималардир рўй берди. Аммо зулумот шаклларни кўздан яширди, фақат овозлар қолди, холос. Ёғаётган қор эса овозларни ютиш хусусиятига эга эди, шу сабаб тахмин қилишнинг иложи бўлмади. Бироқ тонг отгунига қадар ер юзининг мана шу жимит қисмида ҳаракат тинмади. Тонг отганида эса бия ҳануз йўлдошининг бўйнига бўйинни қўйиб ётгани кўзга ташланди. Устини қоплай бошлаган қор эримас, ҳорғин кўзлари очиқ, қароғида томчилар оқаринқираб музлаб қолган эди.

Икки тойчоқ оналарининг ҳам жон берганидан ҳали беҳабар, нарироқда қор титкилаб, емиш ахтармоқда эдилар.

Бу тонг ўзи билан илиқ шабадани олиб келди, қайлардадир музлар ёрилди, унинг эсишида баҳор нафаси бор эди.

...Тойчоқлар ҳали ёш эдилар, шу сабаб мусибатни тез унутишди. Яна баҳор келди, тупроқдан майсалар униб чиқди, қушлар шодон чуғурлашди. Теварак илиқ эпкинларга тўлди, кўкда қалдирғочлар учдилар, мусичалар кукулашиб, ин қургани жой ахтаришди.

Баҳор теваракни жўштириб юборди. Икки той жунбишга келиб, ўру қирларни гир айланиб чопишди.

Чопа-чопа арава турган ерга келиб қолишди. Каттароғи бир нимани эслаган каби арава яқинига келди, тумшугини чўзиб ҳадиксираб искаб кўрди.

Арава оғир-вазмин, ёғочлари ёрилиб-ёрилиб кетган, каттакон ғилдирагининг теграсига гир айлантириб темир қоқилган эди.

Шу маҳал ўша улкан қўл уларни суриб бориб аравага қўшди.

Отларнинг гавдаси кичик бўлгани учун бўйинтириқ катта келган, ингичка бўйинлари бу улкан бўйинтириқ остида янаям ингичкалашгандай туюларди.

Кўҳна арава ғилдираклари ғижирлаб жойидан кўзғалди...

– Отларнинг кўзида бўйсунушдан бошқа ифода кўрганмисан, болам? – деб сўради шамол Озоддан, отасининг товуши билан. – Улар ўша қўл эгасидан бошқани танимайдилар. У манзарада қўл эгасидан бошқа ҳеч ким йўқлигига диққат қил – сен бунга ўзга маъно берасан, садоқат деб атайсан ва саодатнинг калитини садоқатда деб биласан. Дарҳақиқат, у мутеълик аслида буюк бир иноятдан ўзга эмас, кошки шундан ҳам бир ўгит олсанг.

У тобора кучаймоқда, ўт-ўланлар эгилиб-букилмоқда эди.

– Инсон боласининг ҳаёти маънолардан иборат эканини энди яхши биласан, – деди у, Озоднинг устида чарх ураркан. – Бошқа ҳамма нарсаларнинг ғорат бўлиб кетишини, фақатгина маънолар қолишини ҳам биласан. Лекин шарқдан булутлар сурилиб-мингашиб келмоқдалар, уларнинг қуюқлашган ораларида чақмоқлар бино бўлмоқда. Ҳозир унинг овозини эшитасан, ўзини ҳам кўрасан!

Дарҳақиқат, самода қора булутлар қат-қат уйилиб, бир-бирининг устига мингашиб сурилиб келган, совуқ жала эпкинни бот-бот уфурмоқда, бу эпкин бегона эди, унда шиддат ва жанг сурони борийди.

Шу ўзгаришлар остида далада бир кимса бандидан синган чечаклар устида хомуш ўтирар эди.

– Маънидан баҳс этилди, – деди шамол. – Бу киши ҳаёт маҳали маъно оламига сен каби ҳайрат ила тортина-тортина кириб келаётган бўз болаларнинг қалбидаги митти дурни илғар даражада истеъдод эгаси эди. Атрофидагилар кибру ҳаво ичида эл-юртни маломат қилганларида, ўтлоқлар аро олов ёқиб, таомлар пишириб ўйин-кулги қилишганида жони озорланган, ҳар бир гулнинг синган қаддини тиклайман дея уринганлардан бири эди. Сен олдинда маломатчиларни кўрасан, уларнинг ким эканини қайдан ҳам билардинг? Бир-бирини итариб-суриб чўққидаги лола сари интилган оломонни эсладингми? Кибру ҳаво аҳли ана ўшалар эдилар. Бошқалар чечакларни тепкилаш билан овора эканлар, бу киши авайлаши кераклигини билган эди. Қиёматдан баҳс этилди, энг сўнгги гул қаддини тиклаган пайт рўй беради қиёмат бу киши учун. Майсаларнинг остида кимлар борлигини билдинг-ку? Ана ўшанда ҳамма майсалар бу кишининг ҳаққига “Сендан Аллоҳ рози бўлсин!” деб нидо қилиб хазонга айланадилар..

Озод шоён мутаассир эди.

Тўсатдан булутлар орасидан кўзни олғудай чақмоқ ялтиради, ортидан овози келди – момақалдироқ тевараки титратиб юборди. Эпкин шиддатланди, нам тупроқ ва тошларнинг иси анқиди атрофда. Ўтларни ерга эгиб-юлқилаб, бот-бот тўлқин урмоққа бошлади чақмоқларнинг шамоллари.

– Бу ерда кўришинг керак бўлган ҳодисаларни кўриб бўлдинг. Юр мен билан бўлак ҳаволарга, бўлак манзилларга, – деди шамол ва Озодни ўраб-чирмаб олди.

Маломатчилар

Пастда, дашту биёбоннинг бир четида бир тўда киши кўринди. Атрофда фақат сарғайиб-қуриган шохчалар, буталарнинг қуруқ таналари, туссиз ва рангсиз ўлик тупроқлар устида жаврашиб ўтирган бу кишилар нима учундир шўх-шодон, қандайдир таом пишириш билан банд эдилар.

– Булар кимлар? – деб сўради Озод, кўрганларига ақли ишонмай. Кимсасиз даштда, на сув, на емиш бор бу жонсиз кенгликларда кишиларнинг таом пишириб, ўйнаб-кулишлари ақлга сиғмас эди.

– Булар бахтдан беҳабар, маъни уқмас кишилар, – деб жавоб қилди ҳамроҳи. – Бутун умрлари давомида қилар ишлари турли таомлар пишириб қорин тўқлаш, теварақда кўринган неки борни маломат қилишдан иборат. Сен ўтган манзиллардан улар ҳам ўтишди, панду насиҳатларни ҳам эшитишди, аммо маънисини ақлларига етиб бормади. Вақти келиб бу кишилар ҳам сўз айтиш неъматидан маҳрум этилгач, шакли инсон асли ҳайвондан иборат махлуқлардан фарқи қолмайди. Кўзлари маъно касб этмай кўяди, ранглари қорайиб, терилари таналаридан палахса-палахса бўлиб ажралиб тушади, шу тариқа инсонлик мақомидан чиқиб, ҳайвонликдан ҳам тубанга тушадилар ҳамда кун келиб жонларини жабборга топширганларида, ер остларининг жирканч махлуқларига айланиб кетадилар.

Чўл ўтинлари чирс-чирс ёнар, кўкимтир тутун тепага ўрлар, бу давра не учундир хушнуд ва хушчақчақ, оғизларидан сўлақлари оққанча таомнинг пишишини кутар эдилар.

– У ҳолда бу кишиларнинг мавжудиятидан мурод не? – деб сўради Озод.

– Мавжудиятидан мурод? – деб сўради шамол. – Ўзлари шу йўлни танлаб олишди-ку? Боя йўлда кўрганнинг кишилардан фарқ қилиб, булар ўз тақдирларидан розидирлар. Ҳамма орзулаган июнлар бу жонзотларга керак эмас. Оловда исиниш, ҳиринг-ҳиринг кулиш ва дуч келган нарсани ейишдан бошқа қилар ишлари йўқ. Мана шу рангу туссиз, маънисиз ҳаётларида яна абадиятдан ҳам умидворлар. Сен кўрган Хоин ўзининг хоинлигини, ёв ўзининг ёвлигини билар, шу боис ҳам изтироби ичида Парвардигорнинг марҳаматидан умидвор эди. Ҳатто бадбахт маймунлару кўзи кўр қуртлар ҳам кун келиб, тақдирларининг ўзгаришини билганлари сабабли, жонли тимсол сифатида яшаганлари учун Тангри розилигини истаб дарахтлар устида масхара бўлиб ёки

каваклар ичида умр кечириб юришади. Булар эса кибру ҳаво ичида ўзларини олам гултожи деб ўйлайдилар. Булар ҳам сенинг элингандир. Билиб қўй, Тангрим яратган барча махлуқларнинг орасида энг даҳшатлиси мана шулардир! Нега юзингни терс ўгирмоқдасан?

– Қўй, уларни кўрсатма менга, – деди Озод, озорланиб. – Бу кишиларнинг бутун туриш-турмуши мени кўрқитмоқда, шу ҳолимда, “шундай кишиларга рўбарў келишдан ўзинг асрагин” деган калимадан бошқа сўз ақлимга келмаяпти.

– Имон билимдан ҳосил бўлишини англамаган қавмдир бу, – деди шамол, Озодга раҳм қилиб. – Бу кишиларнинг ўйин-кулгиларини, айшу сафоларини, кибру ҳавога тўла лафзларини эшитишни истайсанми? Ораларида ўзларини мадҳ этувчи шоирлари ҳам бор, уларнинг назмини тинглашни истайсанми?

– Ҳаргиз у томонга юзимни буришга ундама мени, – деди Озод терс қараб. – Зотан, бу ёққа келишда хаёлимга ҳам келмаган кўп нарсаларни англаб етмоқдаман ва англашимда кўмак берганинг учун сендан миннатдорман. Истасанг яъжуж-маъжужлар ичига бошла мени, истасанг ер остларининг тубсиз дарёлари томон етакла... аммо бу қавмдан мени узоқ тут.

– Тўғри айтдинг, – деди шамол, қониқиш билан. – Булар – мардудлардир. Булардан ҳам бебахтрроқ яна бири бор – ҳозир уни ҳам кўрасан, шомларни титратадиган кичкиригини ҳам эшитасан. Уни Муртад дейдилар.

Муртад

Дашту биёбоннинг сўник қумлари аро бир киши тентирайди.

У – озғин, юзлари қорайиб кетган, бармоқлари қийшиқ, кўзларида жаҳаннам ўти ловуллаб турадиган бир кимса. Далва-далва кийимларини шамол юлқилайди, яқинлашса қушлару ҳашаротлар ҳуркиб нари қочишади.

У бир нималарни гапирмоқчи бўлади, аммо бўғзидан тушунарсиз товушлар чиқади. Майсага оёғи илашса ҳам, тошга қоқилса ҳам, устига бир қуш ахлатини ташлаб кетса ҳам ўзича ғўлдирайди.

Гоҳо қорамтир тирноқлари кўчиб кетган акашак бармоқларини кўкларга чўзади, ҳавони ғижимламоқчидай чангалини очиб-юмади, ғудранади. Кимгадир нимадир деяётганини илғаш мумкин, аммо гапларини тушуниб бўлмайди.

Буталар орасида емиш тиланиб чирқиллаётган қандайдир қушнинг полапонини ушлаб олади-да, тириклай ғажий бошлайди. Оғзида патлари билан яланади, кейин яна йўлида давом этади. Сувсаганида янтоқнинг поясини узиб олиб чайнайди. Шу кетишида тошхайкал олдидан чиқиб қолади. Маъсума бир қизни эслатадиган тош олдида ниманидир эсламоқчидай, пешанасини тириштириб узоқ ўйланади, бироқ эслай олмайди, бундан алами келиб “Ҳо-ҳо-ооо!” деб чўзиб қичқиради. Узундан-узоқ бу қичқирикни шамол олиб кетади, бу қичқирик аксланмайди, балки ҳавога ва қумга сингиб йўқ бўлиб кетади.

Тонгларнинг шудрингларини сочиб-социб, жазирамаларнинг иссиғида товонлари ёрилиб-ёрилиб, қаҳратонларнинг музламаларида оёқ-қўллари совуқ ура-ура ана шундай кезинади бу банда.

Кин ва қаҳрга тўла кўзлари олазарак боқади атрофига. У кимдандир, нимадандир ғазабнок, аламонк, аммо кимдан ғазабланганини эслолмайди, шуни эслашга уриниб бадар кезинади. Бир маҳаллар юзини, қўллари совуқ урган, шундан қорайиб-қорайиб кетган.

Узоқларда кучугини эргаштириб бир одам кетиб боради, юзи қора киши унга анча термилиб туради-да, бир нимани эслагандай, ортидан югура бошлайди. Ҳарчанд югурмасин, кучук етаклаган киши билан орасидаги масофа қисқармайди, балки узоқлашади. Юзи қора банда қум устига йиқилади, шунда ҳам олдинга сургалишга уриниб, бир неча қулоч суринади ҳам... яна қараганида уфқ бўм-бўш... ҳеч кимса кўринмайди. Шунда у осмонга қараб яна “Ҳо-ҳооо!” деб қичқиради.

Санқий-санқий, туз чўлидан чиқиб қолади. Бироқ, чўлнинг тубсиз қумлари уни ютмайди. Қум узра, қаерда кетаётганини ҳам идрок этмасдан одимлаб ўтиб кетади. Изидан туз тўзони кўтарилади-ю бирпасдан кейин ўз-ўзидан тинади.

Тепасида жуда баланд, жуда узоқ осмон, оёқ остида қаттиқ ва забонсиз ер... юра-юра Ойдинкўл соҳилидан чиқиб қолади. Ҳайвон каби ерга ётиб, тили билан ялаб-ялаб сув ичади, мамнун бўлиб яна ғўлдирайди ўзича, бошини қийшайтириб сув тубига қараб туради-да, сокин-осойишта сузаётган балиқлардан бирини илкис ҳаракат билан тутиб олиб ямлайди. Балиқнинг думи унинг оғзида жонсиз-жонсиз қимирлайди.

Ойдинкўлнинг сувлари беозор жимирлайди. Жилвалар унинг ёдига яна ниманидир солади. Сувга термилиб узоқ ўтиради, маънисиз кўзларида бир лаҳза, атиги бир лаҳзага нимадир милт этади.

“Ҳо-ҳооооо.....” дейди ғўлдираб, умидсиз, илинжсиз... Сувга тикилиб узоқ ўтиради, кейин бирданга недандир руҳланиб кетади. Тополмаётган нарсасини топган каби, англмасиз ёввойи қувонч балқийди кўзларида, сувларни атрофига соча бошлайди.

Унинг ортидан сояси бетиним эргашиб юради. У Муртадни бетиним маломат қилади.

* * *

– Сувга тушганинда мени йўқолади, деб ўйладингми? – деб сўрайди ҳамроҳи.

Қора одам индамайди, тушуниксиз нигоҳини унга тикиб, яна ғўлдирайди.

– Дилингда бир маҳаллар илинж аралаш қўрқув илвираганини билмасмидим? – дейди соя. – Нариги дунёни кўрмоқчи эдинг-ку! Фаришталар, қабр азоби... савол-жавоб қандай бўлишини билмоқчи эдинг-ку!

Муртад индамайди, ерга ётган бир хасни олиб, айлантриб кўради, кейин оғзига солиб чайнаганча, кўзларини лўқ қилиб унга термилади.

– Ўзингнинг тепангда ўзинг қаққайиб туриб қолганинг эсингдами? – деб давом этади ҳамроҳи. У жуда қуюқ, шу боис ҳаддан ташқари қора бўлиб кўринади. – Ёруғ дунёдаги ҳаётим тугади деб ўйладинг. Бироқ, остларидан дарёлар оқиб турувчи анҳорлар ёки ловуллаб ёнган дўзах нишонлари кўзга ташланмади – атроф қандай бўлса шундайлигича, ўзгармасдан қолди, ҳайбатли сўроқ фаришталари келмади, тошлар орасида, синган майсалар устида бир ўзинг туравердинг. Эслаяпсанми?

Муртад индамайди.

– Яъжуж-маъжужлар сенга тегмасдан питирлаганча ён-верингдан ўтиб кетишди. Ҳаммаси пастликка – Дилором томонга селдай оқиб бормоқда эдилар. Уларнинг кўкимтир кўзларида шошқинлик ва саросима кўрдинг. Сўнг булутлар сурилиб келди, қаттиқ шамол эсди. Осмон ёрилганида... тоғлар парчалангудай бўлиб чақмоқ яллиғланганида ақлу ҳушинг ўзингда эди. Чақмоқ чақилган жойидан осмон ёрилганини, ёрилган жойидан кимлардир ер юзига тушиб келганини ҳам кўрдинг. Осмон ёриқларидан энди кўкларга кетсам керак, руҳимни кўзага солиб, ҳарир матога ўраб осмонлар оша кўк тоқигача етказишса керак деб ўйладинг. Йўқ, аксинча, сени ер қаърига судраб кетдилар. Экинлар униб чиқадиган ҳосилдор қатламдан сўнг тошли қатлам, ундан сўнг яхлит харсанглар... уларнинг остида эса ер ости қоялари бор экан. Энди эсладингми?

Муртад маъносиз кўзларини ерга тикади, бир ҳашаротни ушлаб эзғилаб кўради, уни егиси келмайди.

– Сен ҳам, мен ҳам ер ости қояларининг остидаги жим оқадиган сокин қора дарёларга етиб бордик, – дейди соя. – Қоронғилик қаърида сувнинг музлиги худди олов теккандай. У дарёларда аллақандай махлуқлар бор эдилар. Бу ердаги кишилар ҳаво етмай бўғилиб-бўғилиб, гоҳ сув остига чўкиб, гоҳ сув бетига қалқиб-қалқиб яшашмоқдайди. Улар ер ости дарёларининг юзаларида бўлиб, остларида яна кимлардир бор, аммо ким эканликларини билмас эдинг. Улар шу қадар кўпки... бир-бирини ғажимоқда, “сен бўлмасайдинг мен шу кўйга тушмас эдим” дегандай, бир-бирига ҳолсиз-ҳолсиз ташланиб, бир-бирининг томоғини беҳол-беҳол чайнашмоқда эди. Мадори қуриганидан қаршилиқ ҳам кўрсатолмай, кўзлари олайган ҳолда жағларини базўр қимирлатишарди... гўё “бир-бирингизни енг” деган ҳукм келгани каби. Бу ҳукм қандай

келишини биласанми? Бир майса ўзининг униб чиқишини ўз ҳолича тўхтата оладими? Бир тирик одам боласи ўзининг кексайишини тўхтата оладими? Ҳукм ана шундай келади: ҳукм келганида, истаса-истамаса ғажийверади. Эслаяпсанми? Ким эканингни, қандай муртад бўлганингни хотирлаяпсанми? Сен Дилоромни дея муртад бўлган одам эдинг, эй бадбахт!

Бу сўзни эшитиб, Муртад қора юзини самога қаратади, кўк кўзларида юлдузлар хира аксланади. Осмондан юзига бир-икки ёмғир томчиси тушади. “Ҳо-ҳоо!” дейди у чўзиб, маъюс.

– Инсонни истаб муртад бўлиш ҳам мумкин эканми? Мурғаклигиндан қулоғингга қуйилган, юрагингни тубларига қадар ўрнашган ва ақл билан тасдиқ этилган нарсалардан воз кечиб бўларканми, эй бадбахт? – дея маломат қилади уни сояси. – Сен ўз ҳаётиңда Тангрини таниган, буйруқларини ва иродасини тан олган, ҳамма сингари жаҳаннамидан кўрқадиган ва жаннатдан умидвор бир банда эдинг. Қошингда ҳодисалар ўз тилларида, ўз ҳолларича сўзлар, сен ҳам ўз ҳолингча эшитардинг. Бир куни кўчада Эраннинг жуда бадбашара кучугини кўрган эдинг. “Нақадар бадбашара экансан!” деганингда, кучук тилга кириб, “Эй одам! Нақшни айблаяпсанми, наққошними?” деб маломат қилганида ҳушдан кетар даражада кўрққану нодонлигиндан ҳўнг-ҳўнг йиғлаган ҳам сен эдинг. Сабаби, сен ҳам нақш эдинг.

Дилором эранга ёр бўлди. Сен эса эран эмас, ўз ҳолингча сандироқлаб юрган минглаб кишилардан бири эдинг, холос. Нақш ҳолингча, ўз нақшларингдан норози бўлиб, наққошга қарата “Нима учун мени бу алфозда яратдинг у бу чизиқларни раво кўрдинг?” деб қичқирдинг.

Сенга дашном берган кучук ўз қисматидан рози эди, сен эса – ақлу тасаввуринг билан янада гўзалроқ нақшлар борлигидан хабар топгач, ўшаларга ҳавасланмоқда эдинг.

У хоҳласа, сени бошқа шаклда яратиб қўя олишини билганингни учун нидо қилар эдингки, бу ҳолимдан рози эмасман, бошқа бир ҳол бер!..

Барини билар эдинг – Дилором тупроқларга ёғиладиган барака мисоли эди. Лекин унинг ҳам умри ўтишини, сарғайиб-сўлишини, вақти келиб тупроққа қоришишидан хабардор эдинг. Модомики, у етишган даражалар сенга азалдан тақдир қилинмаган экан, барибир Дилоромнинг баракотларидан баҳраманд бўлиш, нақшлари бадбашара ҳаётиң у туфайли ўзгаришидан умидланган эдинг.

Заифани Тангрим муборак қилиб, ўз сўзини айтди. Ўша муборакликни олдинроқ яратган бошқа бандасига хос кўрди, уни заифанингни эгаси деб улуғлади. Шу қадар муборак қилдики, нигоҳ ташлашни ҳам ҳаром деб белгилаб, ўтиб бўлмас чегара тортди.

Сен эса, “Худои таоло гуноҳу савобни, ҳалолу ҳаромни одамлар учун яратди. Одам бўлиб яралмасайдим, мен учун гуноҳу савоб, ҳалолу ҳаром бўлмас эди”, дея изтиробга чўмдинг. Англяяпсанми? Бори нарсани рад қилсам, одамликдан чиқармидим, одамликдан чиқсам, Дилором менга ҳалол бўлармиди, деб ўйладинг.

Ўз одамлигингни ана шунда рад этдинг. Эътиқодингнинг сўнги маломатини тупроққа кўмдинг. У ердан бир ўт ўсиб чиқди: барги қизил, гули тўққизил, гулкосасининг ичида қора нуқталари бор, ғалати бир гул. Бори билганингни рад этдинг, мен одам эмасман, банда ҳам эмасман дединг – шу тарз муртад бўлдинг, мудҳиш озодликка чиқдинг!

Неки қонуният бор – абас бўлди сен учун. “Истасам, одам қонини ичаман, истасам, мақбаралар устига чиқиб дам олиб ўтираман... Элу юрт маломат қилса-чи? Эл нима бўпти мен учун? Юз йилга бориб-бормай тупроққа қўшилиб кетадиган бу кишилардан менга не наф” дединг. Вожаб, шунда Дилором ҳам кўзингга жуда оддий бўлиб кўрина бошлади. Тилсимини йўқотди у, фусуни ғойиб бўлди. “Сен ким бўпсан?” дединг қаҳрингдан тишларингни ғижирлатиб, яниб. “Сонсиз-саноқсиз аёлларнинг биттасисан, холос. Истасам, амримга олиб, қул қилиб эшигимда ишлатаман, истасам, нафсимни қондираман. Туссиз-рангсиз теварақдаги аянчли бир кас эканингни энди билдим, янглиш эй пари!”

Шуурингни ниҳоясиз ва баҳайбат қора кин чулғаб келган эди. Тоғлару тошлар каби оғир ғазаблар ошён курган эди юрагингга. Қоялар ёрилиб, ёвнинг кичик бир тўдаси ёруғ дунёга чиқиб келганини билиб, ўша томон от солдинг.

Узоқ йўл босдинг. Жарликларнинг қирғоғида, ўшшайган қояларнинг лабида нафис наъматак чайқалган жойдан ўтиб бординг. Тепага етганингда Эраннинг Дилором дея ёвнинг келар йўлига чиққанини кўрдинг.

Рўпарангда тоғ титрар, ер ҳам титрар, бир сурон эшитилмоқда эди – ҳар ҳолда, у – ёвнинг сурони эди.

Ўша жаҳолат ичра ортидан яқинлашиб бордингу тигни курагига дастасигача ботирдинг. Эран миқ этмай чўкка тушиб, жимиб қолди. Яра жойидан қон оқиб, пастга қараб ингичка чизиқ ҳосил қилиб оқа кетди.

Сурон яқинлашмоқда эди. Энди бу ёвнинг шовқинидан ўзинг ҳам кўрқмоқда эдинг.

Шамол кулоқларинг остида қичқиради эди. Шу маҳал қаршингда бир арслон пайдо бўлди.

У ҳайбатли, хўмрайиб, қаҳр ила қараб турар эди. Тўхтайдесанг, ёв келмоқда... қочай десанг, мана бу арслондан ҳам кўрқмоқда эдинг... тўсатдан у баҳайбат панжасини ҳаволатиб, бир урди, отинг ағанаб, ҳавога учиб кетдингу сал ўтмай тошларнинг орасида кўрдинг ўзингни!

...Узоқ йиллар қимир этмай шу алфозда ётдинг. Ёмғирлар, қорлар ёғди, сўнг баҳор келиб, музлар эриди. Ниҳоят, бир нимани эслагандай бўлиб қалққанингда, барча билганларингни маънолари билан бирга унутганингни пайқадинг. Узоқ, жуда узоқ ўйландинг, ҳатто ўзингнинг кимлигингни ҳам эслолмадинг, нималигингни ҳам билмадинг. Қорнинг очганини сиздинг, аммо нимани ейиш кераклигини ҳам билмадинг. Шунда бир қуш келиб майсани чўқиди, сен ҳам шундай қилдинг. Бошқа бир қуш келиб қўлмақдан сув ичди, сен ҳам қуш каби сувдан ичдинг.

Теварагинга боқиб, қанақадир ёввойи ҳайвон бошқа бир ҳайвонни ушлаб бурда-лаб еяётганини кўргач, сен ҳам бир ҳайвонни тутиб единг.

Қорнинг тўйгач, яна зўр бериб бир нималарни эшлашга урина бошладинг. Аммо эслолмадинг, турган жойингда сакраб, осмонга қараб “Ҳо-о-о!” деб чўзиб увилладинг.

Эсла! Отанг бор эди, эсла! Онанг бор эди, эсла! Бир дунё одамлар бор эди, бири деҳқон, бири узумзорлар эгаси эди, бир ажойиб қиз бор эди, оти Дилором эди... эсла!..

Кун уфққа ёнбошлагани сайин соя ҳам узайиб боради, буталарнинг, қум ва тошларнинг сояларига қўшилиб-айрилиб, маломатида давом этади:

– Акаларинг, укаларинг бор эди! Яйловларда хивични от қилиб чопардинг. Қирларда куюн оёғинг остида ўралашарди. Ҳамма нарсанинг тилини тушунарддинг. Отанг бугдой экарди, ораларида ўйнаб юрардинг, бугдой унидан онанг нон ёпар, у нонларни ҳидлаб-ҳидлаб ер эдинг. Қариб-илвираб қолган кампирлару чоллар бор эди, улар сени ҳар кўрганларида дуо қилар эдилар... Эсла!

Муртад эслолмайди, аммо соянинг овозини ҳам ўчиролмайди, бошини чайқай-чайқай илкис ўрнидан туради-да, яланг оёқлари билан намчил тупроқни соча-соча, боши оққан томонга жўнаб қолади, соя эса изидан қолмайди, қайга борса эргашаверади, муртад бундан безор бўлганидан яна “Ҳо-о-о!” деб бақиради.

– Эсла, эсла, эй имонсиз! – дейишини қўймайди соя.

* * *

– *Аслида биттагина сўзни эсласа кифоя, ўшанинг маъноси дилига киради-ю, ҳамма нарса ўз ўрнига тушади, – деди шамол. – Лекин Парвардигори олам унга у сўзни унуттирди, энди қиёматга қадар эслай олмайди!*

– *Ёв... – деди ўйлаиб Озод. – Ёв ҳам... сўз айтолмас... аммо биргина сўзга илҳақ эди...*

– *Кўзга кўринмас арслон ҳалиям шу ерда, – деди шамол. – Панжаси билан яна бир урса, бу кимса санқиб юрувчи бўм-бўш тирик кўзга айланади, чақмоқ урганида эса қирқ бўлакка бўлиниб синиб кетади, ҳар бир бўлаги яна ўша нидосини айтиб қичкира бошлайди...*

(Давоми бор)

Шеърят



Мирнўлат МИРЗО

Юршим, севдим сени юракдан

Водийда баҳор

*Қамчиқ довонидан ўтиб қарасанг,
Манзара кўринар ажиб, бокира.
Чулгамиш водийни бир баҳорий ранг,
Унинг ҳуснига кўз тегмасин сира.*

*Бозлар ифорларга чўмилар сармаст,
Кўклам адирларга ёймиш палаклар.
Хув, уфқда сузган туманлар эмас,
Исириқ тутатар кўкда малаклар.*

География ўқитувчиси

*География ўқитувчисига қийин бу асрда,
Турфа низолардан тинчимади замон.
Ер юзида жўшар тўфону қасирга,
Давом этар унда талатўп ҳамон.*

*Сайёрани ҳеч ким унингча севмас,
Сурати кўз ўнгидан кетмайди нари.
Курраи арз унинг учун глобус эмас,
Аслаҳахонада ётган ер шари.*

*Дарс берар у миллат талабасига,
Аудиторияда ҳар куни овози таралар.
Бироқ, ҳадикда боқар жаҳон харитасига –
Ўзгармадимикан давлатлар, чегаралар?*

*Сўзлар қитъалардан, сўзлар иқлимлардан,
Ёш қалбларни дунёга этгудек шайдо.
Лекин юраги унинг ҳадикда ҳар дам –
Бўлмадимми уммон ўрнида саҳролар пайдо?*

*У жаҳон мамлакатлари ҳақида сўзларкан,
Ҳар биттаси ҳақида алоҳида тўхтар.
Рангдор харита унинг наздида баъзан
Ҳасратнинг қуроқ-қуроқ суратига ўхшар.*

*Ўзгариб бормоқда азалий табиат, э воҳ,
Сайёра бошида алланечук гам.
Асаблар акси бўлиб чақнаганда чақмоқ,
Чатнар мангу музлик – Антарктида ҳам.*

*Унинг теран орзуси шундоқ эрур, чин,
Барча элар бахти бўлсин бус-бутун.
Ҳар вақт қитъалардан ҳарир экинлар эссин,
Бирон-бир водийдан ўрламасин кўкка тутун.*

*Яна бир орзуси бор юрагин тубида –
Дунёнинг бошиқа бир бурчида унинг касбдоши,
Яъни, география ўқитувчиси ўзининг дарсида
Ўзбекистон ҳақида сўзласин тўлиб-тошиб.*

*Харитага яқин келиб, кўрсатиб десин:
– Янги ой шаклидаги мана бу мамлакат
Ўзбекистон деган юртдир: ҳур эркин,
Унда эзгу инсонлар яшайди фақат.*

*Илк глобусни яратган Беруний юрти бу,
Тарихи улуглардан бамисли қаҳкашон.
Бу мамлакат ҳилолдек сочар экан ёғду,
Сайёрамиз заволга юз тутмас ҳеч қачон!*

Ғафур Ғулом

*Буюк эрк ҳисси ҳеч бўлмагай барбод,
Дарахшон юлдуздек дилда орзу шан.
Ассалом, эй юртим – музаффар, озод,
Мен бахтинг куйчиси – Ғафур Ғуломман!*

*Кетди-ку, зулм-қутқу булутдек тарқаб,
Халқим, дастинг етди юксак қуёшга.
Буюк толеингни турибман алқаб,
Мен ҳам, мана, кириб муборак ёшга.*

Қошимни чимириб, бир зум олиб тин,
Умрим баҳолайман, инсонга хос бу:
Ёлгонни гоҳ чин деб инондим, лекин,
Юртим, севдим сени юракдан рост бу.

Юпатдим дилни гоҳ кулгилар билан,
Чун ганим шарпаси маълум ҳар касда.
Яшадим шоқолу тўлкилар билан –
Яшагандек арслон битта қафасда.

О, шеърий хитоблар, о, пуч мисралар,
Сизни қўл учида битдим гоҳида, –
Нечоғли тўйсам ҳам теран, шоҳ асар
Юртим ҳасратида, юртим оҳида!..

Мутафаккир укам, интилиб олга,
Истеҳзо қилмоққа ҳақлисан юз бор.
Билмадим, тушардинг сен нечук ҳолга
Тепангда сиртмогин ўйнатганда дор?!.

Ҳарқалай, ҳур айём нурли комидан
Мозийнинг юзига тик боқолган мард.
Дунёга бонг урдим ўзбек номидан,
Ўзбек деган номга юқтирмадим гард...

Ассалом, эй юртим, ассалом, Ватан,
Бахтинг умидида яйраб-елурман!
Сен қачон йўқласанг, йиллар қаъридан
Ҳамиша: “Лаббай!” деб чиқиб келурман!

Андижон

Баъзан умринг айёмлари нурли бирам,
Баъзан кўнглинг тўлмагайдир кечган ондан.
Тонг еллари шивирлади: – Йўлга отлан,
Юрагинга илҳом топгунг Андижондан!

Осмонўпар чўққиларга юзландим, мен,
Нидосидан томиримда тўйдим титроқ:
– Шоир Чўлтон шеъри юксак биздан-да, чин,
Мирзо Бобур руҳи биздан виқорлироқ!

Дарёлардан сўрадим сўнг: – Сиздек кабир,
Жўмард қалблар қай пучмоқда, қай маконда?
Улар айтди: – Сен қалбларга боққин, ахир,
Дарёдилли одамлар бор Андижонда!

Чаманларга юзим бурдим ошуфта ҳол:
– Қай чаманни, айтинг, сизга айлай қиёс?
Деди улар: – Бизларни ҳам қилгайдир лол
Андижонда очилганда гуллар қийғос!

Сокин кеча фалакларга кўзим тикдим,
Акси борми дея ерда қаҳкашоннинг?
Ҳилол менга айтди: – Тунлар термулиб жим,
Кўрдим уни кўчасида Андижоннинг!

Бағринга мен келдим юксак туйғу билан,
Ажиб байтлар шарораси тушиди жонга.
Мен одатда мўъжизага бермасдим тан,
Ҳайратимни ҳадея этдим Андижонга!

Теранлик

Иброҳим ҒАФУРОВга

Юрагида ҳислар урганда тугён,
Туйғулар чирмаса вужудни майин...
Вазмин туюлгайми ўзини инсон,
Гўёки ҳеч нарса бўлмагандайин?

Ғалаён қилса гоҳ изтироб чандон,
Ҳасратлар қаддини айлаб турса дол...
Вазмин туюлгайми ўзини инсон,
Гўёки ҳеч нарса бўлмаган мисол?

Элу юрт дардига боқмайин лоқайд,
Ёшлантириб турса ғамлар кўзини –
Ҳар қандай бардошли инсон ҳам бу пайт
Кўрсата олгайми вазмин ўзини?

Умр деганлари уқубат қат-қат,
Заволдир гоҳ битта нотўғри қадам...
Ҳаёт уммонида сузаркан, фақат
Вазмин кўрингайдир айсберг-одам.





Эътибор ОХУНОВА

Бахтимни дунёларга билдирим
келди

Ифтихор

Юртим, сенга фахр ила бирдам термулгим келди,
Мен бир қизинг, онажон, сендан ўргилгим келди,
Фазлим сенинг пойингга гулдек тўкилгим келди,
Қалбим тўла меҳр, ишқ, сенга севилгим келди,
Чиқарман ҳузурингга гўё севиклим келди.

Э воҳ, бу бошинг сенинг не-не жафода ўтди,
Ҳаёт – май, умр – сув деб, кимлар сафода ўтди,
Қадоқ қўл, асил инсон тарки дунёда ўтди,
Нодонларинг от миниб, доно пиёда ўтди,
Онажон, бошинг силаб, жиндек ўй сургим келди.

Ёдимга олдим бу дам, не барчин барноларни,
Очилмай гунча сўлган Турсуной, Раъноларни,
Нурхонлар кўп эди-я, ахтарсам маъволарни,
Ўтюралар бахт, дея, кўрди не савдоларни,
Бахтимни дунёларга билдириб қўйгим келди.

Сенинг не ўғлонларинг тупроқда қолиб кетди,
Деворда гул палаклар, чимилдиқ ёниб кетди,
Дили бесаломатлар Ватандан тониб кетди,
Неча минг шаҳидларинг мардона, голиб кетди,
Мангу олов пойида бир зум ўлтиргим келди.

Юртим, фидойи жонинг бўлиб, остонанг ҳатлай,
Яшардинг, кучга тўлдинг, ёзилдинг ҳуснихатдай,
Кезарман, кўчалар ҳам мисли гўзал санъатдай,
Ўгил-қизларинг сенинг юрагингга қудратдай,
Ёмон кўзлардан асраб, мен тумор бўлгим келди.

Истиқлол неъматидан ҳар кимнинг бағри бутдир,
Ҳар ерда файз-барака деҳқон уйида қутдир,

*Қизлар эғнида атлас, безаклари ёқутдир,
Ҳаммада бир ҳаяжон, бу – бахт наиҳаси, ўтдир,
Ҳатто, тиконлар яшинаб, дегай: гул кўргим келди.*

*Бағринг – менинг китобим, ўтайин ёза-ёза,
Неча асрлар йиғлаб, етиб келдик бу ёза,
Уйим, дилим мунаввар, осмоним тоза-тоза,
Розимни айтай ёниб, бу тонг қалам қоғоза,
Ҳузурингга шеър олиб, ишқ-ла, юрагим келди.*

Хонатлас

*Камалак товланар ловуллаб,
Хандондир шаршара шовуллаб,
Тўй бу кун... қишлоқлар, овуллар
Қизларин эғнида хонатлас.*

*Атлас-ки, исми гул, Лайлодир,
Наврўздир, Гирядир, ҳайродир,
Йигитлар кўнгли шан, шайдодир,
Қизларнинг эғнида хонатлас.*

*Хонатлас – юрт аввал-азали,
Маҳзуна, Увайсий газали,
Хонатлас эғнида... сулув гамзали,
Қизларнинг эғнида хонатлас.*

*Атласимда қуёш акси бор,
Турналар қўшиғи, рақси бор,
Муҳаббат, рашик, ҳижрон баҳси бор,
Қизларнинг эғнида хонатлас.*

*Самога сочилмиш юлдузлар,
Нурлидир кечалар, кундузлар,
Атласнинг чиройи ҳур қизлар,
Қизларнинг эғнида хонатлас.*

*Юртимнинг баҳорин рамзи гул,
Беҳиштининг суврати-акси гул,
Атласга эш сочлари сунбул
Қизларнинг эғнида хонатлас.*

*Сарҳадлар оша кўп юрт кўрдим,
Дунёни оралаб мен сўрдим,
Хонатлас юрти бу – хон юртим,
Қизларнинг эғнида хонатлас.*

* * *

*Меҳр йўлида эди кўзлар қаролиғ ичра,
Васфини куйлар эди диллар яролиғ ичра,
Ул эди олисларда, мубҳам оролиғ ичра,
Уни муқаррам этган диёримдан айланай!*

*Шукрким, мурувват ҳам кўзу қароғлардадир,
Кулбамиз ёритгувчи нуру чароғлардадир,
Демангиз: Меҳр олис шому йироғлардадир,
Меҳрга қоя бўлган давронимдан айланай!*

*Шукрким, кунлар обод, тунлар мунаввар бўлгай,
Одамзод бир-бирига суюк, суманбар бўлгай,
Юрагида кин эмас, муҳаббат анвор бўлгай,
Меҳр-муҳаббат омон... омонимдан айланай!*

*Меҳр-оқибат бирла келгай жону жаҳоним,
Беҳишларга менгзалгай чўлу саҳро, пайҳоним,
Қояларга, тоғларга бўй чўзгай қир, сайҳоним,
Тор гўшамни кенг этган жаҳонимдан айланай!*

*Бир ширин сўз сеҳридан дилда машғал ёнадир,
Бир совуқ сўз захридан лашкар ҳам кўзголадир,
Дерлар: Меҳр бу – кўҳна дунёга ҳам онадир,
Эзгуликни улгайтган онайизоримдан айланай!*

*Йўлларини тўсмангиз, меҳр кезсин дунёни,
У голиб юрсин мудом, енгиб кибру рўёни,
Мисқолламанг, қизгонманг, беркитманг у кимёни,
Қаҳратонларда унган баҳоримдан айланай!*

*Дерлар: Меҳр инжуга айлантирар тупроқни,
Гурбатнинг йўлин тўсиб, у даф қилур фироқни,
У бўлса, қошингда кўр ҳатто шому йироқни,
Замонлар ичра дорулзамонимдан айланай!*

*Дерлар: Қилич билан даф бўлмагайдир рақибинг,
Наф бермагай кудурат, қоҳишларинг, таъқибинг,
Меҳру дилинг элчи қил ... остонангда ҳабибинг,
Меҳр яхши айлаган ёмонимдан айланай!*

*Дерлар: Меҳр – кўнгилнинг чарақлаган чирोगи,
Удир, ҳикмат битилган китобнинг зарвароги,
Меҳрли кулба – ёруғ, меҳрсиз қаср – қоронғу,
Уни сиймиё этган давронимдан айланай!*



Наср

Набижон ЖАЛОЛИДДИН

ВОКЗАЛ

Ҳикоя



– Эҳтиёт бўлинг, биринчи йўлдан «Нукус-Тошкент» поезда кириб келмоқда!

У чўчиб уйғонди ва кўзларини хиёл очди. Нигоҳига энг аввало урилган нарса шу бўлди: олдинги қаторда бозорчи хотинлар кўтариб юрадиган катта-катта иккита юк сумкасига бошини қўйиб, ёнбошлаганча ўтирган одамнинг (ёнбош ўтиргани учун очилиб қолган) ички чўнтагидан чарм курткали қора кепка кийган бир одам ниманидир оларди. У ниҳоятда эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилаётганини уйқу элитган кўзлари сезди. Сезди-ю, барибир уйқу зўр келди. Шовқин аввал бир маромга тушиб, уйғун товушга, кейин эса бўшлиқ қаъридаги жимжитликка айланди.

Бир пайт қулоқларини яна шовқин, аниқроғи, ўшқириқ овозлари тутди.

– Пулим қани?.. Пулим йўқ!.. – дея саросимада типирчиларди олдинги қаторда ўтирган ҳалиги одам, қора шляпасини бошига апил-тапил қўндириб. Шўрлик эс-хушини йўқотиб, дам шиму костюмининг чўнтақларини ковлаштирар, дам ўрнидан туриб, юқларини тимирскилаб қоларди, гоҳо энгашиб ўриндиқларнинг остига ҳам такрор-такрор кўз ташларди. Ёнида ўтирган эллик ёшлар чамасидаги эркак билан аёл (эр-хотин шекилли) гоҳ унга, гоҳ бир-бирларига олазарак қарашиб, елка қисишади. Костюм-шим кийиб, уринганроқ бўйинбоғ таққан берироқдаги зиёлинамо киши эса чўнтагидан хортижам носқовоқ чиқариб, бармоқларида бир оз айлантириб турди.

– Одамларам!.. – деб қўйди ёнидаги қиз билан йигитга бир қараб, сўнг кафтига нос солиб, тилининг остига ташлади.

– Бирон нарсасини ўғирлаб кетишди шекилли, – деди орқа ўриндиққа ўтираркан, гулдастамонанд чиройли дўппи кийган ўттиз ёшлардаги мўйловли қоринамо йигит. – Мол аччиғи– жон аччиғи–да.

– Ўзига эҳтиёт бўлса бўлмайдими, – дея кўкрақларининг остини икки кафти билан беихтиёр кўтариб қўйди яна бир ўриндиқдаги сатанг аёл. – Бу ерни Тошкан дейдилар ахир!..

Шляпали одам кетма-кет ғудраниб, ҳамон тимирскиланар эди.

– Қанчайди ўзи?– дея сўради зиёлинамо, шунча ваҳимага арзийдими ўзи қабилида носли оғзини чўччайтириб, шунинг ортидан негадир кўксини кериб.

– Қанча бўлсаям пулда-а?– шипшиди ёнбошдаги аёл, эрини оҳиста туртиб. – Пул топиш осонми ҳозир?

Шляпали кўзлари олайиб жим қолди.

– Икки юз минг... Чиптаям кетибди... – дея ўзига ўзи гапирётгандай ғўлдиради. – Ҳе, онангни... – Бошидан шляпасини олиб, гўё пул ичида тургандай бир-икки пайпаслади-да, қайта кийди.

– Войбў-ў, кўп экан-а? – яна эрини туртди аёл. – Бечора-я!..

Эр эса кўзларини лўқ қилиб, аввал хотини, сўнг шляпалига қаради, лекин бирон сўз демади.

Зиёлинамо чўнтагидан шапалоқдай қоғоз чиқариб (махсус олиб юради шекилли), ҳафсала билан карнайча ясади. Унга эринмай носни туфлади, оғзи тоза бўлди чоғи, карнайчанинг четларини қайириб беркитди ва уни ўриндиқ остига ташлади.

– Юк-пукларингизни ичини қаранг-чи, балки бир хаёлда солиб қўйгандирсиз, – деди кейин яна кўкрак кериб, ўриндиққа ястанаркан.

Сатанг зиёлинамонинг қилиғидан хазар қилгандай бурнини жийирди.

– Кўпликка кўп эмас-у, барибир жалка-да, – дея қўлларидаги тилла узук ва била-кузуқларини бир-икки силтади. Шунинг ортидан бўлиқ кўкраклари ҳам титраб кетди, ҳафсала билан терилиб, бўялган қошу киприклари тепага қайрилиб, қийиқ кўзлари катта-катта очилди. Бу одати ажинларини билинтирмасликка, ёш кўринишга, балки ҳаттоки эркакларга маъноли қарашга уринишлар туфайли пайдо бўлган бўлса ажабмас.

Шу пайт резина таёқ ушлаган сержант кўринди.

– Ҳов, ака, – деди баланд овозда қизнинг ёнида ўтирган йигит бўйнини чўзиб. – Анови одамни пулини ўғирлаб кетишибди.

Сержант кимга гапирди дегандай, у ёқ-бу ёққа аланглади.

– Ҳа-ҳа, сизга айтяпмиз, ука. – Бу зиёлинамонинг овози эди.

Бояги йигитнинг овозидан нимадир бўлганини сезган бир неча томошаталаб атрофга тизилди.

Шляпали ранги оқариб, шалвираганча ўтириб қолганди.

– Нима бўлди, ака? – сўради сержант унинг олдига келиб, бир оз энгашаркан. Унинг милиционерга унчалик ўхшамаслигини илк гап-сўзи, ўзини тутишиданоқ пайқаш мумкин эди.

– Нима бўларди, ўмариб кетишибди, – дея тўнғиллади хотин эрининг елкасига яхшироқ суяниб.

Эри хотинига бир қараб олгач, сержантга қайрилиб, бошини сарак-сарак қилди.

– Қанчайди? Ким ўмарди? – Сержант кейинги саволи мантиқсизроқ чиққанини дарров сезиб, тузатишга уринди. – Ўғрини кўрдингизми?

– Икки юз минг... – дея олди аранг шляпали чийиллаб.

– Мен кўрдим, – деди ҳалидан бери индамай ўтирган, оҳорли оқ кўйлак устидан кўркам кастюм-шим кийган ўттиз беш-қирқ ёшлар чамасидаги келишган йигит. – Ўғрини мен кўрдим, – деб қўйди у яна бир бор таъкидлаб ва гувоҳга айланганини сезмади.

– Ўғрини кўрган бўлсангиз, нега индамадингиз? – қошларини баттарроқ кериб, кўзларини чақчайтирди сатанг. – Дарров бақирмайсизми!..

Зиёлинамо нима деркин маъносида Гувоҳга тикилиб қолди.

– Қўрқандир-да, – шипшиди хотин, эрини билинар-билинемас туртиб.

– Кўрган бўлсангиз, қани, буёққа келинг-чи, – деди сержант уни кўли билан имлаб, буйруқнамо оҳангда.

Гувоҳ қаддини керди, ўзини бепарво тутишга уринди.

– Аввало сиз мен билан бунақа оҳангда гаплашманг, ука. Мен сиз ўйлаган одам эмасман.

Унинг дадиллигидан сатанг рағбатланди.

– Ўзи сизлар яхшироқ ишлаб, кўпчилик бўлиб у ёқ-бу ёққа юриб турсанглар мана шунақа ишлар бўлмайдилар!

– Тўғри айтасиз, – деди зиёлинамо ўнг чиғаноғини ўриндиқ суянциғига тираб. – Булар бошқа жойда ҳар қадамда туришади, лекин вокзалда озчилик...

Сержант гапга парво қилмай деди:

– Узр, ака, илтимос, бу ёққа ўтинг. – Сўнг шляпалига юзланди. – Сиз паспортингизни беринг.

Гувоҳ гап мана бундай бўпти қабилида илгари босди.

Шляпали титроқ қўллари билан сумкасини титкилаб, бир амаллаб паспортини топиб узатди.

– Сиз ҳам, ака...

– Нима мен ҳам? – деди Гувоҳ кўзларини лўқ қилиб.

- Паспортигизни беринг.
- Нима қиласиз?
- Э, қизиқ экансиз, аввал сизлар билан танишим керакми, – дея тушунтирди сержант хотиржам. – Ўғрини топиш учун жабрдийда ва гувоҳнинг кимлигини билишим керакми ахир?
- Гувоҳ ички чўнтагини ковлади.
- Мен жуда унақа гувоҳмасдирману, лекин кўргандай бўлдим...
- Энди бунақа дейди, – гап қўшди сатанг.
- Тушунтиргунимча бирпас жим туринг, опа, – бир оз асабийлашди у. – Ухлаб қолган эканман. Анови карнай қайсидир поезд кириб келаётганини эълон қилувди, чўчиб уйғониб кетдим...
- Сержант қўл телефонининг соатига бир қараб, ўзига гапираётгандай деди:
- Охирги келган поезд «Нукус-Тошкент» эди, демак, соат еттилар экан.
- Ҳа-ҳа, тўғри, «Нукус-Тошкент» поездийди, – деди Гувоҳ бу топқирликка бир оз қойил қолиб.
- Хўш, кейин-чи?– дея бепарво сўради сержант.
- Кейинми?.. – Гувоҳ хиёл каловланди. – Кейин карнайнинг овозидан чўчиб кетдим. Кўзимни очсам, қора кепка билан калта кожа кийган бир одам бияғди чўнтагини ковлаётган экан. Уйқу зўр келиб, яна пинакка кетиб қоппан-да... – Кейин кўзлари парিশон тортди. – Курткаси кожомиди, билмайман. Лекин қорайди.
- Кўрсангиз танийсизми?
- Танисам керак... Танийман-э...
- Сиз, ука, буларни сўроққа тутгунча муттаҳамни топинг, – деди зиёлинамо кесатиб.
- Сиз кўрмадингизми ўғрини?
- Йўқ, лекин, – зиёлинамо ўзини мард кўрсатишга уринарди. – Мен ҳам шулар тарафман, – деди боши билан Гувоҳ ва шляпали томон имлаб.
- Унда сиз ҳам паспортигизни беринг.
- Марҳамат, – зиёлинамо атрофдагиларга бир-бир кўз ташлади. – Буларга индамасанг... Ҳаммамиз бир бўлсақ, ўғриниям, пулнияма топади.
- Тўппа-тўғри, – деди сатанг салкам ўшқириб ва у ҳам паспортини берди. – Жуда-а... мелисаман деб, а...
- Мен ўшанда шом ўқиб, – дея туйқус гапга қўшилган қоринамо бир тўхталиб, у ёқ-бу ёғига қараб олди, – қайтётувдим. Мен ҳам бу акам айтган одамни кўргандай бўлдим. Агар адашсам, Аллоҳ кечирсину...
- Сиз ҳам паспортигизни беринг.
- Хотин қориндор эрининг бақбақали улкан бошига бир қараб олди.
- Паспортларни йиғяпти, биз ҳам берайлик.
- Эр бошини сарак-сарак қилиб:
- Тўғри, – деркан, бошидан бошқа бирон жойи қимирламагандай туюлди.
- Хотин ҳужжатларни узатди.
- Манг, ука...
- Қолган гапни хонада гаплашамиз, қани, юринглар-чи!
- Сержант ортига бурилиб, бир-икки қадам ташлади.
- Қаёққа?– деди Гувоҳ ҳайрон бўлиб. Бошқалар нигоҳида ҳам шу савол зоҳир эди.
- Қаёққа бўларди, хонага. – Сержант яна бир-икки қадам ташлади. – Ишни расмийлаштириб, кейин ўғрини қидирамизми ахир?
- Томошабинлар бирин-сирин тарқала бошладилар.
- Ё кўрқяпсизларми?
- Сержант бу гапни атайлаб айтганини сездирмасликка уринди.
- Ким кўрқади-ей... – Сатанг ўрнидан турди. – Сиздан ҳам кўрқаверсак энди, ука.
- Топасиз-а – топасиз... – деркан, дипломатини олиб Гувоҳ ҳам юрди. – Кўрамиз ҳали топганингизни.
- Ҳай, туринг, ҳамма кетяпти, – дея хотин эрини туришга ундади. – Паспортимизни олволди-ю ахир...
- Тўғри...

Эр кучаниб ўрнидан кўзгалди.
 Ҳамма қимирласа ҳам шляпали меровсираб ўтираверди.
 – Сизчи, ҳов, ака. Ўғрини топайликми ахир?– деди ўгирилиб сержант.
 – Юкларим... юкларимиз-чи?
 – Ҳа-я-ҳа-я!.. – дейишди барчалари ўринларига қайтмоқчи бўлишиб.
 – Биз қараб турамиз.
 Бу йигитнинг пинжига тиқилгудай ўтирган қизнинг овози эди.
 – Яхши... – Сержант улар томон юрди. – Қани, сизлар ҳам паспортинглари
 беринглари-чи.
 – Бизда паспорт йўқ, – деди йигит бир оз қўпол овозда. – Студент билети бор.
 – Уям бўлаверади, – сержант улар томон қўл чўзди. – Юкларни пойлаб турасиз-
 лар, хўпми. – Бир гувоҳномага, бир йигит билан қизга қараркан, қўшиб қўйди:– Сура-
 тингларга ўхшамайсизлару?..
 – У биринчи курсдаги расм-да, ака, ҳозир тўртинчи курсмиз, – дея изоҳ берди йигит.
 – Унда, майли.
 Сержант барчани ортидан эргаштириб, жўнади.
 Шу пайт карнайдан эшитилган овоз чор атрофни тутди:
 – Эҳтиёт бўлинг, иккинчи йўлдан «Тошкент-Бухоро» поезди жўнаб кетмоқда!
 – Ие, бизнинг поезд-ку, – дея типирчилади хотин эрини дам уёғи, дам буёғига ўтиб
 турткиларкан. – Ҳей, ука, паспортимизни беринг, бизнинг поезд кетяпти.
 – Улгурасиз.
 Сержант юришдан тўхтамади.
 – Поезд кетиб қолади ахир!.. – чийиллади хотин, яна эрини туртиб.
 – Тўғри, – қорнини ушлаб харсиллаётган эр на юриши ва на туришини биларди.
 – Улгурасиз дедим-ку! – Сержант энди жиддий тортди. – Керак бўлса, поездни
 тўхтатиб турамиз.
 Хотин жим қолди.
 Хонада ярим тахта деворнинг нарёғида столга энкайиб ялангбош капитан
 ўтирарди.
 Сержант тўртта стулга тўрт кишини ўтқизди, бошқалар тик қолдилар. Сержант ка-
 питан томон қайрилганда, Гувоҳ шошиб ўрнидан турди-да, сатанга жой берди:
 – Сиз ўтиринг, опа.
 – Вой, сизни овора қилиб-а, – киприкларини маъноли қоқди сатанг.
 – Баҳодир ака, мановиларнинг пулини ўғирлаб кетишибди, – деди сержант ярим
 деворга чиғаноқларини тираб, паспортларни стол устига қўяркан.
 Капитан бошини кўтармай, ҳатто ҳолатини пича бўлса-да ўзгартирмай ҳижжалаб
 деди:
 – Аввало аканг онагинангни кучоғида! Қолаверса, доложит қилишни билинг, ўртоқ
 сержант.
 – Кечирас, ўртоқ начальник, айбдорман, – сержант ғоз туриб, ўнг қўлини чаккасига
 қўйди. – Жабрланувчи ва гувоҳларни олиб келдим.
 Капитан бошини кўтарди.
 – Ўғрини-чи?
 – Белгиларини айтишди, ҳозир қидиришга тушаман. Рухсат этинг, – сержант яна
 қўлини чаккасига тиради.
 – Мана бу бошқа гап. Рухсат, – деди капитан тагин столга энкайиб.
 Сержант шошиб эшикка йўналди.
 – Ҳой, ука, ҳой, ука!.. – деганча қолди хотин эрини туртиб.
 – Тўғри, – деди нима гаплигини тушунмаган эр.
 Гувоҳ ярим деворга кафтларини қўйиб, жиддий қиёфада мурожаат қилди:
 – Ўртоқ капитан, аввало бизни жинойтчилардай бу ерга олиб келишинглари энг ка-
 мида қонунга зид. Қолаверса, сизлар...
 – Аввало, ўртоқ гражданин, – дея қошларини кериб, пастдан ўқрайди капитан.
 – Сизни бу ерга мен олиб келганим йўқ. Сиз билан энди танишаман. Фамилиянги
 нимаиди?

– Ҳамма гапирсаям, сиз жим ўтиринг, бўптими! – Хотин эрини ростакамига бир туртиб кўзгалди. – Қани, бундайроқ туринг-чи, – ярим деворга тираниб, чап чиғаноғи билан Гувоҳни сурди. – Ҳамма бало сиздан бошланди! Нега кўрдим дейсиз-а?! Ҳамма қатори индамай ўтирсангиз бўлмасмиди. Сизни шарофатингизга биззи поезд кетиб қолади.

– Эҳтиёт бўлинг, иккинчи йўлдан «Тошкент-Бухоро» поезди жўнаб кетмоқда!

– Ҳай, укажон, Э-э – ялинчоқ оҳангда капитанга юзланди хотин. – Бизларга жавоб беринг.

– Фамилиянгиз?.. – пинагини бузмай сўради капитан.

Хотин паспортларни чангаллаб, эрининг қўлтиғидан оларкан, Гувоҳга олайиб қаради:

– Ана, кўрдингизми, булар инсофли, сиз бўлса!..

Гувоҳ ҳайрат ила елка қисди.

– Мен нима қилдим?.. – дея стулда паришон ўтирган шляпалига қаради. – Сиз айтинг, ака, мен нима қилдим?!..

– Э-э!.. дея шляпали ўрнидан турди. – Менга қаранг, ҳов, ука, мен энди уйимга қандай етволаман?

Капитан пастдан ўқрайди.

– Укайиз, ака, уйингизда, тушундингизми? Фамилиянгиз нима?

Айтди.

– Сиз кимсиз?

– Жабрланувчи.

– Ие, ҳали сизни ўмаришдимиз? Қанчайди?

– Икки юз минг... Чиптаниям...

– Ҳа-а, тузуккина... Сизга чипта олиб берамиз. Пулини уйингизга боргач, жўнатиб юборасиз.

– Раҳмат -у, аммолекин менинг пулим-чи?

– Топсак, жўнатамиз, – капитан тасқараларча жилмайди.

– Агар рози бўлсангиз-да...

Ташқаридан овоз эшитилди:

– Эҳтиёт бўлинг, тўртинчи йўлдан «Москва-Тошкент» поезди кириб келмоқда!

– Ҳаммаси сизни деб бўлди!– дея ўдағайлади шляпали Гувоҳга қараб. – Пулни йўқотган мен, сизга нима ғамийди? Индамай ўтирмайсизми!..

– Нима бўляпти ўзи?! – асабийлашди Гувоҳ, капитан томонга интилиб.

– Сизгаям навбат берилади, – капитан унга қайрилиб ҳам қарамади. – Сиз, ака, – деди шляпалига, – қачон, қаерда, қанча пул йўқотганингизни ёзиб беринг.

– Поездимга улгураманми, соат тўққизда?

– Энди саккиз ярим бўляпти, улгурасиз.

Шляпали стулини кўтариб, сўл томондаги кичикроқ стол ёнига қўйди ва капитан узатган ручкани олиб, ёзишга киришди.

Капитан кимгадир телефон қилиб, буйруқ оҳангида деди:

- Тўққиздаги поездга битта чипта берворинг. Пулини кейин тўлашади.

Энди сатанг ўрнидан туриб, қоши, лаби, кўрагини керди-да, ярим деворга яқинлашиб, Гувоҳни сал туртди.

– Ҳамма гап сизда! – дея гезарди ва капитанга қаради. – Ук... Ўртоқ капитан, мен нима қилай? Мен ҳеч нарсани эшитганимам, кўрганимам, даъвоимам, гапимам йўқ.

– Ундай бўлса, жуда яхши, – деди капитан пастдан қараб. – Биззиям сизга даъвоимиз йўқ. Фамилиянгиз?..

Айтди.

– Мана, паспортингиз...

Сатанг Гувоҳга қайрилиб, яна бир бор қаттиқ гезараркан, эркакнинг иши мана бунақа бўлади дегандай, зарда билан эшикка йўналди.

Гувоҳ тутатди:

– Нима бўляпти ўзи, ўртоқ капитан? Менинг айбим нима?!

Капитан ҳамон ўшандай ўтирарди.

– Сиз кимсиз?

- Менми?.. Мен фермерман.
- Уни сўрамаяпман, гувоҳмисиз, жабрланувчимми, айбдорми - ким? –
- Мен... Гувоҳ... Гувоҳман...
- Сиз бундайроқ тулинг, – деди уни қўли билан суриб зиёлинамо. – Ўзи фермерлар кутириб кетишган. Пули кўп-да, пули. Бориб пахтангни тер... – Энди капитанга қайрилди. – Мен нима қилай, ук... Ўртоқ начальник?
- Сиз кимсиз?
- Менми?.. Мен нос чекишим керак...
- Нос чекиш умуман мумкин эмас, у мутлақо ноқонуний нарса. Мен кимсиз деб сўраяпман.
- Айтди. Бу орада саросимада қизариб ҳам кетди. Чунки носнинг ноқонуний нарса эканлигини ҳеч қачон эшитмаганди-да.
- Мана паспортингиз. Даъвоингиз йўқ бўлса... – Капитан бошини столга эгиб, ўнг қўлини силтади. – Хайр!..
- Зиёлинамо аввал титранганча, чўнтагидан носқовоғини олди, кейин яғир бўйинбоғининг тугунини чимдиб қўйди-да, раҳмат деганча эшикка йўналди. Остонада тўхтаб нос отди ва кўздан ғойиб бўлди.
- Эҳтиёт бўлинг, учинчи йўлдан «Тошкент-Самарқанд» поезди жўнаб кетмоқда...
- Менга қаранг, ўр...
- Гувоҳнинг гапи оғзида қолди.
- Шляпали ярим девор ёнига келиб, ёзган нарсасини капитанга узатди ва ҳайрати ортаётган Гувоҳга бўлди-да энди маъносида қараш қилди.
- Бу орада бир бола кириб, капитанга чипта бериб кетди. Капитан чиптани шляпалига тутди:
- Оқ йўл, ака, тоест, гражданин, – деди ва яна бир бор таъкидлади: – Чиптанинг пулини мана бу сўтга банк орқали йўлланг. Агар пулингизни топсак, сизга жўнатамиз. Шляпали раҳмат деганча, Гувоҳга бир олайиб, ташқарига югурди.
- Менга қаранг, ҳов...
- Гувоҳнинг гапи яна оғзида қолди.
- Қоринамо мункайиб капитанга мўлтиради:
- Мениям паспортимни берасизми, ака?
- Капитан ер остидан ўқрайди.
- Ака?.. – Сўнг юзи ёришиб, нигоҳи майинлашди. – Сиз кимсиз, қори ака?
- Айтди.
- Даъвоингиз йўқми?
- Йўқ.
- Мана паспортингиз. Оқ йўл...
- Қоринамо Гувоҳдан узр сўраб чиқиб кетди.
- Капитан Гувоҳга ручка ва қоғоз узатди.
- Ёзинг!
- Нимани?
- Гувоҳ хонада ёлғиз ўзи қолгани боис бўшашди.
- Кўрганларингизни.
- У эндигина ўтирганда, сержант бир-бирига жуда-жуда ўхшаган икки одамни етаклар кирди.
- Шубҳали шахсларни ушлаб, келдим, ўртоқ капитан, – дея қўлини чаккасига қўйди.
- Қанақа шахс-ей, ака?.. – дея силтанди қора чарм куртка кийгани.
- Ака онангизнинг куч... уйида бўлади, гражданин, – деди сержант дона-дона қилиб.
- Чарм курткали жим қолиб, бошидан қора кепкасини олди.
- Оддий қора куртка ва кепка кийгани эса олазарак эди .
- Мана, хужжатлари, – дея сержант капитанга битта қоғоз билан паспорт узатди
- Яхши!– деди капитан.

– Қани, икковингиз бир четда ёнма-ён туринглар-чи... Хў-ўш... Ие, биримиз яқинда озод бўпмиз-да, а? Биримиз эса...

Гувоҳ ёзишдан тўхтади.

– Қани, диққат билан қаранг-чи, қайси бири сиз айтган одам?

У ими-жим диққат қилди.

Шу пайт чарм курткали капитан билан сержантга бирров кўз ташлаб олди-да, ўнг кўлини бўғзига олиб бориб, олайганча «каллангни оламан» дегандай бўлди.

Гувоҳ чўчиб кетди, кўзлари аянчли тусга кириб, мағрур елкалари шалвиради.

Бу орада оддий курткали бўшашиб турарди.

– Билмадим-у... Менимча... – дея ғудранди Гувоҳ.

– Сиз ёзаверинг! – деди капитан уни ўтиришга ундаб.

Гувоҳ, дипломатини очиб, каттакон дастрўмол олди-да, юз ва бўйнини артди.

– Сизга рухсат, – деди капитан, чарм курткалига паспортини узатиб. – Кетишингиз мумкин.

Чарм курткали аввал капитанга эгилиб раҳмат айтди, кейин Гувоҳга қайрилиб:

– Раҳмат-ей, ака, ўғил бола одамакансиз, – дея ғойиб бўлди.

– Бунисини эса тегишли жойга олиб чиқинг! – буюрди капитан сержантга.

Оддий курткали сержант етовида эшикка юраркан, ёш тўлган нафратли кўзларини Гувоҳга тикди-да, тишлари орасидан деди:

– Ҳали болаларимни кўрмовдим... Инсофсиз одам экансиз!

Гувоҳнинг овози ҳам титрай бошлаганди:

– Нима бўляпти ўзи, ўр?..

Капитан парво қилмай, стул суянчиғига ястаниб, кўлларини тепага қилди ва бармоқларини бир-бирига қовуштириб қисирлатди.

– Ёзиб бўлдингизми?

– Ҳмм... Ҳозир...

Ташқаридан таниш овоз эшитилди:

– Эҳтиёт бўлинг, биринчи йўлдан «Тошкент-Х» поезди жўнаб кетмоқда.

У капитанга қараб илтижоли мўлтиради. Капитан паспортини кўздан кечирарди.

– Сизнинг поездингизми?

– Ҳмм... – Унинг юзи баттарроқ аянчли тус олди, ҳатто оппоқ оҳорли қўйлагининг қиррали ёқалари ҳам шалвираб қолгандай туюлди.

– Жим юрсангиз бўлмайдами, ака, – деди настиҳатомуз хўрсиниб капитан. – Бугун энди шу ерда қоласиз...

Гувоҳнинг кўзлари ростмона ёшланди.

– Ундай деманг, ака... ўртоқ капитан!

Бир хўрсиниб қўйган капитан инсофга келди:

– Ҳозир фермерларни ҳурмат қилмасак, кимни ҳурмат қиламиз. Майли, сизга ҳам рухсат. Фақат керак бўлиб қолсангиз чақирамиз, тушундингизми?

– Тушундим-тушундим... – У паспортини оларкан, капитаннинг кўлини ўпиб олишига сал қолди. – Раҳмат... Раҳмат, ўртоқ кап...

– Оқ йўл, ака... – Капитан бошини кўтариб, жилмайди. – Оқ йўл!..

Гувоҳ дипломатини кўтариб, эшик томон чопди.

– Эҳтиёт бўлинг, биринчи йўлдан «Тошкент-Х» поезди жўнаб кетмоқда...



Шеърят



Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

*Инпилдим хурликка
пикиб кўзимни*

* * *

*Дунё турсин осойишта, тинч,
Ҳар бир дилда балқисин севинч,
Барҳақ бўлсин ҳамиша илинж,
Олам тўлсин дея зиёга,
Она, қўлни очинг дуога.*

*Тўлиб оқсин дарё, сойимиз,
Мўл-кўл бўлсин дон, бугдойимиз,
Порлайверсин юлдуз, ойимиз,
Олам тўлсин дея зиёга,
Она, қўлни очинг дуога.*

*Чоҳ қазмасин одамга-одам,
Баҳам кўрсин шодлигин ҳар дам,
Инсоф берсин ёмонларга ҳам,
Олам тўлсин дея зиёга,
Она, қўлни очинг дуога.*

*Яратганнинг ўзи қўлласин,
Тўғри йўлга бизни йўлласин,
Ватанимиз яшинаб, гулласин,
Олам тўлсин дея зиёга,
Она, қўлни очинг дуога.*

Онажсоним, дорулдур замон,
Сиз туфайли қучилгайдир шон,
Бахтимизга бўлингиз омон,
Жўр овозман сизнинг дуога,
Олам тўлсин дейман зиёга.

* * *

Интил, барҳам бергил камликка,
Кўникмагин боши хамликка,
Хукм сурган хотиржамликка
Шукроналар айтиб юр, болам!

Барҳам топди нолаю оҳинг,
Юксакларни қучди нигоҳинг,
Ишонч бўлиб доим ҳамроҳинг,
Шукроналар айтиб юр, болам!

Кўрсатарди қабоҳат кучин,
Енгиб ўтдинг кўргуликни, чин,
Мустақиллик, эркинлик учун
Шукроналар айтиб юр, болам!

Хурлик бугун ўз қўлларингда,
Дастинг узун, ўз қўлларингда,
Ризқинг бутун, ўз қўлларингда,
Шукроналар айтиб юр, болам!

Юз кўрсатди орзую ният,
Хурлик, асли, буюк бир неъмат,

Кўп нарсалар, ахир, ганимат,
Шукроналар айтиб юр, болам!

Кунларингга – осойишта, тинч,
Балқигайдир юзларда севинч,
Бўй кўрсатди қатъият, илинж,
Шукроналар айтиб юр, болам!

* * *

Яшаяпман хокисор, сокин,
Мен ўзимча эртароқ тиндим.
Тарк айлади иштиёқ, лекин
Безовта қалб, сени соғиндим.

Яралганман, дердим, оташдан,
Дард, аламдан ногаҳон синдим.
Четга чиқиб қолдим курашдан,
Безовта қалб, сени соғиндим.

Унутиб не-нени тобора,
Зарра қумдай ерларга сингдим.
Энди, топай, излаб бир чора,
Безовта қалб, сени соғиндим.

Нигоҳимни тортмас сулувлар,
Йўл бермагай гўёки индим,
Кел, юракка солгин гулулар,
Безовта қалб, сени соғиндим.





Муножотхон КАРИМЖОН қизи

Эзулик баётлари

Сабр

*Сабр, сени ҳамроҳ қилиб,
Нималардан айрилдим-а?
Сабрсизни гумроҳ билиб,
Дунёлардан айрилдим-а.*

*“Сабр тағи – сариқ олтин”, –
Деганлари тўғри дердим.
Сабрсизлар доим олдин,
Мен-чи, мудом ортда юрдим.*

*Узр, сабр, чўккан кўнглим,
Дардларини тўкиб солдим.
Ахир, сабр қила-қила,
Менга фақат армон қолди.*

*Гиналарим оғир олиб,
Мендан кечиб кетма, сабрим.
Сабрлилар орасида
Билинса, бас, ўрним, қадрим.*

*Майли, дейман, яна аста
Бесабрга йўл бераман,
Эҳ, бормисан, қадрдоним,
Деб, сабрга қўл бераман.*

Пинҳон дард

Согинч ўртаса ҳам бағримни эзиб,
Бардошим толса-да, дунёни кезиб,
Қўрқаман, ўзгалар қолмасин сезиб,
Ҳеч кимдан сўроқлай олмасман, сени,
Чунки, сен қалбимда пинҳон дардимсан.

Кўнгил қўмсаб, аста, кўзлардан сўрар,
Кўзлар шивирлашган сўзлардан сўрар,
Сўзлар қай тил билан кимлардан сўрар,
Ҳеч кимдан сўроқлай олмаслар, сени,
Чунки, сен қалбимда пинҳон дардимсан.

Маъюсгина кўнгил, бечора кўнгил,
Ишқнинг оташида минг пора кўнгил,
Ғамгин кўчаларда овора кўнгил,
Ҳеч кимдан сўроқлай олмагай, сени,
Чунки, сен қалбимда пинҳон дардимсан.

Тўртликлар

Шодликдан кўрпача тиксам
Ва унга яширсам оламни.
Қайғу-ғам зир излаб, топмаса,
Сўнг, мангу тинч қўйса одамни.


* * *

Наврўзинг муборак, муқаддас юртим,
Жонгинам садоға баҳорларингга.
Қуёш уйқусидан кечиб, парвона,
Сенинг биллурдайин наҳорларингга.

* * *

Ҳеч не талаб эмасман сиздан,
Қутмам, ишқу меҳру мурувват.
Қор ёғмасин қабогингиздан,
Илиқ, нигоҳ кўрсам, бас, фақат.

Жаҳон ҳикоялари хазинасидан



О'ГЕНРИ

СЎНГГИ ЯПРОҚ

Ҳикоя

Вашингтон Сквернинг ғарбидаги кичик бир даҳада кўчалар чалкашиб кетган ва “тор кўчалар” номини олган йўлакчаларга бўлиниб кетган эди. Бу “тор кўчалар” ажаб-товур бурчаклар ва эгри чизиклар ҳосил қилганди. Ҳаттоки, бир кўча ўзини-ўзи бир ёки бир неча марта кесиб ўтарди. Бир пайтлар бир мусаввир бу кўчанинг ноёб хусусиятини кашф қилган экан. Дўкондан келган пул йиғувчи киши бўёқ, қоғоз ва бўз учун тўлов қоғозларини қўлида тутганча шу кўчаларни айланиб ўтаётиб ҳисоб бўйича бир цент ҳам ундиролмай қайтиб кетаётганини кўриб қолишини бир тасаввур қилиб кўринг!

Шундай қилиб, ажиб маскан бўлмиш Гринвич Виллиж даҳасига шимолга қараган деразалар, XVIII аср нақшли пештоқлари, голландча қия шифтли болохоналар ва арзон ижара ҳақлари илинжида санъат намояндалари ҳар тарафдан кўчиб кела бошладилар. Сўнгра улар олтинчи авенюдан бир неча қалай кружка ва бир ёки икки дона овқат пиширадиган чўғдонларини олиб келиб, бу ерда “санъаткорлар гурунги”ни ташкил қилишди.

Баланд бўлмаган уч қаватли ғиштин бинонинг юқори қаватида Сью ва Жонсиларнинг устахонлари жойлашганди. Дўстлари Жоаннани эркалаб Жонси деб чақиршарди. Бири Майн штатидан; бошқаси эса Калифорниядан келган эди. Улар Саккизинчи кўчадаги “Дельмонико” ошхонасининг табльдоти¹ атрофида танишиб қолишган ва уларнинг санъат, сачратқи салати ва урф бўлган кенг англи кўйлақлар борасидаги қарашлари шунчалик мос келган эдики, натижада улар биргаликда устахона очишга қарор қилишганди.

Бу май ойида содир бўлган эди. Ноябрьда эса шифокорлар Зотилжам деб атайдиган кутилмаган совуқ ва бераҳм бир меҳмон ташриф буюрди. У шу турар жойлар атрофида кезиб юрар ва йўлида учраган кимсага раҳм-шафқат қилмай ажал исканжасига тортарди. Шарқий ҳудуд бўйлаб бу ўлим хабарчиси ҳеч нарсадан тап тортмай ортидан ўнлаб қурбонларни қолдириб шахдам қадамлар билан одимлаб борди, аммо бақатўн босиб кетган ўша хароб ва чалкаш “тор кўчалар”га келганда қадами секинлашди.

Зотилжам деган жанобни сиз зинҳор олижаноб мўйсафид киши деб атамаган бўлардингиз. Акс ҳолда муштарлари қизарган, ҳансироқ бу қари галварс Жонсидек азобга умуман бардошсиз, нимжонгина бир аёлни рақиблик учун танламаган бўларди. Афсуски, у айна шу қизни маъқул кўрди. Жонси эса ҳолсиз-мадорсиз аҳволда бўялган

¹ Табльдот – баъзи бир мамлакатлардаги умумий овқатланиш столи (дам олиш масканларида, ошхоналарда, ресторанларда – тарж).

темир ётоққа михланиб ётиб қолди. У кичкина голланд дераза ойнасидан ташқарига, қўшни ғиштли бинонинг бўм-бўш деворига ногоҳини тикканча жимгина ётарди.

Бир куни эрталаб безовта бўлган шифокор Сьюни оқариб кетган пахмоқ кошлари билан имлаб даҳлизга чақирди.

– Унинг тузалиб кетишини мен, айтилик, ўндан бир эҳтимол деган бўлардим, – деди у термометридаги симобни силкитаркан. – Шунда ҳам бу имконият унинг яшашга бўлган интилиши билан боғлиқ. Агар бемор гўрковга иши тушишини шунчалик хоҳлаётган бўлса, доришунослик китобларимиздаги кўрсатмалардан ҳеч қандай фойда йўқ. Хонимчангининг ҳаётига бўлган қизиқиши сўниб бўлган. Унинг фикру хаёлини нима банд этган?

– У бир кун келиб Неаполитан кўрфазини ҳар хил бўёқларда тасвирлашни дилига тугиб қўйганди, – деди Сью.

– Нима? Тасвирлаш? Қўйсангиз-чи! Мен ҳақиқатдан ҳам ўй суришга арзийдиган нарсга ҳақида гапиряпман! Масалан, бирор йигит ҳақида ўйламайдими?

– Йигит? – деди Сью, овози худди чанқовуз каби жарангдор янграб. – Наҳотки йигитлар бунга арзиса... Йўғ-эй, доктор, ҳеч ҳам ундай эмас.

– У ҳолда, бу шунчаки дармонсизлик оқибати бўлса керак, – деди шифокор. – Мен фан вакили сифатида бор маҳоратим ва илмимни ишга солиб кўраман. Аммо бемор ўзининг жаноза маросими ҳақида ўйлашни бас қилмас экан, дорилар шифобахш кучининг ярми йўққа чиқаверади. Агар сиз уни қишда қанақа энгли либослар урф бўлиши ҳақида савол сўрашга қизиқтира олсангиз, унинг тузалиб кетиш имкониятини мен ўндан бир эмас, бешдан бир эҳтимол деб бемалол айтган бўлардим.

Шифокор кетгандан кейин Сью хонасига кириб кетди. У ерда йиғлайверганидан японча дастрўмолини ҳам ҳўл қилиб юборди. Сўнгра у қаддини тутиб, қўлида мольберт билан регтайм чалганча Жонсининг хонасига кириб келди.

Жонси кўрпанинг тагида билинар-билимас ётар, кўзлари эса дераза томон қадалганди. Сью Жонсини ухлаб қолган деб ўйлаб ҳўштак чалишни бас қилди.

У тезда мольбертни ҳозирлади ва ойномадаги бир ҳикоя учун сиёҳда расм чизишни бошлади. Ёш рассомлар катта санъатга илк қадамларини ойномаларда босиладиган ҳикоялар учун суратлар чизиш билан қўйишади, ўз навбатида бундай ҳикоялар орқали ёш ёзувчилар адабиёт оламига кириб келишади.

Сью монокл таққан башанг кийимдаги айдаҳолик чавандоз йигит суратини чизаётган вақтда қўлоғига шивирлаган бир овоз эшитилди, сўнгра бу овоз бир неча бор такрорланди. У дарҳол Жонсининг ётоғи томон шошди.

Жонсининг кўзлари катта очиқ эди. У нигоҳини деразадан ташқарига қадаган кўйи санарди – тескари тартибда санарди.

– Ўн икки, – деди у ва сал ўтмай: – ўн бир, сўнгра – ўн, тўққиз, ундан сўнг эса: – саккиз, етти, – деб санарди у деярли бир маромда.

У хавотир олганча деразага қаради. У ерда санайдиган нима бор? Маҳзун кўринишдаги бўм-бўш ҳовли ва йигирма қадамча наридаги ғиштли бинонинг теп-текис деворидан бошқа ҳеч нарсга кўзга ташланмасди. Изларидан чирий бошлаган, эгри-бугри қари печакгул ғишт деворнинг ярмигача чирмашиб кетганди. Кузнинг совуқ нафаси унинг баргларини аёвсиз тўкиб юборган, деярли ялонғоя бўлиб қолган новдалари эса уқаланиб кетаётган ғишт деворга жон ҳолатда тирмашиб турарди.

– Нима ҳақида гапиряпсан, дугонажон? – сўради Сью.

– Олти, – деди Жонси пичирлаб. – Улар энди тезроқ тўкила бошлади. Уч кун аввал улар юзтача эди. Санайвериш бошим оғриб кетарди. Энди эса осонроқ бўлиб қолди. Ана, яна биттаси тўкилди. Ҳозир атиги бештагина қолди.

– Бешта нима, азизим? Дўстинг Сюдига айтсанг-чи!

– Барглар. Печакгул япроқлари. Уларнинг сўнггиси тўкилганда, мен ҳам ҳаёт билан видолашаман. Мен буни уч кундан бери сезиб келяпман. Шифокор сенга ҳеч нарсга демадимми?

– Бундай бўлмағур гапни биринчи бор эшитишим! – деб жавоб қайтарди Сью шикоятмуз оҳангда, ўзини дугонасининг гапларини эътиборга олманган қилиб кўрсатиб. – Қари печакгул япроқларининг тузалиб кетишинга нима алоқаси бор? Ахир сен у

печакгулни жуда ёқдирасан-ку, кулоқсиз қизалоқ! Бўлди, тентакликни бас қил! Ахир бугун эрталаб доктор сенинг тез кунда тузалиб кетишингни ...ўндан ...ҳозир, эслаб кўрай ...ҳа, ўндан тўққиз эҳтимол деб айтганди. Бу эса ҳар биримиз Нью Йоркда трамвайда кетаётиб ёки янги қурилаётган уйнинг ёнидан ўтаётиб дучор бўлишимиз мумкин бўлган хавф-хатар билан барабар дегани-ку! Шўрвадан озгина ичиб олгин, ўртоқжонинг Сьюдига эса рухсат бер, у чизаётган суратини тугатсин ва уни муҳаррирга пуллаб касал қизалоғига портвейн шароби, ўзига эса юмшоққина чўчка котлетидан олиб келсин.

– Энди шароб олишингга ҳожат йўқ, – деди Жонси кўзларини деразадан узмасдан. – Ана, яна биттаси тушяпти. Бўлди, бошқа шўрва ичгим келмаяпти. Ҳозир улар тўрттагина қолди. Қоронғи тушмасидан охиргисининг тушишини кўрмоқчиман. Сўнгра мен ҳам бу ёруғ оламни тарк этаман.

– Жонси, жонгинам, – деди Сью унинг тепасида эгиларкан, – менга кўзларингни юмиб деразага қарамай туришга сўз берасанми? Мен унғача ишимни тугатиб олардим. Суратларимни эртага топширишим керак. Менга ёруғлик зарур, бўлмаса пардани тушириб қўярдим.

– Бошқа хонада чизсанг бўлмайдимми? – сўради Жонси совуқ оҳангда.

– Олдингда қолсам дегандим. Ундан ташқари, шу ахмоқона печакгул баргларига қарашингни хоҳламайман.

– Тугатишинг билан менга айт, – деди Жонси кўзларини юмаётиб. У мум ҳайкал каби ранги синиқ ва ҳаракатсиз ётарди. – Чунки сўнги япроқнинг тушишини кўрмоқчиман. Мен кутишдан чарчадим. Ўйлайвериш ҳам чарчадим. Мени бу дунёга боғлаб турган барча ришталардан халос бўлиб, ўша ҳаётдан тўйган бечора япроқлар мисоли ҳавода учганча ғойиб бўлишни хоҳлайман.

– Ухлашга ҳаракат қил, – деди Сью. – Берманни чақириб чиқишим керак. Унға қараб умрини ёлғизликда ўтказувчи кончи суратини чизмоқчиман. Бир дақиқа ўтмай қайтаман. Келгунумча жойингда қимирламай ётгин.

Қария Берман пастки қаватда яшайдиган бир рассом эди. У олтмишдан ошган, Микеланжело ясаган Мусо ҳайкалинки каби жингалак соқоли ихчамгина жуссасига ярашиб турарди. Берманнинг санъат соҳасида омади чопмади. У қирқ йил мўйқалам сурган, аммо ҳали-ҳануз унға илҳом парисининг этагидан тутиб қолиш насиб этмаганди. Ҳар сафар бу мусаввир шоҳ асар яратмоқ учун шайланади, лекин ҳозиргача бу ишни бошлай олмаган ҳам эди. Мана, бир неча йилдирки, баъзан эълонлар учун тирикчилик йўлидаги ўлда-жўлда ишланган расмларини айтмасак, арзирли бир иш қилмаган ҳам эди. У профессионалга қурби етмаган маҳаллий ёш рассомлар учун тирик манекенлик қилиб кун кўрарди. Ичкиликка муккасидан кетган, шунга қарамасдан ҳали ҳам яратажак шоҳ асари ҳақида гапиришдан тинмасди. Умуман олганда эса, кўнгили бўш одамларни жини суймайдиган, ўзини юқорида яшовчи икки рассом қизни химоя қилувчи қўриқчи ит деб ҳисоблайдиган баджаҳл бир чол эди.

Сью Берманни пастки қаватдаги хира ёритилган ҳужрасидан топганида, ундан қора арча мевасининг ҳиди анқиб турарди. Хонанинг бир бурчагидаги мольбертда эса йигирма беш йилдан буён шоҳ асарнинг илк чизгиларини интиқлик билан кутаётган бўм-бўш мато ётарди. Сью унға Жонсининг хаёлидагиларни, қизнинг ўзи ҳам япроқ мисоли енгил ва нимжон бўлиб қолганини, ҳаёт ришталари нозиклашиб қолиб, шамолдаги япроқ каби учиб кетишидан ҳавотирда эканини айтиб берди. Қизарган кўзлари ёшлана бошлаган Берман бундай хаёлпарастликдан ғаши келиб бақириб юборди.

– Нима? – деб ўшқирди у. – Ҳеч жаҳонда лаънати бир печакгул япроқлари тўкилгани учун ҳам одам ўладими? Бунақасини сира эшитмаган эканман. Йўқ, сенинг ўша ахмоқ кончи суратинг учун манекенлик қилишни хоҳламайман! Қандай қилиб бундай бўлмағур фикрларни унинг миясига келишига индамай қараб турипсан? Э-э-э Жонси хоним.

– У бетоб бўлиб анча заифлашиб қолди, – деди Сью, – иситмаси баландлигидан алаҳсираб ҳар хил беъмани нарсалар ҳақида алжираяпти. Майли, жаноб Берман, агар менга манекенлик қилишни истамаётган бўлсангиз, сизни овора қилиб ўтирмайман. Аммо нима бўлганда ҳам сиз жирканч қари ... қари эзма чол экансиз!

– Эҳ, барибир заифалигинга борасан-да! – қичқирди Берман. – Манекенлик қилмайман деб сенга ким айтди? Бўлақол тезроқ! Сен билан бораман. Ахир ярим соатдан бери сенга шуни уқтиряпман-ку! Худойим-эй! Бу ер Жонси хонимдек қиз учун касал бўлиб ётадиган жой эмас. Бир кун келиб мен албатта шоҳ асаримни чизаман, кейин биз бу ердан кўчиб кетамиз. Албатта, бўлмасам-чи!

Улар юқорига чиқишганда Жонси ухлаб қолган экан. Сью пардани дераза тоқчасига тушириб, Берманга бошқа хонага ўтишга ишора қилди. У ерда улар деразадан печакгулга хавотир билан қарашди. Сўнг бир лаҳза лом-мим демай бир-бирларига тикилиб қолишди. Ташқарида ёмғир аралаш қор тўхтовсиз ёғарди. Берман ўнгиб кетган кўйлагида ёлғиз яшовчи кончи ўлароқ қоятош ўрнини босувчи тўнтарилган қозон устига ўтирди.

Эртаси кун эрталаб Сью бир соатлик деразани ёпиб турган яшил пардага қараб турарди.

– Пардани кўтар, кўришни хоҳлайман, – деб шивирлади у буйруқ оҳангига.

Сью ҳорғин ҳолда унинг айтганини бажарди.

Аммо не ажабки, тун бўйи шаррос қўйган ёмғир ва эсган кучли шамолга қарамай ғишт деворда ҳали ҳам битта япроқ кўриниб турарди! У печакгул япроқларининг сўнггиси эди. Пояга яқин жойлари ҳали-ҳамон тўқ яшил, аррасимон қирралари эса қуриб сарғая бошлаган бу япроқ йигирма футча баландликда матонат билан ўз новдасига осилиб олганди.

– Бу сўнггиси, – деди Жонси. – Уни кеча кечқурун албатта тўкилади деб ўйлагандим. Шамолни эшитдим. У бугун тўкилади, шунда мен ҳам ўламан.

– Нафасингни ел учирсин! – деди Сью, сўлғин юзини ёстиқ томон бураркан. – Ўзинга жонинг ачимаса, менга раҳминг келсин! Менинг ҳолим не кечади?

Аммо Жонси жавоб қайтармади. Инсон қалби сирли, олис саёҳатга ҳозирлик қилаётган бу оламдаги барча нарсага бефарқ бўлиб қоларкан. Жонсини дўстлик ва ҳаётга боғлаб турган ришталар бирма-бир узиларкан, у ўша хаёли таъсирига тобора берилиб кетаётгандай эди.

Яна бир кун ўтди, ғира-шира бўлишига қарамасдан ҳали-ҳамон новдасида осилиб турган ўша ёлғиз япроқ кўзига ташланиб турарди. Қоронғи тушиши биланоқ шимолдан эсаётган шамолнинг яна жиловни бўшади, бу пайт ёмғир ҳам тинмай деразага урилиб, паст голланд тарновларидан чаккиллаб пастга оқарди.

Тонг отиши биланоқ бағритош Жонси яна пардани кўтаришни буюрди.

Печакгул барги ҳали ҳам ўз жойида эди.

Жонси унга узоқ вақт тикилиб ётди. Сўнгра газ плитасида товуқ шўрвасини ара-лаштираётган Сьюни ёнига чорлади.

– Қанчалик заиф бўлган эканман-а, Сьюди, – деди Жонси. – У сўнги япроқ ҳам қанчалик заифлик қилаётганимни кўрсатиш учун тўкилмай туришга куч топа олди. Ўзига ўлим тилаш катта гуноҳ. Бундай ният қилганим учун ўзимдан ўзим уялиб кетяпман. Ҳозир менга озгина товуқ шўрвадан бергин, яна портвейнли сутдан ҳам олиб кел... Йўқ, шошма! Аввал ойнани келтир, ёнимга ёстиқ ҳам тўшаб қўй, ўтириб овқат пиширишингни кўрмоқчиман.

Бир соатдан кейин у деди:

– Умид қиламанки, бир кун келиб мен албатта Неаполитан кўрфазининг рангли суратини чизаман.

Тушлиқдан кейин шифокор келди, у кетаётганда эса Сью бир нарсани баҳона қилиб унинг орқасидан даҳлизга чиқди.

– Имкониятлар баробар, – деди шифокор Сьюнинг нозик, титраётган қўлларини сиқиб қўяркан. – Яхши қаров билан касалликни албатта енгасизлар. Ҳозир эса мен пастки қаватдаги беморни кўришим керак. Унинг исми Берман экан. Менимча, рассом бўлса керак. У ҳам зотилжамга чалинибди. Кексайиб қувватдан қолган, касали эса жуда оғир. Ҳеч қандай умид қолмаган, бирибир касалхонага юборсак тинчроқ ётади.

Эртаси кун шифокор Сьюдига деди:

– Унинг ҳаёти хавф остида эмас. Сизлар енгинлар. Унга яхши овқат бериб ғамхўрлик кўрсатилса, тез кунда оёққа туриб кетади.

Ўша оқшом Сью мамнуният билан тўқиётган тўқ мовий ва умуман кераксиз жунли шарфини тутганча Жонсининг ётоғига келди, бир қўли билан қизни ёстиққа қўшиб бағрига босди.

– Сенга бир гап айтишим керак, менинг жажжигина оппоқ куёнчам. – деди у. – Бугун жаноб Берман касалхонада зотилжамдан вафот этибди. У атиги икки кун бетоб бўлиб ётибди. Қоровул уни биринчи куни эрталаб пастдаги хонасига оғриқдан ночор аҳволда кўрган экан. Оёқ кийими ва уст-бошлари жиққа хўл ва совуқдан музлаб кетган экан. Ўша машъум кечада қаерда бўлганлигини тасаввурларига ҳам сиғдира олишмабди. Ундан кейин улар ҳали ҳам ўчмаган фонар, жойидан кўзгатилган нарвон, бир нечта сочилиб ётган мўйқалам билан бирга яшил ва сариқ бўёқларни топишибди – деразадан ташқарига қарагин, қадрдоним, девордаги сўнгги япроққа бир назар ташлагин. У нега шамолда тебранмаётганига ҳеч эътибор бердингми? Эҳ, жонгинам, бу Берман яратган шоҳ асар – уни у ўша сўнгги япроқ тўкилган кечада чизган экан!

Инглиз тилидан Маъруф Абдуллаев таржимаси





Ўуррият шуълалари

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Истиқлол шарафли



* * *

*Истиқлолим қутлуғ сенинг йигирма ёшинг,
Мангу бўлсин Ватан узра балққан қуёшинг.*

*Халқим минг-минг йиллар кутган азиз айёмда
Олам кўрсин бошингдаги шу олтин тожинг.*

*Ватан меҳри йўғрилган энг азиз наво бу,
Фахр ила куйлар уни кексаю ёшинг.*

*Зўр даҳолар масканидир юртим азалдан,
Дунё тарихинда абад мағрурдир бошинг.*

*Янги улуг кошоналар кўтардилар қад,
Фарзандларинг камолидек улғаяр ёшинг.*

*Келажакнинг таянчидир баркамол авлод,
Она Тошкент руҳи сенинг буюк наққошинг.*

*Истиқлолдир бизнинг сўнмас қуёшимиз,
Юксак тутар уни юртим, Юртбошимиз.*



**Зикрилла
НЕЪМАТ**

Бахтлар бешими

*Тонгда кўз очурмиз тарона билан,
Тинч-омон кунларга шукрона билан,
Тўйингга шошурмиз тўёна билан,
Айёминг муборак азиз онажон,
О, бахтлар бешиги, жон Ўзбекистон!*

*Сенда кўрк, гўзаллик, ажиб сеҳр бор,
Кўёшдай қалбингда чексиз меҳр бор,
Яшармиз бағрингда озод, бахтиёр,
Ўзимиз бекмизу ўзимиз султон,
Эзгулик диёри – ҳур Ўзбекистон!*

*Ушалди аждодлар асрий орзуси,
Ёнар юракларда ҳурлик ёғдуси,
Эзгу-тилакларда тичлик тўйғуси,
Шаҳду шиддатингга қойилдир жаҳон,
О, бахтлар бешиги, жон Ўзбекистон!*

*Бир ён Оврүподир, бир ён Осиё,
Юртим, тўрт тарафга таратдинг зиё,
Ақду заковатинг тан олди дунё –
Олқишлагай сени заминун замон,
Эзгулик диёри – ҳур Ўзбекистон!*

*Фанимлар гийбати – ўткинчи шамол,
Уларни кўнглингга олма ҳеч малол,
Сен улкан чинордек юксал, бемалол,
Эй, толе юлдузим порлаган осмон,
О, бахтлар бешиги, жон Ўзбекистон!*

*Меҳр-ла яшнатиб дала-даштини,
Халқим тинч кунларнинг сурар гаштини,
Азиз фарзандларинг шиддат-шааштини –
Нурли бир келажак чорлайди бу он,
Эзгулик диёри – ҳур Ўзбекистон!*

*Юртим, жоним қадар суюксан-суюк,
Бахт-иқболнинг бўлсин бундан-да буюк,
Онажоним, дея, ардоқлаб, суюб,
Эрка бир болангман қучарман, шодон,
О, бахтлар бешиги, жон Ўзбекистон!*

Юртимнинг ёзи

*Шилдираб-шилдираб оққан ариқлар,
Англадим, заминнинг соҳир овози.
Олов атиргуллар, сўлим ошиқлар,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.*

*Кўҳлик қизлар каби юзи қизармиш
Ва ё бу шунчаки олмалар нози.
Қушчалар тилида санойи хониш,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.*

*Чарос, бог-роғларнинг мунис нигоҳи,
Бир ҳикмат хабари олча-гилоси.
Таъриф-тавсифингни тополмам гоҳи,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.*

*Мен меҳр кўраман қуёш тафтида,
Дилимда жўш урар истиқлол рози.
Осмон ҳам эъзозда дарё кафтида,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.*

*Эй мағрур тоғларим ибрат мактаби,
Дилбандлар қувончи диллар баёзи.
Неъматлар шукридан қалблар матлаби,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.*

*Ифтихор ҳиссидан диллар нурафшон,
Туганмас юраклар файзи, фаёзи.
Мен муножот айлар куйчи шоирман,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.*



**Файрат
МАЖИД**

Навоий сабоғи



Насиба БОЗОРОВА,
БухДУ докторанти

“НАФС ИЛА РУҲНИ ЗИНҲОРКИ ҚИЛМА МАХЛУТ”

Шарҳ шеъриятида ишқ, ирфон, гўзаллик, дин ва ахлоқ хусусидаги қарашларнинг бари бир нуқтада бирлашади, бир мавзу доирасида умумлашади. Бу нафс ва руҳ масаласидир. Нафс ва руҳ инсон зотида бирлашган, бир-бирини тўлдириб, айна чоғда, бир-бирини рад этувчи икки қарама-қарши кутб. Нафсда ҳам, руҳда ҳам чексиз қудрат яширин. Уларнинг моҳияти ҳеч қачон бир-бирисиз аёнлашмайди. Нафс руҳнинг мавжудлигини далилласа, айна чоғда, руҳ ҳам нафс борлигини тасдиқлайди. Ҳар иккаласининг вазифаси зоҳиран бир хил бўлса ҳам, ботинан мутлақ фарқли. Айна шу фарқланиш асосида, уларнинг табиати, хусусияти намоён бўлади.

Тасаввуф аҳли нуқтаи назарида руҳ яратилган бир жавҳардир. Фақат у яратилганларнинг энг латифи, жавҳарларнинг энг тозаси ва энг нурлисидир. Ғайб оламидаги нарсалар у орқали кўринади ва ҳақиқат аҳлига кашф унинг соясида билинади. Руҳнинг зидди ҳисобланган нафс эса, барча ёмонликларнинг дояси ҳисобланган. Руҳ қанча нурли ва юксак мавжудлик бўлса, нафс шу қадар чиркин ва тубан борлиқ сифатида эътироф этилган. Тасаввуфда инсон феълидаги бари иллатлар нафсдан, фазилатлар эса руҳдан қайноқланади, деган қараш устувор. Шу боис ҳам, сайру сулуқда бутун ҳаракатлар нафсни ислоҳ қилиш ва руҳни камол топтиришга қаратилган.

Улуғ мутафаккир Навоий ҳам мутасаввуфларнинг бу қарашларига тўла қўшилган ва ўзининг деярли барча асарларида нафс ва руҳ муҳолифотидан сўз юритган. Бу орқали эса, улуғ шоир нафс ва руҳ хусусиятлари, уларнинг инсон тақдири ва қисматидаги ўрнидан кенг баҳс юритган. Чунончи, шоирнинг аввалу охир нафс ва руҳ талқинини яратган ушбу ғазалига эътибор қилсак:

*Гар фано расмини қилмоқ тилар эрсанг мазбут,
Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут.*

*Руҳ ул нурдурким, ҳақ анга бермиш авж,
Нафс зулматқа қолиб, қилмиш анга поя хубут.*

*Руҳ раҳмони эзур, нафс эзур шайтони,
Иккисин бир-бирига қўшмақ эмастур машрут.*

*Руҳға шева калимулло ишин қилмоқ фош,
Нафс фиръавнлиқ асбобини айлаб марбут.*

*Руҳга дааъб ҳабибулло иши ойини,
Нафс бужаҳллик асбобини айлаб мабсут.*

*Ё раб, эт бизни ҳабибинг сифатиға росих,
Айла бужаҳл тариқин ичимиздин маскут.*

*Қил Навоийни ҳамул хат била, ё раб, озим
Ким, бирор ёнидин айрилди ўтуз олти хутут.*

Орифона руҳда битилган ушбу ғазалнинг биринчи байтиданоқ, шоир комилликнинг энг муҳим жиҳатларига эътибор қаратади. Унингча, “фано расми” – ўзлигини маҳв этмоқни истаган одам, аввало, нафс ва руҳни бир-биридан фарқлай олиши, иккаласининг бир нарса эмаслигини англамоғи лозим. Зеро, Шайх Абу Толиб ал-Маккий ҳам ўзининг “Қут ул-қулуб” асарида бу хусусда шундай ёзган: “Руҳ ҳам, нафс ҳам жисмдаги мустақил борлиқдир. Руҳ хайр – яхши ишлар учун ҳаракатланади ва бу ҳаракатдан кўнгилга бир нур зуҳур этади. Нафс эса, шаръ – ёмон ишлар учун ҳаракат этади ва бундан кўнгил зулматга тўлади. Шайтон бу зулматни кўриб кўнгилга иғво солади”. Навоий ҳам худди шундай қарашларни назм ипига тизади. Улуғ шоир илоҳий-маърифий ғоялардан келиб чиқиб нафс ва руҳ хусусида мулоҳаза юритар экан, ўз ғазалида тазод, ташбеҳ, талмеҳ каби бадиий воситалар асосида фикрларини жонли ва ёрқин бўёқларда акс эттиради. Айтиш жоизки, бадиий воситалар ёрдамида шоир сўзларга ўзига хос вазифа юклаган ҳамда ўқувчини сўз зимнидаги сўзни англашга чақирган.

Шоир руҳ ва нафснинг хусусиятини ёритишда дастлаб нур ва зулмат тазодини қўллайди. Унингча, руҳ ҳақ юксалтирган нур бўлса, нафс тубанликдаги зулматдир. Бу зиддият бевосита дунё икки қарама-қарши куч – нур ва зулматдан иборатлиги тўғрисидаги тасаввурларни ёдга солади. Бу билан шоир гўё инсон вужудида ҳам икки куч – эзгулик ва ёвузлик доимий муҳолифотда бўлиши, бирининг ғалабаси иккинчисининг мағлубиятига сабаб эканлигини таъкидлаётгандек. Шоир кейинги байтларда нафс ва руҳнинг зиддиятини янада аниқроқ чизади. Улуғ шоир бошқа бир қатор ғазалларида ҳам нафс ва руҳ зиддиятидан сўз юритган. Бундай ғазалларда шоир ўқувчини руҳ латофатиға раҳна соладиган нафс шумликларидан огоҳликка чорлайди. Унингча, нафс ва руҳ иккаласи бир нарсанинг икки қарама-қарши томони. Руҳ кўнгилда маърифат, илму ҳикмат чироғини ёндирса, нафс кибру ҳаво, риё, мунофиқлик, молпарастлик иллатларини пайдо қилади. Бири инсонни қанчалик юксакка кўтарса, иккинчиси шу қадар тубанликка тортади. Бири туфайли инсон камол топса, биридан заволга юз буради. Бири – шайтоний бўлса, бири – раҳмоний. Чунончи:

Руҳунгға сиҳҳат ўлса малоийк бўлур сипоҳ,

Нафсингға қувват ўлса шаётин бўлур табаъ, – дейди шоир. Демак, инсон руҳи – илоҳий дам, нафас. Руҳни камолга етиштириш инсонни малакларга етакчи қилади, аксинча бўлса, яъни, нафс қувватланса, у шайтон тобесига айланади. Хўш нафснинг қувватланиши қандай содир бўлади? Нафс қачон кучга тўлади? Биринчи галда, дунё севгиси кўнгилни эгаллаганда. Дунё – Навоий шеъриятида энг кўп ташбеҳга асос бўлган тимсол. У баъзан нафс тимсолини ҳам ифода этади. Руҳ хусусиятларини очишда ҳам улуғ шоир бу тимсолдан самарали фойдаланган. Чунончи, мутафаккир шоир бир ғазалида: “Ки руҳ булбулининг лойиқи эмас бу қафас”, дея руҳни булбулга, танни эса қафасга ўхшатади. Мисра мазмунига чуқурроқ разм солсак, унда шоир “қафас” – моддий дунё ташвишларига руҳ булбулини банд айламаслик лозимлигини ўқтираётгани аёнлашади. Ёки шунга ўхшаш фикрни шоирнинг бошқа бир байтида ҳам кўриш мумкин:

*Табиат чоҳидин руҳунени қутқарким, хуш эмастур,
Қафас қайди аро булбулға бўлмоқ мубтало асру.*

Байтдаги “табиат чоҳи”ни икки маънода тушуниш мумкин: 1. Борлиқ, дунё. 2. Инсоннинг моддий эҳтиёжлари, нафсоний истаклар. Руҳ учун дунё, унга хос истак, майллар – чоҳ. Руҳ булбул бўлса, бу истаклар гўё қафас. Дунё ташвишлари билан

умр ўтказиш, эртаю кеч моддият учун югуриш руҳни толиқтиради, чарчатади ва уни чоҳга ташлайди. Бундай ҳолда руҳ юксак ҳис ва туйғулардан маҳрум, оддийгина тириклик асоси бўлиб қолаверади. Руҳни “чоҳ”дан қутқариш – кўп машаққатли иш. Бу машаққатларнинг аввали тавба билан бошланса, сўнгги – тўрт унсур – жисм талаблари, хоҳиш ва истакларидан кўнгилни фориғ айлаш, ўздаги кибру ҳаво, манманликдан буткул кечиш – фано бўлиш билан яқун топади. Бу хусусда шоир бундай дейди:

*Десанг фалакка чиқай, фоний ўл аносирдин
Нединки, руҳунгаадур чормиҳ бу тўртов.*

Руҳ ўзини банди қилиб турган занжирлардан қутулгач, файз ва завққа муяссар бўлади. Бундай ҳолда руҳга ҳеч нарса тўсиқ ва хавф соломмайди. Зеро, Нажмиддин Кубро ёзганидек: “Қудсий руҳ латиф ва самовийдир. У ҳиммат қуввати ила тўлиб-тошгани замон руҳ самога битишур ва само унга ғарқ бўлар. Аслида, руҳ билан само айна бир нарса. Бу руҳ бетиним парвоз этар, юксалар, қувватланар, тарбияланар ва мукаммаллашар, самонинг шарафидан ҳам кўп устун бир шарафга эришмоқ учун ушбу ҳол давом этар. Ниҳоят, само чўққисини ишғол этар”. Демак, руҳнинг парвози завқу шавққа тўлишидан руҳ беҳад қувватланади. Бу руҳ орқали кўнгил ҳикмат ва маърифат сирига тўлади. Акс ҳолда, улуг шоир:

*Шавқ тийғи бирла солиқ айласа кўнгилни чок,
Файз шаҳристонни сайрига топар дарвоза руҳ, – деб ёзмасди.*

Умуман, Навоий бу каби байтлари орқали инсонга нафс шумликларидан ўзни муҳофаза қилиб, руҳ кенглиklarини сайр этиш ҳамда бундан келадиған файз билан ҳаётни безаш лозимлигини ўқтиради.

Хуллас, Навоий инсонийлик шарафи, қиймати, шахс камолоти хусусида ёзар экан, нафс ва руҳ тасвирларига алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, улуг шоир ғазалларида руҳнинг мақом ва даражалари, нафс мартабалари чуқур ёритилганки, уларни ўрганиш навоийшунослигимиз учун фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз.

*Тилинг била кўнглунгни бир тут,
Кўнглию тили бир киши айтқан сўзга бут!*

* * *

*Олим керакки, ўз илмининг появу миқдорин асрагай,
Гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмагай.*

Алишер Навоий



Шеърият

Озода БЕКМУРОДОВА

*Заррин ёздулар-ла
безанган йўллар*



* * *

*Ватан согинчларда яшайди...
Ҳеч қачон тўймайсан пок дийдорига,
Дилнинг туб-тубларин ўртар бир ҳажр.
Болагим қолган мовийлик,
Умримга берилган муаззам ажр.
Оқ ранглардан қамашган осмон,
Кўксига покдомон шамоллар тақиб,
Елиб бораётган сўнгсизлик томон...
Хаёлан ортига нигорон боқиб.
Тоабад юракни ўртаган ҳижрон,
Борлигини тўлаб ҳақнинг йўлига.
Бир лаҳза орқага қайтариб бўлмас,
Бир марта берилган илоҳий имкон.
Оппоқ байроқларни қадаб руҳингга,
Шаффоф хаёлларга кўмиб ёдингни,
Ул шабнам онларнинг тотини туйиб,
Ювасан,
Кўзларинг қаърига чўккан кирларни.
Болагим – оппоқ Ватаним,
Ҳарир, майин тонглар маржони.
Юлдузлар кўзёшин ичур хаёлим,
Ёруғ ҳисларимнинг, ёруғ ҳар они.*

* * *

Чопиб бораяпман ортингдан,
 Оёғимни қўлимга олиб.
 Сочларим силкиниб беҳис шамолларнинг тугёнларида,
 Товонларим қонаб,
 Юрагим қонаб,
 Югуриб бораяпман, ҳануз
 Умидимнинг хуржуни бўм-бўш.
 Фасллар бир боқмай кетиб боряпти,
 Сурон солмай ўтиб бораяпсан,
 Нимасан, кимсан деб, бир қарамайсан,
 Кўнглимни бир сўраб, худо йўлида,
 Ҳолимга боқмассан,
 Назар қилмассан.
 Ҳар кунни тураман бир маъно кутиб,
 Интиқ термуламан ҳиссиз юзингга,
 Ёритсанг умримнинг сарҳадларини,
 Бир қараб қўйсайднинг сен ҳам изингга...
 Вақт!..

* * *

Йўлга чиқдингизми
 Нур аравада,
 Тонгнинг нафасида Семурғдек елиб?
 Ҳаволарда юксак руҳлардек сузиб,
 Айрилиқ уфқининг бағрини тилиб...
 Келаяпсизми?..
 Заррин ёғдулар-ла безанган йўллар,
 Ёруғ изингизни ўпиб қолурми?
 Сизга етолмаган ошуфта гуллар,
 Чашмингиз ўтидан ўпич олурми?
 Йўлга чиқдингизми?..
 Бўрон қанотингиз гирёна қалқиб,
 Дийдорим шамига зор талпинурми?
 Абру найсонларга чечаклар тақиб,
 Қадамингиз саси кўкдан инурми?
 Қутлуғ таширфингиз-тантана расми,
 Борлигимни чулғаб бахт ифориға,
 Яшинаблар кетурми, умрим дафъатан.
 Ҳаёт воҳасининг кенгликларида?
 Йўлга чиқдингизми,
 Нур аравада?..

* * *

Менинг пешонамга сизмаган очун,
 Менинг юрагимга боқмаган қуёш.
 Ёруғ ҳисларимни беаёв янчиб,
 Аёл қисматимга ёғдирган оташ.
 Афсунлар ўқиган шонли йўлимга,
 Юрагим қонини ичиб тўймаган.
 Томир-томиримга қадар сингишиб,
 Зинҳор ўз ҳолимга қўймаган.
 Эй мени орзудек, севмаган очун,
 Бир қатра сувини аяган уммон.
 Изларин чашимимга тўтиё қилсам,
 Севмаган,

севмаган,

севмаган ҳамон.

Фалак жаранггини кўксимга уриб,
 Менам бир малаклик шавқин истадим.
 Руҳим парвозини кўкларда кўриб,
 Илоҳ водийсида қурсам маслагим.
 Кўзларимга паноҳ нурнинг сояси,
 Бошимни силаса бир субҳ менинг.
 Аёл ҳисларимнинг эриб қояси,
 Таширфингни кутмасам сенинг.
 Менинг пешонамга сизмаган очун.
 Сенинг пешонангда балқмадим, нечун!

Биз хоҳлагандек эмас, қўлимиздан келганича яшаймиз.

Менандер

* * *

Одамларни ҳадеб муҳокама қилаверсанг,
 уларни севиши учун вақт етмайди.

Она Тереза



Беҳзод ФАЗЛИДДИН

Жамолнинг жилваси жисму жонимда

Ҳол

*Бир хос ишқ сўрадим – баркамол, салим,
Иссиқ-иссиқ ёшлар дийдамни ювди.
Кўксимдаги харсанг ипакдай ҳалим,
Ҳар заррам тўлгонди, ҳар заррам севди.*

*Севдим, вужудимда алвон нур оқди,
Руҳимга ўраниб, кўкка ўрладим.
Юлдузлар кўзимга машъала ёқди,
Кўнглимда тажаллий этдинг – порладим.*

*Жамолнинг жилваси жисму жонимда,
Гарчи хоки пойман, гарчи бир хасман,
Шундай сувратимда, айни ҳолимда,
Ўзингдан бошқага муносибмасман.*

* * *

*Нега асли гўзал эмас гўзаллик,
Вафосиз йилларда бор менинг қасдим.
Ҳаммамизга тақдир номукаммаллик,
Бутун бўлганимда одам бўлмасдим.*

*Феълимдан ўпкалаб борар виждоним,
Кўзи очиқ кунлар мендан норози.
Бу томирчаларга сизмайди қоним,
Ўртада овора ҳаёт – тарози.*

*Гоҳида, ҳақиқат билан қовушмас
Сўзларимдан қўрқиб кетаман бирдан.*

*Ё учиб кетмайди, ё ерга тушмас,
Яшаб бўлмайди-да, бу юрак билан.*

* * *

*Улар кўздан йироқ, кўнгилга яқин,
Мўъжиза яшринган япроқларига.
Ҳавасинг ва жиндай ҳасадинг келар
Йўқолиб кетмаган титроқларига.*

*Чирой очиб аста бошин кўтарар,
Сўнг гўзал бўлишга журъат қилгайдир.
Агар еб қўймаса қўю қўзилар,
Даштни бу чечаклар жаннат қилгайдир.*

* * *

*Бу хатолар, аччиқ хатолар,
Ҳузурингга очиб берди йўл.
Саволларга дуч келдим нуқул,
Юрагимда қадим садолар.*

*Қанотларим қуйиб пастладим –
Баланд уча олмас ёлғизлар.
Мудом йўқлик изимни излар,
Ўзгинамни сенга асрадим.*

*Қўлда қолиб кетди дуолар –
Нима бўлди? Нима жин урди?
Кипригимга азоб ин қурди,
Энди мени дардлар даволар.*

*Яхшиямки, хатоларим бор,
Йўқса, мени суймасми эдинг,
Ёмғирларга тўймасми эдинг?
Дийдор юрти бўлди тавбазор...*

Сизга гапим бор

*Шунча узоқмиди меҳрингиз шаҳри,
Олис-олислардан босиб келдим йўл?
Шу зиёрат ҳаққи, шу сафар ҳаққи,
Кўнглимнинг қулфига уриб кўринг қўл.*

*Субҳидам юзида табассум балқиб,
Кўзларни яшинатган бир неъмат эдим.
Неларни ўйлайсиз офтобга боқиб,
Мен ҳам бир шуъладай ганимат эдим.*

*Юлдузлар меҳримдан бўлди бир шингил,
Ниятни асрадим яхши ниятга.
Билмам, бу оламда бир соҳиби дил
Мен каби зормикан самимиятга?*

*Кўнглингизни очинг, кўнглим тўла нур,
Айланай энг ёруғ тилагингизга.
Дунё сўрамайман, сўрамам ҳузур,
Бир оғиз гапим бор юрагингизга.*

* * *

*Ортиқ ушлаб турмай очиқ осмонга
Кўйиб юбораман юракни – шарни.
Аста сингиб кетар мовий майдонга
Паналаб ўтгандай машъум хатарни.*

*Ҳеч ким ниқтамаса, ҳеч зог тегмаса,
Боладай ўйноқлар завққа берилиб.
Кўрқаман, кўкда ҳам озор чекмаса,
Ёрилиб кетмаса эди, ёрилиб.*

Нажот

*Тақдир қандай тадбир этар эртага,
Кўнглимда муқаддас ният кўкарар.
Ким қўлга шионар, биров елкага,
Мени эса, бир кун сўзлар кўтарар.*

*Бору йўқлик билан келсам юзма-юз,
Изимдан эргашса қора нуқталар;
Иймоним сўз эрур, амалим ҳам сўз,
Ўшанда ҳам мени сўзлар қутқарар.*



Роман: кеча, бугун, эртага

Исломжон ЁҚУБОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент



ЎЗБЕК РОМАНИНИНГ МАЪНАВИЙ - РУҲИЙ АСОСЛАРИ

Қаҳрамон тақдири мисолида халқ тақдири ифодаси

Ойбек “Қутлуғ қон”да, адолатсизлик ҳукмрон воқеликда, келажак умидларини, яъни зулмат ичра нурни кўради. Қутблантирилган “қора куч”ларга зид ҳолда “ёруғ кучлар”ни тасвирлай олади. Натижада китобхон қалбига умидбахш туйғулар улашади. Бу Ойбек ижодий услубига хос ижобий қаҳрамонларни ёруғ рангларда тасвирлаш реалистик тамойилига ҳам, миллий адабиёт анъаналарига ҳам тўла мувофиқ келади. Хатто халқ ижтимоий онгининг уйғониши ғоявийликка кучли тамойил билан ёндашилганига қарамасдан, бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини тўла сақлайди, давримизга ҳамоҳанглиги билан улкан аҳамият касб этади.

Бироқ адиб романда асосий эътиборини ижтимоий-тарихий воқелик ва характерлар муносабати масаласига қаратишга мажбур бўлади. Тасвирда асосий урғуни ижтимоий конфликтни очишга йўналтириб, қаҳрамон тақдири мисолида халқ тақдирини кўрсатишга интилади. Характерлар динамикасини янги тарихий ўзгаришларни тасдиқлашга хизмат қилдиради. Айтиш мумкинки, адиб эски жамият ақидаларининг инкори ва янгисининг тасдиғи стереотипига амал қилади. Унинг аксарият қаҳрамонлари ҳаёт воқеаларининг бутун драматизми ва фожиалари сўқмоғидан ўтгач, онги уйғониб, ижтимоий курашчиларга айланишади. Яъни конкрет ҳаётини вазият қаҳрамон тақдирини белгилаб беради.

Шунга қарамасдан, бугунги ўзбек романларининг қаҳрамонлари ойбеконга “кўпчилик” деб аталувчи тўдадан кескин фарқланади. Улар ўз истағи бўйича ўйлаб, кўнгил интилишлари билан ҳаракат қилишади. Зотан, Ойбек тасвирида миллий онгининг уйғониши синфийлик билан чамбарчас боғланиб кетади. Халқ истиқболи “бахтли ҳаёт” учун курашда, жабр-зулмга қарши ошқора исёнда: “ҳамма бўриларни, ҳамма қонхўрларни, золимларни янчиб ташлаш”да кўрилади. Индивидуал қаҳрамон тақдири халқ тақдирининг узви эканлиги билан қадрланади.

Бугунги романчиликда аксинча ҳол бўй кўрсатади. Яъни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-руҳий мувозанатнинг бузилиши инсон онгини уйғотишга эмас, балки тафаккурни тушовлаб, одамларни майдалаштиришга олиб келиши жараёни идрок этилади. У.Ҳамдамнинг “Мувозанат”, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Л.Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар”, О.Мухторнинг “Тепаликдаги хароба”, А.Нурмуродовнинг “Қон ҳиди” сингари романларида инсон шахси тамомила индивидуал қиёфалари билан жонли одам сифатида ифодаланади. Улар ижтимоий интилишларга тамомила бошқача ёндаша-

дилар. Бу қахрамонлар орқали кўпчиликнинг “оломон”лиги фожиаси ёрқин ифода этилади. Кўпчилик алоҳида инсонни тушунишга уриниши лозим. Одамзод фидо бўлувчи қурбон эмас. Ватан ўғлонлари ғоя йўлида ўлиши эмас, балки бу дунёда яйраб-яшашлари лозимлиги янгича ракурсларда инкишоф этилади. Шубҳасиз, бу бугунги ижтимоий-эстетик тафаккурнинг тутуми, миллий онг тадрижининг тўхтамаи. Демак, уни Ойбекдан талаб қилиш тўғри эмас.

Ёзувчининг “Навоий” романида ҳаёт синовларини матонат билан енгиб, ўзлигини англаган қахрамонлар ҳолати жонли тасвирланади. Улар орасида Навоий ўз эркинлиги билан ажралиб туради. Навоий сиймоси орқали ақидаларида собит, истиқболга комил ишонч билан боқувчи қудратли руҳ эгасининг эзгулик йўлидаги ҳаракатлари китобхон қалбига далда берибгина қолмай, яратувчанлик ва ижодкорлик руҳини ҳам тўлдиради.

Мамлакат ҳаётида тўхтовсиз сиёсий зилзилалар давом этаётган 30-йилларнинг охири ва 40- йилларнинг бошларида имонли ва виждонли адиб сифатида Ойбек эл-юрт тақдирига бефарқ қарай олмас эди. У инсоният улуғ фалокатлар қаршисида такрор қолмаслиги учун, бани одам фарзандлари бир-бирларига ўзаро муҳаббат ришталари билан боғланмоғи, юртда адолат барқарор бўлишини тилади. Ойбек фикри давр ва салтанатлар оша кезиб, темирйоздалар тақдири мисолида тубсиз ўпқон ёқасига келиб қолган империяни муқаррар ҳалокатдан огоҳ этибгина қолмай, истиқболда бошланажак машъум бўрондан ҳам дарак берди.

Омон Мухтор “Навоий ва рассом Абулхайр” (2006) роман дилогиясида Ойбек анъаналарини ижодий ўзлаштирган бўлишига қарамасдан, бадиий заминдан ҳаётий мантиқ излаб Навоий яратган рубобий шеърят бағридан кўнгили тимсолини топади. Бу ШАХС-нинг шикаста руҳи, мураккаб кайфиятию фузун дардларини мутасаввуф-валийлар эътиқоди билан чамбарчас боғлаб идрок этади. Мисралар талқинидан комил ва салим маънолар топади. Шунинг учун ҳам Навоий китобхоннинг кўз ўнгида гўзал ҳаёлотию истак-майиллари, ширин хотироти ва мужримона тазаррулари билан намоён бўлади. Бу эса О.Мухтор Навоийни маданий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий фаолият марказидаги “тадбиркор” инсон сифатида англамаганлиги, насримизда улуғ гуманист шахсини тадқиқ ҳамда таҳлил этишда муайян силжишлар юзага келганлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, дилогияда улуғ мутафаккир ижодидан мантиқли умумлашмалар, фавқулудда гўзал маънолар топилган. Хожа Абдулла Ансорий мозори жорубкаши шарофига мушарраф бўлиш аслида ана шу муборак остонани супуриш – озода сақлаш баҳонасида аждодлар руҳидан баҳраманд бўлмоқдир. Романда Навоий маънавий пирларга эътиқоди баланд, хайр-саховатли бинокор, химмати баланд меҳрибон инсон сифатида фуқарога шафқат назари билан қараб, унинг қалбига йўл топувчи кишидир.

Ёзувчи қалб ва қиёфа бирлигини таъминлаш йўлидан бориб, ўтган умрини сарҳисоб қиладиган хокисор эътиқод кишиси, ўз мақсадларини аниқ белгилаб олган фидойи инсоннинг шиддатли руҳи, адолат ва ҳақиқат тантанаси учун курашдаги меҳр-шафқатини улуғ даражасига муносиб тарзда тасаввур қилади ҳамда тасвирлай олади. Романда ўйчил инсон тафаккури ва ҳиссиёти тўла намоён бўлган. Асар Навоийни тўлароқ англаш, уни фикр тарзи, ахлоқий қаноати, эътиқод йўсини жиҳатидан ҳис ва идрок этиш имконини беради.

Бу ҳол мутлақо тасодиф меваси эмас. Илло, замонавий ўзбек адабиёти, хусусан, насри инсон маънавияти қирраларини текшириш, руҳиятидаги кўз илғамас сезимларни тадқиқ этиш сари интилмоқдаки, Навоийни англашимиз ҳам шунга ҳамоҳанг тарзда кечмоқда. Умуман, мазкур роман-дилогия ёзувчининг юқори ва анча мукамаллашган услубий ютуғи бўлибгина қолмай, навоийшунослик, навоийхонлик оламида ўзига хос бадиий тажриба, шунингдек, ўзбек адабиёти тараққиётида кўзга ташланадиган муҳим янгилик ҳамдир.

Албатта, ўзбек романчилиги қахрамон тақдири мисолида халқ тақдирини ифода-лашдек ойбекона анъанадан буткул воз кечмади. Бу ҳол О.Ёқубов ва П.Қодиров яратган қахрамонона характерлар талқинида давр идеалларининг тасдиқланиш тарзида давом этди.

Одил Ёқубовнинг “Диёнат” (1973) романида улкан имкониятларнинг одам феълига таъсири алоҳида шахснинг парвози ҳамда инқирози, яъни кучли ва ожиз томонла-

ри фонида кўрсатилади. Инсофли ва диёнатли одам бўлиш нечоғли қийин эканлиги, тақдирга тадбир топиш мушкуллиги, ҳалоллик ва ҳақиқат қаршисида киборлик, ёлғон, қаллоблик маҳв бўлиши ифодаланади. “Оққушлар, оппоқ қушлар” (1988) романида ёзувчи, бутун умри меҳнат билан ўтса-да, эъзоз топмаган Шораҳим шоввозни шахсий ҳаётини тафтиш этиш жараёнида тасвирлайди. Беҳаловат кунлар, йигитлик саргузаштлари, бокира севги тарихи, жанг майдонидаги жасоратлар ҳақидаги хотиралар, умр йўлдоши Ойсулув олдидаги қарзлар, айрилиқ азоблари унинг кўнглида хазин ни-долар, аламли фарёдлар туғдиради. Мураккаб ва ғаройиб табиатли бу инсонни адиб завқ-шавқларга тўла нурли кунлари, алам-изтироблари, табиатидаги турфа зиддиятлар, кучли ва заиф жиҳатлари билан турли ракурслардан кузатади. Муҳими, Шораҳим Шоввознинг мардона руҳи ва қаҳри олдида Муҳаффар ва Фотихдек кимсалар довди-раб қоладилар.

Бу иккала романдаги Нормурод домла, Шораҳим шоввоз каби қаҳрамонлар эътиқодидан қайтмаган ҳалол, ҳақгўй, адолатпарвар, диёнатли эканлиги боис даврига сизмаган кишилар бўлишса-да, улар ўша романлар яратилган давр идеалларининг тасдиғига хизмат қиладилар.

“Адолат манзили”(1994) романида адиб эътиқод йўлида жонини ҳам, қонини ҳам аямаган шиддаткор ва ўктам қариянинг жамиятнинг инсон тақдирига муносабатидан чиқарган хулосаси орқали ҳукумат интилишларини кескин инкор қилади. Мустамлакачилик кайфиятидаги сиёсий-ҳуқуқий кучларнинг тубан усул ва найранглари фаш қилиш орқали уларнинг асл қиёфалари очиб ташлайди. Ярим асрлик умрини Ҳукумат ишига бағишлаган Ветеран ноинсоф, диёнатсиз, баттол, ҳаромхўрлар, муттаҳам амалдорларга рўбарў бўлар экан, ўзини болаларча ожиз сезиб, ўкинч-армон билан: “Йўқ, шўро ҳукумати йўқ энди! ... Эссиз бу ҳукуматга бағишлаган ярим аср умрим!”, – дея хитоб қилади. Шу нуқтада Ветераннинг инсоф, иймон, диёнат, инсон тақдири ҳақидаги қарашлари Нормурод домла, Шораҳим шоввоз каби қаҳрамонлардан кескин фарқланади.

Кўринадики, анъанавий реализм доираси объектив шароит берган имконлар ҳамда муайян ёзувчи ҳаётий тажрибаси, тафаккур тарзи, тасвир маҳоратининг ортиши ҳисобига фикрий салмоғи, қамров диапозони ва ифода тарзига кўра ижобий томонга ўзгариб, такомиллашиб борган.

Аммо юқорида танишганимиздай, О.Ёқубов замонавий мавзудаги романлари конфликт ва пафосини давр руҳига мослаштиришга, ижтимоий адолатнинг қарор топишини замон майдонга чиқарган мардона кишиларнинг ҳатти-ҳаракати ва интилишлари билан изоҳлашга ҳаракат қилади. Бундай хусусиятлари билан Саид Аҳмаднинг “Жимжитлик”, Эркин Самандарнинг “Дарёсини йўқотган қирғоқ”, Тоғай Муроднинг “Отандан қолган далаллар” типидagi асарлари “Диёнат”, “Оққушлар, оппоқ қушлар”, “Адолат манзили” романларига бир қадар яқин туради.

Бизнингча, адабий қаҳрамонларни ижтимоий ҳаёт шиддатига боғлаб қўйиш пировадида адабиётни жамиятнинг ижтимоий-ахлоқий муаммоларини ҳал қилиш воситаси деб билиш эканлиги сабабли бундай асарларда ҳаммиша ҳам инсон руҳияти драматизми етарлича инкишоф этилмайди. О.Ёқубов “жабр дийда” инсонлардан қаҳрамонона характер яратишга урингани, улар курашчанликдан маҳрум бўлиб қолишидан ҳадиксирагани туфайли замонавий мавзудаги романлари тарихий романлари даражасига юксала олмайди.

Пиримқул Қодиров ўз романларида буюк тарихий сиймолардан тортиб, талабалар, чўпонлар, оловкорлар, зиёлилар, чўлқуварлар тақдиригача ифода этар экан, авваламбор инсон истеъдоди, ирода йўналиши ва тақдирини унинг касб-кори билан чамбарчас боғлиқ деб билади. Назаримизда, бу ҳол адибнинг диққат марказида тарихни яратаётган инсон меҳнати, яъни давр руҳи масаласи турганлиги, инсон шаъни, қадри, эрки, масъулиятига эътибор етакчи концепция даражасига кўтарилганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам ёзувчи романларида ижтимоий ҳодисаларнинг инсон тақдирига таъсири, касб психологияси масалалари қаламга олинган.

Адиб ижодхонасини ҳаёти ва истеъдодига хос белги-сифатлар гармоник бирлигида имкон қадар кузатиши, ижодий тажрибаларини муайян даражада умумлаштиришга уриши шуни кўрсатадики, маиший ҳаётни бутун тафсилотлари билан изчил ва батафсил

кўрсатиш адиб услубига хос етакчи хусусиятдир. Назаримизда, жамият маънавий ҳаётида халқ руҳияти ва тарих сабоқларига қизиқишнинг кучайиши, қолаверса, ёзувчи ижодининг ички тадрижида кузатилувчи кучли ва ёрқин характерларни тасвирлашга бўлган интилиш пировардида унинг Бобур ва бобурийлар мавзусига қўл уришига олиб келган.

Тарихий романлардан ёзувчининг кўзлаган мақсади турли давлатлару сулола-ларнинг пайдо бўлиши, ривожи, инқирози ва қайта қад ростлаши жараёнларини му-фассал беришдан иборат. Аммо бу вазифа албатта бадий асар доирасидагина ҳал қилиниши шарт эмас. Уни зўр тарихчи олим ҳам бемалол уддалаши мумкин. Бизнинг-ча, П.Қодиров тарихий романларида ҳужжатларга таяниш салмоқли ўрин тутиши ёзув-чининг тасвир объектини теран билиши ҳамда изчил ва батафсил ифодалаш услуби билан боғлиқдир.

Таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маънавий ўзгаришлар таъсирида эврила бошлаган ижтимоий тафаккур дунёни эстетик идрок этиш тарзида муайян бурилишларни юзага келтирди. Натижада адабиётимиз-нинг илгариги босқичларида кузатилмаган, ижтимоий муҳит ва инсонни янгича ракурсларда англаш, тафаккур ҳамда кечинмага асосланиш ижодий босқичига ўтила бошланди. Рационаллик ва ҳиссий-эмоционаллик ягона актга бирлашди. Ҳатто, айтиш мумкинки, иррационалликнинг бир қадар босимроқ бўлиши, ижтимоий фикр салмоғининг инсон ботинига кўчиши кўзга ташланди. Ижод аҳлининг дунёни эстетик идрок этиши-да юз берган бундай ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий психологик омиллар таъсирида, аниқроқ айтганда, жамият ижтимоий-психологик кайфиятининг суръат ва миқёсларига ҳамоҳанг тарзда юзага келди, бадий матн меҳварига кўчди. Илгари большевистик ғоя босими остида қалам тебратган О.Ёқубовнинг “Адолат манзили”, П.Қодировнинг “Она лочин видоси” сингари асарлари услубида кузатилган тозараш жараёнлари аслида жамиятда юзага келган янги руҳий-психологик кайфият ифодаси туфайли пайдо бўлди. Зотан ўзгарган кайфият-ҳолатлар ўзига мутаносиб шакл ва услубни ҳам тақозо этади. Шу маънода ўзбек адабиётида кечаётган жараёнлар собиқ иттифоқ республикалари адабиётлари, кенг маънода эса, ягона психологик майдонга айланган дунё воқелигига ҳамоҳанг бўлиши табиийдир. Бинобарин, ўз-ўзи, миллатининг тарихий тақдири, бугуни ва эртаси, қадриятларини қайта баҳолашга эҳтиёж ва зарурат сезган ижодкорларимизнинг оламни эстетик қабул қилиши уларнинг ифода тарзида инъикос этиши ғоятда табиийдир.

Шахс драмаси ва тарихий-бадий ҳақиқат

Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетрологияси дастлабки уч китобида тарихи-мизнинг энг улуғ сиймоси – соҳибқирон Амир Темур ҳамда бир қатор темурийзодалар тақдири серқирра идрок этилган ва ифода қилинган. Асарда Амир Темур мураккаб инсоний характерга эга бетакрор феномен сифатида талқин этилган. Соҳибқирон солиҳ фарзанд, жонкуяр ини, оқибатли оға, меҳрибон ота, севимли эркак сингари қирралари билан намоён бўлган. Ёзувчи китобхонни Амир Темурнинг ички оламига олиб киради ва уларга соҳибқироннинг ҳамма каби ҳис-туйғуга эга, ушалмаган армонлари, оилавий муаммолари бор инсон эканлигини кўрсата олган. Адиб асарларида соҳибқироннинг биз кўниккан идеал, ҳеч қачон адашмайдиган, совуққон қиёфаси ўрнини баъзан қудратли, баъзи вазиятларда эса, иложсиз қоладиган оддий бир инсон эгаллади. Илгари ўқувчини соҳибқироннинг ҳарбий салоҳияти фахрлантирган бўлса, энди у тирик инсон тарзида гавдалана бошлади. Унинг нафақат ижтимоий-сиёсий, балки оилавий-маиший тузуклари ҳам диққат ва таҳсинга сазовор эканлиги аён бўлади. Шу боис, романда акс этган тарихий ҳақиқатлар муаллифнинг бадий топилмалари билан уйғунлашиб, гўзал бадий эффект ҳосил қилган.

“Улуғ салтанат” романида тарихий воқеалар кўлами эмас, балки муаллифнинг муайян ҳодиса ва қаҳрамонлар ҳақидаги фикри кўлами ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундай концепция эса асарга эпик кўлам бахш этган. Адиб шахс драмаси орқали юртда парокандаликка барҳам берилиб, кучли салтанат бунёд этилган тарихий замонни кўрсатган.

Эркин Самандаровнинг “Тангри қудуғи” романида тарихий шахслар фожиаси бадий тўқимага нисбатан кенгроқ ўрин тутди. Аммо адиб қахрамонлар руҳиятини очишда мадакдор руҳлар билан туш орқали мулоқотга киришиш мотиви, шунингдек, композицион параллелизм усулидан ҳам фойдаланади. Шу орқали реал воқеалар мазмунини қиёсий тарзда ифода этиш, образлар характерини бўрттириш, умумлаштириш, ижтимоий-маиший муаммоларни изоҳлашга эришади. Бу ҳол поэтик тафаккур ривожланишининг маҳсули бўлган турли бадий тасвир усули ва воситалари халқ тафаккури билан бирга ўсиб, такомиллашиб, бойиб боришини кўрсатади.

Асад Дилмурод “Паҳлавон Муҳаммад” романида Навоийдек улуғ шахс фаолияти ва ижодининг йўналишида, тараққиёти ва такомилда муҳим роль ўйнаган Паҳлавон Муҳаммад Абусаид ҳаётини халқ ва ватан манфаатлари учун фидойилик намунаси, поэтик ижодини эса эзгулик ғояларининг ифодаси сифатида маънавий-маърифий ва ирфоний мазмунда ёритади. Инсон ва ҳаёт фалсафаси ҳақида теран фикрлари ва қарашларини илгари суради.

Асарда реалистик услуб етакчилик қилса-да, романтик-фантастик бўёқлар эпик баён таъсирчанлигини янада орттиришга ёрдам беради. Романда Паҳлавон Муҳаммад ва унинг шогирдлари инсоф ва диёнатни дастур, сабру бардошни қурол деб билишади, руҳий эркинликни ардоқлашади. Улар билан кучини шуур ва сезимлар билан уйғунлаштира оладилар. Паҳлавон кўнгил одами эканлигини кенгроқ очишда унинг таъб ва ҳол кишиси эканлигига, табиатида андак риндона кайфият-ҳолатлар мавжудлигига эътибор қаратилгани ҳам муҳим роль ўйнаган.

Қахрамон маънавиятидаги эврилишлар динамикаси

Сўнги йилларгача ўзбек насри бир жиҳатдан давр тақозоси, иккинчи томондан айрим ижодкорларда етарлича журъат тақчиллиги боис анчагина яқраган бўлиб келган эди. Кейинги йилларда насримиз мавзу жиҳатидан-да, мазмун нуқтаи назаридан-да, жанр жиҳатидан-да анчагина ранг-баранглик касб этиб бормоқда. Ижтимоий ҳаётда бўлаётган кескин ўзгаришлар ижодкорларни изланувчанликка, курашчанлик, фидойиликка ундади. Адабиётнинг барча кўринишларида лоқайдлик, журъатсизлик, шахснинг парчаланишига қарши кескин ва жиддий кураш бошланди. Ўзига хос ва мос бўлган йўллар кашф этишга уринаётган, бунга бир даража эришаётган ёзувчиларимиз сафи анча кенгайиб бораётгани қувончли ҳолдир. Чунки сўз санъатида маҳоратни тўла намён этишгана бадиият оламини янада кенгайтиради, адабиётимизни жаҳоний катта наср сари етаклайди. Бадий услубини янгилаб бораётганлар сафида Тоғай Мурод ҳам бор эди.

Ёзувчининг “Отандан қолган далалар” рамзий романи ҳамма ҳам бирдай тушуна олмайдди. Чунки анъанавий насрга нигоҳи ўрганган оддий китобхон учун мазкур типдаги асарларни ўқиш махсус тайёргарликни талаб этади. Биринчидан, роман жаҳон адабиётининг пешқадам вакиллари яратаётган айнан шу типдаги асарларга анчагина яқин туради. Иккинчидан, мазкур роман ўзига хос миллий, ўзбекона руҳ билан суғорилган. Учинчидан, роман воқеалари сокингина ҳикоя қилинмайди. Аксинча, ҳаёт воқеа-ҳодисалари, ҳолат ва ҳаракатлар тасвирида анчагина кескин ўтишларни, сюжет ва оҳанг шиддатини кузатиш мумкин. Бундай факторлар ёзувчининг насрдаги изланишлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага чиқмоқда. Шакл мазмунни ифодалаш воситаси бўлгани боис мазмун ўзгариши янгича шаклни ҳам талаб қилади. Шакл ва мазмун мутаносиблиги ҳамда мувофиқлигининг сақланиши характерлар руҳий оламини янада теранроқ акс эттириш, поэтик ғояни роман маъзига сингдириш имконини берган.

Тўртинчидан, этник хусусиятларни носир тўла акс эттира олади. Соддадил, танти сурхондарёликларнинг табиатида, феъл- атворида мавжуд бўлган ўзига хос кескирликни ифодалай билади. Бешинчидан, романдаги табиат образлари инсон руҳиятини очишга бўйсундирилган. Олтинчидан, ромanning бадий тили шева-лаҳжаларига ниҳоятда бой бўлиб, сюжет чизиқлари, монолог ва унинг турфа кўринишлари, хусусан, ички монолог ва диалогларнинг мағиздорлиги таъминланган. Еттинчидан, ўзига хос тасвир услубига мос тарзда романга мувофиқ шакл танланган. Образлар талқинида

ҳаққонийлик таъминланган. Саккизинчидан, роман жозибали бадиий ифодаларга ниҳоятда бой. Асарнинг тили халқчил ва равшандир. Романда фикр мавҳумлиги учрамайди. Тўққизинчидан, тасвирда қисқалик ва аниқлик таъминланган, деталлар ўринли қўлланган. Ўнинчидан, нафақат жамиятнинг ўзида, балки одамлар табиатида, атроф-муҳитда содир бўлаётган нуқсонларнинг туб илдизлари ва моҳияти ҳаққоний кўрсатилган.

Ёзувчи “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романида адолат талаблари ҳамда охираёт сўроғини ўйлайдиган, тарихда ўз ўрнини белгилашга уринаётган, меҳнаткаш ва виждонли, табиатан камтар, ҳалол, покиза инсонни тасвирлайди. Роман ўз тузумига садоқат билан хизмат қилиб, қўққисдан кириб келган “қайта қуриш” даврининг қайноқ ва эҳтиросли ёндошуви туйғули ҳали тириклигидаёқ унутилган ва беқадр бўлган юрт фарзандлари, уларга ноҳолис муносабатда бўлган авлодлар фожияси, демакки, инсон қадрлари ҳақида битилган. Шу боисдан ҳам роман етакчи қаҳрамони Ботир фирқа умр шомиди аччиқ ҳаёт йўлини қайта идрок этибгина қолмай, балки... жамият ва одамлар табиатини ҳам холис баҳолайди. Шуҳратпараст, мансабпараст, мунофиқ кимсаларнинг интилишларидан қаттиқ руҳий изтироб чекади. Чунки роман ўтган асрнинг сўнгги йиллари сабоғи, халқ яқдиллигини таъминлаш, Ватан равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш зарурлиги, юрт истиқболи ҳақида битилган асардир. Унда муборак она юрт, мустақиллик учун кураш тарихи, мусибатлардан омон чиққан миллат шаъни теран ҳамдардлик билан ифода этилган. Ноҳақлик ва маломатларга сабр-қаноат билан дош берган, меҳр-оқибатли, эртадан умидвор, маънавий қудрати тенгсиз ва енгилмас халқ тафаккуридаги жипслик ғояси ўз ифодасини топган.

Шукур Холмирзаев “Олабўжи”, “Динозавр” романларига хос кўламдорлик роман қаҳрамонларининг ҳаётий ҳодисага муносабати, фикрий-ҳиссий олами қамровида ўз ифодасини топади.

Бадиий ифода жараёнида она табиат гўзаллиги ва маҳобатидан туйилган ҳайратларнинг кўнгил дағаллигига қиёсланиши ёзувчи ижодий кредосини англашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки Ш.Холмирзаев инсонни борлиқнинг бир бўлаги деб билади. Бир-бирдан ажралиб қолган бу икки оламни уйғунлаштиришга интилиш, пировардида одам боласида туйғулар назокати, ҳамнафаслик ҳиссини юксалтириш истиғи, ифода самимиятидан келиб чиқади. Тоғларга хос юксаклик, улғуворлик, табиатга хос бепардозлик, бағрикенглик, тантилиқ сингари хислатларни адиб яратган аксарият қаҳрамонларда кузатиш мумкин. Шубҳасиз, бу ҳол инсон ва табиат эгизаклиги ҳақидаги ёзувчи қарашларининг маҳсулидир.

Адиб романлари персонажларининг орзу-армонлари, дард-ташвишлари, ўй-мушоҳадалари инсон маънавиятига хос фазилат ҳамда нуқсонлар, ижтимоий-маиший муаммоларга дахлдордир. Шунинг учун ҳам китобхон уларни таҳлил этади, ўз хулосаларини чиқаришга уринади. Адиб замон ва замондош, ижтимоий адолат тамойилларини алоҳида одамнинг виждон ва иймон призмаси орқали кузатади. Унинг маънавий бисотини миллий ва умуминсоний қадриятлар билан вобасталиқда тасвирлайди. Ёзувчи миллат қисматига дахлдор, айни пайтда иложсизлик туйғуси билан боғлиқ изтироб-кечинмаларнинг турли даражаларини очиш, ижтимоий ўзгаришларнинг инсон қалбига таъсирини бадиий гавдалантиришга интилади.

Одатда қишлоқ одамларининг табиатида асрий анъана ва удумларга боғлиқлик бир қадар турғун характерда бўлади. Аммо ижтимоий ҳаётда содир бўлган улкан ўзгаришлар, 80-90-йилларнинг иқтисодий қийинчиликлари тараққиётнинг олдинги босқичларида миллат табиатида кўзга ташланмаган руҳий ҳолатларни ҳам юзага чиқарди. Бундай оила ва рўзғор ташвишига ўралиб, реал вазиятдан чиқиш йўлларини топа олмай қолиш ҳоллари айрим инсоний муносабатларнинг дарз кетишига ҳам олиб келди. Аммо миллат тийнатидаги инсоний меҳр-саҳоватни сўндирмади. Ёзувчи мазкур жараёнларда ҳам инсоф, виждон, имон ақидалари талабларидан келиб чиқиб образларни таҳлил этиш йўлидан боради. Меҳр-мурувват, қадр-қиммат, сабр-бардош, инсоний ҳамдардлик, бетаъма саҳоват, самимият мавжудлиги миллатнинг ўзгаришлардан омон чиқишини кафолатлайди, деган ишонч ва умидворликни асарларига сингдира олади.

Юқорида биз кузатишга интилган жиҳатлар романчилигимизга: Қурбон, Ойпарча (“Қил кўприк”), Бекдавлат (“Йўловчи”), Ултон (“Олабўжи”), Маҳкам (“Динозавр”) сингари қатор жонли образларнинг кириб келишига, китобхоннинг сеvimли қаҳрамонлари қаторидан жой олишига олиб келди.

Баҳовуддин Нақшбанд ва Аҳмад Яссавий фалсафий қарашларини ҳаёт маърифатини орттириш воситаси деб билган ёзувчи замонавий роман (“Динозавр”) доирасида инсоний комиллик ҳудудларини орифона қарашлар ҳисобига кенгайтиришга ҳаракат қилади. Яратилиш ва яралиш, яшаш ва муносабатлар уйғунлигини инсоний ахлоққа боғлаб тушунган Ш.Холмирзаев мазкур давомийликни қадим туркий ва исломий маданият асосида юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш – комил амалиёт орқалигина сақлаб қолиш мумкин деб билади. Шунинг учун ҳам романда амалнинг ақлга мувофиқлиги концепциясини илгари суради. Ижтимоий-психологик вазият марказига ижодкор инсонни қўйиб, муаммолар моҳиятини ҳам ижтимоий, ҳам руҳий-психологик планда ёритишга интилади. Романда аждодларимизнинг тафаккур дунёси бойликлари ўзига хос тарзда мужассамлашган бўлиб, қаҳрамонларнинг турлича қарашлари орқали уйғоқ ва ҳаракатдаги олижаноб фикр ҳамда кечинмалар ифодаланган.

Бинобарин, «Динозавр» романи Шарқ адабиёти ва фалсафаси, исломий руҳ иқлимларига хос файз билан тўйинган. Асарда миллатимизнинг муайян даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳамда руҳий ҳолати таҳлил ва тадқиқ қилинган. Адиб замондошларимизни Нақшбандий ва Яссавий кўтарилган руҳий мақомларга етказишни орзулаган. Ўтмишдошларимизни билиш ва англашни ўзимизни билиш ва англамоқ билан баробар санаган. Уларни бизга янада яқинлаштиришга, китобхон қалбига олиб боболаримизга муҳаббат туйғусини тарбиялашга интилган. Яратиш ва бунёдкорлик теран томир ришталари билан мустаҳкам заминга асосланиши лозимлигини ҳис қилган ва англаган. Адибнинг романи ёзиш жараёнида миллий-маданий заминга хос ўлмас обидаларга фаол мурожаат қилишининг ўзиёқ фикримизни далиллашга асос бўла олади.

Романда ижтимоий зулми туғдирган даврга, қаҳрамонларга адиб муносабати ошқора ифодаланган. Ҳодисаларга аналитик муносабат билдирилади. Умуман бу ҳолни қораламаган ҳолда, гоё устиворлиги оқибатида ёзувчи романда бадиийликни таъминлашга етарлича эриша олганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Аслида Ш.Холмирзаев романида публицистик мақола ва очеркларга хос хусусиятлар етакчилиги, тасвирнинг бирмунча қуруқроқ чиққанлиги кузатилади. Чунки адиб шахсни хилма-хил томондан кўрсатиш, уни бутун мураккабликлари, кучли ва заиф томонлари билан беришга эриша олмайди. Ёзувчи қаламга олган маконни Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” романидаги сингари алоҳида инсоннинг бадиий олами дейиш қийин. Чунки у ҳодисаларни кўпроқ ижтимоий жараёнлар билан боғлиқликда тасвирлашга, сунъий муаммолар қўйиб, унинг ечимини топишга уринади.

Роман жанри тасвир кўламининг кенглиги, халқ ҳаётининг муайян даврини ҳар томонлама таҳлил эта олиш имкониятига эгаллиги, мураккаб характерлар, инсоний тақдирларни ифода этишга қодирлиги жиҳатидан ҳар қандай давр ва миллат адабиётининг қиёфасини белгилайди. Бугунги ўзбек романчилигидаги шаклий-услубий ва ифодавий изланишларга назар солинса, жанр тараққиётида теран ички силжишлар содир бўлаётганлиги кўринади. Бу ҳол ҳаётининг ҳодисалар ҳақидаги фикр салмоғининг ортишига, инсоний туйғулар ифодасига эътиборнинг кучайишига олиб келди.

Жумладан, У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида миллат кишининг бугунги ўйлари, интилишу изланишлари, руҳий-маънавий изтироблари жонли образлар орқали тиниқ тасвирланган. Руҳий сокинликка интилиб, дилдаги ишқни рўёбга чиқариш йўлларини усулларини тополмай, тасаввуф саҳросида эсанкираб қолиб, ўз мақсадига етолмаган Амир фожиаси; ўзини толесиз сезиб, ҳаёлидаги ҳаётни реалликка кўчиришни тилаган, хиёнат изтиробларида ўртанган Заҳро; ижтимоий-маънавий жиҳатдан яққаланиб, руҳий қийноқлар ичра ўртанаётган Саид; барча ҳаваслари рўёбга чиқса-да, юраги ҳувиллаб қолган Миразим танҳолиги; башариятнинг ёруғ келажagini илм-маърифатдагина кўрадиган, моддий, маънавий-руҳий кутбларни уйғунлаштириш зарурлигини тушуниб етган Юсуф ва бошқа ўнлаб қаҳрамонлар китобхонлар дилидан жой олди. Бунинг сабаби инсон тафаккури ва руҳиятидаги зилзилалар ичра мувозанат-

га эҳтиёж сезиш изтиробини теран туйган қаҳрамонларнинг аниқ ҳолату вазиятлардаги кечинмалари шахснинг қайта шаклланиши концепциясига мувофиқ тарзда ифодасини топганлигидадир.

Роман фақат моддий оламда яшашнинг маъноси ҳақидагина эмас, балки руҳиятда кечаётган жараёнларни реал ҳаётга кўчирмоқ, моддий маъмурилик асосида инсонпарварликни таъминлаб мувозанатга эришмоқ тўғрисида битилган. Романнинг сюжет чизиқлари муаллиф концепциясига узвий пайвандланади. Образларнинг ҳаёт йўли ва тақдири муаллиф фалсафасининг у ёки бу қиррасини ўзаро психологик боғлиқлиги жиҳатидан фикран туташтиради. Асарда зиддиятли ўй-фикрлар тараддуди ва ироданинг тўхтаи ҳақида сўз боради. Англашиладики, миллий адабиётимизнинг қаҳрамони фикрловчи ўйчил кишига айланмоқда. Чунки бугунги адабиёт, ўзига хос бадиий-эстетик ҳодиса ўлароқ, тубдан ўзгарган миллий онгнинг, янгиланаётган эстетик тафаккурнинг маҳсули. Бинобарин, ўзликни ва оламни англаш, изоҳлаш ҳамда тасвирлашда ранг-баранг йўллардан бориш, тараққиёт йўсинларини муайян шахсларнинг руҳияти манзаралари орқали ифодалаш имкониятлари кенгайган. Шу маънода муайян роман тафаккури мантиғидан у ёзилган давр тафаккурининг даражасини келтириб чиқариш мумкин.

Шахснинг парчаланиш жараёни тадқиқи

Асад Дилмурод “Фано даштидаги қуш” романида жаҳон романчилиги тажрибаларини ўзлаштиришга, уларни Шарқ адабиёти, хусусан, Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари, Жалолоддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадур” рисоалари билан уйғунлаштиришга, фикр ифодасида тимсолларга таяниб иш кўриш, мажозлар тилида сўзлашга ҳаракат қилди. Инсон руҳиятининг икки олам ўртасидаги таппинишларини, нафс туфайли ўз-ўзида адашган, алданган ва аслига қайтишга интилаётган кимса изтиробларини қаламга олди. Худбинлик, хиёнат, қабоҳат, журъатсизликни қоралади. Эътиқод бутлиги, ирода мустаҳкамлигини улуглар экан, тарихий шажаралар билан пайвасталик, кўнгил тилаги йўлидаги фидойилик, болаликка хос покликни асраш орқали яратганни таниш ва англаш мумкин,— деган фикрни руҳият манзаралари орқали ифодалади.

Ёвуз ниятли кимсалар томонидан ўтмишидан жудо қилинган, болалиги ўғирланган, ўй-мушоҳададан маҳрум этилиб, жаҳолат комига ташланган, ақидапарастлик гирдобиди маънавий инқирозга гирифтор қилинган Саидбек Умар ўз-ўзини тафтиш этади. У Ёдгор валий кўмагида – воситали таъсир остида ўнгиланади. Тасаввур ва хотиралар олами билан реал дунё воқеа-ҳодисаларининг қоришиқлиги китобхондан бирмунча фикрий мушоҳадакорликни, мажозий образлар моҳиятини англаш йўлида ижодий зўриқшни талаб қилади. Роман руҳий олам ҳақида, аниқроқ айтганда, руҳий-маънавий тобеликдан келиб чиқувчи жаҳолат, манкуртлик – ЁРТИЛИК фалсафасини инкор этувчи БУТУНЛИК ҳақидаги асардир.

Шойим Бўтаевнинг “Қўрғонланган ой” рамзий романи матнига давр фожиаси сингириб юборилган. Роман бадиий тўқимасида адолат билан зўравонлик, ҳуқуқ билан жиноят, олижаноблик билан пасткашлик, инсоний ва ҳайвоний фазилату ҳирслар тўқнашади. Муаллиф улардан ёрқин ҳаётбахш хулосалар чиқара олади. Носир қишлоқ ҳаётининг жозибаси, одамларнинг турфа феъли, самимияти билан китобхон қалбини ёритади. Инсон ва иймон, ҳалоллик ва нафс, табиат ва жонзот ўртасидаги мувозанатнинг янги, ўзига хос қирраларини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Романда Алиматов, Нўмон қиртиш, Абдусамат лакот, Тўққизбоев, Ўлмас қассоб, Ҳамрой, адабиёт муаллими, болалар шоири каби улуг мақсадлардан мосуво бўлган, Дони бригадир, Раҳмон, Карим сингари разил ва пасткаш кимсалар даврасида қолган Муртазо шахсининг парчаланиш жараёни ғоятда ишонарли чизилган. Мўминқобилгина, ҳалим ва бўз йигит Муртазо қалбида эзгуликка чексиз меҳр, қабоҳатга кучли нафрат мужассам эди. Унинг қалбида инжа бир олам бўй кўрсатиб, гўзал тасаввурлар камол топаётган эди. Таассуфки, унинг атрофини қуршаган кишилар тасаввурлар оламини остин-устин қилиб юборишади. Қаҳрамонда ташқи муҳит таъсирида уйғонган иштиёқсизлик, ишончсизлик аниқ мақсад сари интилиш туйғусини маҳв этади.

Жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни маънавий-ахлоқий муаммолар билан боғлаб талқин қилган Э.Аъзамнинг “Шовқин” романида маданият, ахлоқ, инсоф ва диёнатнинг антиподи – ахлоқсизлик, худбинлик, миллий-генетик илдишлардан бегона-лашув (дурагайлашув) ҳолларининг ижтимоий-маиший, руҳий-психологик илдишлари аёвсиз фош этилади. Инсоний меҳр-мурувват, юрт туйғусидан йироқда кечган сарсон-саргашталиқдаги умр, дарбадар ҳаёт тарзининг инсон руҳиятига таъсири Равшан Ақобиров образи орқали кўрсатилади. Миллий онгинг тушовланиш сабаблари “маданий инқилоб” ваъда қилганларнинг халқдан пинҳон туб мақсадларига дахлдорлиги боғлаб талқин қилинади. Банданинг хотиржамлиги унинг дунё шовқинларига қўл силтаб, ўз тақдирига пешвоз юриши, азалий кадриятларга садоқати билан изоҳланади. Бизнингча, Фарҳод Рамазоннинг кечмиши таъқибдан қутула олмай, ўз-ўзи ва замондошлари қилмишларини очиқ-ойдин қоралаши адиб тасвир йўсинига хос киноявий-сатирик услуб билан боғлиқдир. Назаримизда, жамиятнинг илғор қисми – зиёли инсон эканлиги, ўзи тушган реал вазият-ҳолатларда имконсизлиги жиҳатидан роман қаҳрамони Фарҳодни “Диназавр”даги Маҳкамга қиёслаш мумкин.

Улуғбек Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романида икки ёшнинг чорасиз қолиши ижтимоий ноҳақлик, ақидапарастларча жоҳиллик билан изоҳланади. Мусибатлар сабаби икки ёш кўнгилининг дарди, ғам-ташвишларини менсимасликда. Ошиқ-маъшукнинг ақл-хушдан бегоналашуви покиза орзу-умидлар оёқости қилиниши, яшаш илинжи сўниши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, умидсиз ишқ гирдобига тушган икки дил на ҳаёт қувончлари, на ширин жон ташвишини қилишади. Демак, ёзувчи характерлараро конфликтни етакчи қаҳрамонлар дарди-дунёсига тамомила қарама-қарши бўлган олам билан зиддият, яъни ижтимоий конфликт даражасига кўтара олади. Ишқ фарёди ва зорлари, жудолик изтиробларини сатрларга муҳрлашга интилади. Дарҳақиқат, романда дастлаб мақсадсиз, умидсиз яшашни тиламаган, турмуш кўргиликларига қарши бир қадар заифона тарздаги исён намоён бўлади. Кейин эса ёзувчи уни икки ёшнинг оломонга, оломонлик оламига қарши исёни даражасига юксалтиришни уддалайди.

Луқмон Бўрихоннинг “Темирйўл ёхуд титраётган тоғ” романида оила кўрмоқ, бахтли яшамоқ учун кўнгили бирлигини муҳим деб билган йигит-қизни кўфр амалларга қўл урганликда айбситган оломон ақидапарастлиги танқид қилинган. Чунки ўзларини оила ва жамият тинчлигининг ҳимоячилари деб билган аксарият қаҳрамонлар “донжуан”ча “ахлоқсизлик”ни гоҳ компания манфаатлари, гоҳ оила шаънини ўйлаб теран англаб ета олмайдилар. Натижада бахтга эришмоқни тилаган қиз лоқайдлик ва зулм қаршисида бетадбир қолади. Ўзларини “маданий киши” санаган кимсалар қалбида турли хил даражадаги ҳиссизлик ва лоқайдлик мавжуд. Улар ҳамиша ҳам инсон боласига дўст, сирдош, ака-ука, қадрдон-қариндош бўла олмайдилар. Ёзувчи ўкинч билан айтмоқчи бўлган фикр ҳам ана шу. Адиб китобхонни “қора меҳнат одами” бўлишдан юксалишга ундайди. Дарҳақиқат, жамиятнинг кучи, тоғу тошларни ёриб ўтмоқликдагина эмас, балки ўзлигини англаган, биродарини тушунган одамлардадир.

Ғарбона асосни Шарқона руҳ билан туташтириш зарурати

Бугун муайян шаклу шамоийл касб этиб, адабий йўналишлари анчагина муайянлашган яқин йигирма йиллик ўзбек романларида миллий-адабий аъналарнинг қайта бўй кўрсатиши ҳамда илғор жаҳон романчилик мактабларининг самарали таъсири кўзатилади. Дарҳақиқат, романчилигимизга 80-йиллардан эътиборан ҳаётга янги тафаккур билан ёндашувчи ўзгача услуб кириб келди. Лиризм ўрнини изчил реализм, романтик сентаменталлики бирмунча қатъият эгаллади. Ровий тимсолига эътибор ортди. 90-йиллардан эътиборан қаҳрамонларга бўлган муносабатда мураккабликлар кўзга ташлана бошлади. Буларнинг аксарияти ўтган асрнинг 20-30- йиллари аъналарига у қадар тўғри келмайди. Чунки эндиликда романларимизда халқ тақдири қаҳрамон тақдири йўсинида акс эта бошлади. Носирларда анчагина журъатлилики ва қатъият, оламга маърифатли ғоя билан қарашга интилиш пайдо бўлди. Роман поэтикасида асотирлар, афсона ва ривоятлар катта ўрин тутиб, композиция таркибига сингиб кета бошлади. Ҳатто параллел мажозий йўналишни ташкил этиб, роман матнида мустақил

ва тугал ўрин тутди. Уларнинг адабий-бадий функциясида ўзгаришлар содир бўлди. Натижада, кўплаб янги кўринишдаги: тарихий-концептуал, тарихий-полифоник, тарихий-биографик, мистик-фантастик сингари романлар пайдо бўлди.

Шунинг учун бўлса керак, адабиётшунослигимизда кейинги йилларда яратилаётган ўзбек романларидаги Ғарб ва жаҳон романчилиги анъаналарига эргашиш ҳолларини кузатиш тамойили устувор бўлмоқда. Албатта, ўзбек романининг Ф.Кафка, А.Камю, Ж.Жойс, У.Фолькнер, Г.Г.Маркес, Х.Хессе, Ф.М.Достоевский ва бошқа ўнлаб вакиллари ижодига қиёсан ўрганилишини мутлақо ижобий ҳол сифатида баҳоламоқ лозим. Шунингдек, биз М.Бахтин, Ю.Борев, Хосе Ортега-и-Гассет, З.Фрейд, Э.Фромм сингари адабиётшуносу эстетларнинг назарий қарашлари асосида таҳлилу тадқиқ этиш анъанаси шаклланаётганлиги каби “эргашиш” ва ўзлаштириш жараёнини ҳам зинҳор инкор этмоқчи эмасмиз.

Айни пайтда, айрим тадқиқотларда бир қадар сунъийлик ҳоллари кузатилишидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, миллий роман генезисини ғарб ва рус романчилигига боғлаш ва модерн роман табиатини Хосе Ортега-и-Гассет назарияси асосида очишга уринишлар кўзга ташланмоқда. Ваҳоланки, ҳар қандай “модерн” ҳодисаси миллий тафаккурнинг янгиланиши асосида юзага келади. Бу жараёнда бирламчилик мавқеи ҳаммиша Шарқона тафаккур тарзи томонида бўлади. Ташқи таъсир эса ҳаммиша иккиламчидир.

Ўзбек романлари ички табиатида пайдо бўлган жиддий ўзгаришларни қиёсий ва қиёсий-типологик аспектда ўрганишни ният қилган айрим адабиётшуносларимиз эса XX аср ўзбек романчилиги ҳикоя тарзининг жаҳон адабиёти контекстидаги ўрни ва ролини белгилашда М.Бахтин, Х.Ортега-и-Гассет, Д.Дюришин ва В.Кожиновлар концепциясигагина таянадилар. Жумладан, Ў.Хошимов романларининг ҳикоя тарзи ва композицион-услубий таркибидаги ўзига хосликларни У.Фолкнер ижоди билан қиёслашга уриниш ҳолларини учратамиз.

Шубҳасиз, Ў.Хошимов изланишлари жаҳон адабиётида кечган бадий-эстетик тараққиётга ҳамоҳанг, муайян қонуниятларга таянувчи жараёндир. Аммо “Икки эшик ораси” асари архитектоникаси ва баён тарзи У.Фолкнернинг “Когда я умираю” асари-дан кўра, 60-йиллардан эътиборан романчилигимизда кечган жиддий шаклий-услубий изланишлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Жумладан, А.Мухторнинг “Чинор” романидан бошланиб, 80-йилларнинг иккинчи ярмида янги босқичга кўтарилган тараққиёт тенденциялари, хусусан, ҳикоя тарзи ва услубий янгиланишларнинг трансформацияга учраши ҳодисасини мисол қилиш мумкин. Бинобарин, ҳали рус тилига таржимаси ҳам “Икки эшик ораси” нашридан кейин амалга оширилган У.Фолкнер романини қиёсга тортишдан кўра, уни юқоридаги жараёнлар бағрида олиб кузатиш мазкур роман моҳиятини кенгроқ инкишоф қилиш имконини берган бўлар эди.

Бизнингча, мазкур асарни халқ эртаклари, “Худойнамак” ва “Шоҳнома”дан ўрин олган афсона ва ривоятлар ёхуд Низомийнинг “Ҳафт пайкар”, Хисрав Деҳлавийнинг “Ҳашт биҳишт”, Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” ишқий-саргузашт достонидаги қолипловчи ҳикоя композицион силсиласига боғланган етти мустақил ҳикоя қўллаш адабий анъаналари, образлар руҳиятидаги зиддиятли кечинмалар, фабула ва баён тарзига ижодий ёндошиш йўсинида текшириш мумкин. Шунда ҳам уни жаҳон адабиёти аспектида тадқиқ қилган бўламиз. Чунки Шарқона руҳ ёрқин намоён бўлмаган ҳеч бир роман миллий-эстетик ҳодиса бўла олмаганидек, айрим асарларнинг эш келиши ҳам доим ижодий ўзлаштириш самараси бўлавермайди. Илло, жаҳон адабиётига хос аксарият белги-хусусиятлар Шарқ адабиётига мутлақо бегона эмас.

Масалан, О.Мухторнинг шаклан ихчам, мазмунан кенг, интиҳоси ёруғ романларини кузатайлик. Жумладан, “Минг бир қиёфа” романидаги Култепага боришга шаҳд этган Насриддин ва унинг эшаги билан боғлиқ “Афандининг болалиги” ҳикояти, “Эгилган бош” романидаги “Мулланинг боши бормиди?” эртаги, денгиздаги сайёҳ ҳақидаги нақл, “Кўзгу олдидаги одам”даги тилсимли ойна билан боғлиқ воқеалар, “Афлотун”даги сирли қудуқ мотив-эпизоди, “Тепалиқдаги хароба”даги хотира ва хаёл парвозлари билан боғлиқ ғаройиботлар, “Ффу” романидаги ҳашаматли саройнинг қутилмаганда ғойиб бўлишию Ҳайдар Махсум “тилсим”лари тасвирланган ўринлар, “Аёллар мамлақати

ва салтанати” романидаги “Бир ёлғонда қирқ ёлғон” эртаги таъсири, Афандининг ўз ёлғонига ишониши билан боғлиқ латифа, баён оҳангидаги эртакка хослик ўринлари фикримизни далиллайди.

Агар диққат қаратилса, ёзувчининг “Ффу” романи ривоят шаклида бўлиб, унда эзгулик ва ёвузлик кураши акс этган. “Аёллар мамлакати ва салтанати”да воқеий ҳикоя устуворлик қилади. “Афлотун”да инсоният тафаккурининг инқирози ва фикрнинг қайта уйғониш жараёнлари: (Сукрот, Афлотун, Фаробий фалсафаси, миллатнинг мустақилликка етиб келиш йўллари) эртақлар сюжетига янгича шакл бериш орқали ифодаланади. “Минг бир қиёфа” да Лутфий ҳаёти ва муҳаббат тарихи тикланади. “Тепаликдаги хароба”да Машраб, Байрон, Мирза Ғолиб; Амир Темур, Бобур, Акбар; “Аёллар мамлакати ва салтанати” асарида Нодирабегим, “Афлотун”да эса Баҳовуддин Нақшбанд, Файзулла Хўжа, Абдурауф Фитрат, Исмоил Сомоний, “Одамлар кулишлари керак”да Шер Муҳаммад Бек сингари тарихий шахслар сиймоси фозил одамларга интиқлик, соғинч, аждодлар билан мустақкам шажаравий боғлиқлик асосида тикланиб, замона дардига малҳам изланади. Ёзувчи улардаги журъат ва ишончдан руҳ олади.

Англашиладики, носир асарлари шарқона миллий руҳ, фалсафа билан йўғрилганлиги халқ оғзаки ижоди намуналари – ривоят ва эртақлар сюжетидан самарали фойдаланиш, мумтоз адабиёт меҳваридаги салим маъноларни идрок этиш: (фикр, хаёл, тасаввур, хотиралар билан ҳаётийликнинг қоришиқлиги) натижаси бўлиб, уларнинг шакл-шамойили, сюжет тузилиши, ифода тарзини ана шу миллий илдиэлардан ташқарида изоҳлаш имконсиздир.

Зотан, адибнинг аксарият қаҳрамонлари тийнатида ўзига хос бир валийлик мавжуд бўлиб, улар олам ва инсон муаммолари, яшашнинг маъно-мақсади ҳақида ўйлайдиган БУТУН ОДАМлар. Уларнинг ифодаси эса, атайин қидириб топилган шаклбозлик бўлмай, оламий тафаккурга ҳамоҳанг юксак мезонларда фикрлашга мойил ёзувчи дунёқараши, ҳаётсевар руҳининг асар ёзилаётган онлардаги кайфият-ҳолларига уйғунлашуви манзараларидир. Ўзбек романи қай бир жиҳати (миллий колорит, миллий руҳ, ўзбакий тасаввур тарзимизга хос руҳий мураккабликларнинг у ёхуд бу қирраларини акс эттириш ёхуд шахсни мураккаб тизим сифатида қаламга олиши, тил, архитектоника, фикр ва тафаккурга асосланиши ва б.) дан олиб қаралганида ҳам том маъноси ила миллий ҳодисадир. Бинобарин, замонавий романчилигимизда кечаётган услубий-структурал ўзгаришларни Н.В.Гоголь, М.Булгаков, Ф.Кафка ёки бошқа бирон рус ва Ғарб адабиёти намояндаси асарлари билан қиёслашда параллелликларни кузатишга эътибор орттирилиши керак.

Назаримизда, “ўзбек адибининг таъсирланиши”, “ижодий ўзлаштириши”га урғу бериш истиқболсиз йўлдир. У ёхуд бу асарнинг жаҳон адабиётидаги қандайдир аналог мавжудлигини аниқлаш ва уларни ўзаро чоғиштириш шу асарнинг “зўр”лигини эмас, аксинча тақлид самараси ўлароқ бунёд бўлганлигини кўрсатади. Ўз ижодий услуби, сози ва овозига эга бўлиш, биринчи навбатда, тақлид босқичидан юксалишдир. Турли эстетик нуқтаи назарлар авваламбор ёзувчи дунёқарашида тўқнашиб, миллий асосда трансформацияга учрайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ривоят, афсона, шеърый парчалар, фантастик макон ва реалликнинг қоришуви, қаҳрамонлар қиёфасининг эврилиши, киноявий мазмуннинг кучайиши сингари ўнлаб белгилар, авваламбор, Шарқона асослардан сув ичади. Ғарб асосини Шарқ руҳи билан туташтирмаган мунаққид миллий романларимизни баҳолаш мезонларида адашиши муқаррар. Зотан, ҳозирги романчилигимиз тараққиётининг сарчашмалари Шарқона тафаккурдан, халқ оғзаки ижоди ва қадимги ўзбек насридан, шунингдек, адабиётимизнинг порлоқ саҳифаси бўлган жадид адабиётдан ажралган ҳодиса эмас.

Хуррият шуълалари



*Олимжон ХОЛДОР,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби*

Жаннатмакон

*Инсонни яратгач олам сарвари,
Борлиқ бисотини айламиш тақсим.
Ерлик-жойлик бўпти бандалар бари,
Фақат бир тўп кимса турар хомуш, жим.*

*– Борми жой тегмаган бирорта одам?
Ҳаммага етдими? – сўрабди худо.
Қора қош, қора кўз одамлар шу дам,
“Биз борамиз!” деганмиш, айлаб илтижо.*

*Тангрим ўйлаб-ўйлаб охири дебди:
– Қолмади-ку менда бирор кафт тупроқ –
Ниҳоят у шундоқ фикрга кебди:
Жаннат дарвозасин қиялаб шу чоқ –*

*Бир ҳовуч тупроқни олибди ундан,
– Мана бу сизларга, олингиз, дебди, –
Севган бандаларим сизлар шу кундан,
Майли, жаннат ичра бўлингиз, дебди...*

*Ҳа, ўша қора қош, қора кўз одамлар,
Менинг аجدодларим эканлар, билсам.
Шундан, фақат, шундан, дадил қадамлар,
Шунинг учун халқим ҳеч бўлмагай кам.*

*Шундан танг қолдирар юртим жаҳонни,
Қуруқ ёғоч суқсанг кўқарар чиндан.
Менинг билишимча, Ўзбекистонни –
Жаннатмакон ўлка дегани шундан.*

Истиқлол бахти

Истиқлол зормасдир ҳамду санога,
Юрагим ҳаприқар ўйлаб шуларни.
Бугун мен бўйимни тенглаб самога,
Истиқлол сен учун яратдим нени?!

Ватан вужуд деймиз, Ватан гул деймиз,
Нафис оқаверсин зилол сойлари.
Барчаси пойидор ва сархил деймиз,
Шеърға тушаверар қуёш, ойлари.

... Бир олчоқ кимнидур тутади паноҳ,
Қум сочиб қўймоқчи Ватан кўзига.
Бахтимиз йўлига қўяди тузоқ,
Пўрим оҳанг тузар ҳар бир сўзига.

Уни фош этмоққа шеър ушур, кел,
Тўмарис шиждати зарурдир ҳамон.
Қовушган жонлардан тикланади эл,
Истиқлол бахти бўлиб чарогон.



Малика
МИРЗО қизи

Баркамол авлод

Бахтиёр замоннинг ҳуру эркаси,
Миллат хонадонин беғу бекаси,
Келажаги буюк юртнинг эркаси,
Бахти бетимсолу баркамол авлод.

Аждодлари шаъни бош узра ялов,
Эл дея ҳар босган қадами олов,
Дилда иймон бут-сўнмаган қалов,
Аҳди бетимсолу баркамол авлод.

Истиқлол нурлари кўзингиздадир,
Оқ, ойдин орзулар сўзингиздадир,
Ёруғликка ташибеҳ юзингиздадир,
Нақди бетимсолу баркамол авлод.

Мардлик булогидан сув ичган илдиз,
Тўмарис ортидан йўл солган нур из,
Кўкда Зухро бўлиб порлаган юлдуз,
Тахти бетимсолу баркамол авлод.

Саодат саҳнига етгаймиз сиз-ла,
Элатни бошлабон кетгаймиз сиз-ла,
Мунаввар бир қўшиқ битгаймиз сиз-ла,
Шахти бетимсолу баркамол авлод.



Олим ЖЎРА

Эҳтиром



Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
профессор

МАКТУБ – ҚАЛБ САДОСИ

Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти совриндори Шукруллонинг барча асарлари, хусусан, шеърлари ва дostonларини меҳр билан ўқиб, катта эстетик завқ олиб, маънавий оламимни бойитганман. Булардан ташқари Ўзбек Миллий Давлат академик драма театри сахнасида “Хатарли йўл”, “Табас-сум ўғрилари”, “Ўғрини қароқчи урди” драмалари асосида қўйилган спектаклларни қизиқиб кўрганимни алоҳида таъкидлашим керак. Муқимий номидаги мусиқали театрда сахналаштирилган “Тўйдан кейин томоша” асари менда айниқса чуқур таассурот қолдирган.

Шоирнинг “Ҳаёт илҳомлари”, “Умрим борича”, “Инсон ва яхшилик”, “Инсон – инсон учун” сингари шеърий тўпламларини бирма-бир кўздан ўтказганимни ҳеч қачон эсдан чиқара олмайман. “Жавоҳирлар сандиғи”, “Кафансиз кўмилганлар”, “Тирик руҳлар” каби хотира романлари қалбимга қанчалик таъсир этганлигини таърифлашга ожизлик қиламан.

Яқинда чоп этилган “Ғойибона муҳаббат” тўплами орқали янги бир дунёни кашф этгандай бўлдим ва Шукрулло ҳақида кўп нарсани билмас эканман, деган хулосага келдим.

Шаксиз, менинг Шукрулло асарларига берган баҳоларим бир томонда-ю, аммо кўпчилик китобхонларнинг уларга муносабатини билиш ўзгачадир. Шоир асарлари хусусидаги мулоҳазаларим турли қарашларга мос тушадими, йўқми? Бу ҳар бир мухлисни қизиқтирадиган масала! Шу сабабдан ҳам “Ғойибона муҳаббат”ни ўқиб хурсанд бўлиб кетдим. Сабаби, менда пайдо бўлган баҳолар, мулоҳазалар китобдаги кўп фикрларга ҳамоҳанг бўлиб чиқди.

Тўплам қуйидагича тарзда тузилган: “Маҳбусликда ёзилган хатлар”, “Расмий мактублар”, “Дўстона мактублар”, “Телеграммалар”, “Шогирдона эҳтиром”, “Ғойибона муҳаббат” ва ниҳоят “Поэтическая тетрадь” радиоэшиттиришларига” каби бўлимларга ажралган ва бундай композицион тузилиш Шукрулло ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятини тўла очиб беришга хизмат қилган.

Энг асосийси, мактублар бўялмай-чатилмай айнан келтирилади. Бу ҳол Шукрулло тўғрисида ҳаққоний тасаввур туғдиришимиз учун асос бўлган. Бир характерли хатни мисол сифатида келтирай. “Мен бахтлиман, чунки бу дунёда сиз бор экансиз! ... Сизнинг “Твое счастье” шеърлар тўпламингиз мени “ютиб” юборди. Сиз ёзган шеърларнинг барчаси менинг хаёлларим ва орзуларимни акс эттиради”.

Яна бир мактуб: “У киши бу китоблар билан катталарни ҳам тарбиялаб, ҳам дунёқарашларини ривожлантирадилар”. Бу шоир ижодига берилган жуда ҳам муҳим

баҳо. Айниқса, ҳозирги даврда инсонларни истиқлол мафкураси асосида тарбиялаш, уларни тўғри йўлга солиш, онгларини ошириш сув ва ҳаводай зарур. Демак, Шукрулло инсонийлик ва ижодкорлик бурчини аъло даражада бажарганлиги кузатилади.

Шоирга йўлланган кўп хатларнинг мазмуни, руҳи шу келтирилган сатрларнинг руҳига мос тушади. Мазмун эса шаклнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Хатларда Шукрулло талантили ижодкор, виждонли, ҳақгўй инсон эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Қолаверса, Шукрулло, фақат Ўзбекистонда эмас, балки хорижда ҳам маълум ва машҳур эканлигини хатлардан билиб олдик.

Бунинг исботи шуки, шоир Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Новосибирск, Сибирь, Болгария, Польша ва яна бошқа мамлакатлардан, вилоятлар ва шаҳарлардан кўплаб хатлар олган. Атоқли шоир Мустай Каримнинг хатидан парча келтирай: “Азизим Шукрулло! Чуқур ҳаяжон ва қувонч билан сени, иттифоқнинг атоқли шоирларидан бирини, Ўзбекистоннинг доно куйчисини, ажойиб дўстни ... қутлайман”.

Шукрулло Украина аҳолиси ва адибларининг ҳам сеvimли санъаткори бўлиб қолган. Улардан бири бундай ёзади: “Сизнинг ўзига хос ёруғ ижодингиз бизнинг ватанимиз халқларига жуда яхши таниш. Украинада ҳам сизнинг кўплаб мухлисларингиз бор”. Ҳа, шундай катта мамлакатда обрў қозониш бахт эмасми?

Хатлари ва телеграммаларида Р.Ҳамзатов, Ў.Сулаймонов, В. Солоухин, Ю.Верченко, М. Танк, Б. Олейник, С. Баруздин, М.Карим каби адибу шоирлар Шукрулло ижодига юксак баҳо беришади.

“Жавоҳирлар сандиғи” асари хусусиятлари кўпгина машҳур адибларни лол қилган экан. Мустай Карим, Расул Ҳамзатов, Қайсин Кулиев, Михаил Дудинлар уни жиддий бадиий асар сифатида эътироф этишади. Қизиғи шундаки, кўп атоқли адиблар Шукрулло маҳоратига тан беришиб, “Жавоҳирлар сандиғи” каби асар ёзишга ожиз эканликларини ҳам изҳор этганлар.

Маълумки, хатларни бадиий йўсинда ёзиш қийин, мушкул иш. Шу сабабдан ҳам кўп хатлар бу фазилатдан маҳрум бўлиб қолган, бу табиий ҳол. Аммо, Шукрулло айрим хатларига бадиий либос беришга уринган ва маълум даражада ниятига етган.



Шукрулло доғистонлик машҳур шоир Расул Ҳамзатов билан

Рафиқаси Мунаввархонга ёзган мактубидан олинган парчага аҳамият берайлик: “Мунаввархон, сиз бир дақиқа кўз олдимдан кетмайсиз! Бирор бобини тугатиб, ўзимча ўқир эканман, кўз олдимда сиз, сизга ўқигандек тасаввур қиламан. Кўз олдимда сиз эшитаётгандек бўласиз. Хурсанд бўлиб эшитаётгандек кўринасиз”. Китобни ўқир экансиз, Шукруллонинг ички оламига кириб борасиз. Унинг азобларига ҳам, қувончларига ҳам шерик бўласиз. Яна бир хатига диққат қилайлик: “ Ҳаёт бир хилда кечмас экан. Яхшики, ҳаётда умид, садоқат, сабр, бахт деган нарсалар ҳам бор. Ахир, инсон бошига мушкул тушганда нимага суянади?”.

Китобда Шукруллонинг одамгарчилиги, инсонларга кўрсатган ғамхўрликлари, шу билан бирга, дўстлари унга билдирган мурувватлар ҳам ўз ифодасини топган. Булар орқали ҳам шоир маънавий оламининг яна бир қирраси билан танишишга муяссар бўламиз.

Шоир қўшнисининг яшаш жойи, кулбаси оғир аҳволда эканлигини билиб, шаҳар ҳокимидан унга квартира ажратиб беришни сўрагани нақадар диққатга сазовордир. Ана шу далил унинг олижаноб ва меҳрибон инсон эканини исбот қилади. Шукрулло тўла равишда ҳақли эди. Чунки кичик бир ҳовлида 11 жон турган, ўғил эса афғон уруши қатнашчиси бўлган.

Яна бир мисол. Шукрулло дўсти адиб Чабулладан дори олиб, қувончини шошиб билдирганлигига қойил қоласан киши: “Оғаларча ғамхўрлигинг учун раҳмат. Чин кўнгилдан ташаккур... Сенинг борлигингга худога минг қатла шукур!”.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Шукрулло қаерда бўлмасин, Сибирнинг изғирин совуғида ёки машаққатли меҳнат жабҳасидами, Ватанини асло унутмади, бутун қалби юрти билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Яхшиси ўздан эшитайлик: “ Бир дақиқа бўлса ҳам Ватанимнинг бағрида бўлгандек ҳис қилдим. Таниш одамларим билан гаплашган, уларнинг дийдорларини кўргандек бўлдим. Юртимнинг шаҳар, далалари бағрида бўлгандек нафас олдим”. Бу гаплар лагерда ётиб, битта ўзбекча (“Қизил Ўзбекистон”) газетани ўқиб айтилган. Бундан кўнгли тоғдай кўтарилади, боши кўкка етгандай бўлади.

Чиндан ҳам “Ғойибона муҳаббат” китобидан бир муҳим ғоя қизил ип каби ўтади. У ҳам бўлса – умидворлик, ишонч, азобларга бардош бериш қобилиятининг талқини. Шукрулло шўро даврида ҳибсга олинганда ҳам, қамоқда ётганида ҳам, Сибирда азоб чекиб меҳнат қилиб юрганда ҳам умид уни ҳеч қачон тарк этмаган. У умид билан яшаган, умид ҳаётга, курашга чорлаган, бало қазолардан сақлаган, куч-қувват берган, ижод қилишга ундаган. Қисқа қилиб айтсак, умид ҳамиша йўлдоши бўлиб қолган.

Китобхонлар ҳаётини далиллар ва мушоҳадаларга бой, эстетик қиймати юқори “Ғойибона муҳаббат” асарига эга бўлишгани эътиборга моликдир.





Наср

Жўра ФОЗИЛ

БОҒ

Ҳикоя



Атрофи баланд пахса девор билан ўралган колхоз боғи шунчалар гўзал ва сирли эдики, бу сўлим гўша билан боғлиқ воқеалар болалигимнинг энг ёрқин хотираси бўлиб ҳамон тушларимга киради.

Боғ қанчалик ғаройиб бўлса, асли исми Фармон бобо, лекин негадир ҳамма Амаки деб атайдиган қоровули шунчалик ажойиб одам эди.

Боғ колхоз идорасига туташ, бу ер эртаю кеч катта-кичик вакиллар, текширувчи тафтишчилар билан гавжум эди. Улардан безор бўлган раис, ҳосилот ва ҳисобчи кўпинча бекиниб юришар, раҳбарларни сўраб жуда тиқилинч қилганларни котиб амаллаб алдарди. Қора от миниб юрадиган хўппа семиз, қўрқоқ ва довдир раис эса бу вақтда қоронғи қилиб қўйилган хос хонасида хуррак отиб ётарди.

Табиийки, тушга томон меҳмонлар очқар, улар сўлим боққа ўғринча назар ташлаб қўярдилар. Ана шунда табиатан жуда сахий ва очиқкўнгилик Амакининг жони кириб қоларди. Чунки ошпаз жуда хасис одам бўлиб, раис айтмагунча бировга бир бурда нон бермасди. Туман марказидан олти чақирим олисда бўлган қўрғонда бирорта ошхона йўқ, яккаю-ягона дўкондан ароқ, консерва ва шўр бодрингдан бўлак егулик топилмасди. Кейин текширувчи дегани ҳеч замонда ўз чўнтагидан овқатларни олиди? Бояқишлар қовоқ-тумшукларини уйиб, савлат тўкканча уёқ-буёққа юришар, лекин очликдан қулдираётган қоринлари аҳволларини фош қилиб турарди.

Амаки шундоқ яқингинадаги уйига югуриб бориб, хотинининг ҳай-ҳайлашига қарамай, қўлига нима тушса, товукми-хўрозми, шартта сўярди. Сўнгра боғ адоғидаги хужра яқинида, омонат ўчоқда қозон осиб, овқат пиширар, магазиндан қарзга бир жуфтгина ароқ олишни ҳам нунутмасди. Қарабсизки, меҳмон ҳам, амаки ҳам хурсанд эди.

Ой охирида ғарибгина маош дўконидаги қарзларга тўланар, хотини: “Ахир болалар нима ейди?”, дея жанжал қилар, лекин Амакининг меҳмонлар учун ёзиғлик дастурхонидан ҳеч вақт таом аримасди. Шу боис чор-атрофдан келувчиларнинг ҳаммаси Амакини танир, ҳурмат қилар ва у туман маркази ёки шаҳарга сафар қиладиган бўлса, ўша ёқларда уч-тўрт кун қолиб кетарди.

У ҳовли - боғида ҳар бири шокосадай келадиган анор етиштириб, шаҳар бозорида сотар, шунча меҳмондорчиликдан ортиб, боғбонлик қилишга қачон вақт топишини ҳеч ким билмасди.

Бизни эса Амакининг деҳқончилиги ҳам, меҳмондорчилиги ҳам сира қизиқтирмас, унинг кўзини шамғалат қилиб, боққа шўнғиш, қўйнимизни мева-чевага тўлдириб, жуфтакни ростлаб қолиш тўғрисида хаёл сурардик, холос. Боққа шўнғиш эса ҳийла мураккаб ва хавфли иш эди.

Бу ерда одам доимо гавжум, устига-устак Амакининг ҳўтиқдек келадиган Хайбар лақабли ити бўларди. Шу боис биз ўзига хос усуллардан фойдаланардик. Амакининг кенжа ўғли Абдужаббор биздан икки ёш кичик бўлиб, уни “йўлбарс-йўлбарс” ўйнаймиз дея аврардик. Хайбар Абдужабборни кўргач, бизга кўз юмарди. Биз, хонаки йўлбарслар боғнинг олис бурчагида, ариқ ёқалаган баланд пахса девор раҳнаси ёнида тўпланардик. Бир оз ўйнаганимиздан сўнг, жўрабوشимиз Ҳамид бизга кўз қисиб қўйиб, Абдужабборга юзланарди.

– Шу, биласанми, жўражон, йўлбарсларнинг қорни жуда очқади-да...

Абдужаббор, бир оз соддароқ болакай, жўрабوشимизни чин дилдан жуда ҳурмат қилармиди, ёнки унинг жангарилигидан чўчирмиди, ҳар қалай дарҳол савол берарди:

– Хай, нима қилиш керак?

– Ҳеч нима, фақат йўлбарслар энди қорнини тўйдириши керак...

– Хай, йўлбарсларга анжир ҳам бўлаверадими?

– Э-э, бўлганда қандоқ! Ахир, йўлбарслар анжирни жуда яхши кўришади! Йўлбарс қанча кўп анжир еса, шунча зўр бўлади!

Абдужаббор биринчи бўлиб ўзини ариққа отар, биз унга эргашиб, девор раҳнасидан ўтгач, ҳар биримиз бир улкан анжир остига кириб олардик-да, қоринни роса тўйғазардик.

Бу фойдали ўйин кун сайин такрорланар, мевалар пишиб етилишига қараб, “дастурхонимиз” ўзгариб турарди. Болалик экан-да, бўлмаса, қоровул ўғли Абдужаббор учун бу даҳмазанинг нима кераги бор эди? У истаган мевасини шундоқ ҳам ея оларди. Чамаси, Ҳамид ўйлаб чиқарган ўйин унга жуда маъқул эди.

Биз ўшанда, ўйиндан ўт чиқди, деган гапнинг мазмунини яхши билмасдик.

Хуллас, кунларнинг бирида йўлбарслар нокка тўйиб олишгач, Ҳамид Абдужабборга шундай деди:

– Бу, йўлбарсларнинг ҳам ота-онаси, бола-чақаси бўлса керак?

– Албатта бор, – тасдиқлади Абдужаббор, одатдагидек ҳозиржавоблик билан.

– Улар ҳам нок ейдими, йўқми?

– Еганда қандоқ! – қийқирди қоровулнинг кенжа ўғли. Ва биз яна бир неча дарахтни шип-шийдон қилдик. Энди жуфтакни ростлаймиз деб турганимизда, бирдан таҳдидли товуш янгради.

– Ҳой, бадбахт, тўхта, ким бу?!

Буни қарангки, йўлбарсларнинг бири адашиб, шийпонга яқин борган, уни кўриб қолишган экан. Аксарият шерикларимиз қочиб қолишди. Лекин дарахтдан пастлаб улгурмай мен, Ҳамид ва Абдужаббор ўша қурумсоқ ошпазнинг қўлига тушдик...

Ҳовуз устига қурилган сўлим шийпонда зиёфат авжида, кўрада хушбўй ҳид таратиб кабоб пишар, столда бир неча ароқ шишалари бор эди. Тўрда мовий кўзли, ғоят кўҳлик жувон ўтирар, сипо кийинган киши, афтидан, райком котиби, ҳар замонда унинг белига қўл югуртириб шилқимлик қиларди. Колхоз раиси эса уларга ялтоқланиб ҳали қошиқ, ҳали сочиқ тутар, зир югуриб, кабоб ва яна аллақандай таомлар таширди.

Ошпаз, Ҳамиднинг биқинига бир туртиб, бизни шийпонга етаклади. Абдужаббор ҳам дўстлик ҳақи-ҳурмати ёнимиздан кетмас, кўзлари тўрт бўлиб отаси ва Хайбарни изларди.

Бизга ҳеч ким эътибор қилмади. Шийпондагилар пиёлаларни жаранглатишар, ҳалиги сипо кимса эса малласоч жувонни ўпарди.

Ниҳоят, ошпаз ўзи ширин таом пишириш билан бирга колхоз мулкининг қўриқчиси ҳам эканини кўрсатгиси келиб, раисга юзланди.

– Раис бобо, бу ўғрибачаларни нима қилай? Нокларни шундай пайҳон қилишибдики...

Раис қизариб-бўзариб турган Абдужабборга ҳайрон бўлиб тикилди-ю, сўнг дағдағага ўтди:

– Нима қилардинг, колхоз мулкини ўғирлашгани учун милисага топширасан-да!

Раис важоҳатидан кўрқиб кетиб, учаламиз бараварига йиғлаб юбордик. Шунда мовий кўз жувон кўлидаги пиёлани қўйиб чимирилди.

– В чём дело? Почему дети плачут?

Чаласавод раис адои тамом бўлганди. Бояқиш русча у ёқда турсин, ўзбекчани ҳам эплаб гапиролмасди; дам меҳмон аёлга, дам райком котибига мўлтираб боқарди. Сўнгра тили зўрға калимага келиб бидирлади.

– Э-э, ани, э-э, нок ўғирлаган... Ман, акун, милиса...

– Какая милиция? Дурак что ли?

– Йўқ, акун, нет, ман дуррак, ман эшшак! Раис тамоман ўзини йўқотиб қўйди.

Жувон райком котибига норозилик нигоҳини ташлади:

– Твой раис или напился, или совсем бестолковый. Скажи, чтоб детей немедленно отпустили!

Котиб раисга ўқрайди. Қора юзлари бугриқиб, ҳансираётган раис илтижо қилди.

– Энди райком бобо, биздан ўтти. Ман, акун, ҳозир буларни ота-онасига топшираман...

– Қўйинг, ўзлари кетаверишади!

Бу гапдан сўнг йиғидан тўхтадик.

Шарманда бўлган раис ва ошпаз бараварига қўл силтади. Сичқон ини минг танга дея, боғ дарвозаси қолиб, ўзимизни яна раҳна томонга урдик-да, кўздан ғойиб бўлдик. Абдужаббор ҳам ҳаллослаганича ортимиздан келарди.

Ноклар ёнга қолди, шармандалиқдан қутулдик. Кайфиятимиз чоғ эди. Ҳамид, Абдужабборнинг елкасига қўл ташлаб, уни мақтади.

– Маладес, дўстим! Сен бугун ҳақиқий йўлбарснинг ишини қилдинг!

Юксак баҳодан қоровулнинг эрка ўғли севиниб кетди. Ўша йилларда болаларни анчайин оғир синовлардан ўтишга мажбур этадиган миллий ўйинлар жуда кўп эди, ўша мусобақаларда ёш ва нимжонроқ Абдужаббор кўпинча кулги бўларди. Шу боис мақтов унга жуда ёқди.

Осонгина қутулганимизга шукур қилиб, уй-уйимизга тарқадик. Кейинчалик ўша куни Амаки ва Хайбар нега боғда йўқлиги сабаби маълум бўлди. Айтишларича, меҳмон аёл итдан роса кўрқар экан, у безовта бўлмаслиги учун Амаки Хайбарни эргаштириб уйига жўнаган. Боз устига, вилоятдан аллақандай меҳмонлар келиб қолишган экан. Боғ бандлиги боис, Амаки уларни уйига таклиф этиб, қуён сўйган, ароқ олиб келиб кечгача шакарғуфторлик қилишган.

Яхши билардикки, ўша куни боғда Амаки бўлганида бунчалик ноқулай аҳволда қолмасдик. Гап Абдужаббор билан бирга эканимизда ҳам эмас. Олдинлари, ҳали “йўлбарс-йўлбарс” ўйнамаган кезларимизда ҳам, бир неча марта Амакининг қўлига тушганмиз. У сал дўқ-пўписа қилиб, ими-жимида қўйиб юборар, ўлжаларимизни тортиб олмас, ота-оналаримиз ҳам воқеадан хабар топишмасди. Лекин бу гал қилмишимиз бутун кишлоққа ёйилди. Кимдир отасидан калтак еди, кимдир танбех эшитди.

Казо-казолар олдида ўсал бўлган чаласавод раис ва қурумсоқ ошпаз биздан бошлаб ўч олди. Қилмишимиз ҳатто мактаб директорининг қулоғига ҳам етди. Лекин у, айрим илмоқли гаплар қилган бўлса-да, ҳарқалай жазоламади. Бу гап-сўзлар ўз йўлига, бизнинг бутун диққат-эътиборимиз эса ҳамон ўша боққа қаратилганди. Ахир, бу боғдаги ҳар бир дарахт, гулу кўчат қаерда, қандай жойлашгани, қайси мева қачон пишишини яхши билардик ва боққа киришнинг янги йўлларини ахтарардик. Бўйимиз ҳийла чўзилиб қолгани боис, энди бачкана ўйинларни ишга солишга уялардик.

Кўпчилик бўлиб, эътиборни жалб қилмаслик учун, боққа якка тартибда шўнғиш ҳадисини ола бошладик. Бироқ бу усул жуда хавфли эди. Чунки, иш чаппасидан келса, ҳали айтганимдек, Амакидан осон қутулишнинг иложи бор. Лекин Хайбар аяб ўтирмаса керак. Ёнингда Абдужаббор бўлмагач, Хайбар сени неча пулга оларди?

Жўрабошимиз Ҳамиднинг топқирлиги ва жасурлигини сўзсиз тан олардик. Бироқ унинг андаккина қусури борлигини ҳаммамиз яхши билардик. Ҳамид қурғур, Шум болага ўхшаб, онда-сонда лоф уриб қоларди. Боққа киришнинг янги усулини ўйлаб топиш учун у яна лофга ўтди.

– Болалар, – деди у бир куни кутилмаганда, келинлар, энди “бургут-бургут” ўйнаймиз.

– Бунинг нима бало яна? – норозиланиб тўнғиллади Тўра. У бечора, ўйинимиз фош бўлганидан сўнг, отасидан роса калтак еганди.

– Ҳеч қанақа бало эмас! – деди тантанавор оҳангда Ҳамид. – Шу, энди боққа фақат бургутдек учиб киришга тўғри келади!

Бу гал унинг сўзларига ҳеч ким қўшилмади. Тўғри-да, ахир, йўлбарсдек эмаклашнинг иложи бор эди. Бургутдек учишнинг сира иложи йўқлигини бир қарич бола ҳам билади-да.

Лекин Ҳамид, жуда қайсар бола, таслим бўлишни истамасди.

– Сенлар ҳаммаларинг анқов, қўрқоқсизлар! Ахир, тахтадан қанот ясаса бўлади-ку! Сўнгра идоранинг томига чиқиб, боғ томонга қанот қоқасан, вассалом!

– Ҳа, қанот қоқасан-у, шундоқ Хайбарнинг қучоғига тушасан-қўясан, – эътироз қилди Тўра.

– Ҳе, ахмоқ, – аччиқланди Ҳамид, – Хайбарнинг қучоғига ўзинг тушавер. Мен эса сўзимни исбот қиламан!

Бу ўринда Ҳамид сўзини исботлаш учун нималар қилганини батафсил айтиб ўтирмайман. Қисқаси шуки, бояқиш колхоз идораси томидан йиқилиб, бўйни синишига озгина қолди. Боз устига, отасининг иморат учун асраб қўйган ёғочини исроф қилгани учун дакки еди.

Тўғри, бу орада Абдужаббор бизни қуруқ қўйгани йўқ, сархил мевалар билан сийлаб турди. Лекин мевани ўзинг дарахтдан узиб еганга не етсин? Қўлдан берганга қуш тўймас, деб бежиз айтишмаган. Ҳамма янги усул излаб юрганида, каминанинг омади келиб қолди денг.

Амакининг Жамила исмли бўйга етган ғоят кўҳлик қизи бўлиб, унга жисмоний тарбия ўқитувчимиз Камол ошиғу беқарор эди. Буни бутун қишлоқ биларди-ю, чамаси, Жамила билмасди. Ўқитувчи йигит жуда тортинчоқ эмасми, дардини юрак ютиб айтолмасди. У бир куни идора ёнида мени имлаб чақирди-да, қўлимга тўрт букланган қоғоз тутқазиб, илтижо қилди:

– Шу хатни Жамилага элтиб бер. Илтимос, ўзинг очиб ўқима. Сенга “5” қўяман!

Мен ўқитувчининг сўзларини эшитмасдим, кўзимга Жамила ҳам кўринмасди, фақат боққа очиқчасига кириб бориш имконияти пайдо бўлаётганидан хурсанд эдим. Энди менга қанотнинг ҳам, Абдужабборнинг ҳам кераги йўқ! Тўппа-тўғри кириб боравераман. Амаки сўраб-нетиб қолса, “Жамила опамда ишим бор эди” деб қўя қоламан. “Нима ишинг бор эди?” деса, “Шу, бир китоб сўраб олмоқчи эдим” дейман. Хатни эса кўрсатмайман...

Кейин Жамилахоним хат билан овора бўлиб, мени унутади. Ана ўшанда акангиз ўзларини секингина анжир тагига оладилар. Ўзи ҳозир анжир ғарқ пишган пайт...

Шу топда Ҳамид айтган қанот гўё елкамда пайдо бўлганди. Муаллим кўздан йўқолгач, ўйланиб қолдим. Дафтарнинг қоқ ўртасидан узиб олинган икки варақда нима ёзилган экан-а? Ҳар қанча ёшу ғўр бўлмайин, шуни билгим келди.

Буклоғлик қоғоз қўлларимни куйдирарди. Ундаги илиқ сўзларга кўз югуртирар эканман, ҳаяжондан қалтирай бошладим. Бу, Камолбой, ландовур кўринса-да, хат ёзишга жуда чечан эканлар-ку!

Мактубда Жамила шундай таърифланган эдики, муаллим қолиб, боғбон қизига ўзим ошиқ бўлиб қолаёзим. Э-э, ўлманг, муаллимжон, сизни боши билан копток “тепиш”дан бошқасини билмайди дейишарди. Сиз эса шундоқ ёнимизда юрган оддийгина қишлоқ қизини салкам фариштага чиқариб қўйибсиз.

Хуллас, дўстимнинг опасига чала ошиқ бўлиб, боғ дарвозаси томон одимладим. Оёқ учида юриб, шийпонга яқинлашганимда, рўпарамдан Жамиланинг ўзи чиқиб қолса бўладими?! Омадни қаранг-а.

Хаёл суриб қолдим. Муаллим ҳақ экан, Жамила ҳақиқатан ҳам жуда гўзал эди. У менга савол назари билан қараб, ингичка қалам қошларини чимирди.

Тилим калимага келмас, бечора муаллим ҳақида ўйлардим. Бояқиш ҳозир севгилисини кўрса, эси оғиб қолса керак. Мендан садо чиқавермагач, қизнинг ўзи тилга кирди.

– Ҳа, Абдужабборнинг жўраси, кимда ишинг бор? Ёки яна “йўлбарс-йўлбарс” ўйнамоқчимисан? Укам таъзирини еди, энди ўйнамайди!..

Тамомила ўзимни йўқотдим.

– Ҳе, шу, сизга... Бир киши... Бир хат!..

Пойинтар-сойинтар гапларимдан Жамила кулиб юборди.

– Нима, бир киши? Қанақа бир киши? Сен ўзи нималар деяпсан?

Хат яна қўлларимни куйдира бошлади. “Нима бўлса бўлар, ахир, хатни мен ёзганим йўқ-ку”, – дедим ўзимча ва тилга кирдим.

– Мана бу хат сизга, опахон! Уни муаллимимиз Камол ака ёзганлар. Лекин ўзиям, жуда зўр хат! Сизни шундай мақтабдиларки, ўқисангиз, оғзингиз очилиб қолади.

Ҳақиқатан ҳам Жамила каловланди. Мен тантана қилардим. Ана кўрдингизми, акангизнинг муаллими шундоқ чиройли қизларниям қойил қолдиради!

Лекин қувончим узоққа чўзилмади. Жамила калхатдек чанг солди-да, мактубни юлиб олди, сўнг очиб ҳам ўтирмай, йиртиб ташлади.

Унинг чиройли кўзлари яшиндек чақнар, важоҳати қўрқинчли эди.

– Ҳе, хати бошидан қолсин! Мен хатига зор эмасман!

Ҳали ўзимни ўнглаб олмай қиз қулоғимни бурай бошлади. Аста инградим-да, амаллаб кўлидан чиқиб қочдим. У мени таъқиб этишдан тўхтаб шанғиллади:

– Ўртага тушиш қандай бўлишини сен тирмизакка кўрсатиб қўяман! Бориб айт, ўша ландовурга, кўзим учиб тургани йўқ!

Бу ёғи қандоқ бўлди энди? Хат баҳона анжирга тўяман деб, қулоқдан ажрашимга озгина қолди. Мен аҳмоқ ҳали унга ошиқ ҳам бўлмоқчийдим. Йўқ, ўша Камолбойга насиб этсин-е! Лекин ҳозирги важоҳати бўлса, бечора муаллимим ҳам қуруқ қолса кераг-ов.

Очиғи, Жамиладан бунақа бедодликни кутмагандим. Аксинча, у хатни ўқиғач, қўйни-қўнжимни мевага тўлдиради, бутунлай ийиб кетса ҳатто пешонамдан ўпиб эркалайди, дея хомтама бўлгандим.

Жамила қурмағур эса ҳамон муаллим икковимизнинг гўримизга ғишт қаларди. “Агар ошиқ-маъшуклик шунақа бўлса, қуриб кетсин!” – дедим ичимда ва ташқари юрдим. Дарвозадан чиққач, жон ҳолатда у ёқ-бу ёққа қарадим-да, уйимизга қараб зингилладим.

Бир маҳал муаллим ҳаллослаганича мени қувиб етди. Чехрасида хавотир, умид ва аллақандай бетоқатлик аломатлари зоҳир эди. Бечорага раҳмим келаётган бўлса-да, сиртимга чиқармай тумтайдим. Чунки ўнг қулоғим ҳамон ловуллаб оғриётган эди-да.

– Хўш, қани гапир-чи, Жамила хатни олдими? Жавобини қачон бераркан? – деди у жавдираб.

– Жавоб эмиш, – тўнғилладим мен, – ҳеч қанақа жавоб йўқ. У хатни йиртиб ташлади. Яна, қулоғимни ҳам бошлаб чўзди.

Камол бўзариб кетди, олазарак бўлганича мени юпатишга тушди.

– Майли, йиртса, йиртаверсин. Биз ҳам кўчада ётганлардан эмасмиз... Фақат буни ҳеч кимга айтма. Сенга албатта “5” қўяман!

– Керак эмас! Шундоқ ҳам “5”ларим тиқилиб ётибди!

– Мен сенга каттакон “5” қўяман! – бўш келмасди муаллим.

Қулоғимни ушлаганча уйга жўнадим, Камол ҳам ўз йўлига жўнаб қолди.

Орадан кўп ўтмай Жамила хатни хўжақўрсинга йиртгани, қулоғимни эса бекордан-бекорга чўзгани билиниб қолди. Пахта терими олдидан Камол ва Жамиланинг тўйлари бўлди. Биз бу тўйда мазза қилиб бекинмачоқ ўйнадик ва ёғлигина сермайиз ошдан тўйиб едик. Мактуб воқеасини учаламиздан бўлак ҳеч ким билмасди.

* * *

Бу дунёи дунда ҳеч бир мавжудот Вақт зарбасига дош беролмас экан. Қиш адоғидаги изғиринли тонгларнинг бирида, қишлоқ кўчасини ларзага солиб, катта бульдозер ўтди. Бульдозер белкурагини шундоқ боғ деворига тақаб тўхтади. Хотин-халаж, болалар ва катталар ҳамма шу томон ошиқди.

Кўп ўтмай юк машинасида нотаниш одамлар келишди.

Раис, партия қўмитаси котиби, ҳосилот, ҳисобчи ҳам шу ерда эдилар.

Казо-казо меҳмонлар вилоят йўл қурилиши идорасидан экан, улар бульдозер ёрдамида боғни бузишни мўлжаллашган эди. Боғ ўрнида янги асфальт йўл чиқарилиши оғиздан-оғизга кўчиб юрарди.

Раис билан гаплашиб олган димоғдор киши ишора бергач, баҳайбат бульдозер боғга ҳамла қилди ва неча йиллик пахса деворнинг каттагина қисми гурсиллаб оғир қулади.

Худди шу асно қаршида қўшоғиз милтиқ кўтарган Амаки пайдо бўлди. Унинг овози шовқин-суронни босиб юборгудек даражада жарангдор эди.

– Ўчир, тракторингни! Бўлмаса ҳаммангни отиб ташлайман!

Чолнинг пайлари бўртиб турган қўллари қалтирарди.

Иш бундай тус олишини кутмаган меҳмону мезбонлар гангиб қолишди.

Улар ўзаро пичирлашиб олишгач, иш тўхтатилди.

– Бу боғни бузаман деган одам, аввал ўлигим устидан ўтиши керак! – деди Амаки милтиқни елкасига осар экан.

– Бўлди, бўлди, Амаки, – деди раис мураса қилиб, – энди бу боғни ҳеч ким бузолмайди, мана, мен кафил!

Жимгина тарқалаётган оломонни кузатар эканмиз, бари бунчалар осон тугаганига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасдик.

Хавотиримиз бекорга эмас экан. Орадан бирор ҳафталар ўтгач, тонгда уйғониб, идора ёнига келганимизда, алданганимизни англаб етдик.

Тонг қоронғисида уйқудаги боғ маҳв этилганди. Кимлар учундир бу оддий дов-дарахт ўсадиган шунчаки бир гўша бўлса, биз учун ўсмирлик орзу-умидларимиз беланчаги эди.

Илдизи билан қўпорилган кўп йиллик дарахтлар, қулаган пахса деворлар жуда аянчли манзара касб этган, шўппайиб турган ёлғизгина темир дарвоза юракларга андуҳ соларди.

Шу куни эзиб ёмғир ёғди. Она табиат қиш уйқусида маҳв этилган боғ учун кўз ёш қилиб, мотам тутди. Самодан тўхтовсиз тўкилиб турган биллур томчилар биз, болалар, Амаки ва Хайбарнинг кўз ёшларига қўшилиб кетар, шилта-лой кўчалар хувиллаб қолганди.

Юзлари қорайиб кетган Амаки савдойидек бўлиб қолди. У ҳеч ким билан гаплашмас, қўшоғиз милтиғини елкасига осганича, боғ вайронасида айланиб юрар, биз ҳам шу ердан нари кетолмасдик.

Амаки ўзи учун жуда қақшатғич бўлган зарбадан сира ўнглолмай, орадан бир неча ой ўтгач, вафот этди.

Бу орада асфальт йўл тайёр бўлди. Боғни иккига бўлиб ўтган йўл хотираларимиз кўксига урилган ханжарга ўхшар эди...





Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
профессор

РОМАН ВА БУГУНГИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ

(2010 йил романлари мисолида)



Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий қудрати оғир саноатининг қанчалик ривожланганига қараб белгиланганидек, ҳар қандай миллий адабиётнинг инсоният эстетик тафаккурига қўшган ҳиссаси ҳам ундаги романчиликнинг салмоғи билан тайин этилади. Чунки роман миллат бадиий тафаккурининг тараққиёт даражасини намоён этади.

Романнинг бугунини тушуниш ва истиқболини башорат қилиш учун бу жанрнинг нима учун, қачон ва қаерда пайдо бўлганини аниқлаш ҳамда унга хос етакчи белгиларни тайин этиш лозим бўлади. Илк романлар милоднинг XII-XIII асрларида роман тилларида сўзлашувчи халқлар орасида юзага келган. “Роман тиллари” тушунчаси “Рим (Рома)га тегишли” деган маънони англатиб, лотин тили асосида шаклланган испан, италян, молдова, португал, румин, фламанд, француз ва бошқа тилларни ўз таркибига олади. Илк романлар пайдо бўлган даврда Оврўподаги деярли барча давлатлар учун лотин тили расмий ва бадиий тил саналарди. Аҳолининг асосий қисми эса лотин тилини билмас, бинобарин, адабиётдан бебаҳра эди. Ана шундай шароитда, аҳолининг руҳонийлар ва аслзодалардан кейинги учинчи ва сон жиҳатидан энг катта қатлами бўлмиш иш одамлари, косиб-хунармандларга тушунарли бўлган тилдаги, уларнинг дидига мувофиқ келадиган асарларга эҳтиёж пайдо бўлди. Роман ана шу эҳтиёж натижаси ўлароқ юзага келди. Илк пайдо бўлган чоғида роман тилларининг бирида яратилган асар роман саналиб, “роман тилидаги қисса ёки ҳикоя” маъносида **conte roman** дейилган.

Романнинг айнан ўша вақт, ўша жой ва шу шаклда пайдо бўлишига сабаб нима? Маълумки, антик даврдан қолган аънаанага кўра барча бадиий асарлар “юксак поэзия” шаклида бўлиб, уларга маъбудлар, қоҳинлар, салтанат эгалари, кам деганда, аслзодалар қаҳрамон қилиб олинарди. Учунчи қатлам, яъни, меҳнат кишилари учун бу асарларнинг тили тушунарсизлигидан ташқари, қаҳрамонлари ҳам мутлақо бегона эди. Ҳолбуки, бу даврга келиб учинчи қатлам ҳам сон жиҳатидан, ҳам иқтисодий мавқеига кўра катта кучга эга эди. Агар инсоният тарихининг шу даврига қадар бадиий асарлар неъматларга эгалик қилувчи ва тақсимловчиларнинг дидларига мувофиқ яратилган бўлса, XII асрдан эътиборан ишлаб чиқарувчиларнинг дидларига мос асарлар ҳам яратиладиган бўлди. Меҳнат билан кун кўрадиган оддий одамларнинг эстетик эҳтиёжи натижаси ўлароқ пайдо бўлган романларда акс эттирилган воқеалар, уларда тасвирланган образлар ва бу асарларнинг ифода йўсини ҳам ўқирманларнинг интеллектуал даражасига мувофиқ бўлиши табиий эди. Шунинг учун ҳам Гегель романни нимкиноя билан “буржуазиянинг эпопеяси” деб атайди.

Роман учунчи қатламга мансуб кишилар дидига мувофиқ дунёга келган ва олдин шаклланган “юксак поэзия” намуналаридан кескин фарқ қиладиган жанр бўлгани учун жуда узоқ вақт давомида адабиёт назариётчиларининг эътиборидан четда қолиб

келди. Деярли етти юз йил мобайнида романга хос белгилар илмий жиҳатдан тадқиқ қилинмади. Бу борадаги илк назарий қарашлар романчиларнинг ўзлари томонидан билдирилди. Фақат XIX асрга келиб, Гегель роман назариясига қўл урди. Айнан назарий қолипнинг йўқлиги романнинг хилма-хил синкретик ва қирғоқсиз жанр бўлишига олиб келди. Назарий чекловларнинг камлиги сабабли роман етакчи адабий жанрга айланди. Роман тарихига қилинган қисқа экскурсия унинг жанр сифатидаги белгиларини тўғри аниқлаш имконини беради. Ибтидода инсоннинг индивидуал хусусиятлари, руҳият жилвалари тасвирига эътибор қаратилгани боис, Белинский романини “индивиднинг эпоси” деб атаган. Кўринадики, роман алоҳида шахсларнинг ички дунёсини бадиий идрок этиш ва изоҳлаш йўсини сифатида юзага келган.

Роман ўзининг тарихи мобайнида қаҳрамонларни тасвирлаш йўсини ҳамда инсон шахсига ёндашув маромига кўра асосан **очиқ ёки экстенсив** ва **ёпиқ ёхуд интенсив** сингари икки турга бўлинди. Сервантеснинг машҳур “Дон Кихот”идан бошланган очиқ романларда тасвирланаётган образларнинг тақдири, хатти-ҳаракатлари, фаолияти ижтимоий турмуш билан алоқадорликда, ҳаётий детерминизмга мувофиқ сабаб-оқибат боғлиқлигида тасвир этилади. Очиқ романларда одамга асосан ижтимоий мавжудот деб қаралиб, унинг тақдирида жамият тартиблари, ижтимоий асослар ҳал қилувчи мавқеда бўлиши кўрсатилган.

Француз адиби М. М. де Лафайетнинг “Малика Клевская” асаридан бошлаб, алоҳида бир одамнинг ўй-кечинмалари чуқур кўрсатиладиган, тасвир фокуси қаҳрамон шахсиятининг ички жиҳатларини акс эттиришга қаратилган ёпиқ романлар яратила бошланди. Ёпиқ, яъни, персонажларнинг табиати ва хатти-ҳаракатларини тўлиғича ижтимоий тартибларнинг маҳсули сифатида тасвирламаган романларда асосий эътибор инсон руҳияти товланишларини кўрсатишга қаратилган. Вақти келиб, инсон руҳиятининг ўзи олами кабир эканлиги англаб етилиб, уни бадиий акс эттириш усуллари эгалланган, бирваракайига очиклик ва ёпиқлик хусусиятларига эга бўлган романлар яратила бошланди. Одам ички дунёси, руҳияти ва ўйларининг ҳам ижтимоий, ҳам психо-физиологик асосларини бадиий тасвирлаш муҳим бўлганидан бу икки хусусиятнинг аралаш қўлланиши кенг ёйилди.

Роман жанрига хос белгиларни тайин этиш борасида ўзбек адабиётшунослигида ҳам анча ишлар қилинган. Агар дастлабки тадқиқотларда ҳажмнинг катталиги ва мавзу жанрининг асосий белгилари сифатида қаралган бўлса, кейинчалик романнинг моҳияти ўзга унсурлардан ҳам қидирила бошланди. Чунончи, адабиётшунос профессор Дилмурод Қуроноф: **“...асарда қўйилган муаммолар кўлами жанр хусусиятларини белгиловчи унсур сифатида олиниши мумкин. Бу жиҳатдан ...роман дунё-ю даврни билиш мақсадига қаратилган бўлса, қисса марказида қаҳрамон характери, ҳикояда эса конкрет ҳаётий воқеа туради. ...Кўрамизки, роман, қисса, ҳикоя жанрларида мансуб асар қаҳрамонлари асарда тутган мавқеи, аҳамияти, вазифаси жиҳатидан фарқланади. Роман муаллифи учун қаҳрамон восита – дунёни англаш (буниси мақсад) воситаси, қиссанавис учун қаҳрамоннинг ўзи мақсад (воқеа-ҳодисалар восита), ҳикоянавис учун воқеанинг ўзи мақсад бўлиб қолади”**. Олимнинг роман дунё-ю даврни билиш мақсадида яратилади ва унинг қаҳрамони ана шу жараённинг воситаси деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки юқорида келтирилган далиллар роман дунёни эмас, балки айнан индивидни англаш мақсадида юзага келганини кўрсатади.

Бугунги кунда ўзбек романчилиги ўз тараққиётининг полифоник босқичига етиб келди. Эндиликда, мавзунинг долзарблиги, воқеаларнинг қизиқарли ёхуд тилнинг ширали экани романни ўқишли қилгани ҳолда, унинг умрзоқлигини таъминлай олмаслиги мумкинлиги англаб етилди. Замонавий ўзбек романи муаллифидан ҳар бир қаҳрамонини тушуниш ва акс эттиришнинг бировникига мутлақо ўхшамайдиган концепциясига эга бўлиш талаб қилинади.

Ўтган 2010 йил романчилик хирмони баракали бўлди. Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогиясининг учинчи китоби, Омон Мухторнинг “Хотин подшоҳ” ва “Муҳаббат ўлимдан кучли”, Аҳмад Аъзамнинг “Ўзи уйланмаган совчи”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, Жумакул Қурбоновнинг “Сардоба”, Зулфия Қуролбой қизининг “Машаққатлар гирдоби”, Нурилла Аббосхоннинг “Шўрқишлоқ”, Абдуқайом Йўлдошнинг “Банкир” романлари тобора шахслашиб бораётган миллат вакилларининг ички оламидаги турли зиддиятларни кўрсатишга бағишлангани билан ажралиб туради.

Таниқли ёзувчи Аҳмад Аъзамнинг бир даврда яшаб, деярли бир хил ижтимоий шароитда фаолият кўрсата туриб, табиатлари ва тутумларидаги турфаликлар сабаб

инсонийлик синовларидан турлича йўсинда ўтган ёшлар ҳаёти акс эттирилган “**Ўзи уйланмаган совчи**” романида худди бир одам каби бутун миллату жамият ҳам бир маънавий-ахлоқий ҳолатдан бошқасига оғриқсиз ўтолмаслиги акс эттирилган. Шундай даврда ижод қилиш чекига тушган ёзувчилар ўз атрофидаги одамлар ва уларни юзага келтирган ҳамда улар томонидан юзага келтирилган шароитга киноявий назар ташлайди ва нуқсонларни ошириброқ тасвирлашга мойил бўлади. Ижодкор очун миқёсида фикрлай бошлаганда, одамнинг тутумлари ва оламнинг ҳодисаларига киноявий ёндашув устуворлик қилади. Ўзини ўраб турган ижтимоий-миллий қобикни ёриб чиққан ижодкорда ҳажвий-киноявий тасвир асосий ифода воситасига айланади. Негаки, бундай вақтда эстетик тафаккур воз кечилаётган қадриятлардан зада бўлгани ҳолда ўзлаштирилиши керак бўлган қадриятларни аниқ тасаввур қилолмайди. Шунисиям борки, эркин одам ҳазил ва кулгига мойил бўлади.

Ўзбек таянадиган маънавий оинларнинг қадимийлиги билан глобаллашув туфайли халқнинг бугунги турмуш йўсинига кириб келаётган янги тутумлар ўртасидаги номувофиқлик ва ўзгачаликлардан туғилаётган кулгили ҳолатларни акс эттириш “Ўзи уйланмаган совчи” романининг бош хусусиятидир. Ёзувчи кулги ҳосил қилишда зўракилик ва сунъийликка йўл қўймагани ҳолда тасвирга олинган ҳамма нарсада кулги кўра билган ва улардан кулги чиқара олган. Романда истеъмолчилик майли ахлоқ даражасига кўтарилиб, нимагадир эга бўлиш одамликнинг эталонига айланган, моддий истеъмолдан бўлак нарсалар иккинчи даражали деб қаралаётган шароитда ҳам илдизлари теран маънавий қадриятлар эскирмаслиги таъсирли акс эттирилган.

Аҳмад Аъзам ҳар бир персонажни ўз феълига яраша тил билан таъминлай олган. Шу боис, хилма-хил, бир-бирига ўхшамайдиган, айна вақтда, бир-бирига жуда ўхшаш одамларнинг ички дунёси кўрсатилган бу роман, шубҳасиз, адабиётимизда ўзига хос эстетик ҳодиса бўлиб қолади.

Омон Мухторнинг “**Муҳаббат ўлимдан кучли**” романида эзгулик билан ёвузлик кучлари ўртасидаги адоқсиз ва муросасиз кураш муайян шахслар тақдири мисолида мистика аралаш реал акс эттирилган. Адиб ёвузликнинг ҳеч қандай сабабсиз эзгуликка қаттол душман бўлишини Иброҳим билан Ғайрат Нусрат, ундан сўнг Нусрат Ғайрат, Ҳасан билан ўғли Ворис ва укаси Ҳусан ўртасидаги муносабатлар тасвири асносида акс эттирган.

Омон Мухтор услубига хос бир жиҳат, яъни, тасвир йўсинини тўлиғича синиқ мозаика асосига қуриш ушбу асарда ҳам устуворлик қилади. Романдаги сўзлар қаторининг аксарияти синиқ, бу синиқ қаторлар орқали тасвирланган тимсолларнинг тақдирлари ҳам синиқ, персонажлараро муносабатлар ҳам синиқ, фақат синиқликнинг ўзигина бутундир. Омон Мухтор романлари услубидаги яна бир жиҳат улардаги воқеалар ривож, тимсоллараро муносабатлар тасвирида драмага ўхшашлик борлигидир. Асарни мистикага ошно қилган жиҳат тасвирда хронотоп, яъни, макон ва замон муносабиблиги талабига амал қилинмаганида ҳам кўринади. Унинг асарларида одам йўқликдан пайдо бўлиши, қаҳрамон неча асрлар олдин бўлиб ўтган воқеалар ичига тушиб қолиши, бугунда ўтмиш ва ўтмишда ҳозир намоён бўлиши мумкин.

Романда ўқирманнинг чинакамига бадий завқ олишига имкон бермайдиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, асарда: “**Спартакнинг ватандошлари Икор ва Дипол парвозидан тортиб**”, деган жумла бор. Омон Мухтордай тарихий далилларни пухта биладиган адиб томонидан юнон мифларининг қаҳрамонлари хусусида бу қадар паришон маълумот берилиши мутлақо қутилмаган ҳолдир. Бу ўринда, юнон мифларидаги қаҳрамонлар: қанот ясаб, кўкка учган ота-бола: Дедал ва Икар кўзда тутилган.

Исажон Султоннинг “**Боқий дарбадар**” асари ўзбек романчилигида алоҳида воқеа бўлди. У инсон интеллекти, одамийлиги ва ёвузлиги имкониятлари ҳақидаги фалсафий-рамзий романдир. Романда одамзод пайдо бўлгандан буён унинг маънавиятини кемириб, тириклигида азобларга гирифтор қилиб, ўлгач, дўзах оловида куйишига сабаб бўлаётган манфаатпарастлик, қаноатсизлик ва нафс аталмиш иллатлар етовидидаги кимсаларнинг қисмати акс эттирилган. Бу асар ҳар бир одам ва бутун башариятга қилинган огоҳлантириш, одамзодни ёвузлик ва ўз кучига ортиқча баҳо беришдан қайтаришга бўлган бир бадий даъват десак, муболаға бўлмайди. Профессор Дилмурод Қуронов ва шоир Раҳимжон Раҳматнинг “Боқий дарбадар” асари ҳақидаги мақолаларида асарга муайян ижодий тажрибанинг маҳсули сифатида қараш сезилади. Бизнингча, ёзувчи романда тасвирланиши лозим бўлган шахслар, уларнинг тақдирлари ва ҳолатларини шунчалар яққол ҳис қилганки, асар ўз шакли билан дунёга келган.

Роман билан танишган ўқирманда, дастлаб асарнинг сюжет чизиғидаги етакчи йўналишлар, тимсолларнинг истак-уринишлари тасвири Чингиз Айтматовнинг Авдий ва Филофей каби қаҳрамонлари тутумларига ўхшаб кетади деган ўй келади. Лекин романдан келиб чиқадиган маъноларни чуқур идрок этиш натижасида киши Исажон Султон масаланинг моҳиятини исломий назар билан тўғри англаганини ҳис этади. Буюк иродага бўйсунган инсоннинг инсоф, имон ва эзгулиги бош қаҳрамон бўлган ушбу асарда руҳий тадқиқлардан кўра воқеалар тасвири етакчилик қилгандай туюлсада, воқеалар маконда эмас, ўқирманнинг қалби ва шуурида кечгани учун асар индивиднинг эпоси бўлмиш роман талабига тўла жавоб беради.

Назаримизда, асарда профессор Зиёнинг ўғли образи табиати бир қадар кенгрок тасвирланиши, асосланилиши ва такомилга етказилиши лозим эди. Ҳар битта одамнинг мавжудлиги унинг макони, миллати ва имонидан ташқарида бўлмаслигини англаган, ана шу қадриятларга меҳр қўйилгандагина глобал фалокатлардан эмин бўлинишини тушунган, табиий катаклизмлар инсоннинг маънавий айнишлари натижаси эканини кўра олган йигитнинг бу ҳақиқатларни ҳис этиши ёки унинг шу фикрга келишига туртки бўлган сабаб акс эттирилганда, роман савияси юксалган бўларди.

Ўтган йили босилган романлар орасида бир қанчаси миллат тарихининг турли даврларини акс эттиришга бағишланган. Шуниси диққатга лойиқки, тарихни тасвирлашга тутинган ҳозирги ёзувчилар ўтмишдаги воқеаларга боғланиб, уларнинг қандай кечганини кўрсатишдан кўра тарихни яратган одам ва унинг кўнглидан кечган руҳий тўлғамларни акс эттиришга кўпроқ эътибор қаратадилар. Эндиликда, ёзувчилар тарихий ҳодиса ва тарихий шахс тасвирига бир қадар эркин ёндашиб, тарихнинг юзага келиши ва тараққиётида конкрет инсон тутган ўринни кўрсатишга эътибор бераётирлар. Таниқли ёзувчи Муҳаммад Алининг **“Улуғ салтанат”** тетралогиясининг учинчи китоби **“Мироншоҳ мирзо”** асари бу жиҳатдан аҳамиятлидир. Аввало, тетралогиянинг учинчи китоби бадий жиҳатдан олдингиларига нисбатан пухталигини қайд этиш лозим. Бу китобга келиб, ёзувчи, ниҳоят, Амир Темур сиймосида фақат эҳтиром кўрсатиладиган соҳибқиронни эмас, адабий персонажни ҳам кўришга кўника бошлагани сезилади. Асарда Мироншоҳ, Хонзода, Соғинч бика, Султон Бахт, Шоҳ Мансур каби ўзига хос концепцияга эга тимсоллар эса қоладиган қилиб ишланган.

Романда чинакам бадий топилдиқ бўлган анчагина тасвирлар, тимсоллар мавжудлиги асарнинг қизиқарли ва ўқишли чиқишини таъминлаган. Гарчи, бу китобда ҳам тарихий сўзлар керагидан кўпайиб кетган бўлсада, унинг тили ўзига хос ва жозибали. Асарда Соғинч биканинг: **“Шаҳзода ҳам... мени севармикин? Мен-ку куйиб-ёниб юрибмен, у-чи? Севармикин?.. Ўйлармикин?.. Куйиб-ёнармикин?..”** тарзидаги гумонли ўйлари ишонарли берилган. Қизнинг романтик феъли, болаларча ўйлаши, тўғри-нотўғри қарорларни шартта қабул қилиши унинг табиатидан келиб чиқиб тасвирланган. Романдаги: **“Зулукдай қошлари чимирилди, икки чаккасидаги қора зулфи аламдан гажакдай қайрилиб ўзини сочлар орасига урди, чап юзидаги кичкина чиройли холи эса, нима бўляпти ўзи, дегандай атрофга ҳайрон боқарди”**, тарзидаги тасвирлар мумтоз романлар аънанаси даражасида экани билан эътиборни тортади.

Амир Темурнинг: **“Мен мамлакатларни бирлаштира олурмен, бунга кучим етадур, аммо зўрлик билан икки кўнгилни бир-бирига боғлашдан ожиздурмен”**, шаклидаги иқрори ёки муаллифнинг у ҳақдаги: **“Самарқандалик вақтларида ҳеч ким унинг ...қайси боғдалигини билмас, у ҳеч қаерда эмас, ҳамма жойда эди”**, каби тасвири бадий топилма даражасида. Темурбекнинг: **“Дунёда уруш отини ўчириш учун бел боғлагонмен, Мамат! Ажабо, бел боғлагон сарим уруш чиқадур, бу қандай сир-синоат?.. Наҳотки, қилич аралашмай қадам ташлаш мушкул бу оламда!”** йўсинда озорланиши тасвири эзгуликка таппинган шундай қудратли одамнинг ёвузлик қаршисидаги ожизлигини табиий кўрсатади. Умаршайхнинг ўлганини эшитган Темур ҳолатининг: **“Соҳибқирон оҳиста ортига ўгирилди, кўзларига тўлиб ана тўқиламан, мана тўқиламан, деб турган ёшлар энди унга бўйсунмай қўйишди. У ҳеч кимга боқмай, шоҳчодирга кирди... Лаҳза ўтмай, бир марта ўқирган овоз эшитилди”**, йўсинидаги тасвири ҳам ҳаққоний, ҳам таъсирчан чиққан. Романда ҳал қилувчи жангни бой бериб, ўлим ва тирикликнинг нозик чегарасига келиб қолган одамнинг руҳий ҳолати: **“Шоҳ Мансур беихтиёр қаради-ю... шуурида ортага чекинмоқ лозимлигини англади! Чекинмоқ керак, чекинмоқ керак... Бутун ниятлардан, ўчу**

қасослардан, салтанат тахтидан, сулола шарафидан чекинмоқ керак, чекинмоқ керак, йўсинида жонли чизилган.

Асарда соҳибқиронга Соғинч биканинг сирли равишда йўқолиб қолгани ҳақидаги хабарни айтиш жараёнининг сўнгги сонияларида буни билдириш мумкин эмаслигини сезиб қолган Сароймулкхоним усталик билан гапни бошқа ёққа буриб юбориши маҳорат билан тасвирланган. Бибиҳонимнинг малика аёллар қисмати ҳақидаги: **“Қисматимиз шундоқдир. Бошқа на иложимиз бор? Аммо ҳамма сир ўша “меҳр қўйишимиз осон”лигининг жуда қийинлигидадур, маликам!**” тарзидаги таъкидида кучли бадиий ва ҳаётий ҳақиқат акс этади. Романдаги хоразмлик уста Матпано тимсоли ҳам ишонарли ва ўзига хос тасвирланган. Бу тимсол тасвири ўзига юкланган бадиий вазифадан ташқари, Темурнинг шахсиятини очишга хизмат қилганлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир. Романда Сахрои Кабирда бир томчи сувга зор бўлган баҳодирлар ҳолати тасвири ҳам жуда таъсирли чиққан.

Қайд этилган ютуқлар билан бирга, “Улуғ салтанат” романи тасвирининг айрим ўринларида салқилик борлигини, ҳамиша ҳам ўқирманда шавқ уйғотадиган таъсирчан ифода йўсини таъминланмаганлигини айтиш жоиз.

Омон Мухторнинг **“Хотин подшоҳ”** романида туркий халқлар ҳаётидаги бурилиш даври бўлмиш исломнинг кириб келиш вақтида Бухоро салтанатини бошқарган Ойнур тимсоли меҳр билан тасвирланган. Гарчи, романда холис баён усули танланиб, ёзувчи тасвирда бевосита иштирок этмаган бўлсада, муаллиф ўқирманни гўё бир йўлбошловчи каби қадимий Бухоро буйлаб етаклаб югандай ва шаҳарнинг ўтмиши билан таништиргандай бўлади. Асарда араб халифаси Муовия, унинг Убайдуллоҳ ибн Зиёд, Саййид ибн Усмон, Қутайба ибн Муслим каби лашкарбошилари ҳамда сотқин Хитфар Бухорхудот тимсоллари жонли тасвирланган.

Адиб эътиқоду имон учун борган жанглар тасвирланган бу романида севгининг сеҳрли қудратини бир-бирига қарама-қарши турган туркийлар билан арабларнинг етакчилари: Ойнур ва Саййид ибн Усмон сиймоларида акс эттиради. Бир-бирига ёғий бўлган икки ёш ўртасида беихтиёр пайдо бўлган натижасиз ва азобли севги тасвири асарга айрича жозиба бахш этган. Ёзувчи асардаги аксар персонажларни ўз ички оламига эга бетакрор шахслар сифатида тасвирлай олган. Бунда адиб кичик бир тафсил орқали муайян тимсолга хос жиҳатни ифодалаш йўлидан боради. Жумладан, Ойнурга тегишли: **“Хотин подшоҳ қароргоҳга кириб келганида бир дам гангиди. Сирасини айтганда, у – журъат, ўктамлик билан юртни қўлида итоатли тутсада, ёш жувон (кечаги қизалоқ) эди”** ёки Саййид ибн Усмон ҳақидаги: **“У аёлми, эркамми ўзидан ақллироқ киши олдида доим бир нима дейишга қурби етмай, саросималанарди”**, сингари қисқа тасвирлар ёрдамида ҳар бир тимсолнинг ички дунёсини кўрсатишга эришди. Кўнгили майли, висол иштиёқи боис, бири олис саҳродан Бухоро томон, иккинчиси Бухородан сахро сари от суриб, бир-бирига етай деб қолганда, кўнгили майли боис ортга қайтган Саййид ва Ойнур ҳолатлари тасвири таъсирли чиққан. Шунингдек, ёзувчи бадиий адабиётда илк бор Бухородаги туркийлар билан форсийлар муносабатидаги нозик жиҳатларнинг илдизи борасида ишонарли тўхтамларга келади.

Айни вақтда, “Хотин подшоҳ” асарида услубан бадиий яратикдан кўра маърифий йўналишдаги тадқиқотга ўхшаб қолган ўринлар борлигини таъкидлаш керак. Асарда керагича ривожлантирилмаган бадиий топилмалар, яқунланмаган тақдирлар борлиги ҳам ўқирманда эътироз уйғотади.

Жумақул Қурбоновнинг **“Сардоба”** асари инқилобий тўнтариш йилларида Қашқадарё чўлларида яшаган кишилар ҳаётини акс эттиришга бағишланган. Романининг кўп ўринлари катта ҳарорат билан ёзилган. Муаллиф тасвир қамровини кенг олади. Асарда тасвирланган бир неча тақдирларни туташтирувчи умумий нуқталар топишда ривоят ва афсоналардан ўринли фойдаланилган.

Зулфия Қуролбой қизининг ғоят қизиқарли сюжет ва ширали тилга эга **“Машаққатлар гирдоби”** романида асосан шиддатли воқеалар тасвирига интилингани учун ҳам тимсолларнинг руҳияти, уларнинг индивидуал қиёфасини акс эттириш борасида кутилган самарага эришилмаган. Асарда қаҳрамонларнинг кўнгили ҳолатлари, руҳий кечинмаларидан кўра, улар кечирган саргузашталарни тасвирлашга кўпроқ эътибор қаратилган. Гарчи, асардаги деярли барча тасвирларда мантиқий изчиллик, сабаб-оқибат боғлиқликлари бўлишига эришилган эсада, алоҳида шахснинг индивидуал дунёсига киришга етарлича эътибор қилинмагани учун воқеаларнинг хайрли оқибати борасидаги ахборотни таъкид-

лаш устуворлик қилган. Айни шу ҳолат равон тилда, жуда саводли ёзилган асарнинг етарлича салмоқли эстетик юкка эга бўлмаслигига олиб келган.

Нурилла Аббосхоннинг **“Шўрқишлоқ”** романи фожиавий руҳ ва юмористик оҳанг уйғунлашгани билан эътиборни тортади. Қаҳрамонлар табиати ва тақдири барча анъанавий романлардаги каби тўлиғича ижтимоий муҳитнинг оқибати сифатида қаралган бу асарда бир қишлоқ аҳлининг кейинги юз йиллик турмушини тасвирлаш орқали миллат маънавияти ва ахлоқида юз берган эврилишларнинг сабаб ва омилларини кўрсатишга уринилган. Асарда образлар табиатини яхши очилган ўринлар бор. Чунончи, Сотимбой тракторчи, хотини Орифа, ўғли Малик муносабатлари ишонарли тасвирланган. Ёзувчи персонажнинг асл моҳиятини очишда баъзан юмордан ўринли фойдаланган. Гарчи, бир оз ошириб юборилган бўлсада, Салим каптарбознинг афғонлар қўлига тушиб қолгандаги ҳолати ҳам ўзига хос тасвирланган. Эрининг бошқа аёлга уйланишини билгач ҳам унинг юзига чопмаган мушфиқ Ойхон, ҳақиқий ҳаётда эмас, балки ўзининг телба-тескари ўйлари оғушида яшайдиган ношуд Октябрь тимсоллари ҳам эса қоларли чизилган.

Ўз ҳолича қизиқарли ва айрим образлар анча табиий акс эттирилган ушбу романнинг асосий камчилиги барча тимсолларнинг муаллиф етовида юришида намоён бўлади. Улар ўз табиатларидан келиб чиқиб яшамайди, балки кўпроқ муаллиф берган ролларни “ўйнайди”. Асарда воқеа, ҳаракат, чопачоп кўп, ўй, руҳият тасвири эса жуда кам. Энг ачинарлиси, асар тилида шира, жозоба, индивидуаллик йўқ. Муаллиф қаҳрамонларидаги ҳар бир жиҳатнинг ижтимоий асосини кўрсатишга уринади. Бош қаҳрамонлар яшаган оиладаги бемехрлик илдизларини: **“Ёқуб, Шоқир ва Насиба ҳовлини бошига кўтариб, шовқин солиб уришиб-талашардилар. Булар тинч туришганда Раҳмон ака билан Карима опа жанжал кўтаришарди. Назира билан Султон эса энди тетапоя қила бошлаган бўлиб, улар ҳали жанжал қилишни билишмасди”**, тарзидаги тасвир орқали бермоқчи бўлади. Ният маъқул, лекин ифода йўсинида бадиий асарга хос жозоба йўқлиги сабаб тасвир оддий ахборотга ўхшаб қолган.

Муаллиф бир вақтлар маърифати билан машҳур бўлган оила аъзоларининг жаҳолатга ботиши сабабини газета мақолаларидаги каби жуда жўн ва яланғоч изоҳлайди: **“Бир замонлар бу хонадонда илму маърифатли Зуннур эшон, унинг ўғли Эшондада эшон, олтин суви юритилган нақшинкор китобларни ўқишган. Отаси ва аммаваччаси мулла Ҳакимнинг аянчли оқибатини кўрган Раҳмонали, бу ёруғ дунёда тинчроқ яшагиси келиб, аждодлар маърифатидан воз кечди. Бу хонадонда сўқир Обидадан ташқари ҳеч ким китоб ўқимайди”**. Келтирилган мисоллар тасвирнинг қашшоқлиги ва ифода йўсинининг ширасизлиги ҳақида аниқ тасаввур уйғотади. Асарда сон-саноксиз имло ва тиниш белги хатолиғига йўл қўйилган. Ҳам муаллиф ва ҳам тимсоллар тилида қаратқич билан тушум келишиклари фарқланмайди. Худобеҳабар, даҳрий Сафар Нуғмонов ҳақида асарда: **“...ғоят истеъдодли бўлиб, ўн саккиз ёшигача диний мадрасада (таъкидлар бизники – Қ. Й.) таҳсил олган, кейин Россияда рус тилини ўзлаштирган оташин коммунист эди. Нуғмонов эшикларни ялтироқ этиги билан тепиб очиб, ҳужрадаги китоб солинган сандиқни ағдаришга буюрди”**, тарзида бири-иккинчисини инкор этадиган ахборот берилади. Тимсолнинг истеъдоди ҳеч нарсада намоён бўлмаганидай, мадраса кўрган одамнинг тутуми ҳам кишини ишонтирмайди.

Қуйидаги тасвир эса ғариблиги билан ўқирманда эътироз уйғотади: **“Ғафлат босиб, Шоқирнинг дайди мушти чолнинг мўйсафид чехрасига урилди. Чол кўзи қорайиб, супа ёнига йиқилиб қолди...”**

“Кечиринг хўжайин, – деди айбдор Шоқир бошини эгиб. – Кечиринг...”. Муаллиф тилидан берилаётган бу тасвирда мушга нисбатан “дайди”, чехрага татбиқан “мўйсафид” аниқловчилари қўлланиши, йиқилаётган чолнинг кўз олди эмас, “кўзи қорайиши”, Шоқирнинг ўз отасини “хўжайин” деб айтиши каби ўринларда мантиқсизлик яққол кўринади. Муаллиф нима учундир отаси, боласи, хотини, жияни каби қариндошликни англлатувчи атамалар олдидан деярли ҳаммиша “ўз” сўзини келтиради.

Умумлаштириб айтганда, замонавий ўзбек романчилигида романий тасвирнинг янгича қатламлари ўзлаштирилиб, миллий романчилик янги тимсоллар билан бойиб бораётгани кузатилади.

Абдулла УЛУҒОВ,
филология фанлари номзоди

ҚИССАЛАРДА ҚАЛБ АКСИ

(2010 йил қиссаларини ўқиб)



Ҳар қандай ҳодиса икки жиҳати – сон-миқдори ва сифати салмоғи билан эътиборни тартади. Қиссачиликка ҳам шу нуқтаи назардан қаралса, 2010 йил жанр учун сон-миқдор жиҳатидан ҳар қачонгидан баракали бўлгани, сифат-салмоғига кўра ҳам унда муайян ютуқларга эришилгани кўзга ташланади. “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида 16 та қисса эълон қилингани, бу аввалги йилларга қиёсланганда катта кўрсаткич экани, давлат ва хусусий нашриётларда, “сарик матбуот” дейиладиган бозори чаққон оммабоп газеталарда “қисса” деган битиклар узлуксиз босилгани қиссачиликнинг ўз ўзанида тўлиб-тошиб оққанидан далолат беради.

Адабиётда, ҳар қандай жанрнинг мавқеи, мақоми унда инсон образининг гавдалантирилиши билан белгиланади. Ўтган даврда қиссаларда инсон ҳақида, унинг мураккаб маънавий-руҳий олами, қалбидаги турфа хил ўзгаришлар тўғрисида янгича қарашлар ўз ифодасини топди ва улар бадиий салмоқдор асар сифатида эътибор қозонди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Куза...”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, Носиржон Жўраевнинг “Ноябрь куйи”, Абдунаби Абдиевнинг “Муаллақ одам”ида воқеликка ва инсон дунёсига ўзига хос ёндашилгани, унинг қалбини тафтиш, таҳлил этиш диққат марказига қўйилгани қиссачиликда янгилликка интилиш жараёни давом этаётганидан далолат беради. Қамчибек Кенжанинг “Тошқин”, Собир Ўнарнинг “Бибисора”, Абдуқаюм Йўлдошнинг “Тўй”, Баҳодир Абдураззоқнинг “У”, Фафур Шермуҳаммаднинг “Баракасини берсин...” асарлари эса, бу жанрда ҳаёт ҳодисаларини аъъанавий услубда кўрсатиш янада теранлашаётганини кўрсатади. Мавзуси, қаҳрамон образини гавдалантириш услуби бир-биридан тубдан фарқ қиладиган ушбу қиссаларнинг барчасида бир жиҳат – ҳаёт ҳодисаларига эссега хос ёндашув сезилади. Айни жиҳат уларни ўзаро бирлаштириб туради. Эндиликда, эссега хос хусусиятлар адабиётнинг бошқа жанрларига ҳам кенг кириб бораётгани аниқ сезилади. Роман ҳам, адабиётшунослик ҳам борган сари эсселашмоқда. “Куза...”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, “Ноябрь куйи”, “Муаллақ одам” сингари қиссаларнинг аввалги қиссалардан фарқи шундаки, уларда персонажлар “ансамбил”и йўқ. Ўтган замон қиссаларида бош қаҳрамон баъзан бошқа персонажлар орасида кўринмай қолади. Инсон оламини ўзига хос бадиий акс эттириш жиҳатидан “ярқ” этиб ажралиб турадиган ҳозирги қиссаларда фикр уйғотадиган, ҳаёт ҳақида ўйлашга, инсон қалбини тушунишга ундайдиган мушоҳадалар ўртага ташланади. Масалан, “Куза...” да : “Қизиқ-да, ҳамма ҳаммани кузатади, демак, ҳамма томонидан кузатилади! Шу тўғрими?... Ҳозир одамзод шу тамойил измида яшайверади, шу мақсадда, яъни, бировларни кузатишга қаратилган минг бир хил хийла-найрангларни ўйлаб топади, ақл бовар қилмас асбоб-ускуналарни ихтиро қилаверади”, дейилади. (“Шарқ юлдузи” журнали, 2010 йил, 1-сон, 28-бет). Бугунги қиссаларда ҳаёт ҳақида, одамлар тўғрисида ана шундай янгича кузатишлар кўринади. Бундай теран мулоҳазалар асарларнинг қадрини оширади. Чунки санъат асарларининг аҳамияти, аввало, уларнинг кишиларда ҳис-туйғу уйғотиши, фикрлашга ундаши билан белгиланади. “Куза...” ни

ўқиган ҳар бир одам феъл-атворимизга сингиб кетган, тушовдай бизни ушлаб турган, халқимизнинг ҳаёт тарзига хос муаммолар тўғрисида ўйланиб қолади. Чунки асарнинг “Ҳамма ҳаммани кузатув остида тутиши бир ҳисобда яхши ва табиий бўлса, иккинчи ҳисобда ўзини муттасил ўзгаларнинг назари остида ҳис қилиш одамнинг эркини, ихтиёрини бўғади... Ўша амма-тоғачиликлар, амаки-холачиликлар инсонни асосий ишидан, юмушидан чалғитади, майдалаштириб юборади, биз эса буларнинг барига одамгарчилик, қариндош-уруғчилик деб чиройли ном қўйиб олганмиз” каби ўринлари ҳар биримизни безовта қиладиган, ташвишга қўядиган, муаммоларга айнан мос келади. Абдуқоюм Йўлдош “Тўй” қиссасида ҳар биримизнинг таржимаи ҳолимизда бўртиб турадиган шу муаммонинг муҳим бир қиррасига эътибор қаратади. У мазкур асарда тўйда иштирок этаётганларнинг қиёфаси, хатти-ҳаракати, гап-сўзларини содда ва аниқ ифодалайди. Асарда персонажлардан бири тилидан Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Бизни инқирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататўрғон тўй, азо исмидаги икки қаттол душман” сўзларини келтиради ва орадан юз йил ўтган бўлса-да, миллатпарвар улўғ алломанинг бу фикри бугунги кунимизга ҳам тегишли эканини тўйнинг ғаройиб маш-машалари фонида кўрсатади. Қиссада кишилар онгига ўрнашиб қолган дабдабазоб-лик, шухратпарастлик оқибатида келиб чиқаётган исрофгарчиликлар адабиётимиздаги анъанавий асарларга хос услубда ифодаланади. Муаллиф қаҳрамонларнинг нутқи, хатти-ҳаракати, бир-бирига муносабатини баён этиш орқали уларнинг маънавияти ғариблиги, дунёқарашини ниҳоятда тор, ачинарли эканига эътибор қаратади. “Тўй”да кишиларимиз маънавий мажруҳлиги туфайли дабдабазоблик, исрофгарчилик шариятга ҳам, дунёвий қонунларга ҳам тўғри келмаслигини тушунмай келишаётгани, одамгарчилик тушунчаси мутлақо нотўғри талқин этилаётгани очиб берилади. Абдуқоюм Йўлдош қаҳрамонларининг гап-сўзини пардозлаб, юмшатиб ўтирмасдан, ўз оҳангида келтириб, уларнинг ҳаётий қиёфасини гавдалантиришга эришади.

Инсон табиатдаги, жумладан, миллатдошларимиз феъл-атворидаги жуда кўп иллатлар илдизи кишиларимизда ўз-ўзини кузатиш ва таҳлил қилиш етишмаслигига бориб тақалади. Бу кўпчилигимизнинг маънавий қарахтлимиз, ҳаётга жўн, юзаки қарашимизни билдиради. “Ноябрь куйи” қиссаси қаҳрамони ўзининг ва бошқаларнинг ҳафсаласиз умргузаронлик қилаётгани, кўпчиликнинг кўнглида эзгуликка интилиш, бир-бирига яхшилик соғиниш ҳисси сўниб бораётганидан изтироб чекади. Носиржон Жўраевнинг ушбу қиссаси бу жиҳатдан Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Мен – сенсиз, сен – менсиз”ига яқин туради. Абдуқоюм Йўлдошнинг “Тўй”, Собир Ўнарнинг “Бибисора”, Қамчибек Кенжанин “Тошқин”, Баҳодир Абдураззоқнинг “У”, Ғафур Шермуҳаммаднинг “Баракасини берсин” қиссалари муайян сюжетга асосланса, “Ноябрь куйи”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз” қиссаларида бошланиш ва якунга эга воқеалар тизими сезилмайди. Носиржон Жўраев ва Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ушбу қиссалари муаллиф ўй-кечинмалари, дил изҳори бўлиб туюлади. Уқувчи ҳар иккала қиссада асосий қаҳрамон муаллиф, деган хаёлга боради. Мазкур қиссаларда матннинг бир шахс тилида берилгани ҳам шундай таассурот туғдиради.

“Мен – сенсиз, сен – менсиз”, “Ноябрь куйи” қиссалари қаҳрамонлари ўзини ёлғиз, кимсасиз ҳис қилади, ботинидаги бесаранжомликдан қийналади, ички тушқунлиги сабабларини топмоқчи бўлади. Ўзини ички тафтиш қилиб норозиланади. Ҳеч ким билан дилдан дардлашолмагани учун изтиробга тушади. “Нега биз кўчада, ишхонада ёки меҳмондорчиликда ўзимизни сипо, бамаъани тутамиз-у, уйимизда сал нарсага бақир-чақир қиладиган, жиззаки, ҳовлиқма бўлиб қоламиз? Етти ёт аёлларнинг ҳурматини жойига қўйиб, олқиш оламиз-у, онамизни силтаб-силтаб ташлаймиз. Ишхонада бирор сабаб билан тушлик бир-икки соатга чўзилса чидаймиз-у, чой вақтида қайнамагани учун уйдагиларни изиллатамиз. Бу одамликка хос тушунчалар, одатларми – нима бу?” деб куйилади. (“Ёшлик” журнали 2010 йил, 9-сон. 26-бет). Асарлардаги бу хил ўринлар ҳар биримизни шу пайтгача эътибор бермай келаётган ҳодисаларимиз тўғрисида ўйлантиради. Бадиий асарларнинг аҳамияти ҳам уларни кишиларни мушоҳадага ундаши, ўз-ўзи билан баҳс-мунозара қилдириши билан белгиланади. Киши бошқалар билан ошқора зиддиятга борганида кўпинча ўзини – ҳақли, ўзгаларни – айбдор, деб билади. У бу пайтда ҳодисаларнинг зоҳирини кўради. Ўз-ўзи билан мунозарага киришга-

нида эса ҳодисаларнинг минг бир парда ортидаги жиҳатларини илғайди. Шунинг учун ўзига узлуксиз савол беради. Саволларга жавоб топганида ўзига ишончи ортади. “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, “Куза...”, “Ноябрь куйи” қиссаларида қаҳрамонларнинг ички дунёсидаги долғалар ифодаланади. Қаҳрамонлар воқеликка теран назар ташлайдиган зеҳнли инсон сифатида ўз-ўзига савол бериб, руҳий оламидан ўзини излашга, ботинини англашга киришади. Бу саволлар, аслида, ҳаётга, одамларга қаратилади. “Ноябрь куйи”да: “...Эслаб кўринг, қачон ота-онангиз билан ёзилиб, чин дилдан гаплашгансиз? Қачон опангиз ёки акангиз қаршисида қимтинмай дардлашгансиз?” дейилади. Ўз-ўзига ва бошқаларга шу хилдаги оғриқли саволлар бераётган тафтишчи асосий қаҳрамон саналган бу қиссаларда муҳаббат масаласига ўзига хос ёндашилади. “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, “Ноябрь куйи” моҳият эътибори билан муҳаббат мавзусидаги асарлар саналади. Лекин мазкур қиссаларда бу кўҳна мавзу янгича тарзда талқин этилиб, янги услубда ёритилади. Бу фарқ ушбу қиссалар Одил Ёқубовнинг “Муқаддас”, “Қанот жуфт бўлади”, “Биллур қандиллар”, Пиримқул Қодировнинг “Эрк”, Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” асарлари билан қиёсланганда яққол сезилади. “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, “Ноябрь куйи”да аввалги асарларга хос анъанавий севги учбурчаги – ошиқлар тўқнашуви кузатилмайди. Мазкур қиссаларнинг дардманд қаҳрамонлари муҳаббатнинг мусаффо ғами гирдобиди қолиб, ўзининг эзгу-истаклари, қалбидаги мажҳуллик сабаблари тўғрисида ўйланади. Ўз-ўзига кўпроқ шу мақсадда савол беради.

Кишида савол бериш истаги ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ўз-ўзини сўроқ қилиш ҳолати жуда кўп омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Шу боисдан, бундай пайтда ҳар ким ҳам мушкул аҳволга тушади. Энг яхши асарларда кўпроқ ана шу руҳий ҳолат, қалбдаги сирли, сеҳрли жараёнга эътибор қаратилади. Албатта, яхши асарлар нимагадир изоҳ бериш ниятида ёзилмайди. Яхши асарлар ҳамиша ижодкор қалбидаги ҳис-туйғулар, уни безовта қилаётган кечинмалар ифодаси бўлиб дунёга келади...

Ўтган йилнинг яхши қиссалари сирасига Баҳодир Абдураззоқнинг “У” қиссасини ҳам киритиш мумкин. Тарихий мавзудаги ушбу асар қизиқарли сюжети, воқеаларни ўзига хос услубда бадиий тасвир этиши, қаҳрамонлар ҳолатини ишонарли ифодалаш билан диққатни тортади. Қисса қаҳрамони машҳур тарихий шахс эмас. Бош қаҳрамон Нургелди – Бешим оқсоқолнинг қули. Бешим оқсоқол қизи Жилва бегимни Бухоро амирига узатади. У “келинни сепи дея ўн аравани сандиғу сандиқчалар билан тўлдириб, жияни Менгли бошчилигида қирқ йигит ва яна шунча қулни карвонга кўшиб жўнати. Нургелди шу қуллар сафида Жилва бегимнинг хос ғуломи сифатида эди”, дейилади. (“Ёшлик” журнали 2010 йил, 6-сон. 19-бет). Қиссада Жилва бегим ва хос ғулом Нургелдининг бошидан кечирганлари таъсирчан тасвирланади. Ўқувчи кўз ўнгидан такаббур, ўзига бино қўйган Жилва бегим ва итоатгўй, айни чоғда, ёвқур Нургелдининг кимсасиз қум саҳросида ҳаёт учун кураши, тортган машаққатлари бир-бир ўтади. Асарда саҳро табиати, унинг жизғанак қиладиган саратони, музлатадиган қаҳратони, Нургелди, Жилва бегимнинг тирик қолиш йўлида тортган азоб-уқубатлари, тақдир синовларига дош берган қул ва хўжайин қизи бир-бирига қадрдон, ҳамдардга айланиши, саҳро уч қишу уч ёз ўз бағрида авайлаган севишганларга одамлар шафқатсизлик қилгани бадиий тасвирланади. “У”да ғайриоддий ҳодисалар қаламга олинади: ташналиқдан ҳолдан тойган Нургелдини ит қудуққа бошлаб келади, кутилмаганда бир чол йўлиқиб, Нургелдига кашкулидан бужмайиб кетган олма чиқариб беради ва фарзанд кўрганингизда исмини Сотун қўясиз деб айтади. Чиндан ҳам ўғил фарзандли бўлишиб, унга Сотун деб исм қўйишади, Сотун уч ёшга тўлиб, юра бошлагач, қумтепалар орасидан билакдек илон тутиб келтириб, илоннинг айри тилини ушламоқчи бўлиб ўйнай бошлайди. Буни кўрган Жилва бегим кўрққанидан тилдан қолади. Драматик воқеаларга асосланган ўткир сюжетли мазкур қиссада ҳодисалар: “Нургелди сув солишга яроқли идиш қидириб, анча овора бўлди. Қумга кўмилиб ётган тошбақанинг косасини топиб олганида кун анча кўтарилиб, саҳрони қиздира бошлаган эди. Йигит шоша-пиша йўнилмаган тош қаланган қудуқ деворига тирмашиб, тубига тушиб олди. Қудуқ саҳро шамоли натижасида қумга кўмилганидан туби анча саёз, балчиқ орасида тошбақанинг косаси зўрға ботадиغان сув бор эди. Нургелди сабрсизлик билан шу қўланса сувга лабини босди. Бир оз нафси ором олгач, уни шу ерга бошлаб келган ит эсига тушиб, косани тўлдириб,

сув олди-да, юқорига кўтарилди. Ит сувни шапиллатиб ичар экан, баъзи-баъзида йигитга ялтоқланиб, думини ликиллатиб кўярди. Нургелди иккинчи бор қудуққа тушиб, косани тўлдириб чиқди ва бегим томонга йўл олди”, тарзида ифодаланади. Саҳрода қолган қаҳрамонларнинг ҳолати: “Улар офтобнинг шундай майин ва маъсум бўлиб туришини хоҳлашар, тонги сарин шабаданинг ҳам ўзларига йўлдош бўлиб қолишини исташар, бироқ ҳализамон майин нурларнинг қиличдек кескирлашишини, шабаданинг гармселга айланишини билиб турсалар-да бу тонг абадиятга қадар чўзилишига ишонгилари келарди. Қуёш дақиқа сайин кўтарилиб борар экан, аввало, қовжираган шохларда энди маржондек илиниб шабнам томчилари ҳавода эриб, йўқ бўлаётганидан муздек томчилар оёқларини сескантирмай кўйганидан кейингина уларнинг қалбларини тўлқинлантирган тонг чекинганини ҳис қилиб, ҳавойи туйғулар ўрнини қуёш тикка келганида паналайдиган жой топиш ташвиши эгаллаб олди”, деб тасвирланади. Баҳодир Абдураззоқ воқеликни шу тарзда энг яхши реалистик асарларга хос услубда кўрсатиб беради. Қиссадаги воқеалар моҳир мусаввир чизган манзарадек ўқувчи кўз ўнгида аниқ намоён бўлади. Ўқувчи Нургелди ва Жилва бегимнинг руҳий ҳолатини, қалбидаги зиддиятли кечинмаларни аниқ ҳис қилади. Шу боисдан “У” қиссаси қизиқиш билан ўқилади. Собир Ўнарнинг “Бибисора” қиссасида эса воқеалар сўзлашув услубига яқин ширали тилда баён этилади. Муаллиф воқеаларни нақл қилишда кундалик мулоқот тилини адабий тилга жалб этишга эришади. У қиссада адолатсизликка қарши дадил курашадиган, худо жазосини берсин, деб зўравонлардан чўчиб яшашга ўрганганларнинг ақидасини ҳазм қилолмайдиган, қалби беғубор туйғуларга тўла боланинг ҳаётий образини гавдалантиради. Ғафур Шермуҳаммаднинг “Баракасини берсин...” қиссаси “Шум бола” (Ғафур Ғулом), “Суварак” (Неъмат Аминов) ҳажвий асарларини ёдга солади. “Баракасини берсин...” да воқеалар беғубор, майин юмор билан нақл қилинади. Асардаги муаллиф тилида баён этилган ўринлар ҳам, қаҳрамонлар диалоги ҳам кулги уйғотади. Ғафур Шермуҳаммад асарида маҳаллий колоритни ифодалашга интилади ва муайян даражада бунга эришади. Лекин қиссада муаллиф тилидан: “Чучук момо ёшлигида гажак зулфлари ойнинг ўроғини эслатадиган икки ўрим сочлари тақимини ўпган, хумор кўзлари юракни куйдиргучи оппоқ қуйруқдеккина жувон эди”, дейилиши ўринсиз туюлади. (“Ёшлик” журнали 2010 йил, 12-сон. 9-бет). Асарда миллий, маҳаллий колоритни ифодалашга шевага хос сўзлар, ибораларни қўллаш асосидагина эришиб бўлмайди. Агар шундай бўлганда миллий, маҳаллий колорит яратиб жўн нараса бўлиб қоларди.

Азалдан аксарият асарлар учун хос бўлиб келган яна шундай камчиликлардан бири – сюжетни жуда оддий ва жўн тарзда қуриш бугунги қиссачилиқда ҳам давом этмоқда. Бир-бирига шунчаки боғланган воқеалар баёнидан иборат бу тур асарларда ҳаёт ҳодисалари жиддий таҳлил этилмайди, уларга аниқ муносабат билдирилмайди. Тижорат мақсадида битилган, хусусий газеталар савдосига мўлжаллаб битилган айни нарсалар адабиётнинг бугунги жамиятдаги ўрни, аҳамиятига “соя” солиб туради. Табиий, “соя”лар ҳар доим бўлади. Аммо улар китобхонларни ҳаёт ҳақида ўйлантирадиган, “инсон” деб аталмиш мураккаб хилқатнинг сирли-сеҳрли, ғаройиб қалб олами билан таништирадиган асл асарлар қадрини ҳеч қачон пасайтиролмайди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД



ҲИКОЯЛАРДА ҲАЁТ ВА ХАЁЛ ҲАҚИҚАТИ

(2010 йил ҳикояларига бир назар)

Бадий адабиётда ҳар қайси жанр ўз ўрни, фойзи, аҳамиятига эга. Лекин, ҳикоя жанрига хос бўлган имкониятлар туфайли ҳамisha у нисбатан кўп яратилади, кўп эълон қилинади, бинобарин, ҳар бир миллий адабиётнинг ўзига хос кундалик нафаси, қадам олиши, мавқеи ҳикояда кўпроқ намоён бўлади.

Ҳикоя нисбатан ихчам ва “тезпишар” жанр ҳисобланса-да, унинг имкониятлари кенг. Театрнинг мўъжаз саҳнаси ёхуд газета-журналнинг кичкина саҳифаси бутун дунёни ўзида жо этиш имконига эга бўлганидек, ҳикояда ҳам исталган мавзунини исталган қамровда, исталган мураккабликда тасвирлаш мумкин. Фақат бу муаллифнинг маҳоратига боғлиқ, яъни, у ҳар бир ҳикоянинг ўз макони, ўз замони, ўз бадий реалигини ярата билдими, мазкур реалликка мос тасвир услуби, тили, оҳанги, ўзига хос образлар силсиласини топдими ёхуд?..

Рустам шаҳарда туғилган, шу ерда вояга етган. Табиат ва ҳайвонот дунёсини кўпда фарқламайди ҳам. У ўз хонасида, кўпдан буён йиғиб юрган бисотидан чиққан плакат – суратни қирқиб деворга илиб қўяди. Хаёлга толади. “Орадан оз вақт ўтдими, кўпми, бехосдан назарида бир нарса ерга тўп этиб тушгандек бўлди”. Рустам бош кўтариб қараса, суратдаги йўлбарс мушукка ўхшаб ерда ётибди!

Омон Мухторнинг “Суратдаги йўлбарс” ҳикоясидаги (“Ёшлик”, 8-сон) бу тасвир ўқувчини ажаблантирмайди, ҳатто суратдан тушган йўлбарснинг одамга ўхшаб тилга кириши, ҳатто кун бўйи шаҳар айланиб қайтгач, “лип” этиб суратдаги жойига чиқиб олгани ҳам ишонарли. Чунки ҳикояда ушбу ғайритабиий ҳолатнинг бадий асоси яратилган, шунинг ҳисобига нореал манзаралар ўқувчининг шуурида бамисоли реал воқелик манзаралари сингари давом этади. Ҳикоя муаллифининг профессионал маҳорати ҳам, биринчи навбатда, шунда кўринади.

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Этақдаги кулба” (“Шарқ юлдузи”, 1-сон), Исажон Султоннинг “Қисмат” (“Шарқ юлдузи”, 2-сон), Шомирза Турдимовнинг “Сиртлон” (“Шарқ юлдузи”, 5-сон) ва Ҳабибилло Ҳайдарнинг “Қор элаган кун” (“Шарқ юлдузи”, 4-сон) ҳикояларида ҳам асар учун очилган “қўриқ” – замон, макон ҳамда ўша майдонда тасвирланаётган реаллик ўзида ҳаётий ва хаёлий ҳақиқатларни уйғун бир ҳолатда мужассам этгани билан ажралиб туради. “Этақдаги кулба”да эса бутун бир қишлоқ аҳлини комига ютган руҳий парокандалик ва унинг зиди бўлмиш мубҳам руҳий сокинлик ўқувчининг кўз ўнгида ажабтовур залворли манзарани гавдалантиради. “Қисмат” ва “Сиртлон”да эса асосан якка шахс – қаҳрамон руҳиятидаги эврилишлар изтиробини

тасвирланса, “Қор элаган кун”да бир оила аъзоларини музтар аҳволга солган ҳолат қаламга олинади.

Номлари тилга олинган ҳикоялар ўтган 2010 йил ҳикоянавислигимизда ҳажман хийла мўъжаз, шундай эса-да, руҳий ҳолат тасвиридаги кенглик, психологик таранглик ва маънодорлик, айти чоғда, ўқувчини фаол мутолаага чорловчи жозибадорлик ўзига хос тенденция тусини олганлигидан далолат беради.

Ҳикоянинг мавзу, ният, ғоя, конфликт ва ҳоказо бадиий унсурлар кўтара олган ҳажмда тугалланиши ҳам ижодий маҳорат белгиларидан ҳисобланади. Яъни, муаллиф ҳикоя ҳажмини ҳис этганими ёки йўқми, дарҳол сезилади. Қисқа, лекин тўмтоқ ва чала таассурот қолдирадиган ҳикоялар бўлганидек, сунъий равишда чўзилиб кетган, ўз “жуссаси”ни кўтара олмаганлари ҳам учрайди. Аммо-лекин батафсил тасвирга асосланган, мумтоз мусиқа оҳанглари янглиғ вазмин тасвир мароми сақланган ҳикояларнинг таъсири баайни ўқувчини сеҳрловчи қудратга эга бўлади. Аҳмад Аъзамнинг “Тугмачагул” (“Ёшлик”, 5-сон), Асад Дилмуроднинг “Хаёл чўғланиши” (“Ёшлик”, 10-сон), Ғулом Каримийнинг “Кўрагон” (“Ёшлик”, 12-сон) ҳикоялари мана шундай асарлар сифатида ҳикоячилигимизда алоҳида саҳифа дейиш мумкин.

Рамз, тимсол, мажоз ҳар қандай бадиий асарнинг, умуман, бадиий тафаккурнинг кўрки, безаги, жилоси сифатида қадрланади. Маҳорат билан яратилган ҳикояларнинг аксариятида бу каби бадиийлик унсурларининг турфа “қиёфа”ларини кўрамиз. Яхши топилган битта рамз асосига қурилган ҳикоялар ҳам бор. “Суратдаги йўлбарс”да йўлбарс, “Қор элаган кун”да дарвозанинг қайта-қайта сирли тақирлаши, Улуғбек Ҳамдамнинг “Мусулмон”ида (“Ёшлик”, 9-сон) қаҳрамонлардан бирининг боши узра кўриниб-кўринмаётган қуш ҳикоянинг маъно-мазмун юкини кўтарган.

Ўтган йилда яратилган бир қатор ҳикояларда аёл сиймоси ўзига хос бокиралик, ғурур, гўзаллик тимсоли сифатида куйланган десак янглишмаймиз. Наби Жалолиддиннинг баён услубига вазминлик ва батафсиллик хос, бундай хослик унинг “Аёл”идаги (“Ёшлик”, 8-сон) садоқат ва аёллик нафсонияти тимсолини сокин драматизм орқали кўрсатишда қўл келган. Зулфия Қуролбой қизининг “Аёл”ида эса (“ЎзАС”, 14 май) аёл киши чуқур ҳамдардлик, муносилик ва бемисл матонат соҳибаси мақомига кўтарилади. Ҳамид Элхоннинг “Аёл ва илон” ҳикоясида (“Ёшлик”, 10-сон) аёлнинг, аниқроғи, аёл вужудидаги пинҳон қудратнинг фавқулодда мўъжизаларга қодирлиги ўхшатиб тасвирланган. Айти чоғда, аёлга қилинган хиёнат, нокаслик Абдунаби Ҳамро “Қирқ йиллик қасос” ҳикоясида (“Ёшлик”, 11-сон) тасвирлангани каби инсонни умрининг охирига қадар таъқиб этиши ҳам ҳеч гап эмас.

Адабиётда тарихий воқеликнинг бадиий талқинини яратишда катта тажриба ва аъналар мавжуд. Тарихдан ҳикоя қилишга жазм этган адиб олдида бир қатор шарт – амаллар кўндаланг бўлади. Аввало, тарихий ҳақиқатни бузмаслик, иккинчидан эса, муҳими – ўша тарихий воқеликни бадиий ҳақиқат даражасига олиб чиқиш. Ғулом Каримийнинг “Кўрагон” ҳикоясида Амир Темурнинг Сароймулкхоним билан танишуви ва унга уйланиш воқеалари қаламга олинган бўлса, Дурбек Қўлдошевнинг “Шикор” ҳикоясида (“Шарқ юлдузи”, 6-сон) Бобур Мирзонинг 11-12 ёшлик чоғидаги ов саргузаштлари тасвирланади. Рисолат Ҳайдарованинг “Учинчи башорат” ҳикоясининг (“Шарқ юлдузи”, 4-сон) фабуласи Мирзо Улуғбекнинг чигал ва фожиали қисмати башорат этилиши асосига қурилган. Таъкидлаш жоизки, адиба топган фавқулодда ҳаяжонли сюжет занжири ишонарли бадиий тўқима иплари билан чатишиб кетган.

Айрим ҳикояларда учрайдиган ўхшатиб топилган бир оғиз жумла, теша тегмаган деталь ёки тасвир таъбир жоиз бўлса, бир жумла кайфияти ўқувчининг диққатини тортади, унинг хотирасига муҳрланиб қолади, бадиий сўзнинг қудрати, мўъжизасини намён этади. Уйғун Рўзиевнинг профессионаллик нуқтаи назаридан бир қадар заиф чиққан “Робия” ҳикоясининг (“Ёшлик”, 7-сон) қаҳрамони ўн беш йил бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғи билан шу қадар садоқатли ҳаёт кечирганки, тақдир уларга фарзанд кўришни раво кўрмаган эса-да, бирон марта эри, “кет” демади, Робия “кетман” демади. Жумланинг ўзида бу оила аъзоларининг аччиқ қисматларига тенгма-тенг қудратга эга бўлган садоқат, меҳр-оқибат, муҳаббат мужассам. Шунга ўхшаш ҳолат Ўктам Мирзаёрининг “Ор” сарлавҳали ҳикоясида (“ЎзАС”, 16 апрель) учрайди.

Унда шаҳардан қишлоғига келган мартабали меҳмон қаровсиз қолган қабристонга кириб, ишга киришиб кетади – ҳаммаёқни тартибга сола бошлайди, тозалайди. Одамлар ҳайрон бўлаётганини кўрган меҳмоннинг, “Ҳамма қабрлар тозаланиши керак, бу ерда бегона қабр йўқ”, деган сўзлари халқимиз табиатидаги соф миллий гуманизм “сурати”ни чизгандек таассурот қолдиради.

Баҳодир Қобулнинг “Оқ камар” ҳикояси (“ЎзАС”, 2 апрель) шамолнинг рубобий тасвири билан бошланади. Бамисоли шамол моддийлашади, шабада кўз олдингиздан сузиб ўтади. Тасвирга монанд оҳанг ўқувчининг кайфияти, зеҳни ва эстетик диди торларини чертади, эъзозлайди. Худди шунга ўхшаш “бир жумла кайфияти” Холиёр Сафаров (“Ҳайдар бобо”. “Ёшлик”, 5-сон), Муҳаббат Тўхташева (“Ечим”. “ЎзАС”, 5 март) ҳикояларида ҳам учрайди.

Луқмон Бўрихоннинг “Тун қаъридаги шуъла” (“ЎзАС”, 1 октябрь), Зулфия Қуролбой қизининг “Аёл” (“ЎзАС”, 14 март) ва “Кўланка” ҳикояларини (“Тафаккур”, 4-сон) йил кашфиётлари сифатида таъкидлаш мумкин. “Аёл ва илон” ҳамда “Шабнам соясидаги муҳаббат” (“ЎзАС”, 22 октябрь) ҳикояларининг муаллифлари Абдунаби Ҳамро ва Ҳамрохон Мусулмонова ижодларига нисбатан ўқувчининг қалбида илиқ ҳарорат ва умид, ишонч туғилади. Шу билан бир вақтда, Шерзод Комил Халил, Ширин Собурова, Дилафрўз Пиримқулова, Ҳасан Манзур, Муяссар Тиловова, Каримабегим, Салим Абдурахмон, Ўзбектош Қиличбек, Севара Бахтиёр қизи, Келдиёр Тўлиев, Муаттар Баротова, Илмира Жуманиёзова, Гулшод Айтбой қизи, Азамат Қоржовов, Бахтиёр Абдуғафур сингари ўнлаб ёш ҳикоянависларимиз ҳаваскорлик даражасидан профессионаллик мақомига кўтарилиш истагида қалам тебратаётганликлари ҳикоячилигимиз ихлосмандларини қувонтиради, албатта.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги ўзбек ҳикоячилигимизнинг энг сара намуналари тимсолида рамзийликка, мушоҳадакорликка, фалсафий мажозга, полифоник тасвирлашга мойиллик тенденция тусини олаётганини яққол кузатиш мумкин. Вазмин ва батафсил тасвир услуби кўзга ташланмоқда. Конфликт, зиддият зоҳирдан ботинга кўчмоқда. Муаллифининг бадиий маҳорати даражасидан бирмунча паст савияда яратилган ҳикоялар ҳам йўқ эмас. Айни вақтда, ҳали профессионалликдан йироқ, бадиий сўз қудрати ва жозибасини ҳис этмаслик, ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқат уйғунлигини фарқлай билмаслик, сюжет қурилишида ясамаликлар, зўракиликлар ҳам учрайдики, буларнинг бари биргаликда ҳозирги ўзбек ҳикоянавислигимиз манзараларини ташкил этади. Зеро, шулар сингари ютуқлар, изланишлар ҳаракатдаги адабий жараён учун табиий ҳолат ҳисобланади.



Бир дарахт новдалари



Кенгисбой КАРИМОВ

Орзуна роз айтар само

Айлади

*Фалак кимни сару самон айлади,
Кўнглимда ҳар куни фигон айлади,
Минг йил қуёш нурун тўкиб заминга,
Дашту саҳро-чўлни райҳон айлади.*

*Оламга келтирди тоғларнинг тошин,
Одам гоҳо кулди, гоҳ тўкди ёшин,
Қаддини тик тутди, кўтарди бошин,
Эл-юрт бериб, давру даврон айлади.*

*Гоҳо қанотсизга зўр парвоз берди,
Кимга нозик кўнгил, яна соз берди,
Чайқалган кўлларга сўна – роз берди,
Яхшини гоҳи дам ёмон айлади.*

*Шодлик билан бирга инъом этди ғам,
Ҳасрат тўла жомда қатра қувонч кам,
Инсон тақдирида барин этиб жам,
Тагин юз минг сирин пинҳон айлади.*

*Қўшқанот бермади, берди забонни,
Учқур хаёл берди ва берди жонни,
Ишқ берди севсин деб, Ватанни, нонни,
Яна оламларни кайҳон айлади.*

*Бизга ҳам дунёда навбат келибдур,
Минг файласуф ўйлаб сифат берибдур,
Қисматдошлар бир таъвишига шерикдур,
Не авлодлар қаддин камон айлади.*

Инонма

*Сўзларга инонма, сўзлар алдамчи,
Кўзларга инонма, кўзлар алдамчи,
Қуёш бўлиб боққан юзлар алдамчи,
Фақат юрагингга ишонгил, жоним!*

*Сўз билан суйганлар панд бериб кетар,
Кўз билан суйганлар термулиб ўтар,
Чин ошиқлар ишқнинг қадрига етар,
Фақат юрагингга ишонгил, жоним!*

*Баҳорда кўз ёрган япроқлар яшил,
Кузда сарғиш тортиб айланар фасл,
Тоza ишқ юракда яшар муттасил,
Фақат юрагингга ишонгил, жоним!*

*Бул даврон ўткинчи, ўткинчи дунё,
Орзуга роз айтар турланган само,
Севгининг ҳар они бир меҳригиё,
Фақат юрагингга ишонгил, жоним!*

Қалпоғим

*Магар дард, қайғудан бўлгансан қора
Ёки бир қушимидинг – кўксиде яра,
Иқбол дарагини мозийдан сўра,
Тақдири тарихга кўчган қалпоғим.*

*Сени қанча мардлар кийган эса-да,
Ипагингни қизлар суйган эса-да,
Нақшинг олов, четинг куйган эса-да,
Қорақалпоқ юртим ошган, қалпоғим.*

*Отингга айланган халқимнинг оти,
Эркинлик қўмсаган, туркийдир зоти,
Энг улкан мерос сен – боболар ёди,
Кийганимда кўнглим ўсган қалпоғим.*

Ұлчаб кўрдим сени не-не бошларга,
Одат бўлолмадинг, афсус, ёшларга,
Кийгизайин десам ёру дўстларга,
Кўкайимни гумон кесган, қалпогим.

Халқимнинг бошида қалпоқ чўз каби,
Қалпоқ ҳақида сўз – қалбим матлаби,
Тўрт буржиди титрар гулларнинг лаби,
Номардлар бошидан ечган қалпогим.

Сени бошига кийган туркийнинг ули,
Доим эркин, ёлғиз оллоҳнинг қули,
Қатимингда талақ замон довули,
Гувиллаб-гувиллаб эсган, қалпогим.

Қайтади

Кўкда “қур-қурей”лаб турналар қайтди,
Шамоллар согиниши қўшигин айтди,
Сени, қорақўзим, нелар мунглатди,
Мунгланма, баҳоринг келади яна.

Нега кўнглинг доғли, кўзларинг ёшли,
Муҳаббат бир тотли азобдир, асли,
Гуллар гунча боғлаб ошиқлар фасли,
Жонажон баҳоринг келади яна.

Сой бўйига бошлаб қилдек сўқмоқлар,
Тагин гул очилиб, уйғонар боғлар,
Нафис ёмғирларга чайилиб доғлар,
Сен кутган баҳоринг келади яна.

Айтгил, вафо борми тоғжу тахтларда,
Тонгги дардларни кўр тунги бахтларда,
Дунёдан умидни узган вақтларда,
Соғинган баҳоринг келади яна.

**Қорақалпоқ тилидан Салим АШУР
таржимаси**



Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари доктори

XXI АСР НАСРИ МАНЗАРЛАРИ

Мавзу, муаммо ва ечим



Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг, башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ислом КАРИМОВ.

Инсон тафаккурининг янгилинишида, унинг онгига маълум бир ғояни сингдиришда ҳеч қайси соҳа адабиётчалик қурбат ва имкониятга эга эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, янги XXI аср инсон тафаккури тараққиётига, унинг тез ўсиши ва янгилинишига жиддий таъсир кўрсатди. Чунки адабиёт бадиий сўз ва образлар воситасида омма руҳиятида тубдан ўзгариш ясайди. Бунинг учун ижод аҳли эркин нафас олиш, хоҳлаган мавзусида қалам тебратиш, истаган муаммосини кўтариш ва, албатта, кўнглига маъқул келадиган қаҳрамон тимсоли орқали тасвирлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Қарийб чорак кам бир аср мобайнида қоғозда бору амалда бўлмаган бундай “эркинлик” адибларимиз тафаккурини тушовга солиб қўйганди. Мустақиллик туйғули бу тушов узилди. Адабиётга – сўз санъатига чинакам эркинлик берилди ва у қонун асосида мустақамлаб қўйилди. Натижада, адабиётда жуда катта ижобий ўзгаришлар юзага келди.

Бунинг самараси тез орада аниқ кўзга ташланди, яъни, жадаллик билан ўсиб бораётган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тафаккурлар таъсирида адабий-бадиий тафаккур ҳам шаклланиб, улғайиш йўлига кирди. Дастлаб, одамзоднинг иқтисодий бўҳронлар уммонидаги сузиш қийинчиликлари, чўкиш азоби, иккиланиш, бемақсад қулоч отишларини реал тасвирлашдан ўзини тийган адабиёт аҳли янги асрнинг илк йилларидан бошлаб, бу мавзунини жиддий ишлашга киришди. Бозор ва инсон тақдири кейинги йиллар ўзбек насрининг энг кўп ишланаётган муаммосига айланди.

Бозор муносабатлари ўз-ўзидан инсоннинг жамият, оила, жамоа, ўзга юрт ва одамлар ўртасидаги зиддият ҳамда алоқалар силсиласини ҳам юзага чиқаради. Бундай

вазиятда турмушини ўнглаш учун уринаётган шахс манфаати билан янгилинишга юз тутаетган жамият ва сиёсат манфаатлари ўртасида ўзаро тўқнашувлар вужудга келади. Улар ўз навбатида оилавий муносабатларга ҳам, ахлоқий эврилишга ҳам, инсоннинг ёвузлик сари юз тутишига ҳам у ёки бу даражада таъсир ўтказмай қолмайди. Ҳақиқий санъаткорнинг вазифаси эса инсониятнинг келажагини таъминловчи умидбахш ғояларни илгари суриш, улар дунёқарашада эзгулик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби фазилатларни ифодалашга хизмат қиладиган ибратли образларни яратишдан иборатдир. Бунинг учун ижодкорнинг эстетик идеали ғоятда соғлом, маънавий дунёқарашаи етук, халқи ва Ватани олдидаги масъулияти барқарор бўлиши керак.

Маълумки, роман, қисса, ҳикоя сингари эпик тур жанрларининг ҳар бири ўзига хос талаблар ва қонуниятлар асосида яратилади. Танланган мавзу кўлами, кўтарилган муаммо юки, яратилган персонажлар миқдоридан тортиб, шаклу шамойилигача қатъий ўлчамга эга бўлган бу жанрлар ҳозир ўзлигини йўқотиб, қоришиқ бир нарсага айлангандек тасаввур қолдирмоқда. Аввало, романда қўйилган муаммонинг юки ғоятда залворли бўлиши талаб этилади. Ваҳоланки, ҳозир баъзи адиблар учун асарда романбоп муаммони кўтаришдан кўра, “роман” деган атама билан китоб чиқариш муҳимроқ бўлиб қолди. Кейинги йилларда “Янги аср авлоди” нашриёти айрим китобларни “XXI аср романи” деган ном билан чиқара бошладики, уларни ўқиб, кишида агар янги аср романлари шунақа бўлса, ҳали ҳеч нарсага эришмапмиз, деган фикр уйғонади.

Бундан йигирма йил аввал жаҳон адабиётининг синчков билимдони, адабиётшунос Талъат Солиҳов (оллоҳ раҳматиға олган бўлсин) суҳбатларидан бирида: “Назаримда, аср адабиётининг пойдеворида иккита муҳим нарса бўлиши керак: бири – миллий анъана, адабиётимиз, санъатимиз соҳасидаги миллий анъана ва иккинчиси, жаҳон адабиётининг даражаси, жаҳон бадиий тафаккурининг даражаси ва жаҳон адабиётида эришилган тажриба. Ана шу нарсалар пойдевор асоси бўлади, пойдеворнинг пойдевори бўлади” (“ЎзАС”, 1.02.1991), деб орзу қилганди. Дадил айтиш мумкинки, бугун ўзбек адабиёти кўп асрлар мобайнида шаклланган миллий ўзига хослигини тўла сақлаган ҳолда, жаҳон адабиёти таркибига қўшилиш йўлларини излаб топиш имкониятига эга бўлди. Аслида, ҳар қандай халқ адабиёти баркамоллик чўққисига, аввало, ўзи мансуб бўлган миллатнинг маданий, маънавий, маърифий анъаналарига қатъий риоя қилиши, уларга ҳурмат билан қарашаи орқали эришади. Бизда эса бундай анъаналарнинг туганмас хазинаси мавжуд. Ўлмас халқ оғзаки ижоди, бой ёзма адабиётимиз, ранг-баранг ахлоқий қадриятларимиз ва миллий урф-одатларимиз “пойдеворнинг пойдевори” борлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, ўтган йигирма йиллик адабий хирмомимизга бир қур назар ташласак, буюк Шарқ адабиётининг миллий анъаналарини бойитган ҳолда, жаҳон бадиий тафаккури даражаси билан бемалол бўйлаша оладиган талай асарлар дунёга келганига гувоҳ бўламиз. Омон Мухтор, Муҳаммад Али, Асад Дилмурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Ҳамдам, Тилаволди Жўраев сингари адибларнинг асарлари тўлақонли миллий руҳи ва жаҳон адабиётида мавжуд энг янги бадиий усулларнинг табиий уйғунлашуви туфайли чинакам ўқувчилар муҳаббатига сазовор бўлди. Шу билан бирга, бу даврда юки енгил, шиширилган шардек ҳавойи қисса ва романлар ҳам вужудга келдики, бу адабиётшунос Талъат Солиҳовнинг орзуси тўла амалга ошмаганини, XXI асрнинг дастлабки ўн йили ўтиб бораётган бўлса-да, жаҳон бадиий тафаккури даражасига олиб чиқувчи “пойдевор” ҳали мукамал битмаганлигини кўрсатиб турибди.

Ғалвир сувдан кўтарилса...

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган инсон тафаккурида бойликка эришиш истаги ҳал қилувчи ўрин тутаетди. Бу ҳодиса бадиий адабиёт олдига ҳам муҳим вазифаларни қўймоқда. Энг аввало, қаҳрамон концепциясини янгилаш талаб этиларди. Шу пайтгача яратилган персонажлардан фарқли ўлароқ, энди бозор муносабати шароитида шаклланаётган одамлар характерини яратиш зарур эди. Қандай бўлмасин, бойлик орттиришга уринаётган, бу йўлда ҳар қандай қабиҳлик ва разилликдан тафт тортмайдиган, ўз уринишининг оқибатини ўйламай қадам босиши натижасида фожиага учраган кишилар тоифаси пайдо бўлди. Айни чоғда, бозор талабларига мослашиб, бу-

гунги топганига шукур қилиб, оиласи ва келажагини таъминлаётган одамлар ҳам бор. Ҳаёт ижод аҳли олдида ана шундай қаҳрамонлар галареясини яратиш вазифасини қўя бошлади. Бундай мураккаб масалани тасвирлашда етарли тажриба тўпламаган адиблар зиммасида бозор одамнинг сурати ва сийратини қандай усулларда ифодалаш қийинчиликлари пайдо бўлди. Натижада ҳам ғоявий, ҳам бадиий, ҳам услубий томондан турли савиядаги асарлар яратилди. Дастлабки пайтда бозор иқтисодиёти шароити қийинчиликлари туфайли ҳаётнинг олдинги сафига чиққан айрим мафияларнинг ўзаро кураши, ўғирлик, жиноятчилик, фоҳишабозлик сингари иллатларни акс эттиришга ружу қўйилди. Бу билан муаллифлар ўқувчи оммасини огоҳликка чақирмоқчи бўлдилар. Аммо, бу эзгу ният ёзувчилар томонидан бадиий жиҳатдан етарли даражада исботлаб берилмаганлиги оқибатида акс таъсир қила бошлади.

Бинобарин, бозор муносабатлари инсонни саралайди. Бу саралаш ҳар доим ҳам ижобий натижалар беравермаслиги мумкин. Унинг ҳам ўзига яраша талаблари, шартлари, қийинчиликлари мавжуд. Унга мослашолмаган одам чиқитга айланади. ХХI асрнинг дастлабки ўн йилида яратилган насрий асарларнинг ўзига хос фазилати шундан иборатки, уларда ана шу жараёнда эзгулик ва ёвузлик кутбларига ажралаётган одамлар образи дунёга келди. Бундай қаҳрамонлар орасида, айниқса, аёллар характерининг ўзига хос талқини муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бозор иқтисодиёти бошқаруви шаклланаётган пайтда, аёллар фаоллик кўрсата бошлагани ҳам сир эмас.

Шу жиҳатдан Тоҳир Малик, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улуғбек Ҳамдам, Тилаволди Жўраев, Абдуқаюм Йўлдош, Саломат Вафо, Зулфия Қуролбой қизи сингари истеъдодли адиблар томонидан яратилган бозор ва инсон тақдирига бағишланган бадиий жиҳатдан юксак, ғоявий томондан етук қисса ва романлардаги персонажлар характерлидир. Бундай қаҳрамонлар тимсолида бозор муносабатлари шароитида тўғри йўл тополмай адашган, миллий ўзлигидан жудо бўлган, баъзан ўз ихтиёри билан ёки мажбуран ахлоқий бузуқлик йўлига кирган шахсларнинг фожиали қисмати ўқувчига ибрат қилиб кўрсатилди.

Албатта, ёзувчи ўзи тасвирлаётган мавзу ва муаммога мослаб танлаган шахс “мен”нинг манфаатлари, хоҳиш-истаги, ана шу шахсий манфаат индивидуаллигидан келиб чиқадиган эҳтиросларининг тўпорилиги, вақтинча ёки доимийлиги билан ҳам ҳисоблашишга мажбур. Агар бу ҳолат меъёрида тасвирланмас экан, шахс “мен”и бора-бора хиралашиб қолиши, асарда жонли образ эмас, шунчаки силуэт яратилиши мумкин, холос. Аслида, инсон оний лаҳзаларда жунбишга келган эҳтирослар туғени совугандан кейин ўзини беихтиёр тафтиш қилади. Чунки эҳтироснинг тийиқсиз ва бемаъни таъсири унинг онгига ўтгач, шахснинг ўзида яхшими, ёмонми – муносабат пайдо бўлади. Энди у эҳтирослари жунбишга келган онда мулоҳаза юритишга улгурмаган майл ва интилишлари ҳақида мушоҳада қила бошлайди, уларни таққослайди, хулоса чиқаришга уринади. Ҳақиқий санъаткор бу жараёни иложи борича ростгўйлик билан табиий йўсинда, энг муҳими, миллий ўзига хосликка қатъий амал қилган ҳолда тасвирлашга масъулдир.

Шу маънода, бозор муносабатлари ҳақиқий санъаткорларни ҳам саралашга киришди. Чинакам ёзувчи бозор мавзусини ёритишдан олдин чуқур ўйга ботди, ҳаёт, ўқувчи, жамият ва эл-юрт олдидаги масъулиятини теран ҳис қилди. Айни чоғда бозор ёзувчиси ва бозорбоп адабиёт пайдо бўлди. Профессинал маҳоратга эга бўлмаган бозорчи ижодкорлар ўйлаб-нетиб ўтирмай, нуқул олди-қочди, ур-йиқит, фоҳишабозлик, ўғирлик, жиноятчилик ҳақидаги асарларни қалаштириб ташладилар. Тўғри, бозор фақат бойлик манбаи эмас, айни чоғда, у тубанлик, пасткашлик, ахлоқсизлик, ёлғончилик, ўғирлик, юлғичлик макони ҳамдир. Унинг бу иллатларидан кўз юмиш бир ёқламаликка олиб келади. Бироқ, бозор воситасида нуқул ахлоқсизлик, жиноятчилик, севгифурушлик каби ўткинчи ҳодисаларни эҳтирос билан тасвирлашга уриниш адабиётнинг тарбиявий вазифасини тан олмаслиқдан бошқа нарса эмас.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай бадиий асарда яратилажак образ, аввало, ёзувчининг кишиларга ва ҳаётга муносабатини акс эттириш воситаси ҳисобланади. Айни чоғда, у муаллифнинг ҳаёт ҳодисаларига берган эстетик баҳоси ҳамдир. Ҳар бир персонаж ўзида ёзувчининг эстетик идеалини у ёки бу даражада тажассум этади. Бу вазифани бажариш учун ўша образ муайян ижтимоий шароитда, руҳий-маънавий муҳитда ҳаракатланиши зарур. Бу табиий равишда рўй бериши керак. Мабодо, санъ-

ат асарыда муаллиф ҳаётдаги мавжуд нарсаларга, воқеа-ҳодисалар ва одамлар тақдирига фақат сунъий, расмий тақлид қилиш мақсади билан ёндошса, бу бадиий асар эмас, балки маҳорат билан ясалган нарсалар мажмуасидангина иборат бўлиб қолади. Бундай сунъийликдан ҳоли бўлиш учун санъаткорнинг эстетик тафаккури аниқ ва барқарор бўлмоғи шарт. Биз таҳлил доирасига тортган асарларга шу нуқтаи назардан мушоабада қилсак, адабларнинг эстетик идеали турлича савияда эканлиги аён бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур асарлар ғоявий-бадиийлиги билан ҳам бир-биридан фарқ қиладилар.

Масалан, Зулфия Қуролбой қизининг “Армон асираси”, “Машаққатлар гирдоби”, Саломат Вафонинг “Оворанинг кўрган-кечирганлари”, Ҳабиб Темировнинг “Қасос ва муҳаббат”, “Қора қаср асираси”, “Макрми ё муҳаббат?” каби асарлари бевосита бозор муносабатлари авжига чиққан шароитда шаклланган, тафаккури уйғонган, ўзлигини англаган ва англай олмаган одамлар тоифаси ҳақида ҳикоя қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳар бир адаб танланган мавзу ва муаммога ўз эстетик дунёқароши ва идеали нуқтаи назардан ёндошади. Бу асарларда бозор бошқаруви шароитида аёл шахсининг ўрни ва қисматига алоҳида эътибор берилган. “Армон асираси” романи қаҳрамонлари Насиба, Ҳулқар Армон, Зухра, “Машаққатлар гирдоби”даги Наргиза, Санобар, Гулруҳ, “Оворанинг кўрган-кечирганлари” асарыда тасвирланган Салтанат, Малика, Мақсуда, “Қасос ва муҳаббат” деб номланган роман-диалогиясидаги Тўтиё, Лайло, Амалия, икки китобдан иборат “Қора қаср асираси” ва “Макрми ё муҳаббат?” номли севги қиссаларыдаги Аффифа, Меҳри, Мақсуда ва бошқа эпизодик характердаги кўплаб персонажларнинг ҳар бири ўқувчида турлича таассурот қолдиради. Аввало, яратилган бу образларнинг ҳар бири катта-кичиклигидан қатъий назар ўз ғоявий-бадиий юкига эга эканлигини алоҳида қайд этиш зарур. Бироқ, қаҳрамон мана шу юкни ёзувчи кўзлаган манзилга олиб бора олдими, ўз вазифасини қай даражада адо этди, деган савол билан ёндашадиган бўлсак, ижодкорларнинг бадиий савияси яққол намоён бўлади. Бунинг учун дастлаб Зулфия Қуролбой қизи билан Саломат Вафонинг асарларыга назар ташлайлик. Чунки бу адаблар аёллар табиатыдаги фазилат ва иллатларни теран тасвирлашга, уларнинг суратию сийратини ўзига хос тарзда очишга уринганлар.

Зулфия Қуролбой қизи давр манзарасыни, бозор иқтисодиёти кун тартибига қўяётган муаммоларни кенгроқ қамраб олишга уринади. Айрим фирибгарларнинг лотерея ўйини орқали бойиб кетаётгани, кун сайин кўпайиб бораётган хусусий газеталарнинг савияси, уларнинг саҳифаларыда эълон қилинаётган енгил-елпи, олди-қочди ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи мақолалар одамлар ҳаётига салбий таъсир ўтказётгани (Зухра образы мисолида), Ҳулқарнинг афсус-надоматли ўйлари орқали ўз ифодасыни топган. Шуниси муҳимки, ёзувчи яратган ҳар бир образ катта-кичиклигидан, муҳим ёки номуҳимлигидан қатъий назар ўзи мансуб бўлган табақанинг характерли хусусиятларини мужассам этиши билан ижодкор ғоявий ниятининг аниқ ифодаланишига ёрдам беради. Аввало, ёзувчининг эстетик идеали мусаффолиги билан эътиборни тортади. У ҳамма нарсадан поклик, эзгулик унсурларини қидиради. Масалан, “Армон асираси” романыдаги Насиба эри Донишнинг ўлимидан сўнг жинсий эҳтиёжни ҳаёлига мутлақо келтирмаган ҳолда кўпол ва безори кимса Талгатга аёллик меҳрини бағишлаб, уни ҳам жисмоний хасталиқдан, ҳам миясига ўрнашиб қолган ёвузлик ниятидан халос этади. Эри ташлаб кетиб бева қолган Ҳулқар Армон ҳам ҳаётда, ҳам ижодда покиза ахлоқини намоён қилади. Бу борада, ўзи намуна кўрсатибгина қолмайди, балки “ёмон” йўлга кириб кетган Насиба ва Зухрани излаб топиб, танбех беради. Ёки “Машаққатлар гирдобы”га тушиб қолган Гулруҳ ўзининг ташқи гўзаллиги билангина эмас, балки ахлоқий покизалиги, муомаласынинг ширинлиги билан нафақат мардикорларнинг, айна чоғда, бутун вужудидан “аллақандай ёвузлик ҳиди келади”ган Пўлат Дамировични ҳам, кўлини қаёққа узатса етадиган бошлиқ Ҳаким Назаровични ҳам тиз чўктиради. Бу аёллар ўзларининг ахлоқий гўзаллиги билан ўзгалар ахлоқининг ўзгаришига ҳам ижобий таъсир кўрсатадилар. Дарвоқе, “Дунёни гўзаллик қутқаради” деганларидек, асарда “эзгулик ва ёруғлик фариштаси” сифатыда намоён бўлган Гулруҳ ўз гўзаллиги, ахлоқий покизалиги билан қуллик ва охир-оқибатда ўлимга маҳкум этилган кишиларни ҳалокатдан қутқаради.

Бинобарин, санъат асарининг бош мақсади азал-азалдан инсонга хос эҳтиросларнинг қандайлигидан қатъий назар поклантиришга йўналтириш ва шу йўл би-

лан кишиларни яхшиликка ўргатишдан иборат бўлиб келган. Файласуф Гегелнинг таъкидлашича, санъат инсоннинг ахлоқий камолотини тарбиялаш учун, энг аввало, “дағалликни жиловлаши, эҳтиросларни маданийлаштириши керак”. Шу жиҳатдан Насиба, Хулқар Армон ва Гулруҳларнинг характери ибратлидир. Насиба романнинг бошидан-охиригача бир дунё эҳтирослар қуршовида яшайди. Ишга бормаётган “дангаса”, пул топиб келишга “нўноқ”, оила рўзгорини эпполмаётган “ношуд” эри Донишга дастлаб кўрс, дағал, бетгачопарлик билан муомала қилади. Эри вафот этгандан кейин эса бирданига мулойимлашади, унинг ўлимида ўзини айбдор деб билади. Эрига ўз вақтида кўрсатолмаган меҳрини аёлларни қийнаб азоблашдан лаззатланадиган худбин Талгатга инъом этади. Эрининг руҳи олдидаги қарздорлик ҳисси туфайли аёл табиатида пайдо бўлган кўрқинч, андиша, раҳм-шафқат, ҳаяжон ва изтироб унга тинчлик бермайди. Бу ҳис-туйғулар бир-бири билан тинимсиз курашади. Натижада, Насиба бозорга ҳам чиқмай қўяди, пул топишни, ўзи ва болалари қандай кун кечиришини ўйламайди. Ҳар куни Талгатни йўқлаб боради, уни овқатлантиради, уйини тозалайди, кирини ювади. Насиба бу ишни бир беморнинг кўнглини олиш, унинг хаста тани ва руҳига бардамлик бағишлаш ниятида беминнат бажаради. Аёл ўзининг мана шундай покиза ахлоқий гўзаллиги билан Талгат тафаккурида томир отган ёвузликни эзгулик сари йўналтиради.

Саломат Вафо ҳам Салтанат тимсоли орқали жамиятда вақтинчалик урчиб кетаётган айрим масалаларни қаламга олади. Шулардан бири кўшиқчилик санъатининг жамият ва инсоният ҳаётидаги ўрнини аниқлаш масаласидир. Гарчи адиба фикрини исботлаш учун кўшиқчи аёл Ойзода Камол исмини бир неча бор тилга олса ҳам уни ҳаракатга солмайди, Салтанатнинг тасавурида қолиб кетади. Салтанат ўқувчида умумлашма образ сифатида таассурот қолдиради. У ҳам худди Хулқар сингари омадини синаб кўрмоқчи бўлиб бозорга чиқади. Бироқ унинг бозордаги фаолияти Хулқарники сингари хайрли кечмайди. Чунки Салтанат мансуб бўлган бозорчи аёлларнинг биронтаси ҳам покиза эмас. Бу борада, аввало, Салтанатнинг ўзи “намуна” кўрсатади. У эрини қайтариш, оиласини мустаҳкамлаш ҳақида мутлақо ўйламайди. Аксинча, унинг хаёлида умрида кўрмаган аллақандай Султонбек ҳақиқий эркак тимсоли сифатида гавдаланаверади. Аббос Сулаймонов билан бемалол ишрат қилади, у истамаса ҳам уйига бораверади. Бир марта дугонасиникида учрашган Маҳмуд исмли йигитга ҳам кўнгли суст кетади. Умумий ҳовлидаги ижара уйда кўшниси Дилдоранинг эри Мавлон билан суҳбатлаша туриб: “Қани эди шу йигит эрим бўлиб қолса”, деб ўйлашдан уялмайди. Бу каби енгилтаклигини ёзувчи қаҳрамони тилидан: “Бировнинг ғамхўрлигидан ийиб кетардим, айниқса, яхшиликни эркак киши қиладиган бўлса”, деб исботлаб ҳам қўяди.

Бу адибанинг эстетик идеали у қадар тиниқ эмаслигини исботлайди. Ёзувчи Салтанат нигоҳи орқали атрофни кузатар экан, бирон-бир жойда ёруғликни, эзгулик ва яхшиликни кўрмайди. Ҳикоячи-қаҳрамон назарида бозор ҳам, вокзал ҳам тўс-тўполон, жирканч, жанжалнинг уяси. Қишлоқ эса хароба, ҳанузгача ўзгариш йўқ. Салтанатнинг қишлоқ ва бу ерда яшаётган одамлар тўғрисида чиқарган хулосалари ниҳоятда жўн ва бачкана. Масалан, у қишлоқ кутубхонасидан чиқиб уйига кетаётганда шундай ўйлайди: “Атроф қоронғилашган, кўчаларда одам камайган, камаймаган тақдирда ҳам қишлоқ кўчаларида чироқ бўлмагани учун биронта одам мени танимасди. Худо нутган элатда чироқ ҳам белгиланган тартибда икки-уч соат ёнарди”. Шу тасвирнинг ўзи жуда катта мазмунни, қишлоқнинг яхлит манзарасини, қийинчиликларни, одамларнинг турмуш тарзини аниқ ва жонли кўрсатиб турибди. Бу реал тасвирдан кейин ёзувчининг ҳикоячи-қаҳрамони тилидан “Одамлар орасида ривоятнома (аслида, “намо”, яъни, ўхшаш маъносини англатувчи қўшимча бўлиши керак – Й.С.) гап юрарди: “Чироқ йўқлиги учун қишлоқ одамларининг боласи кўп”, дея киноя тарзида изоҳ бериши баён юқини енгиллатиб, бачканалаштириб юборган.

“Оворанинг кўрган-кечирганлари” романида тасвирланган аёллардан биригина Мақсуда опа имон-этиқодли ва оиланинг, эрнинг қадрига етадиган аёл сифатида таассурот қолдиради, холос. Асар воқеалари силсиласидан яхшигина ўрин олган ва Салтанатга таъсири кучли бўлган қишлоқдаги ўқитувчиси, колхоз раисининг ёлғиз қизи, гўзалликда танҳо Малика опа дастлаб тасвирланишича, “эркак зотиға қайрилиб қарамасди. Маъбудалардай мағрур эди”. Шундай аёлнинг ҳам кейинроқ совунфурушлик билан шуғулланадиган бозорчига айланиши, тирикчилик илинжида Қувончбой

деган проводник билан “ўйнаш” тутиниши, йўл-йўлакай учраган Ҳамид исмли таниши билан ўпишиб кўришиши, гоҳ кабобчига, гоҳ бошқасига кўзини сузиб, қошини учуриб кулиб қараш, умуман, унинг бузуқи йўлга кириши ўқувчида малоллик пайдо қилади. Одатда, бадий асарда ҳар бир қаҳрамон асар бошланишидаёқ, ўз қиёфаси ва генезиси, мустаҳкам эътиқоди билан туғилиши шарт. Мабодо, асар воқеалари давомида унинг характерида ўзгаришлар юз берса, улар муаллиф-санъаткор томонидан бадий жиҳатдан исботланиши талаб этилади. Назаримда, Малика тасвирида мана шу ҳақиқат етишмаётгандек туюлади.

Шуларни ўйлаганимда, хаёлимда Саломат Вафо ва Ҳабиб Темиров асарларидаги персонажлар, айниқса, аёллар нега қатъиятли эмас? Нега бир-икки учрашувдаёқ эркак кишининг хоҳиш-иродасига бўйсуниб, иффатини бой бериб қўяверадилар? Нега улар аёллик шаънини улуғламайди? Нега улар иқтисодий қийинчиликка бардош беролмай энгил-елпи йўллари излайдилар? деган изтиробли саволлар пайдо бўлади ва уларга ижобий жавоб топгим келади. Аммо тополмай, охир-оқибатда, бу ёзувчиларнинг эстетик идеали тиниқ эмаслигига ишончим ҳосил бўлади. Ёзувчи Саломат Вафо ҳикоячи-қаҳрамони Салтанат Маҳмудова нигоҳи билан нуқул ҳаётдаги қора доғларни, ахлоқий бузуқликни, ишончсизлик, алдамчилик, менсимаслик, инсонни ва унинг ҳақуқларини камситиш каби иллатларни кўради. Салтанатнинг тан олишича, унинг умри фақат “йўлларида, аросат ва қувғинда” ўтди. У ҳеч кимдан яхшилик, меҳр-оқибат кўрмайди, ҳамдардлик кўрсатганларга эса (масалан, Мақсуда опага) бўйин эгмайди. Унинг нуқтаи назаридан қаралса, бу дунёда, умуман, соғлом, келишган, ақлли одам ҳам, дурустроқ нарса-буюм ҳам йўқ. Ҳатто идеалидаги ошиғи Султонбек телефонда ҳол-аҳвол сўраганда ҳам унга йигитнинг “сўзлари самимийга ўхшамас, қандайдир баландпарвоз” гаплар бўлиб туюлади. Салтанатнинг ишонч билан айтишича: “Бугунги куннинг моҳияти: ҳеч кимга ишонмаслик, барчага шубҳа билан қараш”дан иборатдир. Ваҳоланки, қаҳрамоннинг ўзи бирон марта ҳам: “Хўб, мен ўзим кимман? Нима қиляпман?” деб ўйламайди. Салтанат ўзини-ўзи таҳлил этиш қобилиятидан маҳрум образдек таассурот қолдиради. У роман воқеалари тизимида қўшиқчи-шоира, журналист, мардикор, фоҳиша, маҳбус, бозорчи, ароқхўр, бемор каби турли қиёфаларда кўринадими, бироқ на оилапарвар аёл, на болаларига меҳрибон она, на эрига вафодор хотин, на курашчи шахс сифатида намоён бўлмайди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам уни имон рамзи бўлган Мадина тарк этиб кетгандир?

“Адабиёт йўл бошига қўйилган кўзгудир”, деган эди ёзувчи Стендаль. Бу кўзгуда қандай қиёфани кўрсатиш санъаткорнинг маҳоратига боғлиқ. Кўзгуда аён бўладиган инсон қиёфаси нечоғлиқ ёқимли, нурли, тиниқ бўлса, унга қараган одам қувонади, ўзини ўнглашга уринади. Аксинча, бадбашара, ахлоқсиз, шаллақи ва беҳаё бўлса, киши ундан жирканади. Ана шу қабул қилишнинг икки усулидан қайси бирини танлаш ёзувчининг эстетик идеалини ёрқин кўрсатувчи восита ҳисобланади. Зулфия Қуролбой қизи ва Саломат Вафо яратган образлардан китобхон ҳам ибрат олади, ҳам жирканади.

Муаммо ва ечим

Роман ёзувчидан узукнинг кичкина кўзига бутун бир оламни сиғдира олиш ва уни турли рангларда акс эттира билишдек ғоят мураккаб меҳнатни талаб қилади. Роман ёзишга киришган ижодкор бир пайтнинг ўзида ҳам заргар, ҳам дурадгор, ҳам сангтарош, ҳам архитектор, ҳам синчи бўлиши керак. Адиб бу касб эгаларига хос барча хусусиятларни ўзида мужассам этмоғи лозим. Токи, у яратган асарда заргарнинг зийраклиги, дурадгорнинг донолиги, сангтарошнинг сайқали, архитекторнинг ақл-фаросати, синчининг саралаш туйғуси акс этиб турсин. Асарларни шу нуқтаи назардан кўздан кечирсак, ҳозирги ўзбек насрининг баъзи ютуқ ва камчиликлари аён бўлади.

Романда, энг аввало, муаммо қўя билиш муҳим аҳамиятга эга. Роман эпик турнинг энг йирик жанри бўлганлигидан унда кўтариладиган муаммо ҳар қандай замонда ҳам, шароитда ҳам долзарблиги ва замонавийлигини йўқотмаслиги керак. Ҳаёт инсоният олдига ҳар куни, ҳар соатда янги-янги муаммоларни кўндаланг қиляпти. Бу муаммолар вазнига кўра энгил ёки залворли, кўламига қараганда катта ёки кичик, аҳамиятига кўра арзирли ёхуд арзимас, моҳиятига нисбатан ўтқинчи ёки доимий, йўналиши жиҳатидан умуминсоний ёки шахсий бўлиши мумкин. Гап унинг адиб томонидан танлай ва қай да-

ражада ифодалай ҳамда жамият манфаатлари билан боғлай олишидадир. Чунки инсон жамиятнинг бир винти экан, унга дахлдор муаммо, шубҳасиз, бошқа механизмларнинг ҳам нормал ҳаракатланишига таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан биз таҳлил доирасига тортган асарларнинг аксарияти қўйилган муаммонинг романтик аҳамиятга эгаллиги, замонавийлиги ва ғоятда долзарблиги билан ажралиб туради. Бироқ, очиғини айтганда, уларнинг ечими бир хил савияда эмас.

Нормурод Норқобилонинг “Дашту далаларда”, Туроб Мақсуднинг “Илинж”, Жаббор Халилнинг “Довул” ҳамда “Тақдир бекатлари” сингари асарларида кенг маънода олганда, инсон ва табиат, инсон ва жамият, яхшилик ва ёмонлик каби адабиётнинг кўҳна ва азалий муаммоларига мурожаат қилинган. Албатта, бу муаммолар умумий характерга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ижодкордан заргарона зийраклик билан зарур қирраларини ажратиб олишни, синчилик салоҳияти билан ўқувчига маъқул томонларини аниқлашни, архитекторлик ақлини ишлатиб, нимани қаерга ўрнатишни талаб қилади. Бўлмаса, асар шиширилган шардек ҳавойи, танланган қаҳрамонлари эса муаллақ бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Масалан, Нормурод Норқобилов инсон ва табиат муаммосини кўтарар экан, уларнинг бир-бирисиз яшолмаслигини, бир-бирини тўлдирадиган ягона вужуд эканлигини ифодалаш мақсадида, роман бошланишидаёқ, ўқувчининг кўз ўнгида инсон табиат ва ҳайвонот олаmidан иборат уч қатламни намоён қилади. Бу қатламларнинг ҳар бири аниқ тимсоллар орқали гавдалантирилади. Инсон қиёфасида табиатни тушунган, уни асраб қолиш учун ўзини масъул деб билган Эшқул полвон; табиат тимсолида кўм-кўк майсалар билан қопланган қиру адирлар, бепоён дашту далалар; ҳайвонот олаmidан бўри, тулки, итлардан тортиб, юмронқозиқу қурт-қумурсқаларгача... Уларнинг ҳар бири муаммонинг маълум бир қиррасини ечишга беминнат кўмаклашади. Ёзувчи бу уч қатлам ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблиги ва зиддиятларга бойлигини ҳам теран тасвирлашга эришган. Ёзувчи асарида тасвирланган инсон ўз “мен”ини йўқотмаган ҳолда табиат билан очиқ мусоҳабага киришади. Албатта, бундай мусоҳабада ёзувчи табиатнинг инсондан кучли эканини эсдан чиқармайди. Аммо, бу ғояни асарига зўрлаб ҳам киритмайди, балки воқеалар силсиласидан табиий равишда сизиб чиқишига эришади.

Туроб Мақсуд эса ўз романида эзгулик ҳар доим ёвузлик устидан ғолиб чиқиши муқаррар эканлигига инсон кўнглида туғилган озгина илинж туйғуси ҳам асос бўлишини ифодалашни мақсад қилиб олган. Бу мақсадни бадий жиҳатдан ифодалаш учун антиқа исм ва қиёфага эга бўлган қаҳрамони Ҳайбатнинг ҳаёт йўлини танлайди. Ота-онасининг кимлигини билмай, болалар уйида вояга етаётган Ҳайбатнинг мурғак кўнглида қуйидаги илинжлар куртак ота бошлайди: биринчиси, **меҳр илинжи**. У дунёга келган кунданоқ инсон меҳрига муҳтож бўлиб яшади, она кўксини эммади, илиқ кучоғида эркаланиб ётмади, алла эшитмади. Болалар уйида гап эшитиб, калтакланиб, четга сурилиб ўсди. Шу меҳрдан униб чиқадиган иккинчи илинж – **аёл зотиға муҳаббат, уни асраш ва умрини узайтириш**. Чунки у онам мени туғибоқ оламдан ўтган деб ўйларди. Шу сабаб ўқувчилик пайтидаёқ унинг тарафини олган тенгдоши Донохонга бир умр қаттиқ меҳр қўйди, уни унутмади ва унга интилиб яшади. Учинчиси, **илмға интилиш илинжи**; У инсоннинг умрини узайтириш йўллариини ўрганди. Устози академик Улуғ Барака (кейин отаси бўлиб чиқди) илгари сурган ген масаласини ривожлантириб, фанда кашфиёт яратди, яъни, **ўлган одамни ҳаётга қайтарди**. Бу унинг **тўртинчи илинжи** эди.

Ёзувчи ўзининг илмий мантиққа асосланган ғоявий-бадий ниятини турли тасвирий санъат элементлари ва геометрик чизгилар ёрдамида баён қилади. Улар орқали инсон организмда зурриётга тегишли эзгулик ва ёвузлик унсурлари мавжудлигига, уларнинг қачондир, кимдадир пайдо бўлиши мумкинлигига эътиборни тортади. Бунинг ёрқин мисоли Ҳайбатнинг ўзидир. Маълум бўлишича, Ҳайбат бутун умри ва илмий қобилиятини инсон генини аниқлашга сарфлаган йирик олим Улуғ Барака билан яна бир истеъдодли олима Малика Ражабнинг никоҳсиз туғилган ўғиллари бўлиб чиқади. Бироқ улар ўртасидаги муносабатлар ўқувчини ишонтира оладиган даражада аниқлик касб этмайди. Шу билан бирга инсон зурриётига оид муаммолар моҳиятини янада чуқурроқ ва ишонарлироқ очиш учун ёзувчи биологик, зоологик ҳамда физиологик фанлар нуқтаи назаридан ёндашуви, бундай кашфиётнинг илмий-фалсафий асосларини янада мукамалроқ ўрганиши зарурга ўхшайди.

Жаббор Халил ҳам ўз романлари марказига жамият ва инсон, зулм ва адолат, тазйиқ ва умид каби масалаларни қўяди. Жумладан, “Довул” романида XX аср бошларидан то янги асргача бўлган давр мобайнида шаклланган уч хил тузум – чор Русияси, шўролар ҳокимияти ва мустақиллик даврида яшаб, бахтсизликдан бахтга, қулликдан озодликка томон борган уч авлод тақдири ёритилади. Ана шу авлодлардан ҳар бирининг ҳаёти, яшаш тарзи, кураши ва интилишлари мақсадга мувофиқ равишда махсус бўлимларда баён қилинади. “Оқар дарёлар” деб номланган бўлимда биринчи авлод вакили Боёрнинг Шаҳрисабз беги томонидан ўн икки қишлоқни ўз тасарруфига олган Сахвант музофотига аминлик лавозимига тайинланишидан то ўлимигача бўлган давр қамраб олинган. Ўтган асрнинг энг мураккаб 30-70 йиллар воқеаларига ишора қилинган “Дардли чўққилар” қисмида иккинчи авлод вакиллари Ҳамиджон, Ғанижон, Саминжонларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиш учун уринишлари, ўқиш ва ишдаги баъзи қийинчиликлар ифодаланади. Бу қисмда кўпроқ отаси Боёр аминнинг орзу-умидларини амалга ошириш ниятида қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлиб етишган Ғанижон фаолияти асосий ўринни эгаллайди. “Интилиш” деб номланган учинчи бўлимда ана шу Ғанижоннинг уч ўғли ўқитувчи Раҳмонали, колхоз раиси Шарифжон, дастлаб ўқитувчи, кейинроқ махсус ташкилот ходими бўлиб етишган Шавкатжонларнинг 70-90-йиллардаги ҳаёти, “пахта иши” оқибатида тортган азоблари, мустақиллик эълон қилиниши муносабати билан ҳамма нарсанинг ўз жойига тушиши, уларнинг дарҳол тадбиркорга айланиб кўплаб заводлар куриши, бой-бадавлат бўлиб кетишлари, ота-боболари етишмаган орзуларга болаларнинг етишганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Бироқ, романда зиддиятли воқеалар, характерли тўқнашувлар жуда силлиқ кечади. Масалан, эндигина 20-22 ёшга кирган Боёр аминлик лавозимига тайинлангандан кейин барча хайрли ишларини осонгина амалга ошираверади. Вилоятни қаттиққўллик билан бошқариб турган рус ноибни унамаса ҳам, маблағ ажратмаса ҳам халқ ҳашарини ташкил этиб, канал қазийди, узумзор, мевазор боғлар ташкил этади, одамларга сарҳат кўрсатади, камбағалларни қўллаб-қувватлайди. Тўғри, ана шундай адолатли, меҳр-оқибатли мансабдор ота-боболаримиз тарихда бўлган, бироқ уларга осон бўлмаган, ахир. Амин эса ҳеч қандай тўсиққа учрамайди. Ҳатто уни аминликка тайинлаган Шаҳрисабз беги ҳам кейинроқ воқеалар силсиласидан бутунлай чиқиб кетади.

Афсуски, кейинги авлод вакиллари ҳам ўз ниятларига етиш йўлида жиддий тўсиқларга учрамайдилар. Ваҳоланки, русларга қарши кураш олиб борган зотларнинг болаларига шўролар даврида осон бўлмаганлигига тарих гувоҳлик беради. Ушбу асарда қарийб чорак кам бир асрлик мураккаб даврнинг чирсиллаб турган муаммоларини танлаб олиш ва аниқ образлар тимсоли орқали тасвирлаб бериш маҳорати етишмайди.

Худди шундай майда-чуйда масалалар атрофида ўралашиб қолиш қусури “Тақдир бекатлари” романи структурасига ҳам дахлдордир. Ёзувчининг бу романи ҳам воқеаларнинг силлиқ ривожланиши, қаҳрамони Жавлон Алиевнинг йўлида учраган тўсиқларни осонгина енгиб ўтиши, қадам-бақадам муваффақиятга эришиши билан ўқувчини “лол” қилади. Ҳар иккала романда ҳам муаллиф баёни қуруқ ахборот, ечим эса ғоят баландпарвоз публицистик оҳанг, ҳамду санолар билан тугайди. Тасвирда бадиийликдан кўра мақоланавислик усули устун туради. Ёзувчида ғоявий ниятини ифодалашга хизмат қиладиган воқеаларни саралаш маҳорати етишмаётганлиги сезилади.

Бадиий асарда воқеанавислик энг жиддий қусурлардан бири саналади. Ёзувчи воқеаларни бирин-кетин қалаштириб ташлаш ва ҳиссиз баён қилишдан эҳтиёт бўлиши лозим. Чунки қаҳрамон кўп воқеалар юки остида қолиб, муаллифнинг асосий ғоявий ниятини ечимга қадар кўтариб кетолмай қолади. С.Вафо, Ж.Халил, Ҳ.Темиров, Н.Исмоилов, Н.Ҳошимов, М.Исмоилов каби ёзувчиларнинг асарларида ана шу қусур кўпроқ кўзга ташланади. Бунинг устига улар яратган персонажлар кўпинча муаллифнинг қарнаи бўлиб хизмат қиладилар. Асар муаллифи нимани хоҳласа, шуни айтдилар, қандай ишни буюрса, ўшани бажарадилар ва охир-оқибатда ўзига хосликдан маҳрум бўладилар. Тўғри, асар учун танланган персонажлар одатда, ёзувчининг ғоявий ниятини ўқувчига етказиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бироқ, чинакам ёзувчи ўз қаҳрамонларини нима ишни бажаришга, қандай гапни гапиришга мажбур қилиши кераклигини билиши нечоғлиқ муҳим бўлса, нималарни қилиш ёки қандай сўзларни гапиришга мажбур этаолмаслигини билиши ундан ҳам муҳимроқдир. Бадиийлик меъёри шуни талаб қилади. Меъёрни ҳис қилмай туриб ҳақиқий санъаткор бўлиш мумкин эмас.

Унутмайликки, адабиёт ҳар доим поклик, гўзаллик, адолат, ҳақиқат, имон ва эътиқод кўзгуси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоғи лозим. Ёзувчи ҳар қандай разолат ва қабоҳат, ифлослик ва имонсизлик, разиллик ва ахлоқсизлик заминида ўзининг покиза эстетик идеалини илгари суришни унутмаслиги шарт. Бусиз ўқувчини эзгулик руҳида тарбиялаб бўлмайди.

Конфликтсизлик касри

Бадий асарда инсон ҳаётининг мураккаблигини, жамият билан унинг манфаатлари ўртасидаги келишмовчиликлар, норасолик ва номутаносибликни реал тасвирлаш учун ёзувчида туғма истеъдод бўлишидан ташқари, менинг назаримда, буюк жасорат ҳам бўлиши шарт. Ҳозирги ёзувчиларнинг айримларида ана шу жасорат етишмаётгандек туюляпти. Воқеалар силсиласида зиддиятлар ўпқонига чуқурроқ кириб бориш имкониятлари туғилган жараёнда муаллиф қаҳрамонини бундай гирдобга отишдан ҳайиқаётгандек, ўзини эҳтиёт қилаётгандек таассурот туғилмоқда. Қарама-қаршилиқлар таҳлилини чуқурлаштириш ўрнига, енгил-елпи эпизодлар баёнига ўтиб, ундан четлашиш, вазиятни юмшатиш ҳоллари юз беряпти. Бунинг оқибатида, асар воқеалари тизимида заифлик, айтиш жоиз бўлса, жарлик, характерлар динамикасида суслук пайдо бўляпти. Айрим асарларни мутолаа қилиб, воқеаларнинг бир текис ва силлиқ кечаётганини кўргач, ҳаёлимга ўтган асрнинг эллигинчи йилларида пайдо бўлган конфликтсизлик касаллиги қайталанмаяптими, деган хавотир келади.

Конфликт бадий асар сюжети учун мотор вазифасини бажаради. Усиз сюжет механизми ҳаракатга келмайди. Мабодо, узоқ сафарга чиқилса-ю, ярим йўлда мотор ишламай қолса ёки фаолияти сустлашса, киши кўзланган манзилига етиб боролмаганидек, асар конфликтни воқеалар давомида бўшашса, ёзувчи ҳам ғоявий ниятига етолмайди. Ҳар бир бадий асар ҳам яхши маънода ўқувчи қалбига уюштирилган сафардир. Бу сафарда турли-туман ҳодисалар, яхши-ёмон одамлар, ўйдим-чуқурлару кескин бурилишлар учраши табиий. Агар асар сюжети ғоялар, қарашлар, характерлар, гуруҳлар ўртасида рўй бераётган қарама-қаршилиқлар асосига қурилмаса, бундай асар таъсирчан бўлмайди. Бинобарин, ҳаётини ҳақиқатнинг аниқ ва изчил ифодаланиши зиддиятларнинг моҳияти ва ишонарлиги билан ўлчанади. Аини чоғда, инсон қалбида юз бераётган тўқнашувлар ҳам ифодаланаётган муаммо ва характернинг янада ишонарлироқ чиқишига кўмаклашади. Кейинги йиллар насрида инсоннинг ички кечинмаларини жиддий қарама-қаршилиқлар асосида тасвирлашга эътибор берилган бежиз эмас.

XXI аср бошида яратилган асарларга шу нуқтаи назардан қаралса, кўплаб маҳоратли адибларимиз конфликтнинг ранг-баранг турларидан унумли фойдаланиб, таъсирчан ва қизиқарли сюжетлар асосига қураётганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Аини чоғда, сунъий ҳамда ишониб бўлмайдиган уйдирма воқеалар тўқиб чиқарилаётган асарлар сирасига ҳам дуч келамиз. Баъзи адибларда зиддиятларни чуқурлаштириш имконияти туғилганда ҳам уни ривожлантира олмаслик, тўқнашувларни енгил-елпи йўллар билан ҳал этиш, қаҳрамонларни оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтказишга уриниш қусури сезилади.

Шуларни ўйлаганимда, Нормурод Норқобилов, Туроб Мақсуд, Жаббор Халил, Зулфия Қуролбой қизи, Саломат Вафо, Ҳабиб Темиров каби адибларнинг сюжет қуриш ва конфликт яратиш борасидаги ўзига хос ютуқ ва камчиликлари кўз ўнгимга келади. Бадий асарда дастлаб воқеаларни ривожлантиришга ёрдамлашадиган тугунни ўртага ташлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар шу тугун асарнинг барча персонажларини, улар билан боғлиқ эпизодларни бирлаштириб, конфликтни ривожлантирса, воқелик сўнггига қадар тизгинни маҳкам ушлаб тура олса, асар композициясининг яхлитлиги таъминланган бўлади. Шу жиҳатдан ўқувчи илк саҳифаданоқ “ўзи тунд ва ҳафсаласиз бир қиёфада” юрган чехраси ғамнок Тўланбой (“Дашту далаларда”); “ҳаяжонли, иккиланган бир ҳолда оқ қоғозга аллақандай шакллар чизаётган” Ҳайбат (“Илинж”); “Эшикдан кирган заҳоти чор атрофга турли майда-чуйдалар сочилган, жавон ғаладонлари очилиб кийимлар ивирсиб” ётганини кўриб “юраги шувиллаб” кетган Салтанат (“Оворанинг кўрган-кечирганлари”); бир неча кундан бери “қалбига чироқ ёқса ёришмай, ишлари ҳам юришмай” изтироб чекаётган Жавлон Алиев (“Тақдир бекатлари”)лар билан

учрашганида хаёлига дарҳол: “Нега?” деган савол урилади. Табиийки, бу савол уни асарни тезроқ мутолаа қилишга ундайди. Жавобни топгач, баъзиларидан қониқади, баъзиларидан эса қониқмайди.

Гарчи бошқа асарларда сюжет тугуни бу қадар кескин тарзда қўйилмаса-да, воқеалар марказида асосий ўрин эгаллаган персонажлар ҳаётидаги муҳим ўзгариш, бунинг натижасида инсон кайфиятида пайдо бўлган қувонч ёки ташвишлардан хабар бергувчи диалоглардан бошланади. Масалан, Зулфия Қуролбой қизининг “Армон асираси” романи эр-хотиннинг янги уйга кўчиб келишганидан ниҳоятда хурсандлиги, оилада кўпдан бери бунақа шодлик ва мўл дастурхонни кўрмаган болаларнинг шовқин-сурони, эртага бундан-да яхши яшаш ҳақидаги орзулари, “Машаққатлар гирдоби” асари эса аксинча, бош қахрамон Давроннинг “Бир қолипга тушиб қолган ҳаётини бирданига бир юз саксон градусга ўзгартириб юборган” эр-хотин ўртасидаги можаро ва бунинг натижасида эрнинг уйдан бош олиб чиқиб кетиши-ю, ўзини машаққатлар гирдобига отиши билан бошланади. Ҳабиб Темировнинг “Қасос ва муҳаббат” романининг биринчи китобида никоҳ кечаси келиннинг қочиб кетиши ҳақидаги хабардан воқиф бўламиз. Булар, шубҳасиз, ўқувчида қизиқиш уйғотади ва уни воқеаларнинг давомини тезроқ билиб олишга ундайди.

Албатта, бадиий асарда ташланган сюжет тугуни конфликтнинг кескинлашуви ҳамда муаммонинг ечимига мустаҳкам пайванд қилингандагина асар макроструктураси яхлит ҳолга келади. Шу жиҳатдан қараганда, Нормурод Норқобилов, Туроб Мақсуд кабиларнинг воқеликка ижодий ёндашуви ибратлидир. Масалан, Тўланбойнинг дил-гирлиги, қиёфасининг тундлиги, Ҳайбатнинг ҳаяжонли ҳолати, айнаи чоғда, иккиланиб, қоғозга аллақандай мавҳум шаклларни чизаётганлиги сюжет охиригача сир тутилади. Ёзувчилар баъзан ўқувчини бошқа воқеалар билан алаҳситиб, четга чиқаётгандек туюлади. Аммо, бу чекинишлар бежиз бўлмай, улар қахрамонларнинг сирли ҳолатини тўлдиришга, янги тугунчалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Тўланбойнинг кўзи тасодифан қопқонга илинган тулқига тушгач, унинг терисини шилиб, азоблаб ўлдиришни ўйлайди (худди аламини тулқидан олмоқчидек). Ҳайбат эса “чуқур хаёлга чўмган” ича “хона ўртасидаги диванда ётган” оқ чойшабдаги гавдани очади. Унда гўзал бир қиз ётарди. Муаллифлар томонидан киритилган бу қўшимча деталлар асосий тугун кўламини янада кенгайтиради, персонажлар қиёфасига янги чизиклар тартади, ўқувчида қўшимча саволлар пайдо қилади. Бу саволларига фақат асар охиридагина жавоб олади. Унгача китобхон қалбида ҳаяжон ва қизиқиш ошгандан-ошиб бораверади.

Ҳабиб Темировнинг роман-дилогиясида ҳам Русияга қатнаб, осонгина бойиб кетган “янги ўзбек” Миртожининг ажабтовур саргузаштлари ҳикоя қилинади. Роман чиндан ҳам саргузашт-детектив асарларга хос эпизод билан бошланади. Миртожибой қизи Лайлони ўзи сингари “янги ўзбек” бойларидан Қолдибекнинг ўғлига унаштириб, шаҳарнинг энг машҳур ҳашаматли маданият саройида ўтказилаётган тўйда куёв-келинларни кутишмоқда. Бир пайт, худди ҳинд кинофильмларида акс этганидек, тўйхона олдига “бир қоп-қора “Нексия” елдек учиб келиб эшик олдида ғийқиллаб тўхтади” да, “Ундан бўғриқиб, нафаси бўғилиб кетган куёв тушиб, отаси томонга чопди”. Маълум бўлишича, келин қочиб кетибди! Худди ўша фильмлардагидек бой қудалар бир-бирини юпатади, таскин беради ва... бир оздан сўнг тўй бинойидек давом этади. Орадан озгина ўтгач, “оппоқ ҳарир либосли, юзига бежирим кашмири чачвон тутган келин” ва куёв қўлтиқлашиб, тўйхонага кириб келадилар. Демак, ҳамма нарса жойида, келин топилибди-да! Аксинча, жойларига ўтиргач, куёв “қайлиғига ўпқалаган тарзда ўгирлиди ва унинг чачвонини оҳиста кўтарар экан... қотиб қолди. – Ие, – деди у сал бўлмаса йиқилиб тушай деган аҳволда. – Сиз... бошқа-ку!” Келин эса уялиш, хижолат тортиш ўрнига ҳали бирон марта кўрмаган куёвигача – “Жим! – деди *таҳдидли* овозда. – Жим ўтиринг! Мен ўшаман! Мен... кейин тушуниб оласиз”, дея пўписа қилади. Кейин аниқланишича, бу янги келин Миртожининг кичик қизи Шахло экан.

Кейинги воқеалар бундан-да ғаройиб! Лайло топилгач, уни опқочиб кетган Нозим билан келишиб тўй кунини белгилайдилар. Буни қарангки, энди бу гал куёвтўра қочиб кетади! “Янги ўзбек” бойи Миртожи бу галги шармандалиқдан ҳам осонгина кутилиш йўлини топади – ёрдамчиси Қўшоқбойнинг югуриб-елиши туфайли бирпасда “ижарачи” куёвни олиб келади-да, келиннинг ёнига ўтқазиб қўяди. Асар воқеаларини бу каби янги эпизодлар билан бойитиш, аслида, конфликтнинг янада кескинлашувига, қўшимча ту-

гунлар ва тўқнашувларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Шубҳасиз, ўқувчи хаёлида энди бу “янги келин-куёвлар”нинг ҳаёти қандай кечади? Ахир, улар Отабек билан Кумуш эмаски, бири: “Мен ўшаман...” деса, бошқасининг кўнгли жойига тушиб, енгил тин олса?! Айниқса, ўзининг эндигина етишган чинакам эри ўрнида бутунлай бошқа эр-какни кўрган Лайло қай аҳволга тушди экан? Мабодо, ижарага олиб келинган бу “куёв” тўйдан кейин кетмасдан “шу менинг хотиним. Мана, ҳамма гувоҳ, ундан ажрашмайман” деб туриб олса, нима бўларди? Ахир, у қўли калта етимча, бировларнинг эшигида ишлаб кунини ўтказиб юрган йигит экан-ку?! деган саволлар туғилади. Бироқ, воқеалар на биз, на қаҳрамонлар истаган йўналишда эмас, балки ёзувчининг хоҳиш-истагига кўра ривожланади. Персонажлар унинг амрига сўзсиз бўйсуниб ҳаракат қиладилар. Ҳамма нарса осонгина ҳал бўлади: Қолдибекнинг ўғли “кейин тушуниб олади”, “ўша” келин билан тинчгина яшай бошлайди ва, умуман, воқеалар силсиласидан чиқиб кетади. Яхшики, “ижарагир” куёв Мардибой исми жисмига мос “мард” йигит экан, ролини муваффақият билан бажаргач, хизмат ҳақини ҳам олмай кетаверди.

Бу мулоҳазалар роман муаллифи бадиий адабиётнинг миллийлиги, характер мантиқи, воқеалар ҳаётийлиги ва изчиллиги каби муҳим мезонларига етарли риоя қилмаганлигини кўрсатади. Назаримда, Ҳабиб Темиров ўйлаб топилган бундай уйдирма воқеалар билан ўқувчиси кўнглини олишни, персонажларнинг худди режиссёр топширигини бажаришга мажбур бўлган актёрлар сингари қабул қилишини хоҳлайди, шекилли. Аммо, режиссёр актёрлардан асардаги қаҳрамон характери мантикидан келиб чиққан ҳолда роль ижро этишини талаб қилса, роман муаллифи персонажларни ўзининг ғоявий ниятига қараб роль ўйнашларини талаб қилмоқда. Дарвоқе, нутқда бадиийликдан кўра газета ахбороти, қуруқ баёнчилик ҳам асарнинг бутун мазмунини сусайтириб қўйгандек туюлади.

Хуллас, XXI аср мамлакатимизнинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида янги саҳифалар очганлиги аниқ-равшан кўриниб турибди. Бундай ривожланган юртда маънавий-маърифий жабҳанинг кўзгуси бўлмиш бадиий адабиётнинг умумий юксалишдан ортда қолиши ярашмайди. Бу оғир вазифани ҳал этишда ижод аҳлининг масъулияти жуда катта. Бунинг учун адабиёт намоёндалари халқ ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этмоқлари зарур. Масъулиятни ҳис этиш эса кишининг онги, дунёқараши билан боғлиқ. Яратилажак “Бадиий асар, энг аввало, ёзувчи тафаккурининг мевасидир” (Чингиз Айтматов), буни чин дилдан ҳис қилган ҳар бир адиб қўлига қалам ва қоғоз олишдан олдин ўз олдига: “Мен маънавий жиҳатдан юксалиб бораётган халқимга, жаҳонга бўй чўзаётган ёш авлодга, ўзлигини англаб етган ўқувчимга нимани, қандай шаклда айтишим керак? Менинг сўзларим унинг келажагида қандай роль ўйнайди? Кўзлаган мақсадидан қайтармайдими? Танлаган тўғри йўлидан чалғитмайдими?” деган саволларни қўйиб, уларга масъулият билан жавоб изласа, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бунинг учун ёзувчи ҳаётга некбин кўз ва ёниқ муҳаббат билан қарамоғи керак. Токи, унинг тафаккури ҳосили ҳисобланган бадиий асар хом-хатала ва тахир мева сингари харидорнинг иштаҳасини бўғмасин. Бундай вазиятга тушмаслиги учун ижодкор яратилажак асари устида тинимсиз меҳнат қилиши, ҳаддан зиёд кўп тер тўкиши талаб этилади. Зеро, шошма-шошарлик адабиётга ҳеч қачон наф келтирмаслигини, ҳақиқий санъаткор учун кўп ёзишдан кўра, ҳў ёзиш афзал эканлигини билиши шарт. Бунинг учун ҳақиқий ижодкор халқининг дарду ғами билан яшаши, уни чуқур ҳис қилиши, ҳаёт қозонида кўпроқ қайнаши, қувончу ташвишларини одамлар билан баҳам кўриши, реал ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлардан илҳомланиши керак.



Юрий БОРЕВ,
Россия Бадий академияси академиги,
филология фанлари доктори, профессор

ИНСОН ҲАМДА ИНСОНИЯТ ҲАЁТИНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ ВА МАЪНОСИ

I

Маданият ва маърифат ҳар доим инсоният тараққиётининг идеалларини, мазмун ва моҳиятини англашга ҳаракат қилиб келган.

*Мен бутун борлиқни мангулаштириб,¹
Дунёни унутиб яшасам – ўтсам!
Ўзлиги йўқларда ўзлик яратиб,
Рўёни чин этиб, йўқни бор этсам!*

Александр Блок фикрича, инсоният мақсади – дунё аҳлини одамийликка (инсонийликка) ўргатмоқ. Бу жуда буюк ва ноёб эндемик² ғоя. Жаҳон маданияти хазинасида бошқа бирорта ғоя йўқки, шу даражада кўламдор бўлса. Россияда бу метофизик ғоя кўпларга хос. Пушкин давлатни инсонийлаштириш, Горький инсонни инсонийлаштиришни, Циолковский коинотни, Федоров марҳумлар оламини, Лобачевский фазо ва маконни инсонийлаштиришни, Бернадский одамларнинг ақл-идроки, руҳияти ва маънавияти – ноосферани,³ Станиславский сахнани психологик ҳолатларга, кечинмаларга тўлдиришни, ВХУТЕМАС (санъат илмгоҳи) рўзғор ашё-буюмлари дизайнини, Дзига Вертов инсон нигоҳи орқали кинони, Эйзенштейн кино монтажини такомилга етказишни, Солженицин жамиятни инсонийлаштиришни зарур деб билганлар. Рус маданияти оламни одамийликка чақириб, метафизик мақсадни кўзлар эди.

Пушкин учун инсон ҳаётининг олий мақсади ва моҳияти муҳимдир. Агар идеаллар бўлмаса, "... ҳаётимиз ғафлат уйқусидир, гўё фалакнинг замин устидан масхаралаш каби". Бу тарихий-фалсафий мулоҳазалари маркази "Мис чавандоз" асаридир. Поэмада шахс ва давлат муносабатларининг юксак идеали ҳақида гап боради. Бу муаммони Пушкин икки бош қаҳрамоннинг ҳаёт моҳиятини қандай тушунишларини таққослаш орқали ҳал қилади.

Ҳаётнинг икки дастури, икки мақсади, икки моҳияти.

1. Пётр I нинг "мўъжиза яратувчи" дастури:

*Шунда туриб, шведларга солгаймиз қутқу,
Янги шаҳар қуражакмиз мисли тош, оташ.
Бу – азалдан буюрмишдир, бермайди уйқу
Бурни осмон қўшни билан қасма-қасд яшаш.
Барча очмоқ истагида – Оврупага боқ,
Оёқларни маҳкам тираб дарё бўйида.
Биз томонга сузаётган тўлқин куйида,
Бизникида меҳмон бўлар кўпдан-кўп байроқ.*

¹ Шеърлар Ойгул Суюндикова томонидан таржима қилинган.

² Эндемик – маҳаллий, жайдари, маълум бир жойга хос.

³ Ноосфера – табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабати маҳсули.

Пётрнинг дастури буюк давлатчилик, оқилона ташқи сиёсат, иқтисодий ривожланишни кўзда тутувчи мақсадларни ўз ичига олади. Аммо у орқали шахс муаммоларига чиқишнинг йўли йўқ.

2. Оддий одам Евгенийнинг ҳаётий дастури:

*Уйланиш? Менгами? Нечун бўлмасин?
Инчунун, оғирроқ кечади албат.
Ва лекин мен ёшман, соғломман, бетин
Меҳнатдан қочмайман, у – менга одат.
Қуриб олажакман ўзимга оддий,
Камтарин, осуда, содда бошпана.
Эркалайман Парашамни, Парашам хушбўй,
Ўтиб кетар билдирмасдан йиллар ҳам ёна.
Ер оламан, балки азиздан азиз
Болаларим ҳамда ширин оилам
Ташвишини суюб, беминнат, бесўз
Қўтаради мен-ла суюк Парашам.
Яшагаймиз бирга бахтли, шодумон,
То қабрга қадар омондан омон.
Қўлни қўлга қўйиб, суюб икковлон.
Набиралар бизни кўмар беғумон...*

Инсонпарвар Пушкин учун кичик одамнинг дастури ҳам, мўъжиза яратувчи программаси ҳам тенг! Фақат уларнинг уйғунлашувигина давлат барқарорлигини ва шахс бахтини таъминлайди. Улар ихтилофи эса, давлат ва ҳокимият учун ҳам, шахс ва фуқаро учун ҳам фожиадир.

Пушкин маҳоратининг буюклиги – мукамал жамият тузиш ҳақидаги оламшумул-тарихий ғоя, давлат ва шахс уйғунлиги зарурати ҳақидаги қарашларини, нафақат асарнинг мазмун ва маънолари орқали, балки услуби орқали ҳам намоён қила олганлигидадир. “Мис чавандоз” услубига ана шу концепция юкланган.

Услуб – мактаб дарслиги тил меъёрларидан четга чиқиш, бадиий тилга кўчишдир. (Р.Барт).

*Яйдоқ йўллар қирғоғида У
Улуғ йўллар далаларига
Турар олис-олис кўз ташлаб.*

“Мактаб тили” да бундай дейиш керак эди: “Кимсасиз қумлоқ қирғоқда Пётр ўй суриб турарди”.

Пушкин эса “мактаб тили”дан четга чиқади... қайси томонга? Қасида (ода) томонга. Яъни, қасида тилида “берег” сўзига жиддий поэтик маъно юкланган, шунингдек, “пўпчик босган ботқоқли соҳилда” дейилган. Қисқаси, поэмада бошдан-оёқ қасида тили билан одатдаги иборалар қўшилиб кетган. Якуни қуйидагича:

*... Девонамни остонамда
Топдилар менинг.*

Шундан кейиноқ СОВУҚ (қасидабоп сўз! – Ю.Б.) МУРДА (жасад)ни (одатий сўз! – Ю.Б.) ҳам
Топширдилар раббим қўлига.

Поэма услуби – қасидавий сўзлар ва одатий сўзлар қўшилиувидан иборат.

Қасида услуби – одатий сўзлар Пётр (ҳукмдорлик, давлатчилик) ва Евгений образини (шахс, фуқаро) шакллантиришга ёрдам берган. Уларнинг уйғунлиги поэма услубини ташкил қилиб, унга гўзаллик бағишлайди, воқелиқда эса ҳукмдор ва халқ бирлашуви давлат ва ҳукмдорни ҳам, оддий одамларни ҳам барқарор бахтли ҳаёт билан таъминлаши мумкин.

Уйғунликни ниҳоят хунук шаклда бузиб, Мис ҳайкал Евгенийни, “Ҳаф сеними, қараб тур!” деб дўқ ургани учун, ўч олиш мақсадида уни қувлай бошлайди.

Мис чавандоз – зиддиятли образ, унда Пётр ва рус давлатчилиги билан халқ қарама-қаршилиги акс этган. Пушкин тилида мис – эстетик жиҳатдан салбий тусда берилган:

*Қанча – қанча, о, мис қалблару
Ҳатто қанча беор ғариб, ёт
Олмоқ бўлар мендан ҳамиша
Унутилмас муҳр, таассурот.*

Мис – салбий тавсиф. Лекин чавандоз, оддий отлиқ эмас, балки – рицар. Пушкин Николай I ҳақида “подшо рицар эмас” дея беихтиёр айтиб юборган, аслида Пушкин учун Пётр – рицар.

Фальконе ясаган ҳайкал (Мис чавандоз) бронзадан ишланган. Пушкин чавандози эса, айна бир вақтда, мисдан, бронзадан ва темирдан. Чавандоз мисдан, аммо бронзадан ҳам дейилади (“бронза отдаги маъбуд”). Тош йўлдан силкиниб, оғир жангга чопқир туёғи товушин эшитардик биз. Бронза – жангдор, асл металл. Аммо мис чавандоз айна пайтда темир. (“Оҳ, қудратли тақдир ҳукмдори... Темир юган жилов ила Россияни оёққа кўтардинг”). Бу Пётрнинг иродаси ва бунёдкорлик қудратига берилган баҳо. Пушкин рус давлатчилигини мақтайди. Барча иллатларига қарамай, Пушкин Россия мустақиллиги ва яхлитлигини таъминлади. Бу ерда Пушкин Мицкевич (“Буюк Пётр ҳайкали”) дан бошқачароқ фикрда. Мицкевич учун Мис чавандоз Польша мустақиллигини барбод қилган Рус давлатининг тимсоли. Пушкин эса Россия бошига Польша кунни тушмаслиги тарафдори. Рус ҳарбий қудратини мақтовчи қасида:

*Севаман жангари ҳарбий ҳаётни,
Марсинг-да ғаройиб далаларида.
Пиёда қўшинлар, ҳар учқур отни
Шу ҳаётдай метин ялдоларида.
Улар саф тортади бир текис, равон,
Ғолиблар байроғин баланд кўтариб.
Мис қалпоқ жилваси ёниб, бегумон
Ўтаёттир кураш, навкарлар ортиб.*

Пушкин, давлатчилик фақат шахсагина таяниб яшай олмайди, деб ҳисоблайди. Қудратли давлатни фақат буюк шахс учун ёки бунинг аксича, буюк шахсиз барпо қилиб бўлмайди. Давлат шахс орқали ва халқ манфаатига бунёд этилади. Тарихни шахс ҳаракатга келтиради. Агар инсон шахсий ва ижтимоий ҳаётда қувонч ва бахтга эриша олмас экан, давлат муваффақиятларга эриша олмайди, унинг асоси пуч бўлиб қолаверади.

XIX асрнинг учинчи чорагида бу муаммоларни юксак даражада ҳал қилишдаги уринишлар “Мис чавандоз” бадий концепциясини юксак тарихий чўққига олиб чиқди.

Давлат бўлиши зарур. Давлатчиликнинг йўқлиги ёки унинг заифлиги ёмон оқибатларга олиб келади, бу эса унинг катталашиб кенгайганидан ва тоталитаризмдан ҳам ёмонроқ. Лекин айрим пайтларда давлат ғайриинсоний томонга ривожланади, демак, давлат инсон учун фойдали хусусиятларга эга бўлиши керак. Пушкин исёни тарихан унумсиз, лекин тараққиётнинг айрим ҳолатларида муқаррар содир бўладиган ҳодиса деб кўрсатади.

Бадий маданият тарихий жараёнда парадигмаларни ҳосил қилиш билан қатнашади. Инсоният тарихи – парадигмалар алмашувидир. Инсон, ўз олдида қўйган олий мақсади қадрсизланаётганини сезгач, янги мақсадларни кўзлайди ва унга қараб интилади. Аммо парадигмаларнинг нуқсонлари намоён бўла бошлагач, кескин ўзгариш, яъни таназзул юз беради. Янги давр – янги парадигма демакдир. У жамият тараққиётига ёрдам беради, лекин тез орада у ҳам инқирозга учрайди.

II

Парадигмаларнинг қисқача тарихи.

1. Қадимий давр: инсон ҳалокатли ҳаёт шароитларига қарши чидамли курашчи бўлган, инсон насли давомчиларини омон қолишига қаратилган кураш даври, (қояга солинган расмлар, “неолит даври Венераси”, унинг шаклидан бош вазифаси яққол кўзга ташланади). Қоя рассомчилиги ва қадимий ҳайкалтарошлиқда инсониятнинг омон қолиши: эркакларнинг кўпроқ ов билан шуғулланиши, аёлларнинг эса кўпроқ туғиши (зурриёт қолдириши) зарурлиги акс этган.

2. Антик давр: ватан ҳимоячиси – қахрамон бўлиши зарур (Илиада).

3. Ўрта асрлар: инсон – гуноҳкор банда, чўққиларни забт этишга йўналиш олган ва камолга етгач, дунё саодатига эришиш учун дунё неъматларидан воз кечган – муқаддас зот. (Кёльн ибодатхонаси).

4. Уйғониш даври: инсон – даҳо. Унинг принципи: “Хоҳлаганингни қил!” (Ф.Рабле). Бу парадигма таназзулини Шекспир англаган: Яго “Хоҳлаганингни қил” тамойили билан Отеллони ҳалок қилган.

5. Классицизм: инсон – давлат функцияси П.Конель (Сайид) қиролга оқилона қарамлик – (вассаллик).

6. Маърифатчилик: “айрим ва қисман”, соғлом фикрли – улкан одам миттилар орасида, митти – улканлар орасида (Ж.Свифт).

7. Сентиментализм: сидқидил инсон, кўнги ақлдан кўра ақллироқ (Руссо).

8. Романтизм: шахсиятпарастлик деви беҳаловат дунё тартибларига қарши қайтмас исёнкор; ёвузлик абадий, ёвузликка қарши кураш ҳам – абадий, уни енгиб бўлмайди; лекин ора-сира ҳаловатга эришиш ва омон қолиш мумкин (Байрон).

9. Реализм: инсонда олам акс этган; ўзликни камолга етказиш йўли билан, ёвузликка зўровонлик қўлламай (Л.Толстой), давлат ва шахс уйғунлигига эришиш мумкин (А.С.Пушкин).

10. Социалистик реализм: инсон – қайта қурувчи; ёвузликка қарши инқилобий куч билан оламини қутқарса бўлади, “дунё қон тўкиш билан ўзгариши мумкин” (М.Горький).

11. Модернизм: инсон – умумун олганда – ёлғиз; бу адоватли (Кафка) ва тутуруқсиз (Камо) дунёда ижтимоий тузилмаларсиз яшаш мумкин эмаслигидан қайғуради.

12. Шарқ модели! Инсоннинг ички қўзғалмас оламида – ҳаёт қайнайди. Шарқ маданияти парадигмаси: олий мақсадлар (идеаллар) эмас, балки дао (табиий яшаш йўли).

Жаҳон урушларини бошдан кечирган дунё – портлаш хавфи остида. Совуқ урушлардан сўнг кириб келган янги давр инсоният тарихида биринчи бўлиб мақсадсиз, идеалларсиз ва маъносиз ҳаёт кечирмоқда. Дунёқарашда кора тўйнуқ пайдо бўлди. Бу – ҳаётнинг турли жабҳаларида акс этмоқда. Масалан, кўпчилик сиёсатчилар ўзларини прагматиклар деб ҳисобламоқдалар, ҳолбуки улар стратеглар бўлишлари керак (аммо мақсад бўлмагач, қандай стратег бўлиши мумкин?) ёки, айтайлик, истеъдодли асарлар пайдо бўлмоқда, лекин кейин ўн йилликларда бирорта ҳам буюк асар яратилмади (ҳаётнинг олий мақсади ва идеалларисиз мумкин эмас!) Бошқача айтганда маданият янги даврнинг парадигмасини шакллантириши керак.

XXI асргача ҳаёт парадигмаси – янги типдаги глобаллашувдир. Унга қилич ёрдамида (Македонский), хоч ва қилич ёрдамида (Буюк қирол), янги буржуа тузуми ва милтиқ найзаси ёрдамида (Ленин), иқтисод ва ҳарбий кемалар ёрдамида (АҚШ) эришмоқчи бўлишди.

XXI аср ҳаёт парадигмаси: умуминсоний маданият асосида глобаллашув; турли миллатлар ва давлатчилик шакллари сақлаган ҳолда инсоният наслининг бирлашуви ва тараққиётини таъминлаш, шахс қадрини тиклаш ва мустаҳкамлашдир.

Бу стратегик мақсадга эришув нафақат ижтимоий фанлар, нафақат табиий фанлар, ҳатто технологияга нисбатан ҳам устуворликни таъминлашни талаб қилади. Бугунги кунда инсоният тараққиёти ва яшамоғи, фақатгина янги техника ютуқлари эмас, балки А.С.Пушкиннинг “низоларни бас қилиб, бир оилага бирлашган халқлар” ҳақидаги васияти, Т.Шевченконинг бир оила бўлиб яшаш ҳақидаги орзуси, И.Кантнинг адабий тинч-тотувлик ҳақидаги ғояси, Ф.Шиллер ва Людвиг Бетховеннинг “Миллионлар, қучоқлашинглар!” деган хитоби қанчалик даражада амалга ошишига боғлиқ.

III

Балки ҳаётнинг маъноси кераксиз нарсадир? Ҳаёт ўзича қадрли. Ҳаёт ўзлигича ҳаёт демак; у ўз ҳолича зарурият ва турмуш мукамаллиги эмасми? Ҳа, ҳаётнинг ўз қадри бор. Инсон ҳаётининг эчки ҳаётидан фарқи шуки, у доимо мазмунга интилади, умри сермазмун ўтишини ҳавас қилади. Акс ҳолда Сартр, Камю ва бошқа доно экзистенциалистларнинг ҳозирги ҳаёт беъманиликдир, унда маъно ва мазмун йўқ, деганлари ҳақ бўлиб чиқарди. Гап эчки ҳақида кетганда, балки улар ҳақдир. Лекин мен эчки бўлишни истамайман ва ўзгага ҳам маслаҳат бермайман, ҳатто муҳтожлик нималигини билмайман, зеб-зийнат ичида ким бўлиб яшашга бефарқ бўлган миллионерга ҳам.

Хўш, қандай қилиб маъноли ҳаётга эришмоқ мумкин? Инсон олами бойлар ва камбағаллар, қизиллар ва оқлар, оқтанли ва қоратанлилар, коммунистлар ва антикоммунистлар, ватанпарварлар ва демократлар, славянпарастлар ва ғарбпарастлар, глобалистлар ва антиглобалистлар, диндорлар ва агностикларга бўлинмаслиги керак. “Ўлим ҳақ!” (?) маъносида инсонлар олами ҳаёт моҳияти ва мазмунини тўла англовичи инсонлар ҳамда маъно-мазмунсиз, тугуруксиз ҳаёт кечирувчи одамлар тоифаларига бўлинган. Ҳозирги замон жамиятининг “синфий” асослари, мулкый аҳволдан қатъий назар, шу тарзда бўлинган.

Англаб етганлар тоифасига дайди (Сатин)ни ҳам, миллионерлар (Шукин, Третьяков)ни ҳам, ватанпарвар, демократ ва коммунистларни ҳам киритиш мумкин. Маъноли яшаётган одамни қандай белгилаб бўлади? Қайси хусусиятлар билан? Бойлигимми? Йўқ! Камбағаллигимми? Йўқ! Ақлими? Йўқ! Истеъдодими? Йўқ! Ақл ва истеъдоддан ҳам юқорироқ бўлган эзгулик, яхшилик бор. Ана шу омиллар ҳаётнинг мазмун ва моҳияти томон етаклайди, ақл билан истеъдод эса уни амалга оширишда ёрдам беради. Бундай инсонларни “сермаҳсул одамлар” деб Брехт жуда аниқ гап айтган.

Сермаҳсул инсон ҳаётдан ҳадеб олавермасдан, унга ўз хиссасини ҳам қўшади. Ҳеч бўлмаганда шарқ донишмандлигида айтилганидек, дарахт экади, ўстиради ва уй қуради, китоб ёзади, битта дарахт кесса, ўрнига иккита экади. Нефздан бойиб кетса, албатта шу заминга ва унда яшаётган одамларга бойлигининг бир қисмини сарф қилади. (Йиллар давомида ишчиларга арзимас маош тўлаб, қаҳратон қиш кунлари иситиш ва электр энергиясини ўчириб қўймайди). Тўғри, сермаҳсул инсон ҳам баркамол эмас, фариштадек беғуноҳ бўлолмайди. Қаердадир қувлик қилади, қаердадир ёлғон ишлатади, алдайди. У ҳар доим “ўзим бўлай” (хаскашдек фақат ўзи учун, эгоист қабилида иш тутмайди, ёки бирор нарсасини бировларга бериб юбормайди) белкуракка ўхшаб ўзидан четлатувчи, яъни альтруист эмас, балки бировларга ҳам бўлсин, менга ҳам бўлсин (арра) деган тамойилга амал қилади. Майли, “бировлар” деганда умуман инсоният ёки ўз халқи бўлиши мумкин. Сен яхшилик қилган ўша бировлар ҳеч бўлмаганда фарзандларинг, ота-онангдир – демак умринг зое кетмапти – инсоният олдида юзинг ёруғ.

Афтидан, сермаҳсулликнинг ҳам ўз даражалари бор. Улардан энг олий даражадагилари – инсонларга олов ҳадя этган Прометей, эзгулик ғоясини улашган – Исо пайғамбар, адолат ғоясини ўқирган – Аллоҳ таоло, руҳий, маънавий бойлик ва бадиий қадриятлар ҳадя этган Шекспир, донолик ва ўзлигимизни англашга ўргатган – Кант. Космик фазони совға қилган Королёв ва Гагаринлардир. Олий сермаҳсуллик – инсоният учун зарур бўлган ишларни амалга оширишдир.

Камина – етмишинчи йилларда Щучкин номли театр билим юртида биринчи босқичда “Эстетикага кириш қисми”дан, охириги курсда “Эстетика”дан дарс берардим. Шундай одатга ўргатгандим: биринчи курсда, машгулотларнинг биринчи куни “шумтакаларга” шундай савол берардим: “Нима сабабдан санъат соҳасини танладингиз?”; “Ҳаёт моҳияти нимада?”. Жавобларини эса магнит тасмасига ёзиб олардим.

Жавоб берган талабалар орасида шу кунларда маълум ва машҳур бўлиб кетган Демидова, Вертинская, Чурсина, Смехов, Калягин, Арлазоров, Високовский, Овсаров, Стеблов, Подколзин, Славина, Золотухин, Филатов, Арзуманян, Селёзнёва, Максимова, Бурляев ва бошқалар бор эди. Жиддийми ёки ҳазил-мутойиба тариқасидами, жавоб бериш ўзларига ҳавола этилганди...собик талабаларимизнинг ҳаёт моҳияти ҳақидаги жавоблари, айниқса, ҳозирги кунларда, улар моҳир санъат усталари, кинематографчиларга айланиб, кўпсонли мухлислар меҳри қуршовида, янада қизиқарли кўринарди. Ўшандан бери орадан қирқ йил (ҳатто кўпроқ ҳам) ўтган бўлиб, навбатда-

ги кўчишларимнинг бирида ўша тасма йўқолди. Фақат айрим жавобларгина ёдимда бўлиб, (қайси жавоб кимга тегишли эканлигини эсполмайман) уларнинг қисқача мазмуни, гарчи ўзига хос белгиларини ва тафсилотларини келтира олмасам-да, айтиб ўтишга ҳаракат қиламан:

- Ҳаёт мазмуни – мартабада.
- Ижод учун яшаш керак!
- Йўқ, томошабин учун!
- Ҳаёт мазмуни севгида, оилада, фарзандларда.
- Авлодлар эстафетасида.
- Санъатда.
- Устоз бўлишни истайман!
- Яшашдан мақсадим – шон-шуҳрат!
- Йўқ, эзгулик.

Қанчалик гўр, қандай чиройли шўх сўзлар эди булар! Ҳаётга қадам босаётганлардан бирортаси ҳам мақсадим – текин даромад, бойлик, очкўзлик, Бағам оролларида алоҳида уй демаёпти-я!.. Ёки “Челси” инглиз футбол клубини сотиб оламан”, “Рублёвкада ёки сув омбори зонасида алоҳида уйим бўлишини истайман”, деб ҳеч ким айтмаган. Чамаси, ҳамма бой бўлишга қарши эмас, камбағал бўлишга қарши эди. Лекин, худого шукурки, бойиш масаласини ҳеч ким ҳаётининг мақсади қилиб қўйган эмас. Ҳозирги кунда телевидениеда “Қандай қилиб миллионер бўлмоқ керак”, деган қизиқтирувчи ва бузгунчи ном билан жозибали ва иқтидорли артист Максим Галкин олиб бораётган кўрсатувларни миллионлаб томошабин мароқ билан томоша қилади. Яхшиси, “Қандай қилиб Инсон бўлмоқ керак”, деган программа ташкил қилинса маъқул бўлармиди?

Охирги курснинг сўнги машғулотида мен яна ўша саволларни бердим ва яна магнитофонга ёзиб олдим. Анча “вояга етган” жавобларни ёзиб олгач, магнитофонни қайтадан қўйиб, биринчи курсдаги жавобларни мароқ билан тингладик. Бу ҳақда мен ўз нуқтаи назаримни баён қилдим. Қарангки, ўша пайтдаги кўпчилик талабалар билан фикримиз бир жойдан чиқди: фақат ўзи учун яшаш нотўғри, фақат бошқалар учун яшаш ҳам нотўғри. Бошқалар учун яхшилик қилиб, ўзи учун яшаш керак. Хунвейбинча коллективизм – нотўғри, эгоцентризмга асосланган экзистенциализм ҳам нотўғри. Ҳаётдан мумкин бўлган барча моддий ва маънавий бойликларни имкон борича кўпроқ олиш керак. Ўзингдаги бор қадриятларни, моддий ва маънавий бойликларни одамларга сахийлик билан улашиш керак. Руставели айтади: “Нима берсанг – ўзинга қайтади, нимани яширсанг – йўқотасан”. Ўзгаларни бойитиб, ўзинг ҳам бой бўл, муҳими – олган нарсангдан берганинг кўпроқ бўлсин. Одамларга кўпроқ нафинг тегсин. Бу дегани, охирги қўйлагингни ечиб бер, дегани эмас – бу нарса азиз-авлиёларга хос. Бу нарса ишдаги ва ҳаётдаги сермахсуллик ҳисобидан бўлсин.

Ҳаётнинг “қўшимча ҳаёт маҳсули” бериши керак. (Ўша йиллари мисол келтириш учун менда намуна йўқ эди). Миллионер Форд – сермахсул инсон. У Америка автомобиль саноатини яратди. Бизнинг айрим рус олигархлари сермахсул эмас – текинхўр. Улар ўзлари ишлаб чиқараётганларидан ҳам кўпроғини истеъмол қиладилар. Ҳозирги миллионерлар ҳеч нарса яратмасдан кўпроқ уриб қолиш пайидалар. АҚШни унчалик ёқтирмайман, лекин энг бой америкаликлардан қирқтаси ўз бойлигининг асосий қисмини ўз ватанлари равнақи учун мерос қолдирганларига тан бермай иложим йўқ! Уларнинг ҳаёт моҳияти – худбинликдан йироқ.

Қайтараман – бу муҳим. Белкуракка ўхшаб, ҳамма нарсани ўзингдан четлатма, хаскашга ўхшаб ҳамма нарсани ўзинга тортма! Аррага ўхша – ўзинга ҳам, ўзгаларга ҳам бўлсин. И.Кантнинг “қатъий талаб” иборасини кучайтириброқ шуни айтаман: “Агар ёвуз бўлишни истасанг – нимани хоҳласанг шуни қил. Агар инсон бўлишни истасанг – ўзингдан кўра бошқаларга кўпроқ яхшилик қил”.

**Рус тилидан Абдунаби АБДУЛҶОДИР
таржимаси**



Сабоҳат БОЗОРОВА,
ЎзМУ тадқиқотчиси

БИР ВОҶЕЛИКНИНГ УЧ ТАЛҚИНИ

Истиклол туфайли қайта тикланаётган миллий тарихимизни тўғри англаш учун уни бадиий адабиётда ҳаққоний акс эттириш талаб этилади. Ижодкорларимиз шу масъулиятни чуқур ҳис қилиб, ижодий эркинликдан фойдаланган ҳолда тарихий мавзуда кўплаб асарлар ёздилар. Уларда Беруний, Амур Темур, Мирзо Улуғбек, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби аждодларимиз образлари маҳорат билан яратилди. Хусусан, бу борада, шоҳ ва шоир Бобурнинг шахсияти, унинг зиддиятга тўла ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи ҳикоялар эътиборга лойиқ.

Биргина “Бобурнома”да келтирилган бир тарихий воқеа тафсилоти уч ижодкорнинг, яъни, Пиримқул Қодировнинг “Мардлик”, Хайриддин Султоновнинг “Нуқта”, Урфон Отажоннинг “Бобур ва Беҳзод” ҳикояларини яратилишига сабаб бўлди. Ҳар бир ижодкор ўз ғоявий мақсадидан келиб чиққан ҳолда бу тарихий ҳақиқатни асар сюжети-га сингирди.

“Бобурнома”да Чахчарон, Чароқдондан ўтиш тафсилотлари тўлиқ келтирилади: “Чахчарондин икки-уч кўч ўтгач, қор асру улуғ бўлди: узангудин юқорроқ эди, балки аксар ердан отнинг аёғи ерга етмас эди, яна қор доим ёғар эди. Лангари Мир Ғиёс навоҳисида Кобулға не йўл била боруримизни кенгаштук. Мен ва, аксар, барин эдуким, қишдур, тоғ йўлида кўп дағдаға ва тараддудтур, Қандаҳор йўли агарчи бир нима йироқдур вале бетараддуд ва бедағдаға борилур. Қосимбек, ул йўлни йироқдур, бу йўл била борурбиз, деб кўп жаҳл қилди, бу йўлға бўлдук. Бир Султон отлиқ пешойи бошчи эди, қарилиғидин ё олдорағонидинму ё қорнинг улуғлиғидинму, йўлни йўқотти, бошлай олмади”. (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. Юлдузча нашриёти. 1989 йил. 174-бет. Бундан кейинги мисолларда асар БН тарзида кўрсатилади ва саҳифалар қавс ичида берилади).

Адиблар Хайриддин Султонов, Урфон Отажон бу маълумотларни ўз ҳикояларида келтирмайдилар. Пиримқул Қодиров эса Бобурнинг эътирофларидан ўз ҳикоясида маҳорат билан фойдаланади: “Бобур кўриқчи йигитлари билан отланиб чиқаётганида, Қосимбек афгонларнинг пашойи қабиласи яшайдиган қишлоқдан Султон деган бир йўл кўрсатувчини топиб келди.

Олачипор салла ўраган, баланд бўйли, бурни узун, жингалак соқолига оқ оралаган бу одамнинг юзи Бобурга алланечук тунд кўринди”.

Ёзувчи шу тариқа ҳикояга Султон образини киритади. Бобурнинг уни хушламаслиги (Султон юзининг тунд кўриниши, Бобурга тик қараб, дадил жавоб қайтариши, туркий тилда у ҳақда айтилган фикрларни англаб, истеҳзоли кулимсираб кўйиши, “совуқ бир нарса”си)ни тасвирлаш билан ўқувчида Султонга нисбатан шубҳа уйғотади. Аста-секин Султоннинг бу ишга бош кўшиши сабаби теурийзодалар томонидан ўлдирилган яқинлари учун интиқом олиш экани аён бўлади.

Хайриддин Султоновнинг “Нуқта” ҳикоясида айна маълумот: “Султон пешойи отлиғ кекса йўлбошловчи совуқдан гангибми ё азбаройи қариликми йўлни йўқотди”, шаклида ифода этилади. Урфон Отажон бу қаҳрамонни ҳикояга киритмайди.

Бобур изтиробли сафарни шундай тасвирлайди: “Бир ҳафтага ёвуқ қор тепиб, кунда бир шаръий – бир ярим шаръийдан ортик кўчулмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди, икки ўғли Тенгриберди ва Қанбар Али била яна икки-уч навқари ҳам бор эди... Ҳар қадам кўйғонида белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди”. (БН, 174).

Пиримқул Қодиров Султон табиати, ниятидаги ўзгаришларни тасвирлашда “Бобурнома”даги шу маълумотлардан ўринли фойдаланади: “Султон Бобурнинг совқотиб асабийлашишини, йўл жуда секинлаб қолганидан тажанг бўлишини, одамларига бақириб-сўкиниб иш буюриши, айтганини қилмаганлар бўлса, қамчи билан савалашини кутмоқда эди. Отаси ва акасини ўлимга буюрган ҳукмдорлар қиёфасида Султон ана шунақа золимларни кўрган, бугун эса улардан бирининг талвасага тушишига гувоҳ бўлиб, бир аламдан чиққиси келар эди”. Бироқ, Султон кутганидек бўлмайди. Чунки Бобур: “Маҳал ул эмас эдиким, кишига таклиф ва зўре қилилғай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур” (БН, 175), деб ҳисоблайди.

Пиримқул Қодиров қаҳрамонлар нутқи, ички монолог, табиат манзараларни тасвирлаш асносида, Бобур шахсиятидаги мардлик, олижаноблик, фидойилик каби фази-латларни очиб беради.

“Бобурнома”да Кўтали Заррин, Ҳаволи Қутийдан ўтиш тафсилотлари ҳам тўла баён қилинган. Хайриддин Султонов бу воқеаларни лирик тарзда баён қилади. Бобурнинг руҳий изтироблари ҳам шу йўсинда тасвирланади. Бу кечинмалар Бобур қаламидан тўкилган дардлар изҳорига ниҳоятда яқинлиги билан ажралиб туради.

Пиримқул Қодиров эса навқарлардаги тушкунлик кайфияти, ўзи далдага муҳтож Бобурнинг уларга таскин бериши, кейин куракни олиб, “қортўла” қазиси, шу ерда кигиз ва жойнамоз ёздириб, қор бўрони остида намоз ўқишини тасвирлар экан, Мирзоқули, Маматбек, Тоҳир кўрчибеги образларидаги ўзига хос жиҳатлар ҳам яққол намоён бўлади.

Бобурнинг: “Ўшандоқ чопқунда қозғон, ясағон чуқурда ўлтурдум, намози хуфтанғача қор онча чопқулаб ёғдиким, мен энгашиб ўлтуруб эдим, орқамга ва бошимга ва қулоқларимнинг устига тўрт эллик қор бор эди” (БН, 175) деган маълумотларидан ҳар учала адиб ҳикояларида ҳам фойдаланилган.

Бобур Чахчарон воқеаларидан олдинроқ Маъсума Султон бегим ҳақида фикрлар билдиради. Ёзувчи Пиримқул Қодиров воқеалар баёнида “Бобурнома”даги кетма-кетликка амал қилади. Урфон Отажон эса бу ёқимли хотираларни кейинроққа кўчиришни маъқул кўради.

Хайриддин Султонов “Нуқта” ҳикоясида мазкур воқеани лирик чекиниш сифатида қўллади. Шунинг учун ҳикояда воқеанинг кейинги ривожига ўрин ажратмайди.

Урфон Отажон эса қор бўронидан Бобур ҳаётининг хуш лаҳзаларини, Беҳзод ҳақидаги фикрларини тасвирлашда фойдаланади.

Бобур ўта машаққатли бу сафар ҳақида тўхталар экан, шундай гувоҳлик беради: “... Ул неча кун бисёр ташвишлар ва машаққатлар тортулди, андоққим, муддатул-умр мунча машаққат камроқ тортилиб эди. Бу матлаъни ўшал фурсатта айтилди:

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдим,

Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдим?” (БН, 174).

Адабиёт тарихи учун ҳам аҳамиятли бўлган бу маълумотлардан фақат Хайриддин Султоновгина фойдаланади: байтнинг дастлабки мисрасини Бобурнинг ички монологига киритади. Бу байтнинг қолган ҳикоялардан ҳам ўрин олиши Бобурни шоир сифатида ҳам тасвирлаш имконини берган бўларди. Зеро, таҳлил қилинаётган ҳикояларда эътибордан четда қолган жиҳатлардан бири шудир.

Мазкур ҳикоялар орасида Хайриддин Султоновнинг “Нуқта” ҳикояси пухта сюжети, равон ифода услуби, тарихий материалларнинг салмоғи, ёрқин образлари билан ажралиб туради. “Бобурнома”да 1528 йил воқеалари баёнида Ҳумоюннинг навқарлари Баёншайх ва Беккина Вайс Лоғарийнинг ташрифи ҳақидаги маълумотлар қайд этилади ва Ҳумоюнга йўлланган мактуб матни тўлалигича келтирилади. Хайриддин Султонов шу мактубни 11 қисмга ажратади ва улар орасида Бобур ҳаётидаги унутилмас воқеаларни, мактубни битиш асносидаги руҳий кечинмаларни маҳорат билан тасвир-

лайди. Ҳосил бўлган воқеалар занжири Бобур ҳаёти ва шахсияти ҳақидаги муҳим тасаввурни ҳосил қилиш имконини беради.

“Бобурнома”даги қайдлардан маълум бўлишича, Бобур Ҳумоюнни ўғил кўргани билан қутлайди. Аини пайтда, исм танлашдаги хатосини ҳам кўрсатиб ўтади: “Отини Аъмон қўймишсен, тенгри муборак қилғай. Вале, бовужудким, ўзунг битибсен, мундин ғофил бўлубсенким, касрати истиъмол била авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алиф-лом отта кам бўлур...” (БН,320). 1529 йил воқеалари баёнида ҳам бу исм Бобурга “хуш ёқмагани” таъкидлаб ўтилади. Бобурнинг кенг дунёқараши, тенгсиз шахсиятининг бир қиррасини очишга хизмат қилувчи бу факт Хайриддин Султонов эътиборидан четда қолмайди. Аъмоннинг таваллуди Ҳумоюн туғилган пайтдаги воқеаларга, унинг исми Бобур фарзандларининг исмларига қиёсланади. Бу қиёс ёзувчига Бобур ҳаётидаги машаққатли ёки файзиёб лаҳзаларни тасвирлаш, “элга шоҳу қисматга қул” бўлган буюкларнинг ҳам гоҳо чорасиз қолишлари ҳақидаги изтиробли кечинмаларни бадий инкишоф этиш имконини беради. Бу кечинмалар тасвирида ҳам “Бобурнома”даги воқеалар баёнининг излари бор. Масалан, ёзувчи Абдуллатиф ҳақида сўз юритар экан, Бобур тилидан: “Ахир, Султон Мирзо Улуғбекдек фозили замоннинг норасо фарзанди Абдуллатиф шу беш кунлик ўтар дунё учун шундоқ қари ва донишманд отасини қатл этди”, – дейди. “Бобурнома”да бу воқеа қуйидагича баён этилади: “...Улуғбек Мирзодин ўғли Абдуллатиф Мирзо олди. Бу беш кунлук ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди...” (БН,48).

Бобур салтанат қутқуси сабаб падари ё ўғлининг, туғишганлари ё қондошларининг ҳаётига нуқта қўйган ҳукмдорларнинг қилмишларидан изтиробга тушади. Ҳикояда Бобурнинг хавотирлари тасвирланар экан, тарихимиздаги “қора доғлар” – салтанат талашилар, Ҳусайн Бойқаро ўғилларининг, Бобурнинг Жаҳонгир Мирзо исмли ўғай инисининг кирдикорлари ҳам қаламга олинади.

“Бобурнома”да 1501-1502, 1506-1507, 1527, 1528 йиллар воқеалари баёнида Бобурни қулоқ оғриғи безовта қилгани қайд этилган (БН, 88, 175, 310, 313, 317). Ёзувчи бу маълумотлардан усталик билан фойдаланади ва ҳикоя сюжетига Кўтали Зарриндаги воқеаларни қўшади. Бу воқеа 1506-1507 йиллар оралиғида бўлиб ўтгани “Бобурнома”дан маълум. Ҳикояда Бобур шахсиятининг яна бир ибратли жиҳати Кўтали Заррин воқеаларига боғлиқ тарзда тасвирланади. Бу ҳақда “Бобурнома”нинг “1501-1502 йиллар воқеалари”да шундай дейилади: “... Ул мартабада совуқ эдиким, ушул икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидин ўлуб эди. Манга ғулсга эҳтиёж эди. Бир ариқ суйидаким ёқалари қалин муз тунгуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги жиҳатидин ях боғламайдур эди, бу сувга кириб ғулс қилдим. Ўн олти қатла сувга чўмдум. Сувнинг совуқлиги хейли таъсир қилди”. (БН, 88). Гарчи, Бобур: “Манга ғулсга эҳтиёж эди”, деса-да, ёзувчи Бобурнинг ирода кучини тасвирлашни ният қилганидан “черикнинг сескангани”ни сабаб қилиб кўрсатади ва унинг талқинича, Бобур шу тариқа ибрат кўрсатиб, қўшиннинг руҳини кўтармоқчи бўлади. Ёзувчи маҳорати туфайли турли йилларда бўлиб ўтган воқеалар бир бутунлик, изчиллик касб этади.

“Бобурнома”да юқорида кўрсатилган йилларда Бобурнинг тез-тез иситмалаб, касал бўлиб қолгани ҳам қайд этилади. “Нуқта” ҳикоясида Бобурни шундай ҳолатда, яъни, дардманд кўрамиз, у мактубни ёзиш жараёнида ҳам бир неча бор тўхтади, гоҳ қулоғини ушлайди, гоҳ бемажол бўлади. Ҳикоядаги илк жумлаларда ҳам шундай “маълумотлар” бор: “Икки ҳафтадирки, Ограда беморнинг ҳасратидек узун, тинимсиз ёмғир қуярди. Икки ҳафтадирки, файзу шуқуҳини йўқотган Боғи Нурафшонга дарчадан маҳзун боқиб ётган Заҳриддин Муҳаммад Бобур бу кун ёстиқдан бош кўтарган, тонг саҳардан хилватхонада ёлғиз ўтирганча Қобулга-Ҳумоюнга мактуб битмоқда”. Тинимсиз ёғаётган ёмғирни беморнинг узун ҳасратига ўхшатиш-оригинал бадий кашфиёт. Қолаверса, ҳикоя қаҳрамони – бемор Бобурнинг руҳий ҳолатида ҳам эзгинлик ва ҳасрат устувор. Соҳибининг хасталиги туфайли Боғи Нурафшон файз-у шуқуҳини йўқотган бўлса, хаста киши учун наинки Боғи Нурафшон, балки бутун олам бефайз, бешуқуқ туюлиши аён ҳақиқат. Гарчи, Бобурнинг вужуди хаста бўлса-да, тафаккури теран, мулоҳазалари асосли. Ёзувчи Бобурнинг дардли ўйларини тасвирлар экан, муҳим фалсафий фикрларни унинг ички кечинмалари тарзида баён қилади: “...изтироблар

боиси-тирикликда, инсонликда. Фақат тирик одамгина изтироб чекмоққа, изтироблар ичра тобора тозариб, юксалиб, ҳаётнинг жамики машаққатларини енгиб бормоққа қодир. Дунёдаги ҳатто энг улуғ ўлик ҳам изтироб чекмоқдан маҳрум, зеро, инсоний изтироб-тириклик нишонаси, барҳаёт диёнат овозидир...”.

Бобур фарзандларининг ҳар жиҳатдан комил инсонлар бўлиб етишишини истайди. Улардаги ўзи сезган камчилик ва хатоларни бошқалар кўришини хоҳламайди, уларни бартараф этишга ҳаракат қилади: маслаҳат беради, йўл-йўриқ кўрсатади. Ҳумоюн мактубининг “асру муғлақ”лиги, имло хатолари отанинг “дилини музтар қилади”. “Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит: ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқуғучига...”, деб насиҳат қилади Бобур (БН, 321). Бу нуқтада Бобурни тадбиркор ҳукмдор, меҳрибон ота, етук тилшунос сифатида кўрамиз. Ёзма нутққа қўйиладиган талабларни бундан аниқроқ ифодалаш қийин.

Ёзувчи Бобурнинг яна бир тарихий хизмати – “Хатти Бобурий” ҳақидаги фикрлар баёнида ғоятда қизиқарли воқеаларни тасвирлайди. Шерғоридаги англашилмовчилик, мўтабар шариат пешволарининг ташрифи ҳақидаги воқеалар занжирига мунажжим Муҳаммад Шариф кирдикорларига тегишли тасвирлар моҳирлик билан уланади. Ҳикоядаги Муҳаммад Шариф образи орқали ўша давр мутаассибларининг ҳукмдорларга босим ўтказишга интилишлари, уларнинг фолларига ишониб, салтанатнинг тақдирини мунажжимлар башоратлари асосида ҳал қилган подшоҳларнинг забун ҳоллари ҳақидаги тарихий ҳақиқатлар акс эттирилади. “Бобурнома”да Муҳаммад Шариф номи уч бора тилга олинади. 1526 йил воқеалари баёнидаги гувоҳлик Муҳаммад Шариф ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилади: “...Муҳаммад Шариф мунажжим шумнафас агарчи манга айтур ёроси йўқ эди, ҳар кимга йўлуқса муболағалар билан айтур эдиким: “Бу айёмда Миррих ғарб саридур, ҳар ким бу тарафдин урушса мағлуб бўлур”. Мундоқ шумнафас неким сурди, бедил элнинг кўнглини кўпрак синдурди. Анинг бу паришон сўзлариға гўш қилмай, қилур ишларимизни тигилмай уруш ишида бажид ва масоф қилмоққа мустаид бўлдук (БН,286). Муҳаммад Шариф шундай “юз қароликлар”га қарамай, Бобурни яхши-ёмон кунларда йўқлагани “Бобурнома”да қайд этилади. Мазкур қайдлар Бобур табиатидаги муҳим бир жиҳатни кўрсатади: гарчи Муҳаммад Шариф Бобурнинг зиёнига иш тутса-да, Бобур унинг олдинги хизматларини юз-хотир қилади, ўзидан узоқроқ тутса-да, жазоламайди, эл қатори ҳадялар беради. Бобурнинг бу фазилати ҳикояда акс этмаган.

Ёзувчи Муҳаммад Шарифнинг қилмишлари ва Ғазна мужовирларининг найранглари орасида ўхшашлик кўради. “Бобурнома”да 1503-1504 йиллардаги воқеалар баён қилинар экан, шу воқеа ҳам келтирилади: “... Дедиларким, Ғазнанинг кентларида бир мазор бордурким, салавот айтғоч, қабр мутаҳарриқ бўлур. Бориб мулоҳаза қилилди, қабрнинг тебрангани маҳсус бўлди. Сўнгра, маълум бўлдиким, мужовирларнинг тазвири экандур. Қабрнинг устиға бир жулья ясабтурлар, ҳар замон жульяға тегадурлар, жулья тебрангач, қабр тебрангандек маҳсус бўладур. Нечукким, кемага кирмаган эл кемага киргач, соҳил мутаҳаррик маҳсус бўладур. Буюрдумким, мужовирлар жульядин йироқ турдилар, бир неча салавот айтдилар, қабрда ҳаракате маҳсус бўлмади. Буюрдумким, жульяни бузуб, қабрнинг устида гунбаз қилдилар. Мужовирларни бу ҳаракатин таҳдид била манъ қилилди” (БН,126).

Хайриддин Султоновнинг “Нуқта” ҳикояси “Бобурнома”даги воқеаларнинг шунчаки тақрори эмас, балки адабиётшунос Умарали Норматов таъбирича, “ҳар бир сатри ҳақида биттадан ҳикоя ёзиш мумкин бўлган муаззам асар” – “Бобурнома”ни “кўнгил кўзи билан мутолаа қилган адиб”нинг юксак поэтик диди, бадий тафаккур тарзини намён этувчи ижод маҳсулидир.

Пиримқул Қодиров “Мардлик” ҳикояси экспозициясида Бобурнинг оилавий ҳаётдаги омадсизлиги, биринчи турмуш ўртоғи Ойша бегимнинг оқибатсизлиги натижасида аёллардан кўнгли совугани ҳақидаги фикрни келтиради. Моҳим бегимнинг боғ кўчадан ташлаган атиргули ҳақидаги бадий киритма “Юлдузли тунлар” романидаги шу воқеа тасвирини ёдга солади. Романда Ҳирот доруғаси Юсуф Алибек Моҳимнинг оиласи ҳақида маълумот берса, ҳикояда Қосимбек қизни қидириб топишга ваъда беради.

“Бобурнома”да Кўтали Зарриндаги воқеалардан сўнг туркман ҳазораси билан бўлган тўқнашув тасвирланади ва Қобулдаги тартибсизликлар ҳақида сўз боради. Пиримқул Қодиров Бобурнинг хавфли сафарга чиқишига, айнан, шу воқеани сабаб қилиб кўрсатади ва Чаччарон воқеаларини ўзига хос тарзда талқин этади. Ҳикояда Султон образи етакчи ўрин тутаети. Ёзувчи Султон руҳиятидаги ўзгаришлар тадрижини ишончли тарзда асослайди. Интиқом туйғусининг узоқ вақт ҳукмронлик қилиши, Бобурнинг шоҳ ва инсон сифатидаги ҳаракатлари Султоннинг виждонини уйғотиши, яратган ва келажак авлодлар олдидаги масъулият ҳиссининг ғолиб келиши тасвирланар экан, Султон образининг янги қирралари очилиб боради. Бу тарихий шахс ҳақидаги бадиий тўқима таъсирида ҳикоянинг муваффақиятли чиқишига замин яратади. Муаллиф Султоннинг интиқом истагини темурийлардан бўлган Абусаид Мирзога боғлаши, Абусаиднинг Бобурга бобо бўлиши, Абусаид ва ўғли Маҳмуд Мирзонинг Хуросонга бостириб кириши, Шоҳруҳ Мирзонинг яқинларидан ўч олиши каби тарихий воқеалар бадиий тўқима таъсирида янада ишонарли чиққан. Ҳикояда адибнинг кузатувчанлиги сезилиб туради. “...Юқорига кўтарилганлари сари юриш қийинлашади, от-уловлар бурунларидан ҳовур чиқариб, оғир-оғир нафас олишади, ҳорғин пишқиришади. Беку навкарларнинг оғизларидан чиққан ҳовур ёғаётган қорга қўшилиб, соқол-мўйловларга оппоқ қиров бўлиб ёпишади ва ҳаммани мўйсафидга ўхшатиб кўрсатади”, каби тасвирлар Бобур ва ҳамроҳлари чеккан азобларни аниқроқ тасаввур этишга хизмат қилади.

“Бобурнома”да “Намози хуфтанда ғорни яхши мулоҳаза қилгонлар қичқириш-тиларким, ҳавол асру кенг ҳаволдур, бу элга тамом ер бор...”, деб қайд қилинади (БН,175). Урфон Отажон ҳикоясида Бобурга бу хабарни Қосимбек етказса, Пиримқул Қодиров талқинича, бу ишни қилган Султондир: “...Юринг, мен сизга ҳамма одамларингиз сиғадиган улкан ҳаволни кўрсатай!”. Бу талқин Султон руҳиятидаги эврилишларни яққолроқ тасвирлаш мақсадидан келиб чиққан. Бобурнинг эътиқоди, қор бўралаб турган пайтда намоз ўқиб, парвардигордан нажот тилаши Султоннинг дили ва тилига “Барча мусулмонлар бир-бирларига биродардирлар” ҳикматини солади. Султон қилган иш ҳам мардлик ҳисобланади. Ҳикояга ном сифатида берилган бу фазилят унинг икки қаҳрамони – Бобур ва Султонга бирдек тегишли дейиш мумкин.

Пиримқул Қодиров Хайриддин Султонов ва Урфон Отажондан фарқли равишда, Қобулдаги воқеалар тафсилотида ҳам ҳикоядан ўрин ажратади. Бу воқеалар “Бобурнома”да келтирилган тартибда тасвирланади. Фақат Бобурнинг яхшиликларини унутиб, унинг ўрнига, Мирзохонни подшоҳ қилиб тайинлаган қариндошларининг оқибатсизлиги ҳақидаги гаплар ҳикояга киритилмаган. Бу ҳам Бобур шахсиятидаги мардликни кўрсатиш истаги билан боғлиқ. Бобур фитнага шерик бўлган Султон Санжарга нисбатан олижаноблик қилади. “Чун хон додамнинг волидаси Шоҳбегим ҳоҳарзодаси бўлур эди, буюрдумким, мундоқ беиззатона кездурманг, ўлум йўқтур”, дейди (БН, 179). Худди шундай илтифотни ўғай момоси Шоҳбегим (фитнакор Мирзохон унинг невараси эди)га, холаси Хўб Нигорхонимга нисбатан (унинг эри Муҳаммад Хусайн Мирзо ҳам фитнанинг ташкилотчиларидан эди) ҳам кўрсатади. “Бемурувват ва ҳақношунос киши” – Муҳаммад Хусайннинг ҳам гуноҳидан ўтади.

“Тарихи Рашидий” асарининг муаллифи Ҳайдар Муҳаммад Хўб Нигорхоним ва Муҳаммад Хусайннинг фарзанди эди. Қобулдаги воқеаларга шахсан гувоҳ бўлган адиб шундай ёзади: “... яхшилик ва мурувват Бобур Подшоҳга хос сифатлар эди... Шоҳбегим Подшоҳни кўргач, хижолат бўлиб, тилига бирор сўз келмай қолди. Бобур Подшоҳ тиз чўкиб, адаб расмига риоя қилган ҳолда, мулоимлик билан: “Гар муҳтарам она ўғилларидан бирортасига меҳрибонлик кўрсатса, бошқа ўғил қандай қилиб бундан хафа бўлсин? Онанинг ҳар қандай истаги фарзандлар учун қонундир”, деди-да, тагин қўшиб қўйди: “Мен тун бўйи ухламай узоқ йўл босиб келдим”, дея ухлаш учун бошини Шоҳбегимнинг кучоғига қўйди. Бунини у Шоҳбегимга таскин бериш учун қилди...”. Шу далилнинг ўзи ҳам Бобурнинг олижаноблиги, мардлиги, юсак маънавият соҳиби эканлигини исботлаб турибди. Ҳайдар Муҳаммад Бобурнинг бошқа айбдорларга бўлган муносабатини ҳам батафсил тасвирлайди. Аммо Пиримқул Қодиров воқеалар тасвирида “Бобурнома” даги далилларга асосланади.

“Бобурнома”да Ҳирот таассуротлари батафсил баён қилинади. Фақат Урфон Отажонгина бу тафсилотларга ҳикоясида кенг ўрин ажратади. Улар қор чоҳида ўтирган Бобурнинг хаёллари тарзида тасвирланади. Бу тасвир ўша давр Ҳиротидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, шаҳзодаларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлар, қадриятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Машҳур мусаввир Беҳзоднинг бетакрор санъати ҳақида сўз юритилар экан, Султон Ҳусайн Мирзо, Искандар Зулқарнайн, Амир Темур, Алишер Навоий, Бадиуззамон Мирзо каби тарихий шахслар билан боғлиқ воқеалар қаламга олинади.

Кўтали Зарриндаги воқеалар тасвирида Урфон Отажон бошқа муаллифлар ва “Бобурнома”да учрамаган деталлар – ойболта ва гурзини қўллайди. Бобур совуқ олишига йўл қўймаслик учун ҳаракатланиб туриш лозимлигини англайди ва улар ёрдамида турли жисмоний машқларни бажаради. Ҳамроҳлари ҳам шундай йўл тутадилар. Ёзувчи гурзи воситасида қорнинг қалинлигини кўрсатмоқчи бўлади (“...гурзи дастасининг ярмигача қорга ботиб кетди”). Шундан кейингина қорни кураш эпизоди келтирилади. Амир Қосимбек ва Бобур диалоги орқали шоҳ ва шоирнинг ҳаволга кирмаслик сабаблари изоҳланади. “...Бобур ўз ҳамроҳларини илҳомлантириб ишончини қозонар, уларни жасоратга ундар, зарур ҳолларда ўзига бўйсундира олар эди...”, деб таъкидлайди ҳинд олими Л.П.Шарма. Ҳикояда Бобурнинг ана шу фазилатлари кўзга ташланмайди. Қолаверса, Кўтали Зарриндаги воқеалар “Нуқта”, “Мардлик” ҳикояларидагидек таъсирчан ифодаланмаган. Натижада, Бобур образи эмас, унинг хаёллари тарзида жонлантирилган Беҳзод образи ёрқинроқ тасвирланган. Ҳикояда Маъсума Султонбегим ҳақидаги фикрларга ҳам ортиқча урғу берилган. “Нуқта”, “Мардлик” ҳикояларида бундай тасвир кузатилмайди.

Тарихий ҳикоялар ижод уммонининг сара дурларидир. Юқорида қайд этганимиздек, “Бобурнома”да келтирилган бир тарихий воқеликнинг уч ижодкор томонидан турлича талқин этилиши ҳикоячилигимизнинг имконият даражаси нақадар кенглигини кўрсатиб турибди. Тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг маҳорат билан умумлаштирилиши тарих сабоқларини ўқувчига таъсирчан шаклда етказиш имкониятини бериши, шубҳасиз.


*Ўзгармасак юксала олмаймиз. Юксалмасак
яшайдан маъно йўқ.*

Гаул Шиҳи

Ёвузликдан кўра ўлим чиройлироқ.

Эсхил

Ёднома



Нуруллоқ Муҳаммад РАУФХОН

ШЕЪРИЯТГА КЎЧГАН ШАХСИЯТ

Адабиёт севгиси юрагимга сут билан сингган бўлса керак, шу туйғу бир пайтлар адашиб кириб қолганим ва бир йил ўқиганим Политехника институти (ҳозирги Техника университети)дан ҳужжатларимни олдириб, ТошДУ (ҳозирги Миллий университет)нинг филология бўлимига топширтирган. Ҳа, техникадан кўра адабиётни яхши кўрардим, лекин шу адабиётнинг бир қаноти бўлган шеърни (ўқирдим) ёдлашга келганда хафсаласизлик қилардим. Биринчи босқичда дарсларни бошлаганимизда устоз Умарали Норматов ўзлари завқлари ва шавқлари билан биз талабалар ўзимизча, адабиётга севги деб юрган ялқов туйғуларимизни, ёнолмай тутунқираган ҳисларимизни кўзгаб, алангалатиб юборди. Лекин шунда ҳам, тан олишим керак, шеърни севишда ва севиб шеър ўқишларда мен бошқалардан анча орқада эдим. Талаба курсдошларим ўтиришларда, пахта далаларида мушоиралар, баҳрибайтлар қилишса, мен мактаб дарсликларидан ёдлаб олганим айрим мисраларни такрорлаб зўрға қутулиб кетардим. Уларга қараб ҳам ҳавас қилардим, ҳам ичимдан ўксинардим – адабиётни шуларчалик яхши кўрмаймани, деб ўзимдан хавотирланардим.

Бахтимга бу ҳолат узоққа чўзилмади. Иккинчи босқичдами ўқиб юрганимизда бир гуруҳ ёш шоирларнинг илк китоблари чоп этилди. Кечагача адабиётчи талабаларнинг баҳслари, талашиб-тортишишлари боиси бўлган Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Абдулла Орипов номлари қаторига энди бу жажжи китобчаларнинг муаллифлари Шавкат Раҳмон, Усмон Азим каби шоир акаларимизнинг исмлари ҳам қўшила бошлади.

Булардан қўлимга биринчи бўлиб Шавкат Раҳмоннинг “Рангин лаҳзалар” китоби тушди ва... шу қадар шўнғибман, битта шеъринимас, иккита шеъринимас, тўласича бутун китобни ёдлаб чиқдим! Кейин Усмон Азимнинг китобини ҳам битта шеърини қўймай ёдлаб олдим. Шундай қилиб, юрагимнинг қат-қатида бекиниб ётган *шеърни севиш ва англаш* сандиқчаси очилиб кетди гўё¹.

Шавкат Раҳмоннинг истарали ушбу илк китоби “Ватан” тўртлиги билан бошланарди:

*Жойлашгансан шунчалар чуқур...
Ўз тубига яширган юрак.
Сенга етиб бормаклик учун
Узун умрим етмаса керак.*

Бир ўқишимдаёқ эсимда қолди. Нимаси мени ўзига тортди, нимаси юрагимга тегиб кетди – у пайтлар унча тушунтириб беролмасдим ҳам. Содда сўзлар, туркона оҳанг. Ҳозирги ёшлар мендаги бу ҳиссий қабул сабабларини унча англаб етмаслиги мумкин. Чунки у пайтлар ватан ҳақида қанақа шеърлар ёзилгани ва ўқилгани кўпларига қоронғи. Ватан кўпинча юзаларда бўларди, ватанни севиш ҳам юқорилардан талаб этилгани учун ўша юқориларга ёқадиган тарзда севилар ва баён қилинар эди. Шавкат Раҳмоннинг Ватани эса жуда чуқурларда (бунинг устига, одамни ўйлантирадиган уч... нуқтаси билан) жойлашган. Ернинг

¹ Тақдирнинг ҳикмати қаранг, биз талабаларга адабиётга қандай меҳр қўйишни ўргатган устозимиз Умарали Норматов юрагимга шеърлари билан бир умрга кириб келган Шавкат Раҳмон оиласи билан кейинги замонларда қуда бўлишди. – Н.М.Р.

эмас, денгизларнинг эмас, юракнинг чуқурларида. У кўз-кўз қилинмайди, уни “юрак ўз тубига яширган”. Ёмон кўзлардан, ёмон ниётлардан ва... сохта муҳаббатлару сохта сифатлардан асраган. Ахир, сохта муҳаббат изҳорлари уни хўрлаши мумкин, у бундай юзакиликлардан баланд туради. Чуқурликларда юксаклик хос унга! Унга ҳатто севги изҳор қилинмайди. Минбарларни эгаллаб, кўкракларга муштлаб у ҳақда жар солинмайди. У юракларда бўлади, унга боғлиқ туйғулар томирларда оқади. У соғиниб изланади, ахтарилади. Айниқса, мустамлака шароитида. Айниқса, халқнинг эрки ўз қўлида бўлмаганида... Уни чинакам севган киши уни топиш ва англаб етиш учун қийин сафарга (“Оҳ, вой, мунча йўл оғир...”) отланади. У шунчалар чуқурларда жойлашгани, юрак уни шунчалар тубига яширганидан “унга етиб бормаклик учун узун умр етмас” лиги ҳам мумкин...

Бугун Шавкат ака орамизда йўқ. Яратганнинг ҳикмати билан у қирқ олти ёшида, умрининг айна куч-ғайратга тўлиқ палласида илоҳий раҳматга қовушди. Бугун энди биз орқада қолганлар бу инсоннинг тугал умрига ва тугал ижодига ялпи кўз ташласак, яхлит хулосалар чиқарсак бўлади. Шу нуқтадан боқилса, менинг назаримда, Шавкат Раҳмон бутун ижоди билан, бутун ўй-хаёлию қайғулари, дардлари билан шу Ватан сари – муштдеккина юраги туб-тубига яширган, ўзигина танийдиган, суйган ва соғинган ана шу сирли макон сари юрди, талпинди. Бир пайтлар ширин орзулар оғушида “Сенга етиб бормаклик учун Узун умрим етмаса керак”, деб чамалаган йигирма беш яшарлик ёш шоир тақдирнинг буюк ёзуғи ила, қирқ олти ёшида, оғир касалга чалиниб, ўлим билан олишиб ётган паллаларида битилган (балки) охириги шеърисида ортида қолаётган оламга “Абадият оралаб Ўшга (“Ватанга” деб ўқинг. – Н.М.Р.) қачон етамиз?” деб савол қўйди!

*Айт, эй хаста булбулим,
Ўшга қачон етамиз?
Яшил боғлар сарғарди,
Мағиз бўлди гужумлар.
Оҳ, вой, мунча йўл оғир,
Булбулим...*

*Улкан соат ўртасида
Мадорим йўқ юрмоққа,
Қашқирлар даврасида
Судралама турмоққа.
Шунда қолиб кетсам гар
нетамиз?*

*Абадият оралаб
Ўшга қачон етамиз?
Қорли тоғлар бағрида
Бегим – Ўшим кўринди,
Султон – Ўшим кўринди...*

“Эй хаста булбулим...” деркан, Шавкат Раҳмон юракни – ўзи ардоқлаб, умр бўйи суйиб-соғиниб яшаган Ватанни “ўз тубига яширган юрак”ни назарда тутди. Ва: “Эй юрагим – эй хаста булбулим, бу аҳволда Ватанга қачон етамиз?!” дейди. Ватанни ахтариб йўлга чиқаётганида шоир “Сенга етиб бормаклик учун Узун умрим етмаса керак” деб тусмоллаган эди, аммо бу тусмоли тагида қачондир бир кун Ватанга етишиш илинжи ҳам бор эди, умидворлик бор эди, лекин шоирнинг юрагига яширинган Ватан чинданам жуда-жуда чуқурликларда экан, афсус, унга етиб боришга Шавкат Раҳмоннинг тақдирда белгиланган умри етмади. Ва хаста шоир касалхона тўшагида, ўзидан тобора устун келаётган ўлим билан олишиб ётаркан (“Менинг ҳар қадамим муқаддас, менинг ҳар қадамим ўлимга қарши”), қисқа умри ичида у сирли, у маҳрам Ватан сари қилган бу оғир йўлчилигининг сўнгини энди армон ила “абадият оралари”га ҳавола қилди. “Шунда қолиб кетсам гар нетамиз? Абадият оралаб Ўшга қачон етамиз?” дея... сўник нигоҳини сўнг бор (хаёлан) узоқдаги “қорли тоғлар бағри”га йўллади...

Шоир бир умр талпинган у Ватан қандай ватан эди? Унинг ўхшаши, чеки-чегараси борми ўзи? Қаерда бошланиб қаерда тугарди у Ватан? Тугармиди? Излаган топадиган нарсами У? Ватанни топдим деган борми бу дунёда? Қанча йил яшаш керак Уни топиш учун? Ватаннинг нималигини билган борми?

Шавкат Раҳмон йўлчи шоир эди. Отамиз Одам (алайҳиссалом) бошлаб берган ва ҳар бир Одам боласи туғилганида кесиладиган киндигидан узаниб то абадиятлар қаърига улашиб кетадиган у олис йўлга – Ватанга элтадиган йўлга тушган шоир эди. Илк (“Рангин лаҳзалар”) китобининг биринчи шеърини охириги (“Сайланма”) китобининг охириги шеърига боғлаб турган нарса мана шу йўлчиликдир. Қолган барча шеърлари ҳам, айримлари тўғридан-тўғри, айримлари айланма сўқмоқлар билан мана шу йўлчиликка қандайдир миқдорда ва шаклда боғлангандир. Уларни Ватан сари чиқилган йўлда шоирнинг кўрган-

кечирганлари, кузатувлари, такорланмас манзаралар, йўлдош туйғулари, кутилмаган кечинмалари... деса бўлади.

Масалан, мундай қараганда, оддий бир манзара чизгиси бўлиб туюладиган мана бу шеърини ўқиб кўринг. Шунчаки эмас, тингислаб, манзаранинг пайтига ва ҳолатига диққат қилиб, шоирнинг йўлчилиги қиррасидан боқиб ўқинг-а:

*Кимдир от етаклаб ўтар азонда,
узилар кўчанинг саҳарги туши.
Тўсатдан от кишнаб юборган онда
шошилиб эшикни очди бир киши.
Тонгда от етаклаб ўтиб борар ким,
қоп-қора оловдай ловиллар ёллар.
Кампирлар аланглаб қулоқ солди жим,
бир сесканиб кетди нуроний чоллар.*

Бомдодга азон айтилар маҳали (“азонда!”), яъни, тонг қоронғилигида (“қоп-қора оловдай ловиллар ёллар!”)... ҳали кўплар саҳарги тушини кўриб ётган палла... кимдир от етаклаб ўтиб қолади... Албатта, ким от етаклаб ўтаётгани маълум эмас, кимлигининг аҳамияти ҳам йўқ, муҳими етаклаб ўтилган ва жасорат тимсоли бўлмиш отнинг ўзи ва от туёқларининг ҳайбатли дупури... Кўчанинг саҳарги туши узилишига ҳам жасоратли отнинг ҳайбатли шу дупур-дупури сабаб...

Аммо, чиндан ҳам шу дупур-дупур сабабми? Дупур-дупур нима ўзи? Оддий бир шовқин, холос. Шовқиндан кўчанинг уйғониб кетиши жуда жўн бир воқелик, ҳатто, шеърга кўчиришга арзимайдиган воқелиқдир. Демак, бу ерда бошқа нарса бор. От туёқларининг дупур-дупури бир пайтлар йўқотилган (шоир ич-ичидан кўмсайдиган, жуда кўп шеърларида кўнгли тусаган) жасоратдан дарак берувчи сирли товушлар ўлароқ, саҳарги тушини кўриб ётган кўчанинг ўзинигина эмас, бу кўча аҳли юракларида қачонлардан бери ухлаб ётган эски хотираларни ҳам қўшиб уйғотиб юборди! Худди шунинг учун ҳам, айниқса, “тўсатдан от кишнаб юборган онда”, бир киши шошилиб эшикни очди...

Бу киши ким ва у нега эшикни шошилиб (?) очди? От дупури ва кишноғи унга нималарни эслатди? Нималар уйғонди унинг юрагида? Ўтган аср етмишинчи йилларининг (шеър ўша пайтларни ёзилган. – Н.М.Р.) кампирларини бу манзарага “аланглатиб жим қулоқ солдирган” нарса нима? Ўтган аср етмишинчи йилларининг чолларини “бир сескантириб юборган” нарса нима? Бу чол-кампирлар ҳар бири етмишлардан ошган, балки саксонларга етгандир, улар қайси замоннинг одамлари эди ва от дупури билан кишноғи уларга нималарни эслатди?! Айтганча, шеърнинг илк сарлавҳаси “Олис хотира” бўлганини ҳисобга олсақ, масала ойдинлашади...

Албатта, кичкинагина юракка сиққан улкандан-улкан Ватаннинг замонлар ичидаги бир парча қора тарихидан хабари бор кишилар мундай қарашда оддий ва жўн бир манзара чизгиси бўлган бу ҳолатни юрак-юрақдан бошқача ва теран ҳис этишади. Балки “қоп-қора деворга суяниб, ёп-ёруғ хаёллар суриб” юрган айрим орзуманд кишилар, ёруғ кунлар келиб қолдимикан, деган ўйда шоша-пиша эшикларини очиб кўчага қарагандир¹.

Ёки, масалан:

*Кўзингизни очинг, кўрқманг,
зиёдан қамашсин, оғрисин, майли,
майлига яшамак бўлсин қийинроқ,
очиқлиги туфайли, –*

сатрларининг Шавкат Раҳмон ижоди ўзак масаласига – Ватан мавзуйига боғлиқ жойи йўқми? Бор! Бор бўлганидаям тўғридан-тўғри боғланади. Ахир, Ватан сари фақат очиқ кўз билан борилади! Ватанни фақат кўзи очиқларгина танийди! Чинакам ватанпарвар кўзини йирикроқ очади, майлига очиқлиги туфайли яшаши қийинроқ бўлсин, майлига кўзлари қамашсин ва ё оғрисин...

Шавкат Раҳмон ижодида бу фикрларимизга далиллар яна кўплаб топилади, лекин... мен нима қилмоқчи эдим ўзи? Шавкат ака ҳақидаги хотираларимни титкилаб, у кишини шахс сифатида, бир инсон сифатида қандай танишимни ёзмақчи эмасмидим?

Шавкат аканинг илк китоби мени шеърга қандай шавқлантирганини айтдим. “Яшамоғим зарур ҳар дақиқани, ғазаб билан, севги билан тўлдириб, дунёдаги барча қора нарсани ёруғ лаҳзаларда ўлдириб. Токим, бош кўтариб қарай қуёшга, токим, кўзларимда ёнсин ҳақиқат, токим, тош мисоли тегмасин бошга мен яшай олмаган ҳар бир дақиқа”; “...қийнанг, ўз ҳолига қўйманг юракни, яшамаслик учун юраксиз”; “Йиқилмак, тўхтамак мумкинмас, қаерга бўлса

¹ Бир шеърдаги “Қоп-қора деворга суяниб, ёп-ёруғ хаёллар сурасан” сатрларига шайх Алоуддин Мансур тимсолан, мустамлака (“қоп-қора девор”) шароитида яшаётган кишининг Ватанни озод кўришни орзу (“ёп-ёруғ хаёл”) қилиши, деб маъно берганида раҳматли Шавкат Раҳмоннинг кўзлари ёшланганини эшитганман. – Н.М.Р.

ҳам юрганам яхши”; “Йиқилма, ўзингни ушлагин, отсинлар жаҳолат тошини, лабингни қаттиқроқ тешлагин, кўрсатма кўзларинг ёшини”; “Бу сўзни бир умр айтмай яшадим, ҳар шодлик келганда юрдим секинроқ. Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим, бахт сўзин айтаман элдан кейинроқ”... каби яна кўп-кўп сатрлари кўнглимнинг қай бир бурчакларига ўрнашиб олиб, сира тинчлик бермаганларини соатлаб гапириб беришим, бунақа мисолларни кетма-кет ўртага қўйишим мумкин. Лекин, қарасам, бунинг учун шоирнинг ҳамма шеърини қарийб бир бошдан кўчириб ёзишимга тўғри келаркан. Яхшиси, у шеърларни ҳар ким ўзи ўқисин, ўзи завқлансин, ҳар ким ўзи учун Шавкат Раҳмонни ўзи кашф этсин.

Мен вақтида ўзимнинг Шавкат Раҳмонимни кашф этганман ва бу яхши одамни, яхши шоирни бир умрга севиб қолганман. Менинг Шавкат Раҳмоним қандай одам эди?

Бир пайтлар илк китобчасини тўлиғича ёдлаб, ўқиб юрганларимда ҳали келажақда бу шеърларнинг эгаси билан танишишимни, танишиш не, ака-укадай бўлиб кетишимни хаёлимга ҳам келтирмаганман, албатта. Яқинлашиб кетганимиздан кейин эса, бу ажойиб инсон билан минг йилдан бери қадрдон бўлиб келгандай эдим.

Шавкат Раҳмон самимий киши эди. Камгап, босиқ, камтар... Лекин бу камгап, босиқ ва камтарлиги юрагидаги жасорат ва тўғрисузликни тўса олмасди, аксинча, бу мақталган хислатлар ичда яшнаб ётган гўзал хислатларининг ташдаги бир ифодаси эди. Яъни, Шавкат ака ичи билан таши бир, ичи ташига, таши ичига терс иш қилмайдиган БУТУН ОДАМлардан эди. Кўзларидаги, қарашларидаги мунгни, товушидаги бир оз синикликни эътиқодга айланган маҳрам туйғуларини ўз замонида очиқ айта олмаганидан, ичга яширишга, пардалар билан ўрашга мажбур бўлганидан деб биламан. Ҳатто мустамлакага, ҳақсизликларга, зулмга исёни ҳам сокин эди. Ўзи таърифида (“Автопортрет” шеърида) шоир бундай дейди:

*Энг бахтиёр лаҳзаларда ҳам
унинг сокин исёни сўнмас.
Туғилмаган шунчаки, асло,
у ҳеч қачон шунчаки ўлмас.*

“Сокин исён”... Бу икки сўз, аслида, бир қозонда қайнамайди – сокинлик исёни, исён сокинликни инкор этади. Ҳеч ҳам қовушмайди улар гўё. Лекин Шавкат акани шахсан таниган, яқиндан билганлар бу икки терс ҳолат унинг шахсиятида ниҳоятда муносиб равишда қовушганини, бир-бири билан роса чиқишганини кўради. Шоирнинг бу сокин исёни қайғули ёки ғазабга минилган онлардагина эмас, балки “энг бахтиёр лаҳзаларда ҳам” сўнмайди. Чунки унинг туйғулари юзаки эмас. Умуман олганда, юзакилик – ҳақни сўйлашда, Ватанни севишда, инсонга меҳрда, тарихни тушунишда, ҳатто шеърий тимсолларида ҳам юзакилик Шавкат Раҳмоннинг биринчи рақамли душманидир. Минбар шоири бўлмаганининг сабабларидан бирини шунда кўраман. Ўзи фитратан ўйчан, босиқ бўлгани учун унинг туйғулари ичга қараб ўсган. Ҳатто исёнини ҳам сокинлаштирадиган даражада ботинига қараб юксалган! Масалан, “Фикр” шеърида шоир ўзини тинчоқар дарёга ўхшатади:

*Дарёга айландим
ўйчан дарёга,
руҳимда қадимги осойишталик.
Қаъримга беркитдим долғаларимни,
руҳимга бўйсунди дунё ишлари.*

Дарё долғасиз бўладими?! Йўқ, бўлмайди. Аммо, Шавкат Раҳмон шарқироқ, енгилтак сой эмас, долғаларини қаърига – чуқурликларига беркитган босиқ-оғир, ўйчан дарёдир. Бўлмаса, феълида ўжар, фикрида, эътиқодида, ҳаракатларида қатъий киши эди у. “Руҳида қадимги осойишталик”ни сақлаган бундай ўйчан дарё бир долғаланмасин! Сокинлик бағридаги долға агар юзага чиқса нималар юз бериши ҳаётда кўп кўрилган.

Яна бир шеърида: “Умрим кўчклардай жимжит, шиддатли”, деган сатрларни ўқиймиз. Шиддатини қаърига яширган жимжит кўчки... Унинг шиддати жимжитлигида. Тўғрироғи, жимжитлигининг туб-тубида шиддат яширин. Жимжитлик косасига сўнгни томчи томиб, бир кўчиб бермасин, бу жимжит кўчки!

Булар ҳаммаси Шавкат Раҳмондир, Шавкат Раҳмоннинг моҳиятидир.

Шавкат Раҳмонни умрида кўрмаган киши унинг шеърларидан ички ва ташқи суратини осонгина чиза олади. Ишонинг, икки томчи сувдай бир хил чиқади, ғирт ўхшайди, қуйиб қўйгандай ўзи бўлади! Мен Шавкат Раҳмоннинг шахсиятини ҳам, шеъриятини ҳам шунинг учун яхши кўраман.

Бугунги кўз билан қараганда ҳам, агар Шавкат ака тирик бўлганида, ижоди учун ҳеч ким олдида қизармаган бўларди. Болаларини хижолатга қўядиган шеърлар ёзмади у. Чунки у эътиқодида содиқ турди, замона зайлига юрмади. Тўғри, замонининг айрим эпкинлари таъсирида ёки яккахукмрон мафкура тўсиқлари боис айрим ҳақиқатлардан кўплар қатори у ҳам узилгани учун шеърларида бир оз фикрий тойилишлар сезилади. Лекин, биринчидан, ундай

шеърлар ёки сатрлар жудаям оз; иккинчидан, ўшалар ҳам шеър сифатида ёмон эмас, мазмунида нимадир яхшиликлар бор; учинчидан, у замонни билган, у замонда яшаган одамлар ҳолати ҳисобга олинса, сал-пал тушунарлидир. Энг муҳими, Шавкат Раҳмон бир шахс сифатида ҳам, бир шоир сифатида ҳам ўзига катта йўлни танлашда адашмади, борар манзилни ҳам тўғри белгилади. Йўлдаги таассуротларда майда-чуйда камчиликлар бўлиши табиийдир.

Шавкат ака касалхонада экан, бир гал кўргани борганимизда, унинг тўзимига, руҳий тетиклигига қойил қолдим. Ичимдан ўтганини ўзим биламан: қаршимдаги сеvimли кишим, сеvimли шоирим тузалмас дардга чалинган, кунлари, ойлари саноқли қолган эди, аммо, у ҳеч нарса бўлмаётгандай, ўлим шарпаси сездирмасдан бошига яқинлашиб келаётганини ҳис этмаётгандай эди. Жуда чиройли суҳбат бўлди. Ҳаётдан, адабиётдан, тўғрилиқ ва эгриликлардан гаплашдик. Ҳолбуки, у кунлар Шавкат ака оғир дарддан азоб чекиб, “Осмон тўла ҳаволар битта менга етмайди”, деб турган кунлар эди. Мен Шавкат аканинг матонатидан таъсирланиб, уни руҳан янада тетикликка ундайдиган бир-икки фильм келтириб бердим кейинги сафар. Ундан кейинги келганимда эса, ўша фильмлар ҳақида суҳбатлашдик. Фикрлашдик, мулоҳазалашдик.

Орада бирор ҳафтача тузалгандай бўлди. Оёқка турди. У пайтлар мен “Шарқ юлдузи” журналида ишлардим. Бир куни туйқус таҳририятга келиб қолди. Тўғри бизнинг хонамизга кирди. Оғир касалликдан кейин анча-мунча озган, бир оз паришон кўринар эди. Лекин мен Шавкат аканинг касалхонадан чиққанини, ўз оёқлари билан юриб келганини кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Бир шоир ўртоғи билан бирга келибди. “Катталарнинг олдига кириб кетди, мен сиз билан гаплашгим келди”, деди. Ва, биз то у шоир акамик катталарнинг олдидан чиққунича узоқ гаплашиб ўтирдик...

Ёшлигида ёзган бир шеърда: “Менинг ҳар қадамин ўлимга қарши”, деб эълон қилган Шавкат Раҳмон (“ўлимга қарши” ифодасини асл маъносидан “ўлим сари” деб ҳам тушуниш мумкин. – Н.М.Р.), бир мўмин ўлароқ, ўлимнинг ҳақ эканини биларди. Тақдирга тан бермасдан иложи йўқлигини ҳам биларди. Суҳбатимиз руҳида шу нарса сезилди. Биз шу гал бошқача хайрлашдик. Шавкат акани охириги кўрганим ҳам ўша бўлиб қолди.

Ўлим мусибати одамларни бирлаштиради, унда бошқа ҳодисаларда учрамайдиган шундай ноёб хусусият бор. Худди шунинг учун ҳам Шавкат ака “Ўлим бирлаштиради бегоналарни” деб бошланувчи бир шеърда:

*...Мана, бегоналар,
бепарволар йўқ,
ниҳоят одамлар биродар – тенгдир.
Ўлимга бош эгдим
қўрққангиданмас,
ҳурмат қилганимдан бошимни эгдим, –* деб ёзган эди. У

ўлимни мардона қарши олди. Чунки бу дунёга у шунчаки келмаганидек, шунчаки ҳам яшаб ўтмаган эди. Ҳар ким қатори у ҳам бир вазифа билан келди ва шу вазифасини маромига етказиб бажарди. Сўнгра, вақтинчага бизларни ташлаб, эрта бир кун ҳаммамиз ҳам борадиган маконга – бу дунёдаги хизматларининг мукофотини олишга кетди. Жисман ўлими эса биз ихлосмандларини маънавий шахси – шеърлари атрофида бирлаштирди.

Аммо, мен сўзимни бу ҳазин оҳанглар билан тугатмоқчи эмасман. Сўзнинг сўнгини Шавкат Раҳмоннинг ўзига бермоқчиман. Ер билан сирлашиб ёзган бир шеърдаги умидбахш сатрлари шоир чиндан ҳам бу дунёда бекорга яшаб ўтмаганини билдиради бизларга:

*Тобора яқиндир
жасорат они –
мингта қуёши бор аўзал дақиқа –
менга ҳам бир куни бўлур намоён
кўлга насиб бўлган буюк ҳақиқат.
Мен севган дарёлар шундоқ қолурми,
мени ўйлатган йўл қолурми шундоқ?
Мен суйанган тоғлар шундоқ қолурми,
шундоқ қолармикан юракларда доғ?
Ногаҳон
хаёлим ёришиб кетар,
эслаб келажакнинг улуғларини.
Мен сочиб кетаман кўҳна бағрингга
ўлмас ғояларнинг уруғларини.*



Гулқайчи

Ашурали ЖҶРАЕВ



ҲАЖВИЙ МОНОЛОГЛАР

ГАПСОТАР

Ҳой, гапсотар, гапсотар, айт, қачон жағинг қотар? Тиним билмай сайрайсан, бунча жағинг қайрайсан. Бир нафас тин олсанг-чи, гапдан сал-пал қолсанг-чи. Иш деса гап сотасан, гапдан қачон ортасан? Гап сотиш ёмон иллат, бундан юрак ейди лат.

Ҳой, гапсотар, гапсотар, айт, қачон гапинг битар? Ё гапдан ёриласан, ё гапга қориласан. Қуруқ арава мисол гапни олиб қочасан, анойи кўнгилларга уруғ каби сочасан. Уйда нукул гап дейсан, кўчаларда гап сотиб, чойхонада гап ейсан. Дўстларинг сезар гапдан, оиланг безар гапдан. Қариндош-уруғ қочар, сендан олдин гап очар. «Иш билганга бир танга, гап билганга минг танга». Ушбу мақол шиоринг, тўхта бир зум оғзинг юм, борми номус ва оринг.

Ҳой, гапсотар, гапсотар, гап сотган доим ётар. Гап сотиб ёз қишлайсан, айтгин, қачон ишлайсан? Деҳқон ерни тоблайдиди, сенчи гапни қоплайсан, ҳамма ҳосил йиғганда, мадҳияни бопплайсан. Эринмасдан гап сотиб, бозорни тўлдирасан, тарозуга гап қўйиб, харидорни куйдирасан: «Кеп қолинг, ҳой гапхўрлар, сотаману кетаман, бир қопгина гапим бор, сотолмасам нетаман?»

Хуржунинг тўла гапдир, ўнг-сўлинг яна гапдир. Тўйга борсанг гап сотиб, микрофонни куйдирасан, меҳмонларни кар қилиб, жонидан тўйдирасан. Режа аниқ, минг оғиз гапирмасанг бўлмайди, лекин гапдан, оғайни, қорин қурғур тўймайди. Тўймаса тўймасин нетай, гап тугаса қайга кетай?

Ҳой, одамлар, қочинглар, гапсотар келяпти, елкасида гапхалта, шамолдай еляпти. Давраларни бездириб, жонингдан тўйдиради, гап сотиб охири гап билан ўлдирди.

ҚАРМОҚ

Ҳе, қуриб, чириб кетгур қармоқ, ярамас қармоқ, келиб-келиб... Илоё, ўтга тушгур қармоқ, куйиб кул бўлгур қармоқ, келиб-келиб... Ҳаҳ, тиғинг тошга урилгур қармоқ, пайинг узилиб кетгур қармоқ, келиб-келиб... Илоё, занглаб кетгур қармоқ, йитиб-йўқолиб кетгур қармоқ, келиб-келиб...

Сенга улкан кўлларда, катта-катта дарёларда, қанча-қанча каналу ҳовузларда сон-саноксиз баликлар оғизларини ланг очиб кутиб юрибди, қачон қармоқ бирор емиш олиб тушаркин, деб чарх уриб, сузиб юрибди. Сен бўлсанг, келиб-келиб...

Эҳ, қармоқ-қармоқ, сени оч балиқлар кутиб турганда, сен келиб-келиб, келиб-келиб-а... виждонга тушасанми?.. Одамнинг энг покиза, энг тоза виждонини нишонга оласанми? Ундан кўра қурбақанинг оғзига тушмайсанми, илонларга ем бўлмайсанми?..

Нима қилиб қўйдинг, номард? Нега виждонни бадном қилдинг, қармоқ? Энди охи-ратда бунинг жавобини қандай берасан? Ахир, виждоннинг охиратини ҳам куйдириб юбординг-ку!

Биламан, сен нукул виждонни овлайсан, зудлик билан палағда виждонга киришга интиласан. Ҳар қандай луқмага ўч баднафс виждонни бир лаҳзада илдирасан. Бир илдирдингми, тамом, шўрлик виждон сенинг қулингга айланади, сенинг беминнат хизматчинг бўлиб қолади. Чунки сени ҳам, сени тутиб турган қўлларни ҳам шайтон сеҳрлаган. Билмайсанки, азалдан Виждоннинг душмани Шайтондир. Одам қиёфасига кириб олган айрим Шайтон ва шайтончалар турли лавозимларни, паст-баланд амал курсиларини эгаллаб олиб, нуқул Виждонни овлаш, Инсонни бадном қилиш пайида бўладилар. Шайтон қармоғига тушган, унинг ҳаром луқмасига илинган виждонсиздан қочадилар, имонсиздан нари юрадилар.

Сен кўзга кўринмайдиган ўта хавфли, очкўз нафс қармоғисан, гоҳ чўнтақдасан, гоҳо тилдан, гоҳ оғиздан, гоҳо бўғиздан илдирасан. Баъзан тортмадан, баъзан орқадан, баъзида болишдан, баъзида нолишдан, гоҳо боридан, гоҳо йўғидан, баъзан очидан, баъзан тўқидан, гоҳ маърақадан, гоҳ тўйдан, гоҳ кўчадан, гоҳ уйдан берган луқманг аввал лаззат, кейин заҳар бўлади. Афсус, бундан тоза виждон аста-секин сўлади.

Тортил, инсофсиз! Виждонни тинч қўй! Уни ҳар хил харом-хариш йўлларга бошла-ма, эй баднафс қармоқ!

ЧЎЗ, ҲО ЧЎЗ!

Ҳе, чўзмай кет! Чўзмай ҳар бало бўлгур! Илоё, чўзмай чўзилгур! Нима қилардинг чўзиб-чўзиб, нима қилардинг чўзишга ўргатиб? Охир-оқибат ўзинг ҳам чўзилдинг, чўздириш касалига йўлиққан чўзмачи бошлиқни ҳам ўлик илондай чўздинг. Шу чўзилганича чўзилиб ётибди чўзилгур!

Чўзиш ҳам касаллик, чўздириш ҳам. Биров қоғозга ўраб чўзади, биров конвертга солиб чўзади. Биров совға усулида, бошқа биров тўёна қилиб чўзади. Яна биров билдириб чўзади, бошқаси сездирмай чўзади. Биттаси узун-узун қилиб, биттаси қисқа-қисқа, яна биттаси лўнда-лўнда қилиб чўзади. Аввалига муштдай-муштдай, кейинига ғиштдай-ғиштдай чўзади. Бирови бутун чўзади, бошқаси лағмондай чўзиб-чўзиб чўзади. Биттаси ётиб чўзади, биттаси сотиб чўзади. Бири ёнбошлаб, бири ачомлашиб чўзади. Бириси панада чўзса, бири ваннада чўзади...

Энди чўздиришнинг ҳам усуллари мўл, йўллари бениҳоя сероб. Бу шундай даҳшатли русумки, чўзмасанг ўзинг мажбур бўласан чўзишга. Истасанг-истамасанг чўздиришади. Энг ёмони чўзганингни ўзинг ҳам билмай қоласан. Ошхонада чўзасан, божхонада чўзасан, касалхонада чўзасан, дорихонада чўзасан. Бозорда чўзасан, етмай қолса наҳорда чўзасан. Гоҳ бездириб, гоҳ бездирмай чўзасан. Ортиб қолсаям, етмай қолсаям чўзасан, ҳолинг етмасада чўзасан. Баъзан уйқусираб, баъзан босинқираб, баъзида уйғоқ ҳолда кўриб-билиб чўзасан. Гоҳ ошна-оғайни ёрдамида, гоҳ таниш-билиш кўмагида чўзасан...

Қачон қутиламиз чўз-чўз офатидан, қачон чўздириш касали барҳам топади? Наҳотки, чўз-чўзнинг зиёни ўзимизга тегаётганлигини билмасак, наҳотки, чўз-чўз ту-файли ҳаром-хариш кўчаларда чўзилиб юрганимизни сезмасак? Катта-кичик чўз-чўзлар, майда-йирик чўздиришлар диллар бойлигини емиради, талон-тарож қилади.

Келинг, ақл-фаросатни йиғайлик, тезроқ чўз-чўз касалидан фориг бўлайлик. Авлодларимизга бундай ярамас иллатни мерос қолдирмайлик. Чўз, ҳо чўзни чўздирмайлик, пок виждонни тўздирмайлик, инсоф уйин буздирмайлик.

